

63.3

Сд

# УЗБЕК МАХМУД УДУМЛАРИ САТТОР



# Ўзбек МАҲМУД САТТОР удумлари

МИЛЛАТНИНГ  
КЕНЖА  
БЎФИНИГА

Бух. ТИП "ЛП"  
БИБЛИОТЕКА  
№



Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
«Фан» нашриёти  
1993

Кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган ушбу китобда инсоннинг дунёга келиб, яшаб, то умри лобинига етиб, тупронка қуийлганингача унга хамроҳ оуладиган энг асосий урф-одатлар, таомиллар, удумлар ҳакнида кизикавлъ хикоя чилинади.

4802050000 — 974  
С — рез. 93  
М 355 (04) — 93

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нашриёти, 1993 й.

ISBN 5-648-01982-3

*Бувижоним Нусратиби Абдураззок  
қизи, ушбу китобимни Сизинг нурли  
 хотирангизга бағишиладим.*

## СҮЗБОШИ

Болалик хотиралари ҳамиша киши қалбидә энг азиз ҳиссиётлар уйғонишига түрткі беради. Уни олес ва такрорланмас йүлларга етаклайди. Бу йүлларда инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида хизмат қилувчи турли туман воқеа-ходисаларга дуч келинади, ота-боболарнинг энг улуғ маънавий мерослари бамисоли дарёдай юрагинизга окиб киради. Бу меросдан бебахра одам боласи яшашдан маҳрум, ҳалқ эса таназзулга маҳкумдир.

Менинг Нусратиби отин деган, онамнинг онаси, бувим бўлардилар. Такдир тақозоси билан мен шу бувижонимнинг кўлларида тарбия топганман. Улар уз оталари Абдураззоқ табиб билан, Китобга, утган асрда, ҳали гудак эканликларида, Тошкентдан кўчид борганлар. Мен болалик йилларим бувимнинг тил-каломи гузаримиз хотинлариникидан бироз фарқ килишига ҳайрон булардим. Кейин билсам, бувим орадан карийб бир аср утса ҳамки уз она тиллари, шева ва лаҗжаларини унчтмаган эканлар.

Тил ҳам, феъл-атвор ҳам одамга кон билан кириб, унинг бутун жисму жонига тарашиб кетувчи анъаналар, экан. Бу нарсаларга эътибор бермаслик ҳамиша катта-кичик фожеаларни келтириб чикаради. Миллатларни бирлаштириб, ягона миллатга — совет ҳалкига айлантириш, тилларни тугатиб, ягона бир — рус тилига ўтказиш сиёсати қандай окибатларга олиб келганингини хар бирингиз уз қишлоғингизда, туманингизда яккол куриб тургандирсиз.

Гап бувим хақда эди...

У киши юз ёшнинг нари-берисида бу оламдан кўз юмдилар.

Бувижонимдан менга нималар мерос колди?

Кўп нарса!

Оlam-olam афсонаю асотирларга, эртагу чўпчакка, маталу масалга тўла хазинаю дафиналар бувимдан мерос колди. Шоҳ Машраб-у, Зайнул арабни йиглаб-йиглаб ўкиб берганларида, Мухаммад Али қиссандан ярзага келардим. Юсуф ва Зулайҳо китобидан Юсуф қиссаси, унинг бошига солинган азоб-укубатлардан менинг хам кўнглим бузилиб кетарди. Бундан ташқари, бувим ҳалқимиз минг-минг йиллардан буён таомил қилиб келаётган урф-одатларимизнинг мағзини, аҳамиятини тушунириб беришдан сира эринмасдилар. Китобда неки маъракаю маросим, айтилган жой бўлса, эринмай, оғринмай албатта борардилар ва нуроний чехралари ёришиб, қувониб қайтардилар. У ерда нималар бўлганини ипидан-игнасиғача биз набираларга оқизмай-томизмай айтиб берардилар.

Удумларимиз ҳакида ёзишга чогланарканман, куз олдимда ҳамиша бувим турдилар. У кишининг руҳлари кийналган чогларимда мададкор бўлди, баъзи бир жойларни шундай ёз, дегандай менга шиншидилар. «Катта арава қайси йўлдан юрса, кичик арава хам шу йўлдан юради», — дейди ҳаджимиз. Кимга фарзанд бўлсангиз, кимданки таълим-тарбия олган бўлсангиз, албатта ўша кишиларнинг асосий ахлоқий сифатлари сизга хам сингиб колиши табиий. Ушбу китобга дарж этилган урф-одатлардан кўпини сиз хам бувиларингиздан, боболарингиздан эшитгансиз. Баъзиларингиз эса унда-мунда айрим китблардан, бадиий асарлардан ўқигандирсиз. Бирок, аминманки, жуда кўпчилигингиз, айникса, она заминдан

үзилиб, шаҳарларда, кўп қаватли иморатларда яшаётган ёш авлодлар бу ҳалкона удумлардан бехабарсизлар

Хар бир тараккӣ этган, маданиятли ҳалқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, осори-атикалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек ҳалқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданий ҳалклардан бири сифатида мана шундай хазинага эга. Бу билан биз ҳақли равишда фахрлансанак арзиди. Бунинг учун ўша қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз, саклаши-миз ва кейинги авлодларга ҳам етказишимиз инсоний бурчимиздир.

Шуни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар давомида шаклланган урф-одат, маросим, адабиёт, санъат муаллак ҳолда, ўзга ҳалклардан бекитиқча пайдо бўлиб, ривожланмаган. Аксинча, биз билан қадимдан ёима-ён, жон кўшни сифатида ҳаёт кечириб келаётган кардош қозок, киргиз, туркман, тоҷик ва озарбайжон ҳалкларининг бевосита иштироки, ҳамроҳлигида яратилган, тараккӣ топған. Ҳатто жаҳоннинг кўплаб бошқа ҳалклари вакилларининг ҳам бу қадимий маданиятнинг шаклланишида муайян ҳиссалари бор.

Хар бир ҳалқ ана шу удумлар, урф-одат, ўтмишга чукур томир отиб кетган уқ илдизлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутади.

Инсон боласи ёшлигидан яхши ва ёмон одатларнинг қайсисига кўнишиб, урганиб қолган булса, бу удум уни бир умр тарк этмайди. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда, «бешикда төккан — кафанды кетар» ёки «дард кетар одат қолар», «иллат кетар --- одат кетмас» деган мақоллар бор.

Келинг, биргалашиб умри узун удумлар — урф-одатларимиз мамлакатига саёҳат қиласайлик. Билғанларимизни мустаҳкамлаб, билмаганларимизни билиб, ҳаёт сабокларидан баҳраманд бўлайлик.

## І Б О Б . Б О Л А Л И К – Б Е Ф У Б О Р Л И К

---


### ТАВАЛЛУД. БЕШИК. АЛЛА

Таваллуд тоңған боланинг күлогига ота-боболаримиз Сиринчи навбатда бир мулла-чақириб, азон айттирганлар. Аzon айтилганда боланинг күлоги очилган. Одамларни эшитиш, тиглаш кобилияти иш бошлаган. Исми илк бор чақалокнинг ўз күлогига сингдирилган. Сунг унинг чилласи – кичик чилла ва катта чилла ўтказилади. Кичик чилла йигирма кунгача, боланинг онаси, энагаси, момосидан (доя) бўлак ёнига, чидлалик бўлганилиги учун ҳеч ким киритилмайди. Катта чилласи, кирк кун ўтганидан кейин болани бешикка белаш маросими бўлиб ўтади.

Чилданинг маъноси шуки, белгиланган муайян муддат давомида (кичиги 20 кун, каттаси 40 кун) хонадонга бегона одам киритилмайди. Намозшомдан кейин ҳеч ким кучага чикмайди, бемахалда кӯчадан ҳовлига бирор кирмайди. Чилдали жой десантиз, зарурманд, шошилинч меҳмон ҳам мусулмон булса, тушунади. Эртаси, кун ёргугда хонадонга ташриф буюради. Яиги дунёга келган болани ёмон куздан, ине-жинисдан асраш, уни гигиеник ҳимоя килиш учун шундай килинади. Чилла кунлари она ва бола яхши парвариш килинади. Улар оқ юваб, оқ тараб, гард ҳам юқтирумай, озода уйда сакланадилар. Сут билан кирган жон билан чикар, дейдилар.

Бобокалонимиз Абу Али иби Сино ҳазратлари гўдак бола чилласи, унинг энагаси парвариши тўғрисида минг йил бурун бугун ҳам ибрат бўладиган рисолалар ёзиб кетганлар.

Таваллуд топган бош фарзанд бўлса, бозордан бориб бешик сотиб олинади. Иккинчи ё навбатдаги фарзанд бўладиган бўлса, опа-акасининг бешигига беланади.



Бешик — бола оёққа тургунча ётадиган, яшайдиган жойи, бошпана уйидир. Шу кунгача замонавий хурофотчилар томонидан заарарли аталиб келинган бешик аждодлари-миз кашибиётлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Бешик мевали дарахтларнинг таналаридан ясалган булиб, ости тўрт оёкли, текис терилган тахта ётқич, тувак учун маҳсус тутқич тешикдан иборат. Икки ёнбош ва оёқ томонларнинг устки кисми ёй булиб, тутқич тебратгичга, кунгирага уланган. Икки ёйни эса йуғон, ўймакор ўзак ёғоч boglab туради.

Бешиклар кейинги пайтларда асосан тут ва тол дарахтларидан ясалмоқда. Бешикнинг пастки кисми ағдарилиб, каттиқ чайқалиб кетмаслиги учун вазминироқ бўлган тут дарахтидан, устки ёй ва йуғон ўзаклар, тутқич-кунгираш толдан, тепа тебратишда осон ва енгил чайқалиши учун тол новдаларидан ясалади. Унга гул бериш, ўймакорлик ишлари Туркистон, Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятларида ўзига хос санъат даражасига кутарилган.

Мустаҳкам, кулаги, яхши, хосиятли битта бёшик бир оиласида ўн фарзанднигина эмас, уч-тўрт авлодни тарбиялаб, вояга етказиши мумкин. Ўзбеклар, тоҷикларда бобоси, отаси ётган бешикда тарбия тонган боланибираш бор. Ёш оналар ихлос қўйиб, мана шундай хосиятли, қадимий, кўхна бешикларда ўз болаларини бокинши афзал кўрадилар. Ўзбек шунинг учун бешикни муқаддас билиб, уни ҳеч қачон ёш чақалоги бўлмаса ҳам ташлаб юбормайди. Ҳамиша ўзи, оиласи билан бирга олиб юради.

Бешик устига ёзда енгил сурп, кишида духоба ёпкичлар кийдирилади. Фарзанднинг ўғил-кизлигига караб, сумаклар алмаштирилади, холос. Бешикка белашнинг йул-йуригини аввало кайвони аёллар, ходим ё бувилардан бири бир-икки кўрсатишади. Боланинг баданига қўйруқ ёғи суртилади. Бешик остига тўшаладиган кўрпача — қовузга қовуззлок, яъни тариқнинг кипиғи солинади. Шундай килинса, боланинг эти тушакка ёпишмайди, харакатда

бұлади. Боланинг күл-оёкларини бешикка текис boglab, тепа үзак ёғочида ұралып турувчи белбоглар ипак матолардан тайёрланади.

Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув кефак, деганларидаій, бешик — гұдакнинг кичик хонадонда бола ва она учун барча лозим шарт-шароитлар хисобга олинган. Онанинг үз боласини вактида, үнғай, қулай эмизиши учун бешик останадан бир-икки қарич юкори жойлаштириләди. Боланинг ёстияғи остига нон ёки пичок құйилади. Тебратишига қулай бұлсın учун эса түрт туёк-оёкларнинг бош ва оёк томондаги жуфтлари орасига андак ёйсимон тахта кокилади. Бу бешикнинг тақилламай, болага заха бермай тебратишига ёрдам беради. Ушбу ҳолатда бошка иш билан машгұл она боласи бешигини үзүн ип восита-сида узокроқдан, иш килиб турған жойидан туриб ҳам тебратиши мүмкін.

Бешикнинг дала, ёзги шакли беланчак ҳам борки, буни кишлоқ ахли жуда яхши билишади. Беланчак айвонда икки устун, богда икки дараҳтга боғланадиган икки арқоннинг уртасига қалинрок матодан болага жой килиниб, бош ва оёк томонига икки арқонни айириб турувчи үқлов-чұплар құйилади. Беланчак жой үрни болага мос катталикда ясалиб, беланған боланинг бели беланчак билан күшиб бойланиб, сұнг тебратилиб-учириләди. Беланчак бешикнинг ёзги шакли бұлғып, унинг барча вазифаларини бажаролмайды, албатта. Бирок бир-икки ойлик ёзлок, күчма бешик үрнини босиши билан аёллар жонинга оро киради.

Бешик бор жойда бола бұлади. Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимдан үз болалари бешиги тепасида кечаси бұлсın, кундузи бұлсın, алла айтиб келишган. Аллаларда халқ турмушининг жуда күп кирралари үз инъикосини топған. Алла үз оханды билан болага она нағасини етказиб туради. Гұдакни хотиржам

килади, элитади, ором олиб ухлашига имкон беради.

Аллаларга оналар ўз ҳис-туйгулари, орзу-армоилари, истак-ниятларини, дард-хасратларини ҳам күшиб айтганлар. Алла ахлоқий, тарбиявий, дидактик, анъанавий ва оний ижод намуналаридан иборат бўлган. Алла тинглаган бола онага меҳри сут билан ўз танига, шуурига сингдиради. Алла инсонда, онг катламларида бир умр мунгли, ҳазин, нурли кўшик бўлиб сакланиб қолади. Алла эшитмаган болада бу хусусиятлар бўлмайди. Манкуртлик мана шундан келиб чиқади. Бола ўз онасини ўзга аёллардан фарқлай олмайди. Үнда ўзига оналик хислатини тополмайди. Алла нафақат онанинг болага меҳри, балки боланинг онага меҳр-оқибатини ҳам маънан таъминилайди.

Ўзбек онаси алла айтаркан, бу аллалар бир-бирига сира ухшамайди. Хатто бир онанинг бугун айтган алласи кечагисига ухшамаслиги мумкин. Айни пайтда, аллаларда ҳамма она ва болага хос бўлган умумийлик ҳам бор. Бу меҳр, бу — муҳаббат!

### ИСМУ ШАРИФ

Дунёдаги барча жонли-жонсиз нарсаларнинг хатто оний воқеа-ҳодисаларнинг ҳам ўз номи, исми, атамаси бор. Исмларда хар бир нарсанинг, воқеа-ҳодисаларнинг ахамиятли томонлари аке этади. Халқ орасида одам боласи ўз кулк-атвори, феъли хўйи ва шу жумладан, исми билан туғилади, деган гап бор. Ота-оналарнинг хизмати ўз фарзандларөуносиб номни топиб кўйишдан иборатdir. Ўз исмининг маъносидан келиб чиқиб, Абдулла Орипов «Ёзажакман» деган разалини шундай яқунлайди:

*Кулдур демангиз, гарчи номи Абдулла эзурман,  
Расул ҳам эмас, йўқ ҳали үнвон, езажакман.*

Кадимги ота-боболарингиз бошқа одатлар қатори исм күйиш одатини ҳам тарк этмаганлар. Исм түгилган боланинг қайси уруғдан, қандай сулоланинг печанчи авлоди эканлиги, унинг таваллуд топған вакти, жойи, саломатлигининг ахволи, бола танасидаги алоҳида белгилар ва бошқа омилларга караб, китоб кўриб, кўйилган. Албатта ўғил болаларга аталған исмлар кизалокларини-кидан фарқ қилған. Исм күйиш одатда қишлоқ, ма-ҳалла-гузарпинг кекеа, ўқимишли, донишманд кишилари имтиёзида бўлған. Баъзан муайян оиласининг энг кекеа ёшли окоқоли, бувиси зиммасида қолган. Айрим холларда чақалокларининг кулокларига аzon айтиб, улар кулогини очадиган суфи, муллалар ихтиёрида бўлған. Болага исм күйиш гоятда жиҳдий, масъулнитли удум саналиб, бу исм бўлажак фукаронинг келажак тақдири-аъмоли, ҳаёт йўлига таъсир килади, деб тушунилган. Шунинг учун ҳам уруг, касб-кор-у сулола мавкеига мос исм күйиш тақозо-килинган.

Аёни, хозирги вактда кўпчилик ўтмишда ўтгай буюклишиш, шоҳларининг исмларини қўйишни ёқтиришади. Бирор, ақидаларга кура буидай исмларни боланинг кутара олиши ёнини олмаслигига ҳам караб қўйиш керак. Ҳалқда булар юки оғир исмлар дейилади.

Барибир, исм кўйишда мувофиқлик-мутаносиблик булгани тузук. Айтайлик, Темур ёхуд Улугбек, Жаҳонгир, Мухаммад деб исм қўйилса-ю, бола улғайганда бу исмларга муносиб бўлмай, ҳаром-ҳаринш, ёмон ишларни килиб юреа, албатта, буидай номларининг обруйини тұқади.

Оддий, камсукум исмдаги бола улғайнб, элу юртнинг назар-эътиборини тортадиган улуг одам бўлиб етишса, уз исмни оқлаган хисобланади. Шу үринда севикли шоғримиз Абдулла Ориповнинг «Отелло» шеъридан қуйидаги мисраларни көлтириш үринидир:

Арабий күлонкир — гарбнинг хўжаси.  
Майлига, гапимга қилма эттироуз.  
Менман, бу узбекнинг даҳрии жўжаси.  
Уйқашга ухшайди исмимиз бир оз.  
Кандайдир оллодан сенинг волидонг  
Тиланиб олибди, мен-чи, садақа.  
Савдомиз бир экан, номлар ҳамоҳанг  
Ва лекин, ухшамас, қалблар, шунақа...

Аввало исмлар мавруди билан худою пайғамбарларнинг номлари асосида Расул, Акбар, Наби, Фани, Мухаммад сингари аталган. Бу билан фарзанд оллойи таолоннинг марҳаматидан дунёга келди, умри узун бўлсин, худо ёрлақасин, деган инят килинган. Худойберди, Оллоберди, Тангриберди сингари исмлар аксарият пайтларда кизлар орасида тұтылган ягона ўғил болага, тиляб олинган фарзандларга күйилган. Бола тугилган фасли, вақт ва маросим даврига караб: Бахор, Наврӯз, Тўйчи, Чўли, Байрам сингари номлар билан аталган.

Чакалоқнинг оиласындағы ўринига қараб Эргаш, Ўгилой, Кўчкор каби номлар берилган. Бадаи белгиларнiga қараб Холдор, Ортиқ, Кудрат, Суннат деб күйилган. Тугилган кизларнинг қадами хайрли келсий деган инятда Хайриниё, Умриниса, Робия, ой-куёшдек барқарор бўлсин деб Мунаввар, Шамсикамар. Ойпари, Ойгул аталган. Гулу чечаклардек нафис, муаттар ва ёқимли бўлсин, деб Гулранг, Гулчехра, Нартис сингари исмлар күйилган.

Подшозодаларда шажарани мустахкамлаш учун болага отасининг исми кўйилиб, сони оширилган. Масалан, Хоразмшоҳ Отсиз, Мухаммад Раҳим иккинчи, Феруз Икки сингари Исмларнинг кўплари араб, форс тилларидан олинган бўлиб, муайян маъно-мазмун ташилган. Бунинг сабаби диний ақидалар буйича арабча исмлар

хосиятли, бахт келтирувчи худо, пайгамбар, азиз-авлийлар номлари бўлганлиги учун табаррук деб биллинган. Албатта, исмлар орасида соф туркий номлар ҳам кўп учраган.

Машхур аждодларимиз номларига эътибор берадиган бўлсангиз, уларнинг албатта тахаллус танлаганиклари-нинг гувохи бўласиз. Исмлардан кўра тарихда худди шу тахаллуслар машҳур бўлиб, асрлар оша сакланиб келган. Тахаллус танлашда ҳам сулола, шажара, киндик кони томган юртга дахлдорлик инобатга олинган. Масалан, Кул Ҳожа Аҳмад Яссавий бобонгиз қадимги Ясси, ҳозирги Туркистонда камолга етганлари учун шу тахаллусин ўзларига ҳамроҳ қилганлар. Юсуф Болосогуний, Махмуд Кошгарий, Абу Наср Форобий сингари номлар ҳам худди шу акидага суюниб олинган.

Абу Райхон Беруний бобонгиз берун-қишлоқ, сахро, шаҳар ташкариси маъноларини берувчи атамани танлаб ҳозирги тил билан айтганда, Саҳройи, Қишлоқи тахаллусини исмига ёр этган. Абдураззок Самарқандий, Мир Карминий, Қадам Ҳивокий, мавлоно Кеший тахаллусларининг ҳам муайян шаҳарлар номи билан bogлиkligini тушунтириб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Баъзан лâкаблар ҳам исм ўрнини босиб, тарих мулкида мангу сакланган. Масалан: арабча никоб маъносидаги Қуқанна, холдор бурун маъносидаги Менглибурун, Мангуберди сингари...

Хаётимизга шўро хокимиятининг жорий этилиши муносабати билан одамлар орасида мутлако янгича, шу тарихий давр ва унинг машҳур кишилари номи билан boglik исм-атамалар пайдо бўлган. Масалан, Маркс, Октябрь, Вилор, яъни «ёйганда» Владимир Ильич Ленин — организатор революции, МЭЛС — Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин ва хоказолар.

Бу исмлар, албатта, сунъий, кўр-кўронада ўйлаб топилгандир. Чунки, кўпинча инкилобий ҳодисалар ҳам ўткинчи саналиб, исмлар эса авлодлардан-авлодларга ўтиб борадиган, ўз зиммасига аждодлар хотирасини юклаган муқаддас тушунчалар сирасига киради.

Бола туғруқхонада таваллуд топаркан, отадан етти кун орасида фарзанди учун гувоҳнома келтириш талаб килинади. Гувоҳнома ёзилаётгандада «Исмингизнинг маъноси нима?» китобида жо булган туркий халқлар ва ўзбек миллатига мансуб исмлар рўйхатидан фойдаланиш максадга мувофиқдир. Кўпгина қишлоқларимизда эса бу янги расмга кўп ҳам риоя килинавермайди. Ҳозир шахарда бўлсин, қишлоқда бўлсин, ўз даврига караб, баъзи бир исмлар ниҳоятда кўпайиб, баъзилари эса мутлако танқислашиб, йўқолиб кетаётир.

Козок, коракалпок, ўзбекнинг айрим уруғларида бола туғилган захоти ота ўтовдан ташқари чиқиб от қўяркан, таомилга кўра кўзига биринчи бўлиб кўринган нарса ё жон-жонинворнинг исмини қўйиш анъанаисига амал қилинган. Шу тарника Кўчкор, Арслон, Бургут, Қалдирғоч, Бўрибой, Итбой, Овулбек каби исмлар пайдо бўлган. Бошқа баъзи қишлоқларда сулоланинг касб-корига, қишлоқнинг турмуш тарзига мослаб Тош, Теша, Болта каби исмлар қўйилган.

Кўпинча боланинг қайси кунда тугилганлиги хисобга олинниб, унга исем танланган. Бозорвой, Жумавой, Чоршанбе сингари номлар ана шундайлардан хисобланади. Отаси аскарлик хизматини ўтагани кетганда тугилган болаларга Асқарали деб, жангдан қайтмаганларининг ўғил-қизларига эса Ёдгор деб исем қўйилган.

70-йилларда ўғил болалар орасида Алишер, Бобур, Фурқат, Улугбек номлари, қизлар орасида эса Наргис, Нодира, Махзуна жуда оммалашиб кетди. 80-йилларда

Ойбек номи кенг таркалди. Бутун шаҳару қишлоқларни Улугбек, Бобур, Ойбеклар эгаллашиб олишди. Аждодларимиз ағъаналарига риоя қилинганды албатта, бундай үнгайсиз ҳол юз бермасди. Бир пайтлар ўта замонавий хисоблаинган Ўткир, Эркин, Умид исмлари ҳам бир мавсум расм бўлди. Исмлар айрим вилоятларига қараб ҳам бир-бираидан фарқланади. Хоразмдаги исмлар билан Фарғонаникини, Кашикадарё ва Сурхондарёда қўйиладиган исмлар билан Қорақалпокникини алмаштириш мумкин эмас.

Хозирги кунда болага исм қўйишда муайян анъаналар, тарихнинг мураккаб синовларида ўтган удум-одатларга риоя килмай, шунчаки урф кетидан кувиши туфайли ёш ота-оналар бирор китоб қаҳрамони, кино юлдузи, атоли шахс, тарихий зотлар исмларини ўз фарзандларига ўрин бўлса-бўлмаса кўйиб, оқибатда уларни ишқулай ахволга солиб қўймоқдалар. Эскию янги бўлишидан қатъи назар, узига муносиб ном қўйилмаган бола келажакда ота-онаси, бобо-бувисидан домонгир бўлади. Бунга ҳакки бор ҳам, албатта. Баъзан бу порозилик ўз номини ўзгартириш билан тугайди.

Яна шундай холлар-бўладики, фукароликни кайд этиш идораларида асосан ўруска сўзлашувчи амалдорлар ишлашлари туфайли ўзбекча исмларнинг кўплари бузиб ёзилган. Гувоҳномаларда, паспортларда исмингиз булагу ҳаётда, оиласда, дустларингиз орасида отингиз бошка. Ҳужжатларда Эгамберди Игамберди бўлиб, Гози Гази бўлиб, Олим Алим тарзида ёзилиб колган. Ҳужжат хисоб — Сиз номингизни шу когоз асосида юритиш ва айтишга мажбурсиз.

Хайриятки, хозирги кунга келиб, узбек тили жумҳурият да давлат тили сифатида тан олиниб, ҳаётга жорий этила бошлаганидан кейин бу борада ҳам анча ижобий сијатшишлар юз бера бошлиди.

Исм қўйиш одатида ўғил-қизга ота-онанинг, ака-опаларининг исми ҳам муайян ўрин тутади. Кейинги номлар шу исмларга ўйқаш тарзда қўйилади. Масалан, Наним, Карим, Салим, Махмуд, Маъсур, Максуд сингари. Баъзан уруғ, табака хисобга олиниб, Хўжа, Мир номлари исмга олд ё ортдан қўшиб айтилади. Эгизаклар албатта Фотима-Зухра, Тоҳир-Зухра, Ҳасан-Хусан исмлари билан аталиши фарз.

Кишилар уртасидаги муомала-муносабатларда исмларининг тўғри талаффуз этилиши мухим аҳамиятга эга. Бир-бирларини кўнглидан яқин олиб, ардокловчи одамлар исмларининг ёнига «жон» кўшимчасини айтиб чакиришадики, бу икки уртадаги муносабатларда иликлик тугдиради.

Эътибор берган булсангиз, қариялар, «хой», «ҳей» дея бир-бирини чакиришаётган болаларга, албатта, танбех беришади. Шунингдек, исмлариниг ярмини айтиб, ярмини колдириб айтиш, ўрусчага айлантириб чакириш катта маданиятсизлик хисобланади. Гулчехра, Гулбодом, Гулнора, Гулаидом сингари хилма-хил чиройли исмларининг ягона «Гуля» номи остида жамланиши кечирилмас ҳолдир.

Эр-хотинлар бир-бирининг номини айтиб чакиришмайди. Жуда зарурнят туғилганда, улар бир-бирларини катта фарзандларининг номи билан аташади. Бу хол шарқона нафис муносабатнинг бир белгисидир. Ўзбекчиликда тарбия ўғил-қизга ном бериш, исм қўйишдан бошланади. Ота-онанинг бурчи боласига муносиб исм қўйиб, кўлини ҳалоллаб, бошини иккита қилиш эканлигини Сиз ҳам эшитгансиз. Шунинг учун ҳалқимизда «ота булиш осон — оталик қилиш қийин» деган накъя бор. Мураккаб ҳаёт йўлида тўғри исм олган ўғил-қиз ота-онанинг, авлоднинг муносиб давомчилари бўлиб, бу йулда катталарга ёрдам беришлари талаб қилинади.

## УЧ ҚАРЗНИНГ БИРИ

Шарқ халқлари орасида энг кенг тарқалган удумлардан бири хатнадир. Хатна неча ўн йиллар мобайнида каттиқ назорат остига олинишига қарамасдан, Араб ва Ажам мамлакатларининг барчасида бўлгани каби ўзбек, тоҷик, озарбайжон, козок, кирғизнинг бирор ўғил фарзанди хатна қилинмай қолгани ўйк.

Хатна одати бекитикча ўтказилди. Номи ва аталиши ўзгарди-ю, тўйи эса амалда ўтказилаверди. Хатна — мусулмон боласининг «қўлини ҳалоллаш», яъни, жинсий аъзосининг бош қисми пўстлоғини чиллиб ташлаб, аъзони «ҳибс»дан озод қилиш, гигиеник томондан тозалик ва согломликка риоя қилишдан иборат.

Бу одат ислом дини пайдо бўлмасидан олдинок Ахура Мазда — Авесто даврида Эрон ва Туронда, сунгрок яхудийлар дини иудаизм коидаларида ҳам мавжуд эди. Қадимги яхудийлар ўз худолари кўрсатмасига кура ўғил бола туғилган кундан то 12 кунигача албатта унинг жинсий аъзосини чилпиш одатини амалга оширишган.

Ўрта Осиё минтақасида ҳали айтганимиздек, исломдан өлдин ҳам бу одат мавжуд бўлса-да, ислом дини, арабларнинг кириб келиши билан янада катъијорқ конунлаштирилди. Суннатилик мусулмонликнинг бош омилларидан биринга айланди.

Хатна тўйи одатини халқ орасида фарзанд қулини ҳалоллаш, «суннат тўйи» деб юритилади. Чуки буррон атамаси бу одатнинг асл моҳиятини ифодаласа, «туғилган кун», «именина», «мактабга бориш тўйи», «боғчадан чиқиш тўйи» кабилар хатна одатининг никобланган, яширип ном-атамалари сифатида узок йиллар кўлланиб келди.

Халқ маънавий жиҳатдан қанчалик қашшоқлашиб



боргани сайин у булар-булмас ўзини кўрсатишларга, пулу бойликлари билан мактанишга шунчалик ружу қўяди. Хатна қилиш одатининг нотуғри талқин қилиниши туфайли, кейинги пайтларда тўйлар ким ўзарчилик тусини олиб кетди. Мухаммад Алайхиссаломнинг ҳадисларида ҳам кўрсатиб ўтилишича, ўғил тўйида бир ис чикариш ҳам хисобга ўтар экан. Боланинг хатна маросимида ҳамма нарсасини совуриб, унинг үқиши, турмуш шароитини яхшилаш учун ҳеч нарса кильмайдиган ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари мақбул ҳол эмас. Улар гўёки ўғил кўрсам фалончи артистни олиб бориб тўй қиласман, дея ният киладилару шу ниятларини амалга ошириш учун отарчилар канча пул сурашса аямай сочадилар.

Кураш, улок, дорбоз ва шу сингари миллий уйинларни хатна тўйида ўтказиши, шундаям камтарона солимлар кўйиб, ортиқча чикимсиз, «сендан мен зўр» деган вас-васаларсиз туй қилиш максадга мувофиқдир. Аксинча, хатна маросими оркали обру олиб қолишни истаганлар бизнингча энг пасткашлика борган кимсалардир. Чуки-бурронда «уста ҳаки» деб йифиладиган пулни ҳам кўпчилик боланинг отаси мансабига караб, унга яхши кўриниш учун кўп міқдорда ташлашга ҳаракат қилишадики, «мусулмонликни муборакбод» этишнинг бундай йулини оклад бўлмайди.

Биз мусулмонларда, яхудий биродарларимиздек боланинг уй икки кунилик бўлгунинг қадар эмас, балки ўғил фарзанднинг 7 ёшигача албатта суннат қилдириш фарз саналади. Хатна одатда тоқ соняларда: 1, 3, 5, 7 ёшда амалга оширилади. Баъзи болалар табиатан асли жинсий аъзоси чилпилған, аъзонинг боши очик тугиладилар. Бундай болалар мусулмон ҳалқларида Суннат деб аталарадилар. Улар учун туй маросими ўтказилса-да, жисман дахлсиз қоладилар.

Хатна — құлни халоллаш маросими учун оиласа катта тайёргарлик қүрилади. Илгарилари болалар хатнага ётқизилишидан олдин катта түй берилиб, күпкари чопилған, кураш тушилған, базм қурилған. Бола ёки оиласыннинг бир неча болалари баъзан уканинг фарзандлари, камбағалроқ қариндошларнинг болалари ҳам маҳсус ясотиғлиқ хоналарда «ётқизиб олинади».

Хатна қилиш маҳсус уста-сартарош чакириш орқали амалга оширилади. Уста-сартарош бола (болалар)нинг аъзоси пұпагининг қалин-юпқа, қоғоти-құраклигига қараб чилпиш ишини амалга оширади. Бунинг учун аъзо учига маҳсус гаров қистирилиб, пұстнинг чилпинадиган қисми устара, поки билан шарт кесиб олинади. Боланинг чукибуррон қилиниши унинг жонини оғритади, албатта. Шунинг учун нозиктаъб оналар бу жараёндан узокда үзга хонада жимжилогини бир коса унга тикиб турадилар. Ота эса үғил ёнида бўлиб, дийдаси қаттирок бўлса, боланинг кўлини ушлаб туриши, бўлмаса ҳаяжонини босиш учун қулини совук сув солинган идишга тикиб туриши лозим. Оний жараён — кесиш олдидан тагин чалғитиш мақсадида болага удум сифатида бутун нон тишлатилади. Бола чимиллаган, жазиллаган оғриқдан ионни қаттиқ тишлаб, катта булагини узиб олади... Бу уринда дикқатни чалғитиш учун утирганлар томонидан «хўйдо-хўйдо» деган овозлар ҳам берилади. Шу заҳоти кесилған аъзодан гаров олинниб, маҳсус тайёрланған, куйдпирілған пахта — сұхта ёпишириллади. Сұхта оғриқни, кон кетишини тұхтатади. Кесилған тери ҳовлиниң хилват бир ерига күмилади.

Бу жараёндан кейин бола (болалар) ётған духоба күрпалари устига енгил чойшаблар ёпилиб, кесилғанлар чалқанча ётқизиллади. Суннат қилинған аъзо устига боланинг дүпписи кийдирилиб қўйиллади. Бу ихота — қўли

ҳалолланган бола аъзосига ташки таъсир — пашша қуниши, кўрпа-чойшабнинг ногаҳон тегиб кетиши, сұхтанинг тушиб кетиши сингари ҳодисаларнинг олдини олади.

Қўли ҳалоллангани, мусулмон бўлгани, гўдаклик фаслидан болалик, ўсмирлик босқичига киргани билан болани қариндошлар муборакбод килиб келадилар. Унга турли қимматбаҳо совғалар, танга ва пул ҳадя килишади. Қесилган бола узғи билан бир ҳафтада тузалиб, оёқка туриб кетади. Яраси битавермаса, одатда, ўз сийдиги билан ҳам даволашади. Бундай болаларга удумга кўра сурпдан оқ яктак ва кенг оқ лозим тикиб берилади. Тўй маросими шундан сўнг ўтказилиши ҳам мумкин.

Ота учун уч нарса мусулмончиликда карз саналади.

Булардан биринчиси боланинг қўлинни ҳалоллаб, хатна килдиришдир. Иккинчиси, унга илм бериб, хунарли қилиш дунёни танитиш. Учинчиси, уйлантириб, ҳовли-жой қуриб, мустақил ҳаётга йўлланма беришдир.

Эътибор берган бўлсангиз, буларнинг ҳаммаси боланинг комил инсон бўлиб етишувида катта аҳамиятга молик йўл-йўриклардир. Одам боласи ўз тафаккур тарзи, майший турмуши билан бошқа жонзорлардан фарқланар экан, унинг учун ҳамма яхши нарсалар одатга, удумга айлана боради.

## ҚУЛОКТИШЛАР

Кейинги авлодларимиз томонидан қаттиқ таъкиб остига олиниб, лаънатланиб, йўқ килиб юборилган одатларимиздан бири бешиккетди, қулоқтишлар одатидир. Бешиккетди, қулоқтишлар одатлари сўнгги пайтларда негадир таъкиб остига олиниб, йўқ килиб келинди.

Лекин, ҳар бир асл нарса замонлар тұғонига, түсіклар, қарама-каршиликларга дөш бера олиши туфайли ҳам қимматидир. Шунданмікін, бешіккетди, кулоқтишлар одатларига чекка-чеккадаги қишлоқларда, халқимиз-нинг ўзлигини йүкотмаган қавмлари орасыда ҳануз-гача амал қилиб келинди. Доно бувиларимиз, күпни курган қарияларнинг хизматлари халқона ұдумларнинг сақланиб қолинишида бекіёс бұлды.

Бешіккетди, кулоқтишлар одатлари, айникса, Сурхон-дарё вилоятининг айрим туман ва қишлоқларида күпроқ сақлааби қолган.

Хусусан, ёш оила қурувчи келин-куёвларга аждодлар мероси, ота-она истаги «ғов булишига» йүл күймадик. Дунё күрган, биздан беш-үн күйлакни ортиқрок йиртиб, муайян тажриба орттирган одамларни консерваторлар деб атаб, ҳаётдан ортда қолган, қолок, жохил кимсалар қаторига құшдик.

Хуллас, ютдикми-ютқаздикми, жамиятимиз, энг ёмони, ўзимизнинг ўзбек оиласында бир неча авлод тирик етимлар тарбиялай бошладик. Болалар уйларини күпайтириб, ҳаётдан, турмушдан узилиб қолган, илдизсиз ниҳоллар етиштирдикки, бу авлодлар, биз ҳар қанча жар солмайлық, жамиятдан ўзининг мұносиб үрнини топа олмаяпты...

«Бешіккетди» одати ҳакида.

Оылада қиз бола туғилди, дейлик, Чилласи чикиб, бешікка беланиш маросими, бешік түйи үтказилди. Қариндош-уруғ, дүст-оғайнайлар янги фарзанд билан муборакбод этгани бу' оиласа келишди. Шунда үгиллик биродарлардан бири ният қилиб, етаклаб борған 5-6 яшар үғилчасига чақалок қызaloқни тилайди, суратади. Албатта, бундай «қудачиликка» интилиш ҳали жиш гудакнинг «хуснли» ё «яхши тарбия курган»ligи туфай-

ли эмас, чақалок ота-онасининг одамшаванда, тагли-тугли одамлар бўлганлиги сабаблидир.

Агар «Кизи бор-у нози бор» оиланинг бобою бувиси, ота-онаси, қариндош-уруғлари розилик беришса, «кулоктишлар» одати ўtkазилган. Бояги болакай бешикда ётган кизалокнинг «кулогини тишлаган». Бу билан унга эга, ҳомий, ҳамроҳ саналиб қолган. Бир домла ҷақирилиб, бу жараён қишлоқ оқсоколлари гувохлигига «расмий-лаштириб» қўйилган. «Бешиккетди» дегани кизимиз бешикланок сөвчину элчисиз ўз муносиб харидорини топиб, «сотилиб» кетди, деган маънони берган.

Кадим замонларда бундай «кудачилик» маросими қабилалар уртасидаги уриш-жанжалларга чек қўйган. Тинч қушничиликни сақлаб қолган. Икки ёшнинг улғайиб, тўй-томоша билан қовушишларнга қадар ўртада яхши қушничилик, «ол товоғим, бер товоғим» бўлиб турган. Оила курилгач эса бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб, қариндошлиқ томирлари чуқур илдиз отиб кетган. Аждодларимиз «куёв — юз йиллик — қудаминг йиллик» ақидасига риоя қилишган.

Улғаётган қиз ўз ниҳол умри давомида «кулогини тишлаган» йигитга, йигит эса булажак қелинчакка ғойибона меҳр, интиқлик, ҳурмат билан вояга стишган. Икки томон ота-она ҳам шунга муносиб ҳаракат қилиб, янги тузилажак онла тадоригини анча узокдан кўриб боришган. Вақти-соати келганда тўйга қийналиб, шошилиб, енги тор келиб қолишмаган. Кўп йиллар давомида бир-бирларини синаб, кам-кўстларини тўлдириб боришган.

Бундан ташкари, ахлоқ-одоб, меҳнат, ўқиши-ilm олиш, ҳунарда ҳам ёшлар бир-бирларига муносиб бўлишга, бир-бирларининг шаънларига дод туширмасликка ҳаракат қилишган. Ёшникдан қайнона, қайнота, қайнога, қайниларнинг ҳурматини ўрнига қўйишни одат қилиб боришган. Маънаи, жисман ва рухан бир-бирларига тайёрланиб,

«бир олманинг икки палласи» бўлиб, камол топишган.

Албатта, бундай синамол, узок жараённи покдомонлик билан босиб ўтган йигит-қиздан элнинг ишончини оклайдиган ажойиб оила вужудга келган. Ўтмишдаги ибрат бўларли кайвони оилалар айнан шундай, кўпнинг кўзи ўнгида кўп йиллар синалган оилалардан чиқсан бўлса, ажаб эмас.

«Кулоқтишлар», «бешиккетди» одатлари кейинги ҳаётимиз, ҳатто адабиётимизда ҳам қораланиб келингани рост. Бу одатнинг бир қадар заарли томонлари ҳам бўлгандир, дерсиз. Аввало 15-20 йиллик синовга бардош беролмаган «қудачилик» ўша пайтдаёқ узилиб қолган. Бундан ташқари, ёшлар: қиз-йигитнинг хоҳиш-иродаси ҳамиша ҳисобга олинган.

Бу одатлар тўқайга ўт тушиб, хулу қуруқ баравар ёнган пайтида салбий, диний, курофий ҳодиса сифатида кўр-кўронади ва ҳаётдан сунуриб ташланди. Бешик, сандал, худойи, суннат, навruz одат маросимлари сингари «кулоқтишлар», «бешиккетди» ҳам оёқости килинди. Натижада бу одат бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди.

## ЎЙИНЛАР

Ўзингизга маълумки, болаларни катталар, ерга урса кўкка сапчийдиган коптокка ухшатишади. Чунки Сиз бирор дақика ҳам ҳаракатсиз, жим ўтиrolмайсиз. Ўйин ишқибози, ўйинқароқензлар. Ҳаётнингизни кўчасиз, ўйинларсиз тасаввур қилолмайсиз. Аслида болаликнинг энг азиз, узига хос томонлари ҳам шунда-да! Жамиятга, одамларга фойдаси тегадиган, дунёга машҳур олиму ёзувчиларнинг, шоирларнинг болаликда ерга урса кўкка сапчийдиган ўйинқароқ бўлганликлари бежиз эмас. Бу

ҳол уларда ижодий тафаккурнинг ўсиши учун бенихоя катта ахамиятга эга.

Қуюндаин чарх ураддик доим тўзонда,  
Чанг нелигин билмас эдик ўша маҳали,—

дейди Абдулла Орипов.

Шижаот, қийинчиликлар олдида эсанкираб колмаслик — буларнинг ҳаммаси ўйинлар билан боғлиқдир.

Қадимда ўйинларнинг турлари жуда кўп булган. От ўйин, дўппи ўйин, ҳаммомпиш, тош ўйин, чиллак ўйин, ёнғок ўйин, курматаёқ, кўчмак ўйин, жона ўйин, варрак ўйин... Эҳ-хе, уларнинг ҳисобига етиб буларканми?!

Қадимий болалар ўйинлари ва умуман болалар фольклори тўғрисида олим бобонгиз Фани Жаҳонгиров мазмунли китоб ёзганлар. У кишининг қайд қилишларича, бугунги болалар ўйинларининг илдизи жуда узок ва қадим замонларга бориб такалар экан.

Бобокалонларимиз Махмуд Кошғарий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида ҳам болалар ижодкорлиги, фольклор ўйинларига таалукли маълумотлар жуда кўп учрайди. Жумладан, «Девону-луготит турк» китобида ўйинларнинг тур ва ўналишлари ҳакида кизикарли маълумотлар бор. Қейинги давр якин ўтмишни олсак, сиз жуда севиб ўқийдиган Fafur Fуломнинг «Шум бола» асарида болалар ўйинлари тўғрисида жуда кимматли ва кизикарли маълумотлар келтирилган.

Ҳаммомпиш кариб унтилаёзган қадимги ўйинлар дандир. Бу ўйин учун асосан ёз фасли қулай бўлган. Ҳаммомпишни шартли равишда «курилиш ўйини» деб аташ мумкин. Унинг ўз номи ўзи билан: ҳаммом, пиш. Яъни, болалар уюлган тупроқдан бир дўппи шаклидагисини ажратиб олиб, роса уриб, пишишиб, худди ҳаммомнинг гумбази қиёфасига келтирадилар. Бу жараён сув ишлатмай ҳам, сув бериб ийлаш билан ҳул шаклда

бажарилиши хам мумкин. Ийлаб, пиширилган «ҳаммом» бир оз қуритилгандан кейин, у ўз вазифасига мосланиб, «эшиги очилади», сунг эхтиёткорлик билан бу хом «бино» нинг ичидан тупроғи олина бошлайди. Гап шундаки, тупроғи охиста тұла олиніб ташқарига чиқарылған «ҳаммом» йиқилиб түшмай, ўз шаклини сақлад қолса, (бу бир қараганда сардобаларни хам әслатади) бу үйинчининг иши пишиқ бұлғанлығи, яғни, «ҳаммом»нинг «пишган» лигини билдиради. Күпда ҳаммоми пишмаган болаларнинг ҳаммомпишлари үйилаёттаңда, ярмиға бормаёқ ёрилиб, үйиlib тушади. Қурилиш бошқатдан бошланади. Шу тарика ҳаммомпиш үйини давом эттирилаверади.

Бу үйинде боланинг курувчи, муҳандислик, хисобкитоб кила билиш кобиляти ривожлантирилади. Мехнатта лаёкати тобор յуксала боради.

Лойсувоқ үйинини биласизми? Лойдан коса, пиёласифат шакл ясад, уни оғзи томони билан ерга уриб панкыллаган овоз чиқарылади, бу хол бир неча маротаба тақрорланғач, лой жуда пишиб, керакли шаклга солишга ярайдиган бұлади. Бу хам қурилиш, лой-гил, шикаст-реҳт ишларига боланинг құлини қовуштириб борадиган үйинлардан биридей.

Болалар үйинлари қайси шакл, мавзу, йұналишга зәға бұлмасин, лой-тупроқ биланми, ёғочу чүп биланми, ипү арқон биланми, пұстагу мато биланми, қайсиси бұлса хам болани ҳаётта, турмуш икир-чикирларига, рұзғор ишларига тайёрлашда үзига хос ҳунар мактаби ролини үтаган.

Болалар үйинлари үзига хос асарлардир. Улар муайян ижодий йұналишта зәға булиб, уларнинг ўз маңындысы, қурилмаси мавжуд. Масалан болалар түпланишидан аввал үйинге чакирилади. Үйин бошлаш учун эса чек ёки құръа ташланади. Иккі-уч ижодий мусобака гурухига бўлинади. Сунг муайян үйин конун-коидалар асоси-

да бошланади. Бу чиллак ўинни, дўппи ўйинлари —  
кушимбоши, тўп ўйинлари, лапар ўинни ва бошқа тош  
ўйинлари бўлиши мумкин. Албатта, ўйинларнинг боши  
бўлганидек, уларнинг охири, чегараси ҳам бордир. Қадим-  
дан қолган: «Ўй-ўйликка, тепа-тўйликка!» хитоб-хотима  
бу — ўйиннинг яхши, аҳил ва инок, фойдали якунланган-  
лигидан далолат беради.

Ўйинларнинг мақсад йўналишлари ҳам ҳар хил.  
Улар санокни ўргатиш, тилни бурро килиш, нафас  
йўлларини ривожлантириш, кувваи ҳофизани ошириш ва  
ҳоказо мақсадларга қаратилган бўлиши мумкин. Куйида-  
ги мисоллар ҳам мана шундай турли мақсадларни  
кўзлаган болалар ўйинлари жараёнида айтиладиган  
кўшик-ўйинларидир.

Бир-икки, ўн олти,  
Ўн олти деб ким айтди?  
Ўн олти деб мен айтдим.  
Ишонмасанг санаб кўр...

(Болалар саналади)

Ҳаккалакам, дуккалакам,  
Чори амал, бери амал,  
Қайди эди, тогда эди,  
Торман, зувман...

(Чиллакда зувилланади)

Чори чамбар  
Бари анбар,  
Она қиз қайдо?  
Ола-була жойда.

(Айб иш қилган аниқланади )  
Биз эдик, биз эдик,  
Үттиз икки қиз эдик  
Шу ўйинни билолмай,  
Тўрт томонга тўзидик...

Катталарнинг билимдоилиги, ақлий баркамоллиги, ҳозиржавоболигини намойиш килувчи сўз ўйинлари болалар фольклорига ҳам хосдир. Айни пайтда кўшик-ўйинлар, топишмок-ўйинлар, тез айтиш ўйинлар, саноқ ўйинлар ҳам қадимги болаларнинг севимли машгулотлари хисобланиб қелинган.

«Читти гул-о, читти гул», «Ок теракми — кўк терак» каби кўшик ўйинлар турли кўринишларда бизгача стиб келиб, мазмунан янада бойиб бормоқда. Ёки «Тепдим сандик очилди» деб бошланувчи фантастик эртак-ўйин ҳам болалар фольклор ўйинини жавохир намуналаридан саналади.

Ўйинлар орасида энг мураккаби, жасорат ва катта қунтни талаб қиласидаги дор устидаги, яъни дорбоз ўйинидир. Одатда, дорбоз ўйини катта-катта сайилларда, тўйларда ўтказилади. Шунингдек, бу ўйин чогида, дор остида бошка томошалар ҳам курсатилади. Масхарабозлар ичакузди ҳангомалари билан томошабиниларни «танаффус» чоғларида ҳам зериктиришмайди. Кўряпсизки, тарақкий қилган мамлакатларнинг маданий даражасини белгиловчи театр санъати, цирк санъати бизда қадимдан мавжуд экан. Абдулла Орипов машҳур «Дорбоз» шерьрида дор устида юриш накадар мураккаблигини шундай тасвирлайди:

Булугларга ёндоши осмон остида  
Қўзларини юмшиб юрибди дорбоз.  
Киличининг ғамидек арқон устида  
Киприкдаги ёшдек турибди дорбоз.

Одамлар, одамлар, уни олқашланг.  
Каранг, у накадар эпчал ва ўқтам!  
Биз-чи, эҳ, баъзи бир кўзи очиклар.  
Эплаб юролмаймиз, катта йўлда ҳам...

Ўйинларнинг қадимдан ёш авлодда ақлий, ахлоқий,

мехнат тарбиясига нечоғлик катта аҳамият касб этгани  
лиги тұғрисида гапирмай құя қолайлік. Чунки бола учун  
үйин ҳәётій әхтиёждир. Катталар үртасида: «Сен менга  
дүстинг кимлигини айт, мен сенга сенинг кимлигингни  
айтиб бераман», деган гап бор. Бу ҳикмати болаларга  
нисбатан құллайдыган бұлсак, «сен менга қандай үйин  
үйнашингни айт, мен сенинг ким булып етишишингни  
айтиб бераман», дея үзгартыриш мүмкін.

Дархакиқат, үйинлар бутун авлод-аждодларимиз,  
ота-боболаримиз ҳозирги замон Сиз каби авлодларнинг  
жисмоний, аклий, маънавий камол топишларига бекієс  
катта ҳисса құшган ва бундан кейин ҳам шундай бұ-  
либ қолаверади. Чунки ёш авлод учун үйин — бу ҳамма  
замонларда турмуш тарзи, ҳәёт омили, унинг үлчови  
бұлиб қолади. Үйиннинг мазмуни бойиб, шакллари купа-  
йиб бораверади. Таракқиёт шуни такозо этади. Чунки  
бугунғи бола — эртанғи күннинг ижодкор яратувчисидир.  
Үйин бу ижод, үйин бу ҳәётдір.

### БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ

Сиз кадимда бизнинг аждодларимиз ҳам Сизнинг  
ёшиңгизда турли-туман байрамлар, маросимлар үтказиши-  
гандыларини яхши биласиз. Албатта бу байрамлар  
мавсум ва маросим билан боғлиқ бұлған.

Маълумки, баҳор үйғонищ фасли, табиатнинг янгила-  
ниши, гулчечакларнинг дунё үзини қайта күриши даври.  
Кадимда болалар әввало бойчечак, сұнг бинағаша,  
қоқиғұл, толбаргак очилиб, япроқ ёзишини байрам  
килишган. Бойчечак билан боғлиқ турли халқ қушиклари-  
ни ижро этишган.

Каттық ердан  
Катараб чиққан бойчечак.  
Юмшоқ ердан



Югурб чиққан бойчечак.

Бойчечагим бойланди.  
Қозон тұла айронди.  
Айронингдан бермасаң  
Қозон-төвогинг вайронди.

*Қалдиргоч, гоч-гоч.  
Эшигингиң тезроқ оч...*

*Қалдиргоч, гоч-гоч,  
Чиәкүлламай бола оч.*

*Менинг сочим жингалак  
Писта билан бодом соч...*

Қишиң байрамлары — корхат, қоркиз, қорбобо үйинлари  
билан боғлиқ маросимлар Сизга яхши тәниш, албатта.

*Кор ёғди гүпиллатиб,  
Корбобо бөгчамизга  
Кириб келди  
Соқолини селкиллатиб...*

*Корбобо келди  
Югурб-елиб  
Оппоқ күрпаачасини  
Оламга ёйш...*

Ез-куз байрамлары «Читтигул» болалар байрам-үйин  
шеңберларисиз үтмаган албатта.

*Читти гул-о, читтигул  
Хай-ю, читтигул.  
Читтигулга гул босай,  
Хай-ю, читтигул.*

*Бир ёнини ён босай,  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул.*

*Құлинг құлвогда бұлсın.  
Белінг белвогда бұлсın,  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул.*

*Дүкүр-дүкүр от келди,  
Чиқиб қаранғ, ким келди?  
Аравада ун келди,*

Чилдирмада гул келди.  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул.

Гул яхши-ю, гул яхши.  
Гулнинг баҳоси яхши.  
Үртага чиқкан қизнинг  
Хайдар кокили яхши.  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул.

Оқ шоли-ю кўк шоли  
Оқ шолини оқлайлик,  
Кўк шолини кўклайлик.  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул.

Ариқ бўйи сирганчик,  
Сирғана кетманг, жон келин.  
Қайнанангиз урушқоқ,  
Уруша кетманг, жон келин.  
Хай-ю, читтигул,  
Хай-ю, читтигул...

Офтоб чиқди оламга,  
Югурб бордим холамга,  
— Хола, хола, кулча бер.  
Холам айтди:— Чўпчак тер.  
Чўпчак тердим бир қучоқ,  
Нон ёпди ӯчоқ-ӯчоқ...

Онлавий-маниший ҳазил қўшиклар байрам мазмунини  
бойитган:

Тепдим сандиқ очилди,  
Тўрга бодом сочилиди.  
Бодомни тера-тера  
Канотларим қайрилди.

Канот беринг, учайлик,  
Оқсаройга тушайлик,  
Оқсаройнинг оқ тоши  
Янгамнинг қалам қоши

*Каттиқ ердан қatalаб чиққан  
бойчечак.*

*Юмшоқ ердан юмалаб чиққан  
бойчечак.*

*Бойчечакни тутдилар  
Тут ёғочга осдилар  
Килич билан чопдилар,  
Бахмал билан ёпдилар...*

Баҳор фасли ёмғирнинг эзиг ёғиши инсоний ахлок масалалариға күчирилган. Байрамларда айни пайтда фасл билан боғлаб ғайриахлоқий ҳолатлар танқид қилинган.

*Ёмғир ёгалоқ  
Эчки құмалоқ  
Бойнинг қизининг  
Корни юмалоқ...*

Бу мавсумий байрамларда қизалоклар толбаргаклар, қоқигуллардан чамбараклар ясашиб, бир-бирларининг бошларига кийгизишган. Құлларига, енгларига такишиган. Улар бу билан табиат уйғонишини олқышлаган ҳолда айни пайтда, гилам, сават түкиш малакасини ҳам әгаллаб боришиган. Қизчалар турлы-туман лапар, тош, ип, ҳалинчак үйинлари билан байрам кайфиятини янада хуш қилишган.

*Хайрихон қайдаякан?  
Қизларман бодаякан.  
Богда нима қиларкан?  
Гүллар териб юаркан...*

*Оқ гулым, оппоқ гулым  
Ушласам юмшоқ гулым.  
Териб хирмон қилгандим,  
Буб кетди тог=тог гулым...*

Болалар гарк пишган боғларини күрир эканлар:

Ҳала-ё, ҳала-ё,  
Катта боғларни тала-ё  
Катта боғлардан тўймасанг  
Кичик боғларни тала-ё!..

дэя шакилдоқларини шакиллатиб, ҳосил сайли, байрамини нишонлашда давом этганлар.

Бахор тугаб, ёз бошланиши билан турфа гуллар бутун борликка атир ҳидлар тарата бошлаган. Бу пайтга келиб, болалар гул байрамлари ўтказишган, бу удум қадимдан бўён яшаб келиб, хозирда ҳам купгина вилоятларимизда болалар орасида кенг тарқалган. Айниқса, Намангандагу байрамлари ўтказиш яхши одат тусини олган.

Куз пишиқчилик — хирмон кутариш фасли, болалар бу даврда катталар билан ҳосил байрами қилиб, боғ-роғлар, полизларга чиқишиган. Ширин-шакар олманор, нок-узум, ковун-тарвуз, ёнғоқ йигиб-териб олиш сайллари кўп бўлган. Шунинг учун ҳам отабоболаримиздан: «Ҳар бир ҳўл мева пишиғидан то туғаунга қадар болалар ундан камида уч марта тўйиб тановул қилиши ҳам фарз, ҳам қарзди», деган ута ҳаётий гап қолган. Бу фикрда ҳикмат жуда күп.

Болаларнинг фасл ва маросим билан боғлик бўлган барча байрам шодиёналари ҳам албатта, табиатга муҳаббат туйғуси билан ўғрилган. Олдинлари ов, қағтар, бедана, какликка ишқибозликдан туғилӣб, қарор топган, хозирда қуш ўйинлари сифатида байрам тусини олиб бораётган бу одат ҳам болалар ўйин-байрамларидан бирига айланиб колди. Бу ўринда табиатнинг мӯъжаз мавжудотлари — турли қушлар ҳаётини ўрганиш, уларни хонакилаштириш, мусикий овозини эшитиш сингари бола завки, ҳиссий дунёсини бойитувчи омил сифатидаги аҳамияти бекиёсdir. Шундайлардан:

— Янгамсан-о, янгамсан,  
Иштон бичар билмайсан,  
Кирқ иғнани синдириб.  
Халиям хотин бўлмайсан...

Янги даврга келиб, қадимий одат, маросим, анъаналаримиз билан чамбарчас боғлик бўлган болалар байрамлари мазмунан бойиб, шаклан ранг-бараңглашди. Бу байрамларнинг соф миллий, ўзига хос кирраларига бошқа қардош халклар ўйин-байрам қўшимчалари кўшилди. Энди Сиз катталар билан бир каторда Янги йил, 21 Март—Навruz байрами, 9 Май — Ғалаба куни, 1 Сентябрь—Мустақиллик куни, 8 Декабрь— Конституция куни сингари байрам маросимларини байналмилал оиласда туриб, ўтказишга одатланиб колдингиз.

Ез фасли билан боғлик бўлган байрамларда турли қўшиқлар куйланган. Сехрли эртаклар шеърий усулда ижро этилган. Парранда-ю ҳашаротлар, ҳайвонлар ҳақида ҳазил-мутойиба шеърлар айтилган.

Лайлак келди, ёз бўлди,  
Каноти қогоз бўлди.  
Лайлак боради тоққа,  
Қулоқларида ҳалқа.  
Ҳалқаси тушиб қолди,  
Ўтирди йигламоққа:  
Мен Бобо Ҳожи эдим.  
Қизларга бошли эдим.  
Қизлар ўйин тушганда  
Мен ногорачи эдим.  
Ногорам бир кун бузилди.  
Таноблари узилди.  
Корбуванинг дастидан  
Канотларим сузилди.

Лайлак келди, илон қоч,  
Бола-чақангни олиб қоч,  
Янги тўнинг кийиб қоч,  
Эски тўнинг ташлаб қоч.

*Лайлак опа  
Бошингга кана  
Тақиям сувга тушиб кетди  
Олиб беринг жон опа.  
Беданам учди, пит-пилдиқ,  
Сабзига тушибди, пит-пилдиқ  
Сабзи саноқ, беданам-а.*

*Мусича пат-пат этади.  
Элак пат-пат этади  
Мусича пат-пат этса.  
Кампир чакич отади  
Кампир отган чакичи  
Мусичага тегибди.  
Жон-жонидан ўтибди  
Патларини түкибди..*

*Кур-қур қурбақа.  
Нега афтиң бунақа?  
— Сүвда күп юрганимга  
Бұлды афтим шунақа...*

Давр ўтиши билан байрам ва маросимларининг янгича ашъаналарниң пайдо булиб, умуммаданиятимиз янада бойиб, гүзаллашиб бораётгаплигининг гувохи булиб туривмиз.

## II БОБ. ЎСМИРЛИК – БАРҚАМОЛЛИК

---

### ЧИЛЛАК

Бу ўйин айниқса тоғлар этагидаги, тепаликлар багридаги қишлоқларда яшовчи болаларнинг севимли ўйинидир. Чиллакни подаю күй боқиб юрганда хам ўйнайвериш мумкин. Унинг учун алоҳида жой, айрим тайёргарлик талаб қилинмайди. Икки учи йўнилган чиллак, уни «учириш» учун даста бўлса кифоя. Чиллакнинг дастаси ва ўзини ҳар қандай ёгочдан ясаш мумкин. Бирок тол ёки теракдан бўлса, айни муддао.

Бу ўйинни икки киши бўлиб хам, гурух-гурух бўлиб хам ўйнаш мумкин. Мусобакалар жуда авж олиб кетса, ҳатто маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ бўлиб беллашадилар. Ўйин бошланишидан олдин кайвони куръя ташлайди. Ё танга тирнокда ҳавога учирилиб, ерга қайси томони билан тушишига караб, қайси томоннинг ўйин бошлаши аникланади, тайнинланади. Ўйин бошловчи томон журабошини чиллакни маҳсус кавланган чукурча устига қўйиб, даста билан илиб, ҳавога кутариб, сунг зарб билан уни дастада уриб, иложи борича узокка учиради.

Майдоннинг нариги томонида тўнини тескари кийиб, этагини кулочидаги ёзиб турган ракиб гурухи урнлган чиллакни имкони борича тутиб олишга ҳаракат қилишади. Тутиб олишса-ку, олам гулистан, навбат шу захоти уларга ўтади. Аммо шиддат билан ҳавода учеби келаётган чиллакни тутиб колиш осон иш эмас. Энди

чиллакни бориб тушган жойидан учирилган жойига—чукурчага құлда улоктириш керак. Шундай мұлжал билан улоктириш лозимки, имкони борича чұп уриб юборилган чукурчаси устига борліб түшсін. Бу вазифа-



ни ҳам энди ҳавосини олған үйинчи бажариши керак. Қайта улоктирылған чиллак чукурчага түшса ёки чиллак-дастада үлчанғанда, бир даста етгулик жойга етказилған бұлса, рақиб гурух чиллак отиш навбатини құлга киритди, деяверинг.

Агар ўлчаганингизда бир дастамас, 3—5—10 даста бери ё нарида қолган бўлса, энди «жазонгизни тортасиз». Яъни, ўйиннинг кизиги, асосий шартлари мана шундан кейин бошланади. Чиллак отувчи томон уни тушган жойигача неча даста масофада эканлигини ўлчаб, аниклагач, даста билан ётган чиллакнинг йўнилган учига уриб, ҳавога кўтаради. Ўша муаллаклигида зарб билан уриб, олдинга учирлади. Бу ҳол қанча чикканига караб, 3—5—10 марта тақрорланади. Энди навбат «зувиллаш»га келади. Рақиб томон вакили ё вакиллари ўйин боши-кайвони ҳамроҳлигида бир нафас ютиб, зувиллашганча букурбоши, чиллак маррасига этиб келиши лозим.

Эски, араб алифбосини ўрганиш услубларида араб тилида мавжуд бўлган 32 ҳарфни бир нафасда айтиш шарти бор. Яъни, алифбони яхши ёдлаб олтан талаба бир нафас олган-у, то шу нафаси тугагунча 32 ҳарфни ифодали, аник килиб домлага ёд айтиб берини лозим бўлган. Бу ҳам ўз холида аклий кобилиятни, ҳам жисмоний соғломликни талаб килган. Бу борада машқ килган ёшлар шу шартни бажарганларидан кейингина навбатдаги сабокка утилган...

Шу сингари чиллакда ҳам зувиллаш коидаси бузилса яъни чопувчи янги нафас олиб қўйса, ўша ерда тўхтатилиб, яна чиллак ундан ҳам узокрокка ҳаволантирилади. Зувиллаб келаётган боланинг маррага ўн қадам қолганда нафаси «узилди» дейлик. Энди унинг узи ёки шериги голиб, (чиллак ташмаган) томон вакили ё вакилларини оркасига ортмоклаб кутариб, маррага келтириб қўйиши шарт. Шу йўсин ўйин навбатлашиб, тушгача ё кечгача давом этиши мумкин.

Мен Сизларга бу ерда чиллак ўйинининг бир куриниши Кашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Наландара қишлоғида болалагимиизда ўйнаган ўйинимиз манзараси

коидасини эслатдим, холос. Бу ўйиннинг турли вилоят, шаҳар-кишлекларда турли-туман, раиг-баранг кўринишлари бор. Коидаларга ҳар бир давр ва авлод ўз ўзгартиш-кушимчаларини киритиши табиий. Уларни тўплаш, киёслаш, оммалаштириш Сизларнинг ватанпарварлик бурчингиздир.

Чиллак ўйини фойдаси, маънавий, жисмоний аҳамияти нимадан иборат, деб сўрашингиз мумкин. Аслида бу ўйин фойдалими, заарлими? Бу саволга дафъатан, бир томонлама жавоб бериш қийин, албатта. Аммо аждодларимиз қадимдан севиб-ардоклаб, сайкаллаб, замондан-замонга, авлоддан-авлодга етказиб келган бу ўйин-урфимизнинг фойдаси кам бўлмаган. Биринчидан, чиллак ўйнаган болалар жисмоний бакувватлашган. Иккичидан, зувиллаши билан унинг нафас йўуллари, кўкрак қафаси аъзолари, овози яхши ривожланиб, ҳар хил дард-касалликлардан фориг бўла борган. Учинчидан, саноқ, хисоб-китоб, ўлчов бу борада боланинг ҳайтий билимларини ошириб, мустаҳкамлаган.

Ҳозирги кунда, Сизнинг болалик даврингизда, шаҳарда чиллак ўйнашининг имкони колмади. Кишлекларда эса бу одат, эски ўйин тобора унуглиб, йук бўлиб кетяпти. Аслида, қадимги кураш, кункари, чавгон ўйинлари каби чиллак ўйини ҳам миллй ўйин-одатларимиздан Сизга энг муносиб, мазмунли, фойдалисиdir. Сиз, ёшлар, ёзги таътилда дам оладиган тог, кир бағирларидағи боғларда, мактабнинг узіда, жисмоний тарбия дарсларида бу ўйин-одатимизни қайта тиклашингиз, ундан аждодларимиз сингари жисмоний-маънавий фойдаланишингиз, завқ-шавқ олишингиз лозим.

## ЛАПАР ВА ДАНДАРАК

Хозирги пайтда деярли унугалиб, йўқолиб кетган болалар ўйинларидан лапар ва дандарак ўйинлариdir. Сиз ва тенгдошларингиз балки бу ўйинлар хақида эшифтмаган бўлишингиз ҳам мумкин. Илгари замонларда хозиргидек перо, танга, ланка ўйинлари эмас, тош, ёгоч, ёнғок ўйинлари купрок ўйналган.

Лапар ўйин қадимда мавжуд бўлган бештош, тўққизтош сингари бир неча тош ўйинларидан яна бири бўлиб, бу ўйин ўғил болалар ўртасида кенг таркалган. Мазкур ўйинда супта, текис, юпка, ярим кафталик келадиган кичик тош танланиб, иккинчи — нишон килиб тикилган ҳудди шундай тош томон ўн қадам узокликдан улоктирилади. Улоктиришда нишон тошни уриб йикитиш кўзда тутилади.

Отганда нишонни йикитишнинг иложи бўлмаса, улоктирилган тош бориб тушган жойдан туриб, энди бола бармоклари воситасида нишонни шу лапар билан уриши керак бўлади. Бунинг учун лапарчи энгашиб, тиззалаб оларкан, ўнг кўли ўрта бармоғини ёзиб, учини ер бўйлаб лапартошга қадайди. Иккинчи чап қулининг ўрта бармоғи билан уни тутиб тураркан, ўнг қўл бармоғида лапарни куч билан илиб отади. Лапар тош ер бўйлаб ёинки ер узра ҳаволаб бориб, нишонга тегиши, уни йикитиши лозим. Тегса яхши, ўйин давом этаверади. Теккизилмаса, ўйин навбати рақиб болага ёки рақиблар гурухига ўтади. Лапар ўйини 100 гача бўлган мэррали хисоб билан ўлчаниб тик туриб отгандоёқ нишонга теккизилса, биратуласи 20 соққа, теккизолмай, ерга тушириб, сўнг қаричлаб урилса, 5 соққадан берилган. Қайси томон 100 соққани олдин тўпласа ўша ютган хисобланади.

Лапар тош үйини болани аклий жихатдан хисобкитобга ўргатади, чама, режа, түгри мұлжал олиш кобилиятини оширади. Жисмоний томондан эса құлоек ҳаракатларини чақконлаштириб, мускулларни ривожлантиради. Күз, қулок, күриш, әшитиш сезгиларини үткірлаштиради. Жамоада үзини тутиш, муомала маданиятига ўргатади. Лапар тош үйини Кашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Шахрисабз, Китоб ноҳияларида үйналиб келинган.

Иккинчи үйннимиз — дандарак — ёғоч үйини булиб, бу ҳам үғил болаларнинг оммалашган үйинларидан биридир. Бу үйин икки үйналувчи буюмдан иборат. Унинг биринчиси—дандарак, иккинчиси «қамчи» дир. Қалинлиги билакдай келдиган кетмонастадан түрт-беш эплик кисми арралаб олинади. Унинг бир учи йўниб, қозиксифат килинади. Бу пакана үйинчоқ бармоқлар (бosh ва урта бармоқ) орасига олиниб, текис ерга айлантириб юборилади.

Айланаетган дандарак энди «қамчи» нинг узун или билан айланиш йўналиши бўйлаб уриб, ҳаракатлантирилаверади. «Чарс-чарс» овоз әшитилиб тураркан, икки бола ё икки гурух дандаракни қамчи воситасида ёки усиз узокроқ ҳаракатлантириш, айлантириш бўйича мусобақа утказадилар, биринчи булиб, кимнинг дандраги йиқилиб, ҳаракатдан тұхтаса, ўша ютқазган хисобланади.

Дандаракнинг тепа қисми, ёnlари, ҳатто йунилган уч қисми ҳам турли рангларга бўялиб, безатилади. У айланиб, үйналганда ажойиб жилоланиб, камалакдек товланади. Дандарак үйини болаларни дурадгорлик ишларига жалб килиш, рўзгорда керак бўладиган кичик устачилик малакаси ҳосил қилдиришда жуда кўл

келган. Айни чокда, дандарак ўйинни қамчини тұғри ишлатыб, үрнида қаракатлантириш билан күпкари чопувчи чавандоз суворилар тайёрлашнинг бошлангич мактаби вазифасини үтаган. Бу ўйин ҳам уша вилоятнинг юкорида айтилған иохияларида ўналиб келингган...

### ЧАВГОН

Чавгон Шарқ халклари орасида жуда қадимнй ўйинлардан бири ҳисобланиб, ўз ўйин кондалари ҳамда күриниши жихатидан күпкари ва хоккей ўйинларига үхашаш бұлған. Чавгонда ўйинчилар маҳсус суворилар булиб, от устида туриб, миллий чавандозлик кийимларыда майдонга тушиб, ўйин ўйнаганлар. Чавгончилар үртасида чавгон түпи «талаш» бұлған. Хар икки томондан 5—6 тадаи ўйинчи иштирок этиб, ракиб дарвозасынға ким қанча, түп киритеа, ўйин охирида уша томонғолиб ҳисобланған.

Чавгон күлде тутиладиган учи эгик узун таёкдан иборат булиб, ҳозирги хоккей дастасини эслатади. Шу асбобда үртадаги түп ракиб дарвозасы томон олиб бориб, улоктирилған. Бу ўйин икки танаффуслы булиб, бир соат давом этған. Бу ўйинни отлик бир ҳакам майдон ичида, пиёда икки ёрдамчи ҳакамлар майдоннинг иккى чеккасыда кузатиб, тартибга солиб боришиган.

Ўйин давомида зарур топылса, ҳар икки томон ҳам тұрт марта бир дақиқадан танаффус олиш ҳукуктың әзіз бұлған. Кимки ўйин кондасини қўнол равниша бузадиган бұлса, ўйиндан чыкариб юборылған. Ўйин кондасы дарвозага якин жойда бузилса, ракиб томон дарвозасынға бір қадамдан жарима тұпн белгиланған.

Чавгон ўйини бутун Шарқ мамлакатларыда бұлғани

каби Ўрта Осиё халқлари уртасида ҳам жуда оммалашган бўлиб, хусусан бизнинг ҳозирги Ўзбекистонимиз худудида IX асрдан бери ўйналиб келинган. Бу ҳақда буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида кўп кимматли маълумотлар келтириллади. Жумладан, достонда Сиёвуш билан Афросиёб ўрталарида чавгон мусобакаси ўтказилганлиги ҳикоя қилинади.

Буюк маданиятшунос боомиз Маҳмуд Кошғарийнинг машхур «Девону луготит туръ» асарида ҳам чавгон ўйини тўғрисида кимматли маълумотлар келтирилган. Абу Абдулло Рудакин, Умар Ҳайём, Хусрав Дехлавин, Исимат Бухорий, Абдураҳмон Жомний, Алишер Навоий каби даҳоларнинг кўпгина асарларида ҳам чавгон ўйинининг илмий ва бадиий тафсилоти баён қилинган.

Абу Райҳон Беруний бобонгиз узларининг «Қадимги халклардан қолган ёдгорниклар» номли улуғ асарларида Наврўз байрами тафсилотларини тасвириллаётганда бу байрамда ўйналадиган асосий қизикарли ўйинлардан бири сифатида чавгон ўйини ҳакида ҳам муборак қаламларини тебратганлар. У кишининг замондоши дусти, маслакдоши, комусий олим, буюк табиб Абу Али иби Сино ҳам бола тарбияси тўғрисидаги рисолаларида жисмоний тарбия ҳакида гапиранкаркан, чавгон ўйини тўғрисида ҳам алохида тўхталганлар.

Айниқса, комусий дунёкараш эгаси шоҳ-шоир бобонгиз Бобур мирзо ўзларининг «Бобурнома» асарларида чавгон ўйинига жуда шоирона таъриф берганлар. Бобурнинг ўзи бу мардана ўйинни жуда севиб ўйнаган. «Бобурнома»дан илҳомланиб асарлар ёзаётган таникли адаб Пиримқул Қодиров Бобурийлар ҳакидаги тарихий романининг иккинчиси —«Авлодлар довони» да Ҳумоюн-шоҳнинг Ҳамида бону билан танишуви тасвирини жуда

гўзал маизараларда курсатади. Бобурнинг опаси Хонзода бегим раҳбарлигига Наврўз байрами кунлари Хиндишонда чавгон ўйини одати ҳам намойиш қилинади.

Кизиги шўндаки, шох кўчма тахти олдидаги майдонда... қизлар от миниб, чавгон ўйини ўйнайдилар. Бу эр йигитлар ўйинида гўзал қиз Ҳамида бону ўзини кўрсатади. Бу латиф, назокатли, айни пайтда жасуру баркамол қиз Ҳумоюншоҳнинг назарига тушиб, оқибат унинг муҳаббатига сазовор бўлади. Чавгон устаси паҳлавон қиз ўзиdek паҳлавон углон Акбаршоҳни туғиб тарбиялайди... Кайковуснинг машҳур «Қобуснома» асарида чавгон ўйини ҳақида алоҳида боб бор. Унда жумладан шундай дейилади:

«Эй фарзанд, агар чавгон ўйнамоқни истасанг, баъзан ўйнаб тур, аммо ҳамиша ўйнашни одат килмагилки, кўп кишилар бу ўйинда кўп балога учраганлар.

Ҳикоят. Дебдурларким, Умру бинни Лайснинг бир кўзи кўр эди. Хурносонга амир бўлгандан сўнг, тўп ўйнамоқ учун отчопар майдонига кетаётган эди. Унинг Азҳархар исмли сипоҳсолари (бош қўмондони) бор эди. У келиб Умрунинг жиловини ушлаб деди: «Сени тўп ўйнашга юбормайман, чунки сенга чавгон ўйнашраво эмасдир». Умру бинни Лайс деди: «Нима учун чавгон ўйнаш сизларга раво-ю, менга раво эмас?» Азҳархар деди: «Бизларнинг иккала кўзимиз бор, агар тўп тегиб бир кўзимизни кўр қиласа, яна бир кўзимиз қолади, бу бир кўзимиз билан дунёни кўрамиз. сенинг бир кўзинг бор. Агар тўп тегиб уни ҳам кўр қиласа, Хурносоннинг амирлигидан айриласан». Умру бинни Лайс деди: «Хар бўлсанг ҳам, тўғри айтяпсан, сўзингни қабул қилдим. Бундан кейин хеч бир чавгон ўйнамайман».

Эй фарзанд, (йилда) бир-икки чавгон ўйнасанг

раводир Аммо күп отликлар билан чиқмагил, (чунки баҳтсизлик келтиради, саккыз отлиқдан күп бұлмасин. Сен майдоннинг бир бошида турғил, яна бир киши майдоннинг охирида турсин. Олти киши майдонда тұпни урсын. Ҳар вакт тұп сенинг тарафинга келса, тұпни ургил ва майдоннинг охирига сурғил, аммо оломоннинг инига отмагил, чавгон үйинининг йұлы шудир, шу билан бирга, маррага етказишга муваффак бұл. Аммо уруш майдонига кирсанг, сусткашлик қилмагил».

## ҚҰПКАРИ

Құпкари улок — ўзбек, қозоқ, кирғиз, туркман, тојик халқларининг барчаси учун бирдай қадрдон. Құпкари — бу чавандозлар баҳси. Ота-боболаримиз гұдаклиқдан болалик фаслиға кирған фарзандларининг құлуни ҳалоллаш, бүй етган қизларини узатиш, эр етган үғилларини үйлантириш түйларида халққа ош беріб, сұнггиде купкари баҳси томошаларини күрсатишган.

Құпкари чопиши — бу чавандозлик от устида оммавий мусобақа шартларини бажарыб, голиб чиқиши учун олиб борадиган кураши, жангидир. Құпкарининг бошқа номи улок ҳам дейилади. Құпкари баҳсида сүйилған улок (әчки боласи) танаси түй-мусобақа ҳакамлари томонидан уртага ташланиб, ушбу кураш шартлари ана шу улок билан боғлық ҳолда бажарилади.

Құпкари (улок) асосан якка баҳс. Мусобақа шарти уртага ташланған улок танасини тақимга (чавандоз сони билан аргумок сагриси орасида) қисиб, майдонни гир айлантирганча, белгиланған манзилга — улок кайвони ҳакамлари ёнига биринчи бўлиб келтириб ташлаш. Бироқ купкарида чавандозлар ўртага қўйилған соврин —

қимматбаҳо буюм (соат, гилам, қүй, мол, түн, муайян миқдордаги пул)ларни бўлиб олиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Ўртага ташланган улоқни олишда абжир, бакувват, учқур отли чавандоз йигитни унинг дўстлари — бошқа чавандозлар куршаб, ракиблардан иҳота, химоя қилиб борадилар. Ана шу алфозда то ҳакамлар олдигача унинг атрофини куршаб, отда еладилар. Бу гурух тенгдош дўстлар, қишлоқдошлар, курдошлар бўлиши мумкин.

Кўпкарида от эгаси пойгага тушиши ҳам, тушмаслиги ҳам мумкин. Чавандозлар кексайғанларида, улоқка ўзлари турли сабабларга кўра тушолмасликлари туфайли кўпкари шартларига тайёрланган «аклли», «тажрибали» отларини ёш чавандозларга «кира»га берадилар. Бу ўринда ҳам ғолиб чиккан әргумок гайратли чавандози билан от эгаси мукофотни бўлиб оладилар.

Мен Тошкентда бир йили 15-касалхона бош врачи ҳузуринга илтимос билан кирганимда у киши менинг Китобда туғилганимни эшитиб, исми шарифимдан отамни яхши танишлагини айтди. Ва отам тўгрисида мен учун ҳам янгилик бўлган бир хикоя айтиб берди. Бу кўпкари тўгрисида бўлгани учун Сизларга ҳам етказишни лозим топдим.

«Йигитлик пайтимда, Сиз туғилган Паландара қишлоғида врач сифатида иш бошлиғанман,— хикоя қилди Шавкат Сатторович Раҳимов,— отангиз Саттор бобонинг «Қашқа» исмли чавандоз отлари бўларди. Ўзлари сўнгги пайтда улоқ чопмасдилар. Кайвонилар орага тушишиб, отангиздан «Қашқа»ни сураб олиб, ўша кунги тўйда биринчи бор улоқка тушдим. «Қашқа» щиддат билан югуриб, тумшуги билан даврани ёриб, ерга тушган улоқни қўл чўзиб олишимга имкон яратди. Сўнг силтаниб, ён-веримдаги улоқчи от ва чавандозларга буй бермай.

олға интилди. Юз қадамлар чопмай, негадир таққа тұхтаб туриб қолди. Менинг пойгадан қолаётганимга жаҳлим чиқиб, «Қашқа»ни бир-икки аччиқ қамчиладим. Яна бир дам у үз-үзидан мени йиқитиб юборгудай депсиниб, силтаниб олдинга интилди.

Кейин маълум булишича, жонивор үша тақа-так тұхтаганида, менинг тақимимга қистирилган улоқни тутиб, тортиб олишга интилган үнлаб чавандоз құлларини узиб ташлаб, отларини олдинга үтказиб юборган, ғолиб сифатида бұшаниб, үнғай йүлдан маррага етишнииг хәёлинни килиб турған экан. Жонивор шу шиддати билан барибир мендай тажрибасиз чавандозни сагрисида саклаб, улок билан маррага биринчи бұлиб етиб келди. Мен улоқни кайвонилар оғи остига улоқтиарканман, түйдаги күпкари томошабинлари «ҳалол», «ҳалол», «дұхтирники ҳалол», «Қашқа» боз биринчи етиб келди», деб чапак чалиб, қичқириб өлкішладилар. Ана шундай. Сизнинг отанғиз, Сизларнинг отингиз билан ҳәётимда илк ва сұнғы бор улоқчилик қилиб, ғолиб чикқанман. Үшанда түйдан совринга олган араби гиламни ҳали ҳамон узок йиллардан хотира сифатида саклаб келаман...»

Шунака, улоқчи отлар маҳоратли, «ақлли», тажрибали бұларкан... Сиз севған достонларда, айниқса, «Алпомиш»да қаҳрамоннинг дүсти Қоражон тушган пойға — күпкари тасвирини үқиб, қанчалар завқ олға сиз. Бу қадимий одатимиз неча минг йиллардан буен Үрта Осиё, умуман, Шарқ халқарини үзаро дүстлик иплари билан боғлаб, ёш авлодни жисмоний соглом, абжир ва чаққон, мардлик ва шиддаткорлық рухида тарбиялаб келмоқда.

Бизнинг ҳозирги замон адилларимиз ҳам үзбек қишлоқ ахолисининг ажойиб үйини—күпкари ҳақида қизиқарлы киссалар ёзишган. Улар орасида истеъдодли ёзувчи Тогай Мурод асарлари ажралиб туради. Шоир Жам-

шиднинг «Қўпкари» деган шеърида мардлик, жасорат бундай улуғланади:

Шу кеч Қийғир депсиниб чиқди,  
Қўпкарининг ҳидини сезиб,  
От кишинаса қўшини қишлоқда,  
Ҳаёллари кетарди тўзиб.  
Қўзларида чақнайди бир ўт,  
Рақибларин ўйлаган сайин.  
Эрта мардлик майдонга тушар,  
Қураш оғир бўлмоғи тайин.  
У кўп кўрди талотўпларни,  
Марраларни забт этди кўп бор.  
Соҳибига шуҳрат келтириб,  
Англади бир ҳикматни такрор:  
Аралашса ҳийла улоққа,  
Тўпга кирса бирор қирчангি,  
Мумкин бўлмас ҳалол куч синаш,  
Оқаради чавандоз ранги.  
...Тинчлан, менинг азиз дўстгинам,  
Юр, келайн бироз совутиб,  
Сени, агар... агар енгилсанг,  
Бўлмас сўнгра сира овутиб.  
Қўпкари бу — беаёв қуюн,  
Сагрининг ўзра ёнар қамчилар.  
Вужуонингда ўт-олов саҷраб,  
Түёғингдан учар чақинлар.  
Эрта сени силай олмайман,  
Ўйла, дўстим, бир чора-тадбир.  
Иссиқ жойда бодлиқ турганлар.  
Қурашларга ярамас, ахир.  
Мен кўп кўрдим бирор отини  
Миниб, обрў топмоқ бўлганни.  
Қўрдим, ҳасад ичра қоврилиб  
Айилларни кесиб қўйганни.  
Ўзинг гувоҳ, ўзингга аён:  
Сўзим, ишим, эзтиқодим ҳам.  
Мен барчага шараф тилайман,  
От чопмасдан номардлик қилсанам.  
Тилсизгинам, юр, далага юр,  
Момо ердан мадад сўрайлик.  
Юр, гиротлар руҳини ёдлаб

*Адирларда сүхбат құрайлык.  
Юр, тулпорим, ғұлайлық ғәбден.  
Эрта тонгнинг зарбы шиддатин.  
Отлар сапчир...демакки яқин,  
Күпкарининг яқин муддати.  
Ұзингни бос, неча гүшада  
Аргумоқлар ёли таралар.  
Бу майдонда ҳамма шон истаб,  
Ҳамма от ҳам кишинаб, чиранар.  
Эртага сен менга бегона,  
Эсламайман асло отингни.  
Балки марра күрарсан, балки,,,  
Булғатмасанғ басдир зотингни.*

Күпкарида чопадиган отни қандай бокиши, тарбиялаш, совутиш, «ақл-идрокли» килиш йүлларини чавандозлар авлоддан-авлодга етказиб, анъанавий меросга айлантириб келгәнлар. Ана шундай күпкари үйини шартларига бағишлиған чавандоз таълимими олган тулпорларнинг Ўрта Осиёда фуқаролар урушида, кейинрок Улуғ Ватан уруши жангларида отлик аскарлар кавалериясида күрсатған әқл бовар қилмас қаҳрамонликлари ҳақида ҳам үқигансыз.

Күпкари аслида тинчлик, хотиржамлик үйини булиб, оналар, боболар, болалар сүяниши, ишониши мүмкін бүлған ҳақиқиит әрқакларни тарбиялаб етиштиришда бекиёс катта роль үйнаган. Афсуски, кейинги йилларда халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бүлған күпкари одатининг тобора жуғроғий ҳудудлари торайиб, бундай оммавий сайл, совринлар камайиб кетмоқда. Бунинг сабаби бир пайтлар дунёга машхур бүлған араби, қорабайир каби зотли отларнинг бутунлай камайиб кетғанлигидандир. Шу хавфииш олдини олиш мақсадида жумхуриятимизнинг айрим вилоят ва туманларида от бокиши хұжаликлари ташкил этилди. Бир вақтлар йўқотиб юборилған шахсий хұжаликда от бокиши,

күпайтириб тарбиялаш ҳам аста-секин йўлга қўйилмоқда.

Хозир ҳам жумхурятиянимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарканд, Бухоро вилоятларининг бир қатор туманларида кўпкари ўйин-одати ижро этиб келинмоқда. Бугунги кунда дехкон, боғбон, паҳтакор, сабзавоткорларнинг катта қурултойларида, Наврӯз байрамларида, туманлар, вилоятларнинг ҳосил байрамларида катта кўпкарилар ташкил этилиб, ўтказиш яна қайтадан расм бўлмоқда. Тағин эски армугоклар, суворилар, улоқчилик мактаблари кайга тикланмоқда. Ўзбек, қозок, туркман, тоҷик, коракалпок, кирғиз ҳалқларининг энг яхши чавандозлари бир-бирларининг хусусий ва жамоа тўйларига меҳмон булиб ўтиб, катта соврин-кўпкари, улок мусобақаларида иштирок этмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тўйлар тўйдек ўтмоқда. Энг муҳими, қадимий жувонмард ўйин одатларимиздан бири тирилиб, ўзининг янги ҳаётини бошдан қечирмоқда.

### КУРАШ

Жуда қадимий ўйин-одатларимиздан бири курашдир. Бу ўйин-одат ҳакида Сиз яхши тасаввурга эгасиз. Чунки кураш одатимиз, хайрнятки, йўқолиб, изсиз кетган удумларимиз каторига кирмай қолган. Бунинг сабаби, образли килиб айтганда, ҳар бир замон, айниқса, бизнинг замонамизда кундалик турмуш, ҳаёт кечиришнинг ўзи курашдан иборат булиб қолганилиги туфайли шундай бўлгандир...

Кураш — қадимий ва эркин кураш турларига булиниди. Бу одатнинг тарихи ҳалкимиз тарихи қадар узундир. Кураш бизнинг ҳалкимиз пайдо булиб, тараққиёт йўлига кирганидан буён таркиб топиб, ривожланиб, такомиллашиб борди. Миллний курашни биз

қозирги кунда спорт тури сифатида қайд этамиз. Аслида эса бу одат халқ ҳәстининг жуда мұхим тармоги булиб, унинг тақдири-аъмолини белгилаган.

Қадимда ялпи қирғин, үлем қуроллари бұлмаган пайтларда, паҳлавонлар у ёки бу халқ, қүшин, катта лашкар ғалабасини, бу билан эса шу подшоликнинг тақдирини ҳал қылғанлар. Полвонлик битта-иккита шахс мисолида эмас, умумхалқ сиймосида оммалашган. Яхши چавандозлик, камондан бехато үқ отиш, чапдастлик билан қилич чопиши, әпчиллик, жасурлық, тантилик ва мардлик, ҳалоллик курашчиларнинг бош фазилатлари санаған.

Қадим даврларда нафакат әрқаклар, туркий халқлар тарихида хотин-қызлар ҳам кураш тушишган. Йигит ва қизларнинг балогатга етиб, турмуш куришларидаги асосий шартлардан бири турмушга чиқадыган қиз аввало уз тенгдошларидан беш-олтитасини күпчилик олдидаги ҳалол курашда енгиши, үйқитиши талаб қилинған. Бу жараён душман лашкарлари билан ҳаёт-матот жанглари кетаётган пайтда түғри келса, (бундай пайтлар тарихда бот-бот булиб турған) турмуш курмөңчи ғулған қиз душман навкарларидан беш-олтитасини үлдириб, калласини онабошига келтириб күрсатиши талаб қилинған.

Ана шу шартлардан кейингина оила қураётғаң қиз бир ёстикка бош құядыган йигити билан бел олишган. Бұлажак эр билан курашда тенг бұлсагина у билан оила куриш ҳуқұқыға эга бұлған. Бу шартлар кадимий табиий таңланишдан келиб чиққан булиб, соглом турмуш ва қудратли оила куришининг, унинг келажағининг бош омили ғулған. Мана шундай оиласардан ҳам жисман, ҳам маънан баркамол үғил-қызлар туғилған. Улар Ватан химоясида собит турғанлар. Босқиңчиларга карши озодлик курашларида бош ғулғанлар. Алномишу

Гүруғилар, Авазхону Равшанхонлар, Ойбарчину Қалдирғочлар, Кенжә ботибу Ойпарилар ана шу сингари ёшлар, Ватан фидойиларининг тимсоли саналган.

*Мард йигитдан доим тугиб мард бўлар,  
Номардлардан қачон чиқиб мард бўлди?!*—

деган буюк туркман шоири минг бора ҳақдир.

Ўзингиз тўй-томушаларда, ойнаи жаҳон ва кинофильмларда икки полвоннинг давра ўртасида халқ олқишида кураш тушиб туришганининг гувоҳи бўлгансиз. Айниқса, бу одат қишлоқларимизда ҳамон анъанавий равишда давом этиб келаётганлиги кишини қувонтиради. Бундай полвоилар кураши Ўзбекистонимизда икки тоифага бўлинади. Булар Бухороча кураш ва Фарғонача кураш шаклларидир. Бу икки тоифа кураш ўзига хос жихатлари билан бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бу фарқлар кураш шартлари, полвоннинг кийиниши, халқимизнинг ҳудудий бўлиниши ва мазкур аҳолининг табиати, руҳияти, урф-одати, удумлари билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Фарғонача курашда полвоилар тўн кийиб, белбоғ боғлаб, бир-бирларининг белларидан иккала қўл билан ушлаган ҳолда майдонда мусобақалашадилар. Бу кураш усули қадимий турга жуда яқин бўлиб, унда рақиблар бир-бирларига нисбатан куч ишлатиб, полвон оёғини тушакдан узиб, сўнг хоҳлаган томонга йикитишлари мумкин. Бу усулда чалиш, қайриш, ёнбошга олиш, елкадан ошириш, бошдан ошириш усуллари тақиқланади. Шу билан бирга, рақиблар бутун олишув давомида кўлларини қўйиб юборишлари ҳам мумкин Эмас.

Бухороча курашда эса полвонлар калта тўн кийиб, белбоғ боғлаб, кураш майдонига тушадилар. Бу усул эркин кураш усулларига жуда яқин туради. Унда

чалиш, қайриш, елкадан ошириб отиш каби усулларга рухсат берилади. Бу усулда кураш тушганда рақибнинг курагини бир зумга ерга теккизисб турған полвонғолиб саналади.

Ўзбекларда қадимдан не-не полвонларнинг донғи кетмаган. Биз ўз замонамизда ҳам жаҳон полвонлари Хушвакт Рўзикулов, Жалол Рўзикулов, Норқобил Йулдошев, Сайфиддин Ҳодиев, Собир Рўзиев, Маҳмадали полвон, Бозорбой полвон сингари ҳамюрт-замондошларимиз билан фахрланамиз. Кураш ҳақида кўп асарлар ёзилган. Ана шундай шеърлардан бирини ўқиб кўришни Сизга ҳам тавсия этмоқчиман. Бу шеър «Кураш» деб аталади. Ҳалқимизнинг урфу удумлари ҳақидаги бу самимий сатрлар ҳам истеъдодли шоир Жамшидникидир.

*Карнай садолари чорлар йигинга,  
Совринга қўйилган матолар-тахчил.  
Хозирча ноаён — баҳт кулар кимга,  
Ҳаяжон ичида сергак минглаб дил.*

*Сизга омад кулсин, кулсин юксак шон.  
Саф-саф келаётган хўшиуд полвонлар.  
Серзавқ олқишилардан гувиллар жайдон,  
Руҳдан кўтарилиб кетар ёлгонлар.*

*Тенгқур йигитларга тилашар омад  
Бир вақт полвон ўтган шуҳратли авлод.  
Бунда на гаразу ва на хушомад,  
Бунда бор мардоларга хос чўнг эзтиқод.*

*Бу ахир майдон деб аталар, унга  
Олис қавмингнинг ҳам кўзи тикилган.  
Одил ҳалқ ғолибни шарафлаб, шунда.  
Чалиш солгувлчини лаънатлаб келган.*

*Сўзимдан муҳтасар хуносамдир шул:  
Хаётда учрағ гоҳ гирром полвонлар,*

*Барин дўст атолмам тутгандарни гул,  
Хали бор беномус, сўқир инсонлар.*

*Аждоҳлар риҳини ҳокипо қилмаӣ,  
Кел, кураши тушайлик ҳаққи ҳалол, жим.  
Майдонда енгилар бўлсам, ҳарқалаӣ,  
Тан бериб чиқарман сенга, рақибим!*

Ўзбекистон тарихида Пўлкан шоирларни куйлатган «Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда». Намоз ботир деганда чор генерал-губернаторлари зир титраган. Машхур полвоннинг бошига бир қоп олтин гаров қўйишганлигини севимли ёзувчингиз Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» тарихий романидац уқигансиз.

Қардош-жондош козоқ ҳалқиниң Ҳожимуқони ўзбек биродарига ҳам ўз жигаридай яқин. Ҳожимуқоннинг япон полвони билан олишиб, кўрсатган қаҳрамонлиги ватан шаънини ҳимоя қилиб, дунёнинг энг зўр полвони номини олини ҳамон Ўрта Осиё ҳалқларини тулкинлантиради... Бу ҳакда машҳур козоқ адаби Собит Муқоновнинг «Чўлок полвон» повести ўзбек адаби Носир Фозилов таржимасида Сизларнинг бир неча авлодларингизга етказиб берилган. Фил сичқондан кўрккандай, Ҳожимуқон ҳам сичқонни кўрса, тоқат қилолмай қолар экан...

Кураш одати асосан сайил ва байрамларда, турли тантаналарда, катта-кичик тўйларда амалга оширилади. Бунинг ўз тартиб-коидалари бўлган, албатта. Курашин ўргадаги кайвони—ҳакам раҳбарлигига энг олдин кичик болалар, сўнг ўсмиirlар, ўспириналар ўз тенгқурлари билан олишиб, бошлаб беришган. Ундан кейин эса даврага эр етган ёш йигитлар тушишган. Мана шундан кейинтина ҳакиқий пахлавонлар, эл орасида машҳур бўлган полвонлар кафас олишган.

Аксинча, бошқа ҳолларда давра курашини аввал оппоқ соколли чоллар, кекса полвонлар бошлиб бериб, сұнг навбатни кейинги авлодларга беришган. Кетта одат қобигидаги бу кичик одат, аввало, тарбиявий, таълимий ахамият касб этган.

Сиз курашининг жисмоний чиниқиши тури сифатидаги замонавий, ранг-баранг усулларидан ҳам яхіңи хабардорсиз. Ҳозирда бизнинг кураш санъатимизда Оврупо, Осиё, Ўрта Осиё ва умуман Шарқ мамлакатлари, кураш тушиш шарт-шаронитлари, ўйиннинг қонун-қондадары ҳам ранг-барангдир.

Айниқса, осиёча усул-япон ва хитойларининг кураш турлари ҳозирги ёшлар орасида жуда машхурлашиб боряпти. Қаратэ-до, таэквон-до, у-шу, ай-ки-до, кунг-фу, жиу-житсу сингари осиёча кураш турлари худди қадимги даврлардагидек узбек болаларининг ҳам севимли кураш усулларига кириб бораётир.

### ҲАШАР

Ҳашар — Шарқ ҳалқлари орасида кеңг тарқалған удумларимиздан бири бўлиб, қадимдан ўзбек ҳалқи ҳаётида мухим ўриц тутиб келган. Ҳашар бу күпчилик нинг бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсадда биргалашиб ҳаракат килишиндир.

Қадим замонларда ота-бободар қишлоқларда, ёзлоқларда хўжалик ишларини кўп ҳолларда ҳашар йўли билан битириб олишган. Ёзлоқларда кўмилган токларни очиш, кесиш, таращ, боя беллаш, ҳашак-сомон тўйлаш, боя ҳосилини йигиб-териб олиш, кузги яхоб суви бериш, катта ариқ, каналлар бошлиб келиш, шох ариқни қиши арафасида ковлаб тозалаш каби оғир ишларнинг ҳаммаси худди шу ҳашар йўли билан бажарилган.

Чунки одамларнинг якка хўжаликларида боғ-томорка лар, ҳосилдор ерлар катта ва сермеҳнат бўлиб, дех-кондан куп кўл кучи талаб қилган. Шунинг учун ҳам ўзбеклар серфарзанд, сероғайни, мўл қариндош-уруғли бўлиб, халқ орасида «ит бўл, куш бўл — кўп бўл» деган мақол юради. «Ёлғиз отнинг чангчилик мас, чангчиликса ҳам донғи чикмас», деган мақол ҳам шундан қолган. Айнан ҳашарда «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», мақоли ўз кучини кўрсатган.

Ёзлоқдан кишлоққа кишилгани кўчишдан олдин иморат курилса ё хонадоннинг шикаст-рехти тузатилса, албатта усталардан ташқари ҳашарчилар ҳам таклиф қилинган. Ҳашар нафакат кўпчиликнинг бир кишига кўмаги, балки бир кишининг кўпчиликка, жамоага ёрдами тегиши шаклида ҳам қўлланган. Масалан, кишлоқ мол-ҳоли, подасини ҳар куни бир одам ҳашар йўли билан боқсан пайтлар ҳам бўлган. Бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, унга кўпгина кишлоқларда амал қилиб келинмоқда.

Ҳашар одатининг эски замонларда, айникса, бева-бечоралар, камбагал оиласларга катта ёрдами теккан. Кишлоқнинг ўзига етар оиласлари, тўқ хонадонлари бирлашиб ёки ёлғиз, камбагал бева-бечора, етим-есирга ҳовли-жой қуриб бериш, гўдак фарзандларининг қулини ҳалоллаш, тўй бериб, бошини иккита қилиб қўйиш каби савоб ишлар жамоа-кишлоқ ахли орасида албатта ҳашар йўли билан бамаслаҳат бажарилган.

Ҳашар баҳорда кўчаларни тозалаш, кўчатлар экиш, ариклар очиш, йўллар қуриш, мозорларни ободонлаштириш, кўприклар қуриш, жамоат жойларини (мачит, мақтаб, мадраса) тартибга келтириш, шифохоналар қуриш борасида ҳам кўпчиликка фойда келтирган. Кишлоқларни ободонлаштириш, маданий-маиший муас-

сасалар барпо килиш, турли шафоат ишларини амалга оширишга құлланилган.

Хашарнинг үзига хос бош хусусияти шундан иборатки, у беминнат, бепул, бетаъма бажарилади. Хашар иши күпчилик томонидан текин адo қилинади. Эски замонларда она-момоларимиз ҳашар одатини түйлар олдидан гилам түқиш, бичиш-тикиш, қавиш ишларида ҳам құллашган. Қайси оиласа түй кутилса, кекса аёллар үша ерга күчиб үтишган.

Жұмхуриятимизнинг жанубий вилоятлари — Қашқадарё, Сурхондарёда ҳашарга үхаш яна бир одат мавжуд. Бу «хайров» деб аталади. Бу тадбир — ҳашар баҳордамас, қора тирамох — қишида үтказилади. Кишлок-шаҳарларга обиқаёт олиб келадиган бош ариқ ҳашар йұли билан лой-гилдан тозаланиб, йилда бир бор амалда қайта ковланади. Бу маросим үтадиган куни ёшу кари ҳашарга — тұғрироғи, хайровга чиқади. Ҳатто йұлдан, күпприкдан үтаётган йұловчи ҳам отдан тушиб, қулиға белкурак олиб, ариқ казиган. Яна бир қызик жойи ариқдаги ҳайровчилардан бири күпприк устига чиқкан йұловчига белкурак учыда нон «узатған». Неъматдан күзига суртиб, тотинган шахс бу рамз үзини курашга чорлаётғанликларини дархол тушунган.

Айтишларича, оппок соколли чол күпприкка яқинлашганда, бир ёш йигит үзига хос ҳазил қымбакчи булиб, кекса йұловчига нон тутган. Чол удумни бажарғач, эшакдан тушиб, бамайлихотир ечиниб, ёлғиз яктак-лозимда бир белбог билан колган. Йигит ҳайратлашиб, бу чувак чол билан курашишини ҳам, кураш маслиғини ҳам билмай, ҳайрон булиб турғанда, мўйсафид оҳиста қафас олишаркан, йигитни даст күтариб айлантириб, курагини ерга теккизган. Бұлган кулги, бұлган қийкирік. Ҳайров тадбири иштирокчилари ичак-

лари узилгуича роса кулишган. Шундан ҳалқимизда «синамаган отнинг сиртидан ўтма», «кичкина деманг бизни, кутариб урамиз сизни» деган мақоллар мавжуд.

Шуролар даврида мамлакатимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида жамоат бинолари, кўприклар, йўллар, айрим кичик шаҳарлар ҳашар йўли билан бунёд этилган. Турли ишоотлар кўп миллатли ҳалқларимиз томонидан Ўзбекистонда Катта Фарғона, Шимолий ва Жанубий Фарғона каналлари, Тошкент каналлари, (Шимолий ва Жанубий) Зарафшон канали, Каттакўргон сув омбори, кўпчилик катта сув омборлари, Чоржуй-Қунгирот темир йўли қурилиши кабилар ҳам умум-халқ ҳашари йўли билан барно қилинган.

Ҳашар ҳалқнинг меҳнат жасорати, ташаббускорлиги ва бунёдкорлик қобилиятини янада ривожлантириб фуқаро сифатида камол толтирди. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам ҳашар одатининг ҳалқимизга кўп беминнат ёрдами тегди. Фронтга, ҳашардан тупланган самолёт, тўн, танк, озиқ-овқат, кийим-кечак каби кўплаб зарур нарсалар тухфа қилинди.

1966 йилги Тошкент зилзиласида бутуниттифок умумхалқ ҳашари пойтахтимизнинг кейинги ҳётида жуда катта из колдириди. Буларнинг барчаси замоннинг талаби, шароитнинг оғирлигидан келиб чиқсан мажбурий зарурат эди. Ҳашар бир-икки кун, айрим ҳоллардагина бир неча кунгача чўзиларди.

Ҳашар найтида тезкорлик билан ишлайдиган кишилар ҳамиша олқишига сазовор булишган. Масалан, иморат қуришида уйнинг бурчак деворини кутариш энг мураккаб иш хисобланади. Тўрт киши туртта бурчакдан тушиб девор ура бошлайдилар. Кимки биринчи бўлиб деворни битқазса, унинг елкасига тўн ёпилади ва келгуси ҳашаргача энг девкор, яъни ишчан одам деб хисобланади. Хўш, шунча одамга тушлик овқат топиш осонми?

Ҳашар қилаётган кишига бунинг ҳам ҳеч оғирлик томони йўқ. Нега деганда, ҳашарчиларнинг аҳли аёли, опалари тушилик пайтида ҳар хил таомлар пишириб, ҳашар бўлаётган ерга олиб боришади. Эркаклар шу ерда чордона қуриб ўтирганча, аёлларнинг ошпазлигига, кайвонилигига ҳам баҳо беришади.

Кўрдингизми, бир одат туфайли қанчадан-қанча бошка урфу одатлар ҳам келиб чикади. Ҳашар бўлаётган жойдан қолмасликка ҳаракат қилган ўғлон ҳамиша енгил кайфиятда юришга ҳақлидир, чунки, бошига бирор мушкул иш тушгудек бўлса, унга кўмаклашмокка бутун бир ҳалқ ҳамиша шай туради.

## Ш Б О Б . И Н С О Н И Й Л И К — К А М О Л О Т

### САЛОМ ВА АЛИК

— Ассалому алайкум! — қўлини кўксига қўйиб, ажиб тавозе ила салом берди ёш йигит.

— Ваалайкум ассалом! — алик олди оппок соколли, нуроний чол ҳассасига таяниб, бир зум нафас ростларкан, сўнг қўшиб қўйди: — Мулла бўлинг, умрингиздан барака топинг, яхши жойлардан ато қилсин, бутам...

— Ассалому алайкум, бувижон! — жарангдор, ширали овози эшитилди қиз боланинг.

— Ваалайкум ассалом! — жавоб қилди соchlари бошига ураган дока рўмоли янглиғ оппок буви, сўнг ўнг қўли билан ёш қизнинг кифтига қокиб: — Қоқиндик, кимнинг қизи бўласиз? — деб сўради. Жавоб олғач: — Йлоҳи бахтингизни берсин, тагли-тахтли жойларга келин бўлинг, ўзингиздан кўпайиб, ували-жували бўлинг, — дея фотиҳага кўл очди отинойи...

Улуг бобомиз Аҳмад Яссавий замонида ҳам, катта бобокалонимиз Амир Темур даврида ҳам, ҳазрат Алишер Навоийу Ҳусайн Бойқаро ва Бобур мирзо замонларида ҳам худди шундай саломлашиларди.

Бугун ҳам бир оз нуксларни ҳисобга олмагандан шундай манзараларни учратиб турасиз. Ҳамма гап одобнинг боши бўлган қаломнинг эрта, юз йилдан кейин, яна минг йиллардан кейин ҳам худди шундай авлодлар тилида жаранглаб туришида қолган. Чунки ҳалқнинг умри унинг маданияти, урф-одат, удумлари умрининг узунлиги билан ўлчанади.

Одобнинг боши саломдан бошланади. Сиз эрта туриб, бобою бувингизга албатта салом берасиз. Ота-онангизни салом билан қаршилайсиз. Аммаю холангиз, тағойиу амакингизни ҳам инчинун. Кичик ука-сингилларингиз ўз навбатида Сизга салом беришади. Бофчада, мактабда, кўча-кўйда, жамоат харакатида катталарга у танишбегоня демай, салом берасиз. Тўғри қиласиз, «салом-худонинг карзи», дейди кексалар. Салом инсонийликкинг ҳам боши. Ҳатто Сиз яхши билган эртакда ҳам ялмоғиз кампирдай феъли бузук салом берган қизчага, «гар саломинг бўлмаганда икки ямлаб, бир ютардим», дейди. «Салом» каломи туфайли уни кечиради.

Саломлашиш — қадимий одат. Дунёдаги барча маданий ҳалклар ўзаро инсоний муносабат, муомала ва мулоқотни саломдан бошлашади. Ҳар бир ҳалқнинг саломлашиш билан боғлиқ булган ўз урф-одатлари бор. Хиндлар қўл кафтларини бирлаштирганча, пешоналарига тираб, афғонлар юзларини юзларига сўйкаганча кифт уриштириб саломлашишса, инглизлар бош кийимини олиб, енгил таъзим қилишади.

Биз, ўзбеклар, барча ислом дунёси ҳалклари сингари бир-биримизни кўрганимизда «ассалому алайкум» дея қўл олишиб куришамиз. «Ассалому алайкум» ибораси арабча «сизга тинчлик тилайман» деган маънони билдиради. «Вaalайкум ассалом» эса «сизга ҳам тинчлик тилайман» жавоб саломи саналади.

Саломлашиш одати ёш ва маросим билан ҳам боялини билдирилган. Масалан, кекса одамлар бир-бирларин билан икки қўллаб кўришишади. Узок вакт бир-бирларини кўрмаган қадрдонлар кучоклашиб, сунг қўл олишиб, ҳолаҳвол сўрашадилар. Кексалар кучоклашганда бир-бирлари кифтларини, курак ва елкаларини силаб-сийпаб, уқалайдилар ҳам. Бу айни пайтда узок йўл юриб то-

лиқкан йұловчи мәхмөнларға үзига хос ходимилик, тиббий, жисмоний тарбия ҳамдир. Академик шоири мінез Fafur Ғуломнинг шарҳларича, қадимда одамлар қабиля-қабила бўлиб яшашған, аксарият ҳолларда бир-бирларига рақобатда бўлган гурухларнинг вакиллари, «мана, кўлимда куролим (болта, пичоқ, тош) йўқ, кўлим ҳам, кўксим ҳам очиқ» мазмунида қўл олишиб кўришишган. Шу билан бир-бирларига тинчлик, омонлик тилашган.

Маданиятиликинг биринчи белгиси бўлган саломлашиш одатида кекса киши билан ёш йингит, усмир, бола кўришганда ёш «ассалому алайкум», дея ўнг кўлинни кўксига, юрак устига кўяди. Кекса киши «ваалайкум ассалом» дея айрим рағбатлантирувчи олқишилар ҳам айтиши мумкин («Боракалло, мулла бўлинг, отангизга раҳмат, катта йигит бўлинг» каби). Бундай пайтда кекса киши қўл узатсагина, ёш бориб, икки қўллаб у кишининг кўлинни олиши лозим.

«Салом» каломи «савоб» сўзига уйқаш. Маъно жиҳатидан ҳам бир-биридан узок эмас. Ўзидан катталарга салом бермоқ бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Салом беришини кандай килмайдиганларни одобли, ахлоқли; саломсизни одобсиз-тарбиясиз санаб келишган қадимдан ота-боболаримиз. Салом берган савоб олади, дейишади. Нима учун? Чунки салом бериш билан Сиз куп одамнинг кайфиятини кутарасиз, ҳурматини оширасиз, чиройини очасиз. Алик олганнинг ҳаётга муҳаббати, инсонга ишончи ортади, рухи тетиклашади. Катта савоб ишлар ҳам мана шу кичик каломдан бошланади.

Хотин-қизлар, одатда саломлашишни елка коқишиб, баъзан ўпишиб кўришиш билан амалга оширишиади. Кекса аёллар ёш қизларга: «Қоқиндик, умрингдан барака топ», каби олқишилар айтиб, саломига алик олишади. Эркак киши аёл билан саломлашганда, эр киши одоб

сақлагани маъқул. Аёл қўл узатсагина у билан қўл олишиб, силкитмай, кўришиш лозим.

Азали жойларда танишлар билан қўл олишиб кўришилмайди. Бундай пайтда қўлни кўкракка қўйиш, бош иргаш билан кифояланилади. Қасал-бемор кўргани боргандা ҳам хаста ётган киши билан бош иргаб саломлашиб, у кишига сихат-саломатлик тиланади.

Замонлар утиши билан саломлашиш одати турли шаклларда ўзгариб борган. Масалан, баъзи замонларда камбағал, бечора, батрак бой ёки амалдорларга қули кўксидা, бел букиб таъзим қилиш билан саломини, ҳурмати ва тобелигини билдирган. Ҳоким синф вакили эса киборлик билан бош силкиш, қош кериш, кўз ташлаш билан «алик олган».

Каерда, ким-кимга қандай саломлашуви керак, деган савол туғилади. Масалан, Сиз синфдасиз. Муаллим синфа кирди. Ким олдин салом бериши лозим? Кўпчилик турган жойга кириб келган ёлғиз ёки бир неча киши аввал салом бериши талаб қилинади, чунки улар «янги» сифатида жамоага қўшиляпти. Қамчилик албатта кўпчиликнинг ҳурматини килиши фарз. Отлик ёки машинадаги киши тўхтаганда пиёдага салом бериши лозим. Юрган ўтирганга, ўтирган ётганга салом бериши қарздир. Чунки харакатнинг сустлигига қараб, қария, bemорлик билинади. Агар борди-ю ёш йигит ўтирган бўлса ёнидан қария ўтиб колса у албатта, ўрнидан туриб салом бериши керак. Еши ва соғлом ўз бурчини бажариши, мусулмончилик, инсонийлик вазифасини адо этиши зарур.

Хозирги кунда катталар ва, айникса, ёшлар, усмирлар, болалар ўртасида бу ажойиб миллий одатимиз — саломлашиш турли шаклларда мазмуни ва ижроси бузилиб адо қилинмоқда. Тўғри, саломлашишни уч шаклда ҳам «ассалому алайкум», «саломалайкум», «салом» кабилида айтишнинг нотуғри жойи йўқ. Ўрни билан уч

кўринишни ҳам қўллайвериши мумкин.

Аммо ёшлар уртасида, жамоат орасида каттиқ қичқириш билан: «Хелло», «кимни кураяпман», «бормисан», «Ў», «хў», «привет», «салют», «чава» каби тутуриксиз сўз ва хитоблар қўллаш ёинки қўл кўтариш билан ёнидан ўтиб кетиш, икки бармоғини тик қилиб кўрсатиш, кафтлардан ўт чиккудек қилиб, қарсиллатиб уриш сингари ёқимсиз киликларни салом ўрнида ишлатиш каби ёмон одат пайдо бўлмоқда. Бу ўз миллий саломлашиш одатига нисбатан катта ҳурматсизлик белгисидир.

Ундан ҳам ёмони баъзи болалар катталар ёнидан без булиб, салом-аликсиз ўтадилар. Гуёки бир оғиз калом билан давлати камайиб қоладигандай... Бу эса кекса, ўрта яшар одамга малол келади, кўнглида шубҳа пайдо бўлади. Кайфияти бузилиб, ишининг унуми кетади. Сиз ўзингиз билмаган, балки истамаган ҳолда қарийб жиноят килган бўласиз. Агар ўша одам ўқитувчи булса, совук руҳи бир неча синфга кўчади. Доктор бўлса, беморларнинг шундок ҳам хира кўнгли янада қоронғилашади...

Бизнинг ўзбек халқимизинг ўзига хос табиатини, лутфкорлигини, урфу одатларини ҳаммамизга жондай азиз, кадрдон «салом» сўзисиз тасаввур қилолмайсиз. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «аввал салом, баъдаз калом» деб бежиз айтмаган. Салом одобнинг боши, одатнинг дебочаси. Қолаверса, одамнинг кимлигини унинг саломи ҳам белгилайди...

*безаш обоби.*  
ДАСТУРХОН ТАОМ. ФОТИХ

Инсон пайдо булиб, таом истеъмол қила бош лабдики, дастурхон бор. Дастурхон азиз, муқаддас, ризқ-рўз манбай ва рамзи сифатида кўзга суртилган. Дастурхон одоби, таом смак қоида-конунлари ҳам халқимизда азалдан мавжуд. Ўйингизда бўлсин, меҳмонда

бўлсин, кунига уч-тўрт бор дастурхон ёзилади. Унга нончой, қанд-қурс, хўл ва қуруқ мева қўйилади. Дастурхонлар ҳам жойи, одами, мавсуми, маъракаси, хонасиға қараб, катта-кичик, ранг-бараанг, одми-оҳорли бўлиши мумкин. Дастурхон — таоми билан улуг.



Дастурхон устига одатда, биринчи нон қўйилади. Ўзбеклар тандир нонни купроқ истеъмол қилишади, у дастурхонга жуфт қўйилади (Фаргона водийсида нон тоқ қўйилади, 3, 5, 7, 9 та сингари). Бир чойнакда қўш пиёла билан чой дамланади. Қуруқ меваю асал, мурабблолар — дастурхон зийнати. Нонушта, тушлик, кеч-

ки овқатга караб, дастурхон ўзига хос бөзатилади, түлдирилади. Дастурхон одоби ҳам кадимий бўлиб, кишидан муайян анъаналарни яхши билишни талаб қилади. Дастурхон ёзилганда нонни, таомни, барча егуликларни истеъмол килишини биринчи бўлиб кекса киши, бобо, буви, амма-хола бошлиб беради. Кичик оиласда эса отана. Бунгача албатта кўллар ювилган, сочиқларга артилган, тоза-озода бўлиши шарт. Ўзбеклар Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари кўпчилик халклари сингари суюк овқатларни қопиқла, куюкларни эса қулда тановул килишади. Шунинг учун ҳам мусулмончиликда жуда кўп кўл ювилади.

Таомга тановулга киришишдан олдин албатта, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» дейилиши шарт. Умуман ўзбекчилик-мусулмончиликда ҳеч бир иш бисмиллюсиз бошланмайди. Овқатга қўл уриш ҳам улуг ёшлиларинг шаъни. Шундан сўнг ўрта ёшли, кичик ёшлилар овқат истеъмолига киришадилар.

Оиласда дастурхонга, таомга карашни ота бошлиб беради. Ундан сўнг болалар овқатга қўл урадилар. Ўзбеклар жума ва душанба оқшомлари, яъни, пайшанба ва якшанба кунлари кечкурун албатта ош, палов дамлашади. Бу кунни «чопон қозикка илинадиган кун» ҳам дейишади. Бу куни оиласнинг улуғларидан бири тахорат олиб, хонадоннинг утган аждодлари, марҳумлар хотира сига дую фотиха ўкишади. Билганлари «Куръон» сураларидан ҳатми куръон туширишади. Билмаганлар «Фотиха» ва «Ихлос» сурасини уч бор такрорлаб, фотиха ўкишади. Ана шундан кейингина овқат-паловга қўл урилади. Бу икки оқшом ўткир ичимликлар, шароб, май истеъмол килинмайди. Овқат ейиш одоби ҳам расамади билан, тақаллуф курсатиб, тўкмай-сочмай, яхши чайнаб, ҳазм қилинади. Хўшбуй чой ош устидан нур устига аъло нур бўлади.

Ўзбекнинг овқат устидаги сертакаллуфлиги, «олинг-олинг»и, «дастурхонга қаранг»и, «олиб утиринг»и «қани қани»си эл орасида машҳур. Шундай мутойиба борки, ош устида бир-бирига кафт ёзиб. «қани, қани» деб турган «қани»лайсан, мана, кўз ўнгингда, буғи чиқиб турибиди-ку». деб ўзбек дустининг кўлни ошга теккизиб қўйган экан. Бу ҳазил, албатта. «Ош эгаси билан ширии» акидасига амал қилган миллатдошларимиз дастурхон одоби-килиб, овқат маҳтал бўлмасин, дея меҳмон-мезбои уни ширии қилиб баҳам кўришган.

Таом истеъмол килиб булингач, оилабоши албатта фотихага қўл очади. Таом емакнинг якуни бўлган бу одатда ейилган таомни эккан-тиқкан, етказган, еган-ичган кишилар олқанади, етказганига шукронга айтилади. Кизинги шундаки, барча маросимларда араб-форс тилларида ўқиладиган дую фотихалар овқатдан кейинги, дастурхон усти фотихасида соф туркча-ўзбекча ўқилади. «Еган-ичганимиз савобини худойи таоло ўз даргоҳида қабул килсан», дея фотиха якуланади.

Фотиха намунаси:  
Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ширик обод, мансуз обод,  
Пайғамбар худога салавот  
Қўн бергин, қўл бергин,  
Кенг феъл, кетмас давлат бергин.  
Дўстга зор, душманга хор  
Номардга муҳтож қимлагин.  
Ўт балоси, сув балоси, ноҳақ  
туҳматдан ўзинг асрарин.  
Экканни-тиқканни, еганин-ичганни  
Савобини даргоҳинда қабул қилгин.  
Омин, оллоҳу акбар!

Овқатдан олдинга кўл ювилишни айтдик. Овқатдан кейинги қўл ювдириш удуми ўзгача. Ошни еб, ёгини қош, мўйлов, маҳсисига сургандан сўнг «кан», илохи омин» дея дастурхон савобига фотиҳа қилган бобо, ота (кекса киши) ва катталар учун оиласинг дастёр болалари чопқиллаб, дастшўй ва офтобада илик сув келтиради. Елкада сочиқ билан каттанинг қулига сув куйиб, дастшўйда ювдиради. Қўл камида уч бора сувда ювилиши талаб қилинади. Ювилган қўл силкинмайди, артилади. Ана ундан кейин, дастурхон йигиштирилгач, дастурхон усти оиласиний сухбатлари, гангир-гунгур гурунг давом этади.

Шундан кейингина ҳамма ўз ўрнидан, дастурхон атрофидан туради. Хали ҳам бу удум тўла тугаллангани йўқ. Энди дастурхонни қокиш анъанаси ҳам бор. Дастурхон қокиш савоб сифатида энг ёш иштирокчига топширилади. Одатда, дастурхон бир чеккага, ҳовлининг тоза, озода жойига қоқилади. Дастурхондан тушган нон увоги, гуруч доналари, майиз-ёнгок ушоги ҳаром-ҳариш нарсага, жойга тушмаслиги, уларни хонадондаги кучук, товук, мушук териб есин учун шундай қилинади. Дастурхонни кокқанда, ундаги сўнгги насибаларни ахлатга ағдариш, дуч келған томонга сочиб юбориш ношукрлик, гуноҳ саналади.

Қоқилган дастурхон келтирилиб, унга ушатилган ва ушатилмаган нонлар ўраб қўйилади. Ўзбек хотин-кизларни орасида дастурхон кўтариб, «ол товогим, бер товогим» одати ҳам азалдан мавжуд бўлиб, одатда тўй-маърака, чарлар, чакириқ, меҳмондорчиликларда маросимга яраша дастурхон килиб борилади. Бу маросимларда маҳсус дастурхончи хотинлар, кайвони эркаклар бўладиган тўй-маърака дастурхони, коидаларини ана ушалар бошкараб турадилар.

Юқорида айтганимиздек, инсон ризқу насибаси тим соли бўлган дастурхон муқаддас саналганидан уни босиш, ерга тушириш, ҳаром-ҳаришга қўшиш катта гуноҳ саналади. Дастурхон ҳакида ҳалқ орасида мақол, мatal, иборалар кўп. Ярамас, ҳасис кишиларга нисбатан «туз ичиб, тузлиғига тупурган» дейишади. Яхши, сахий одамларга нисбатан «кўли, дастурхони очик» деб таъриф берилади. Дастурхонни улуглаб «бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер» деган фикр ҳам қадимдан қолган.

Биз уйда, оилавий шарт-шароитларда дастурхон тузатиш, таом, фотиҳа ҳакида гаплашиб олдик. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам бўладики, одамлар дала-даштларда, бирор юмуш билан чиқишиганда ҳам дастурхон ёзиб, таом ейишга эҳтиёж сезадилар. Аёнки, даштда ҳаммага етарли идиш-товок, қошиқ-санчқилар бўлмайди. Шундай пайтларда улар тўғри қозоннинг ўзидан овқат олиб ейдилар. Бошқаларнинг иштаҳасини бўғмаслик учун қўлни ҳамманинг олдида тозалаб ювиш одамларнинг Сизга бўлган илиқ муносабатларини оширади.

### МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Меҳмондорчилик, яъни, меҳмон кутиш ва кузатиш одати дунёдаги аксарият ҳалқларга хос хусусиятдир. Ўзбек ҳалқи бу жўмард одатни жуда қадим замонлардан ихтиёр қилган. Шунинг учун маданиятимизнинг кўхна манбаларида меҳмондорчилик инсоннинг, оиланинг, кабила ва ҳалқнинг одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқаси — мулоқоти мезони сифатида жуда катта қадр билан тилга олинган. Ўзбеклар, «меҳмонхонанг тор бўлса ҳам меҳру дилинг кенг бўлсин», дейишади.

Шарқ ҳалқлари орасида машҳур бўлган Хотами Той

хикояти Навоий бобонгиз асарлари орқали сизга ҳам таниш албатта. Уларда меҳмонга энг сўнгги луқмасигача сахийлик билан тутказган, оила ва кабила шаънини саклаб колган ажойиб инсон ҳакида хикоя килинади. Халқимиз эски замонлардаёқ «меҳмон — отангдан улуғ» деган наклга кўра эшикдан келган одамини хурмат-эҳтиром билан кутиб олиб, иззатини жойига қўйиб, кузатиб қўйишган.

Меҳмон, мезбон, меҳмондорчилик одатининг таомиллари ҳакида гапириб, туркман шонри Махтумкули бундай ёзади:

.. Мард чиқар меҳмонга кўлар юз билан  
Номард қочиб қолар меҳмон йўлиқса...  
ёки  
.. Моли кўп деб меҳмон бўлма номардга  
Жўмард фақир бўлса ҳамки бор айлар...  
ёхуд  
.. Мард йигит мол топса, ҳиммати ортар,  
Номард фойда топса, кўнглин тор айлар...  
каби.

Туркий халқлар қадимдан меҳмондорчилик одатига катъий риоя қилишган. Махмуд Кошфарийнинг XI асрининг нодир намунаси бўяган «Девону яғотит турк» асарида бу ҳақда қўйидаги мисралар ёзиб қолдирилган:

Қўрклик тўнинг — ўзингга,  
Тотлиг ошинг — ўзингга,  
Қўноққа кўргиз иззат,  
Ёйсин шаънинг узоққа.

Боракали ёз келганда  
Киши озигин ҳозирла.  
Чунки ўтар ой ва замон  
Тун, кун ўтиши бирла.

*Май идиши гоз бұлсан,  
Туби күз каби тұлсан.  
Ғамни күмайлик, ұлсан,  
Тун-күн ұйнаб-кулаілик.*

*Бахил мәзбон мәжмонини  
үгри күрар.  
Берғанини миннат қилиб  
юзга урад.*

*Құни-құшни, қарындош,  
Құрсын сендан яхшилик.  
Не-не соғра қилиша,  
Яхшиорогиң қыл ортиқ.*

*Келса кишиң өсірасыға құл сочмагиа,  
Иzzат билан құтіб үни, яхшилик қыл.*

*Келса бирор әдқлашиб,  
Бергіл яхши озиқ-нен.  
Карғаб кетар мәжмонлар,  
Құттар бұлсанға гар ёмон.*

*Мәжмон келса, ұтқазға,  
Хордик олиб, тиңч бұлсан,  
Оти ҳам ёруғликда,  
Арпа-сомонға түйсин.*

*Мол айғышини сел келиш деб ұисобла,  
Мол әгасин тош каби юмалатар...*

Кадимий одатларимиздан бұлған мәжмондорчиликкіннің күптина үзіга хос хусусиятлари бор. Мен уларшынг бар-каси ҳақида ҳаммага маълум гапларни тақрорлаб үтирамайман. Аввало, кадимдан Шарқда маҳсус мусофирхоналар, карвонсаройлар мавжуд бұлған. Бу жойларда үзга мамлакат ва шаҳарлардан келған сайёхлар, савдо ва тијорат ахллари, әлчию чопарлар вактингчалик бош-пана топишган.

Ўзига тўқ, тўкин турмуш кечиришган ота-боболаримиз ўз ҳовлиларидан ташқарида, бир-биридан анча олисликдаги қишлоқларни туташтириб турувчи йўл бўйларида работлар куришган. Бу работлардаги ҳовуз бўйларига толлар экишган. Отда, эшакда ёинки яёв йўлга чикканлар ана шу работларда нафасларини ростлаб, ҳордик чиқаришиб, яна ўз йўлларида давом этгандар.

Умар Хайём ёруғ дунёни кириб-чиқиладиган работга қиёслаб, бунда ҳар куни бошқа-бошқа қавмлар қўним топади дейди:

«Дунё як работу ду дар аст,  
Дар ин работ ҳар кўз қавми дигар аст».

Даштларда, йўл бўйларида бундай қўналгаларнинг колдиклари сакланиб қолганлигига кузингиз тушгандир. Уларни ўз ҳолига қайтариб, обод масканга айлантиrsак, ота-боболаримизнинг рухлари шод бўлади.

Энг мухими, булардан ташқари, ўзбек халқининг ўзига етар хонадонларида, деярли ҳар бир ҳовлида маҳсус меҳмонхоналар бўлган. Кўпроқ бундай меҳмонхоналар ичкари-ташқари ҳовлининг ташқарисида, кучадан кираверишда жойлашган кўндаланг уйдан иборат бўлган. Бундай уйлар камида 9, бўлмаса 11 боловли, кенг ва катта хоналардан иборат бўлган. Меҳмонхона маҳсус жиҳозланган бўлиб, унда меҳмонлар учун барча шароитлар тахт қилиб қўйилган.

Меҳмон келганда, у оила, бола-чақаси билан, отда эшакда бўлиши мумкин, оиланинг барча аъзолари «меҳмон отангдан улуг» деб хуш тавозе, кўнгли очиқлик билан кутиб олишган. Оқшом эса қишлоқнинг (маҳала-гузар) ўзига етар кишилари меҳмон шарафига бу хонадонга таклиф этилган. Меҳмондорчилик анжуманида яқин-атрофнинг уламою фузалолари, баҳшию шоирлари албатта таклиф қилинган. Бу оқшом меҳмон кутиш баҳо-

насида дунё воқеаларидан, сиёсатдан, савдо-сотик, адабиёт-санъатдан ҳаммани қизиктирган одоб доирасидаги баҳсу гурунглар олиб борилган.

Бахши шоирлардан шеъру достонлар тингланган. Жангнома китоблар, ровийлар ибратли ривояту ҳикоятлар уқиганлар. Хунармандчилик, дехқончилик, боғбонилик сирасорлари, янги мавсумга тайёргарлик маслаҳатлари ҳакида гап борган. Бундай анжуманларда Сиз тенги болалар ва ўсмирлар ҳам фаол иштирок этишган. Улар куйида, айвон саҳнида, танча теграсида, түкин дастурхон атрофида қалдирғочлардай тизилишиб, ўз сұхбатларини қизитишган. Айни пайтда, катталарга хизмат қилишиб, чой ташиб, ковуш тұғрилаб, танчага үт солиб, озиқ-овқат, идиш-товок ташиб, ярим кулок билан катталар мажлисларини ҳам тинглашган. Шу йүсін бу қадимий одатимиз бевосита авлоддан авлодга мерос сифатида үтиб келған.

Биз үзбекларда, умуман, мусулмончилика мемон ҳатто ғаразли мақсадда, юртга, қабила ё оиласа ёмон ният, душманлық мақсади билан келған бұлса ҳам, мезбон буни сезса, яхши билса-да, мемондорчилик одатига шак келтирilmаган. Албатта, мемон шарафига, унинг кутлуг пойи-қадамиға аatab жонлик-құй сүйилған, түкин дастурхон безатылған. Чунки бу нафакат ўша оила, балки қабила, қишлоқ, миллаттинг шағын саналған. «Мемон оз утирад, күп күрар», деб уй-хонадонни тартиблаштириб, тоза, фариштали қилиб қўйилған.

Ўзбек дастұрхонидай жаңнатий ноз-неъматлар қаерда бор дейсиз? Нону чой, нишолдаю мураббо, асалу қандкурс, майизу ёнғоқ, данагу нұхот, ҳамилу нок, хурмо, олма-узум, қовуну тарвуз, овқатлардан моҳораю кобулий шұрва, норину шилпилдөк, қазиу қарта, чучвараю манті, қабобу палов...

Ўзбек дастурхонида меҳмондорчилик энг обрули миллий таом — палов истеъмоли билан хотималанади. Ана шундан кейин дастурхон ҳақига фотиха ўқилиб, иззатли меҳмон билан хайрлашув олдидан, унга чопон, белбог, дуппни кийгизилади.

Халқимизда шундай бир мутойиба юради. Эмишки, бир ёш, тажрибасиз оила бошлиғиникига фавқулодда меҳмон келиб колибди. Мезбон суюнганидан меҳмонга түя сўйиб, шилпилдок қилибди, от сўйиб қази-карта едирибди, ҳўкизу кўй сўйиб, кабобга тўйдирибди. Қобулий шўрваю манти билан сийлабди. Меҳмон буюрганини еб ётаверибди. Орадан уч кун, беş кун, бир хафта ўтибди ҳамки, меҳмон кетишга шошилмас эмиш. Йигит энди қолган бир-иккита кўй-эчкисини ҳам меҳмон хурматига сўйиб едирибди, шунда ҳам меҳмон силжий демасмини. Йигитининг тириклилиги, мулжаллаган ишлари улда-жула колянти. Меҳмонни ташлаб кетолмайди.

Ақлига иш буюриб, «бориб, оқсоқол билан масла-хатлашсан-чи», деб, кишлокнинг кўпши кўрган, кайвонисен, донишманид шуроний ҳузурига равона бўлибди. Донишмандга булган воқеани, уз ташвишини тушунтирибди. Оқсоқол унни тинглаб бўлгач: — Ош қилдингми? — деб сўрабди.

— Ҳамма овқатдан килиб ёдирдим, — жавоб берибди йигит.

— Палов дамладингми, деяпман, — татин аниқлашибтирибди чол.

— Йўқ, палов дамламабман, — дебди пушаймон бўлиб йигит.

— Бугун бориб палов дамла, — буюрибди чол. Мезбон чопқиллаб бориб, ёлғиз ҳурозини сўйиб, палов дамлаб едиргач, меҳмон фотиҳага кўл очиб: «Энди менга рухсат берасиз, анча ушланиб қолдим», деган экан ўриндан қўзғалиб.

Мен Сизга яна бир мисол келтирай. Шоҳ ва шоир бобонгиз Захириддин Мухаммад Бобур Шайбонийхонга Самарқандни топшириб, сарсон-саргардон юрган кезлари темурийлар сулоласининг кудратли султони Ҳусайн Бойкарони қора тортиб Ҳиротга боради. Султоннинг бош фарзанди Бадиuzzамон қариндоши Бобур шарафига катта зиёфат беради. Издиҳомда Бобур иззатли меҳмон сиғтида қатнашаркан, унга чоғир (май, ичимлик) тутадилар. Захириддин шу ёшгача оғзига май олмаганини айтиб, узр сурайди. Орадан бир оз вакт ўтиб, Бадиuzzамон Бобур олдида ҳамон бузилмай турган таом — улкан гозга ишора қилиб, нега тановул қилмаяпсиз, дея овқатга ундаиди. Бобур мирзо гоз бузишни билмаслигини айтиб, киши билмас узр сурайди. Бадиuzzамон шараклаб кулиб, Бобур олдидаги ғозни булаклаб беради...

Кўрдингизми, ёш дўстлар, Бобур мирзодай маҳсус тарбия кўрган боболарингиз ҳам меҳмондорчилик урф одатларига каттиқ риоя қилиб, одоб саклаганлар. Чунки овқатнинг ўз одоби булади. Бу биз билан Сизга ҳам ота мерос.

Ота-боболаримиз меҳмондорчиликда ўзни тутниш, кандай қоидаларга риоя қилиш ҳакида маҳсус рисолалар ёзганлар. Уларни мукаммал ўрганиб, араб, форс, эски турк тилларидан ҳозирги замон тилига ўгириб, бизнинг замонамизга, кейинги авлодларга етказиб берган маданиятшунос олим Шорасул Зуннун кўп йиллар бу соҳада баракали қалам тебратдилар. У кишидан давр ўтган бўлса-да, улар қолдирган: «Оз-оз ўрганиб доно булур», «Донишманлар тарбия хусусида», «Донолар бисотидан» китоблари Сиз билан бизнинг қимматли бойлигимиздир.

Шорасул бобонгиздан колган бир катор панд-насиҳатлар худди шу биз баҳс юритаётган меҳмондорчилик одати туғрисидадир.

*Мажлис одоби.* Мажлисга йигилган одамлар хузурида одобли бўлиб, ўзингизга лойик бўлган ўринларда ўтиринг. Ўтирган вактингизда бир тарафга қараб огишманг. Мажлиса бирор одам гапираётган бўлса, унинг сўзини яхши тингланг. Сабабсиз кулманг. Издиҳомда айтиш мумкин бўлмаган сўзларни сўзламанг. Улфатда бўлганларнинг хурматларини бажо келтиринг.

Мажлиса такаббурлик қилган, ўзини мактаган кишини халқ севмайди. Шунинг учун меҳмондорчиликда ўзингизни юқори курсатиб, кеккайиб ўтирунг.

*Юз ва кўз одоби.* Юз кўнгилнинг юмшоқ ёки қаттиқ бўлганини курсатувчи кўзгудир. Шунинг учун ҳар вакт юз одобига эътибор беринг. Сўзлашган вактингизда юзингизни четга бурманг. Кўз кири билан қараманг, қайғу-ҳасратли кишига кулиб қараманг, шод кўнгилли кишининг юзига эса қовоғингизни солиб боқманг. Ўртоқларингиз билан ўтирганингизда улар билан очик юзда муомала қилинг. Уларнинг кайфиятларини бузадиган даражада суррайиб, хўмрайиб ўтирунг. Кўз одобида ҳар нарсани қаноат кўзи билан кўринг, ҳеч кимга ҳasad қилманг. Ҳеч кимга қаттиқ, беписанд, бехурмат тикилманг.

*Таом ейиш одоби* ҳам бор. Овқат ейиш олдидан албатта қўлингизни ювинг ва яхшилаб артинг. Ёши сиздан катта кишилар бўлса, улардан юқорига чиқиб ўтирунг. Овқатланаётган вактингизда одобга риоя қилиб ўтиринг. Очкўзлик қилиб, кўп ейишга одатланиманг. Кўп овқат ейиш саломатликка заарли эканлигини яхши биласиз. Яхши пишмаган емишларни еманг, ёз кунларида ёғли овқатлар ейишдан сақланинг. Вакт-вакти билан овқатланишга одатланинг, овқатга майлингиз бўлмаса, ўзингизни зўрлаб овқатланманг. Овқатланганингиздан кейин олма, анор, узум каби мевалар ва турии сабзавотларни истеъмол қилинг.

Бирор жойга зиёфатга чакирилсангиз, белгиланган вактда боринг. Зиёфатга чакирган кишига салом бериб, шодлик ва мулойимлик билан куришинг. Мумкин кадар ўзингизга муносиб бўлган кишилар ёнига ўтиринг. Ўтириш ва таом ейиш одатларига риоя қилинг. Сизга келтирилган таом мабодо ёкмаса, у таомни севмаганингизни билдириманг. Қўйилган овқатларнинг яхши овқат эмаслигидан сўз очманг. Гарчи севмаган таомингиз бўлса ҳам озоздан дастурхон ва мезбон ҳурмати учун тотиниб туринг.

Зиёфат тамом бўлгандан сўнг мёзбонга раҳмат айтиб, миннатдорчилигингизни билдирганингиздан кейин хайрлашиб жунанг. Зиёфатга борганингизда аввалги кишининг зиёфатида қўйилган таомларнинг озлиги ё бемазалигидан асло оғиз очманг. Чакирилмаган ерга борманг.

Халқда: «айтмади деб айтма, айтган жойдан қайтма», деган накл бор. Сиз бу халқчил таомилга риоя қилинг.

Албатта, китоб укиб, бирордан эшитиб меҳмондорчилик одатларига тўла-тўқис амал қилиш анча мушкул ишdir. Бу нарса оиласда, авлоддан-авлодга ўтиб кела-диган удумдирки, бу ҳақда севимли шонримиз Абдулла Ориповнинг жуда ажойиб шеъри бор:

## Ж а в о б

(Ўзбекларнинг меҳмондўстлигини пора дегувчи  
бâъзи кимсаларга)

Муруват нелигин билмас меҳмоним  
Кўзи оч, еб тўймас, бесўнум гадой.  
Пора бўлибдими бир бурда ноним,  
Пора бўлибдими бир пиёла чой?!

Ҳафталик ёвғонга қаноат қилиб,  
Гурурни сақлаган жўжабирдай жон.

Мезбонлик йўрингин мұқаддас билib.  
Күнишган елкангга ташлабди чопон.

Ўзбекнинг еридан жўнаган неъмат  
Сенинг ҳам умрингга етгулик қадар.  
Айт, кимнинг маҳридири үлуг бу давлат  
Энди ҳимматидан қилдингми ҳазар?!

Эгасиз санғиган ҳар дайди жонзот  
Бошини силасанг, қўлинг тишлайди  
Ногаҳон гингшибсан, инсонсан наҳот,  
Муздек юрагингда гараз қишилайди.

Саховат сўзининг маъносин билмай,  
Меъмондан минг фирсаҳ қочгувчи бу — сен  
Сийлаган кимсани назарга илмай,  
Тагин заҳрини ҳам сочгувчи бу — сен.

Тош берса ютгувчи, эй нафси ёриқ.  
Хайру эксонимни майли, унугтиш.  
Елкаяг тўн кўрмасин, оғинг чорик.  
Дўстга зор бўлгину, бири кам ўтгин.

О, ҳалқум, очикқўл — ҳотамсан азал,  
Атойи худо де, майли, меъмонни.  
Лекин нонкўрларни учратган маҳал  
Оғизга тиқ энди типратиконни.

### ЯХШИЛИҚЛАР БОШИ

Кундалик ҳаётимиизда шундай зарурӣ нарсалар борки, уларни бажармасдан ҳаёт кечиришнинг узи мумкин эмас. Масалан, овқатланиш, кийиниши ва ҳакозолар. Бироқ, аҳамиятсиздек туюлган, аслида заруриятдан ҳам зарурийроқ баъзи бир таомиллар, урф-одатларни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Тасаввур этинг, эрталаб турганингизда деразадан мўл-кўл қуёш нури тушиб турибди. У Сизнинг овқатланишингизга ҳам, кийинишингизга ҳам заррacha алоқаси йўқ. Бироқ, бу омил руҳингизни кўта-

риб юборади, беихтиёр шодланасиз, ҳаёт неъматларининг ичогли қадр-кимматли эканлигини англайсиз. Табиатнинг бошқача манзаралари, олис-олис уфқлар, экинзорлар, утлоклар ҳам дилингизда ғалати, англаб бўлмас ҳис-туйғуларни ўйғотади. Бу туйғулар сирли туюлса-да, рухингизни юқсалтиради. Сиз жамики мавжудотга, ёруғ оламга, табиатга шукроналар айтгингиз, одамларга яхшиликлар қилгингиз келади.

Ана шундай инсоний туйғулар-ла боғлик, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда яхшиликка ундовчи удумларимиздан бири каттага хурмат, кичикка шафқатdir.

Халк оғзаки ижодида дейсизми, ўзаро сұхбат-гурунгиларда дейсизми, бу ақида ҳеч қачон четда қолмаган. Маълумки, ёзма адабиёт ҳам инсонларнинг энг гузал нарсаларга эҳтиёжидан келиб чиқкан. Ҳикоями у, шеърми у — эҳтиёж фарзандидир. Каттага хурмат, кичикка шафқат ҳисларига ташналик жуда күп сўз санъаткорларига туртки бергани аён.

Донишманд боболаримиз, кекса кишиларга, ота-онага, ақа-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларга, маҳалла-гузар аҳлига нисбатан хурмат, меҳр-окибат, шафқат, муҳаббат туйғуларини юракдан энг асл гавҳар донасидаи асрараш тўғрисида махсус тарбиявий рисолалар битганлар.

Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий сингари аждодларимиз, боболаримиз ижодий меросининг катта қисми мана шу чукур инсоний мавзуга қаратилган. Катта кишилар олдида одоб саклаш, уларнинг гапи, угити, панд-насиҳатларини кулокка олиб, амал қилишнинг маъноси сиртдан карагандагига нисбатан жуда кенг ва терандир. Чунки, ёши улуғ одамларнинг зиммасига ўзларидан олдин ўтган ота-боболарнинг катта маънавий зил юки юқлатилгандир. Бу табаррук инсоният ҳаётининг бардавом-

лилигини, узлуксизлигини таъминловчи «юк»ни қабул қилиб олишнинг ҳам ўзига яраша одоб-қоидаси бор. Кичикка шафқат ҳам бежиз эмас, улар ҳозирги замонни ҳам, ўтмишни ҳам келажак авлодлар-ла боғлайдилар. Уларга ҳар қанча меҳр, шафқат озлик қиласи бу масъу-лиятли вазифанинг олдида!

Сизларнинг ўзингиздан кичик болаларга, айниқса қизчаларга ҳамишалик эътиборингиз, меҳрибончилигин-гиз, беминнат кўмагингиз ўз ерингизни, авлод-аждодларни нечоғли севишингизни ҳам билдиради. Катталар орасида ҳам — ўзингиздан кичиклар ўртасида ҳам айрим ногирон, касалманд кимсалар учраши мумкин. Уларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомалада бўлмоқ талаб этилади. Муносабатингизнинг асосини иззат, саховат, шафқат ва меҳр ташкил этиши керак.

Айрим тенгдошларингиз ўзларидан кичик ва ногиронлар ўёқда турсин, калтабинлик билан катталарни, ҳатто ўз ота-оналарини ҳам менсимай, назар-писанд қилмай қўядилар. Ўзбошимчалик йўлига кирадилар. Аввало уларнинг ўқишлири сусайиб, ёмонлашади. Чекиш, ичиш каби ярамас одатларни ўрганадилар. Безорилик, киссавурлик, нашавандлик қиласида. Оқибатда келажак истиқболи, юксак инсоний тақдир-аъмолдан маҳрум бўладилар. Ахлоқ тузатиш ҳибсоналарига, қамоқхоналарга тушадилар. Сиз шундай тенгдошларингизнинг фаолиятини тузукроқ таҳлил қилиб кўрсангиз, енгил-елпи ҳаётдан ҳеч қандай мақсад-муддаоси бўлмаган болалар ундей но-маъкулчиликларга қўл уришини билиб оласиз. Ўз хатти-харакатларингиз, ҳулқ-атворингиз билан уларга таъсир ўтказа олсангиз, қалбингида гузал хис-туйғулар яна бақувват томир отади, янада кўпроқ ижобий фазилатларга эга бўласиз. Удумларимизнинг моҳиятига эътибор берсангиз, уларда ҳатто қора нарсалардан ҳам

ёруғлик қидириш, уларни ҳам тұғри йүлга солиш истаги ётғанлигига гувоҳ бұласиз.

Каттага ҳурмат, кичикка шафқат ақидасын тобелик, мутеслик руҳияти, табиати, үзидан каттага, хусусан ҳоким синфға нисбатан бүйин товламаслик, қарамлик, қуллик ифодаси, дея танқидий назар билан қарайдиганлар ҳам учрайди. Айримлар; ҳатто каттанинг юзига, күзига тик қарамаслик, ҳурмат-одоб сақлашни хурофот деб билиб, аксинча, ёш йигит-қиз қаддини ғоз тутиши, суҳбатдошининг күзига тик қараши, күнглигә үтиришмаган панднасихат, үгитларини кескин рад қилиши лозим, деган фикрдалар.

Бундай мулоҳазалар бир томонламадир. Инсоннинг хатти-ҳаракати, гап-сұзи бошқа бирорларнинг дилига оғир ботмаслиги керак. Бойғозилик қилиб юриш билан ҳеч нарса үзгариб қолмайды, аксинча, бу баъзи бирорларга ҳақоратдай туюлиб, улар ҳеч қачон Сизга үз дилларини очишмайды. Ҳақоратнинг катта-кичиғи бұлмайды. Тарсаки билан урасизми, ножұя қилиғингиз билан ғашыға тегасизми — барибир, бу ҳақорат, күнгил оғритишдір.

Бу жиҳатдан қадим замонларда күргина Шарқ халқлари тарихида каттага ҳурмат, кичик ва ожизларға шафқат қонунияті ҳар бир кишининг инсоний бурчы сифатида қаралған. Акс муомала эса ғайриахлоқый тушунча саналған.

Хурмат-иззат, эъзозлаш, азиз тутиш түйгүси нафақат тирик өдамларға, балки дунёдан үтган мархұмларға нисбатан, ҳатто жон-жониворлар, инсоннинг ризқу наисбаси бұлған нонга, илм-маърифат, маданият рамзи оқ қоғозға, тириклик ва ҳаёт манбаи сувга нисбатан ҳам кенг құлланилған.

Иzzat-хурмат нафақат инсон зотининг тириклигіда,

балки у ҳаётдан күз юмганида ҳам сакланган. Тириклигиде одамларга, жамнитга, илм-маърифатга, маданиятга катта фойда етказган шахслар вафотларидан кейин ҳам чукур ҳурмат-иззатга сазовор бўлишган. Уларнинг кабрлари азиз деб билинган. Макбаралар кутарилиб, ободонлаштирилган. Бот-бот зиёрат килиб турилган. Чунки, у ҳам қачонлардир ер юзида тер тўккан, заҳмат чеккан. Айтайлик, бирор дараҳт эккан, ҳовуз қазиган. Ўз бола-чакалари, ёру биродарлари, кариндош-уруғлари гамхурлик курсатган. Ипсоннинг ер юзида яшаб ўтган умридан ташқари абадиятга даҳлдор, ҳеч қачон ўлмайдиган яна бир умри ҳам борки, шу сабабли у дағи этилиши замонок унутилишига маҳкум эмас.

Майда, ожиз ҳашаротларга, жониворларга меҳрибонлик ҳам улуғ фазилатdir.

*Ақалли бир мушукка бўлсанг меҳрибон,  
Демак, саломатдир сендаги имон,—*

дэйди Хусрав Дехлавий.

Ота-боболар ерга тушган нон парчаси, увогини оҳиста олиб, ўпib, юз-кӯзларига суртиб, оёқ остидан чеккага, күшилар, ит-мушуклар еб кетадиган жойларга кутариб кўйишган. Коғозга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлиб келинган. Ношни, коғозни ерга ташлаш, уни босиб ўтиш гуноҳ ҳисобланган. Оби ҳаёт—сув хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Каттадир-кичикидир сувга пешоб қилса, улуғ гуноҳ саналиб, кўзи кўр бўлиб қолади, дея чучишган. Кўл, дарё, ариқларнинг сувлари шу сабабдан ҳам тоза, мусаффо, ширин бўлган.

Иззат-хурмат одатида эркак кишининг аёл зотига муносабати алоҳида ўрин тутади. Қадимдан ота-боболаримиз ер юзидаги барча эзгулиқлар манбай, инсон ҳаётининг сарчашмаси бўлган аёл зотига ҳамиша хур-

мат саклаб келганлар. Хотин-кизлар рўзгор ташвишлари, кундалик турмуш уринишлари учун югуриб-елишдан халос қилинган. Нозик жинс сифатида ҳар кандай оғир юмушдан сакланган. Бувио онаға, опа-сингилга, амма-холаларга зўр хурмат билан қаралган. Отабоболар, эрқаклар, ёш йигитлар-у, ўсмир, ўспириналар аёл зотининг хизматида камарбаста булишган.

Она-ку табаррук зот саналиб, босган излари кўзга суртилган. Бутун ҳаёт давомида онани оғринтирмасликка ҳаракат қилинган. Онани фарзанд томонидан саватга солиб, бошга кўтариб, етти марта Маккаю Мадинаға олиб бориб, тавоф қилдириш, онаизорнинг фарзанд бешиги устида бедор утказган бир тунига тенг тутилмаган. Оналардан кейинги опаларга хурмат-эҳтиромни айтинг. Амир Темур бобонгиз Самарқандда яшаган опаларини жаҳон айвонининг қайси пучмогида лашкар тортиб юришларига қарамай, ой сайин йўқлатиб турганлар. Имкони топилди дегунча, совға-саломлар билан зиёрат килишини канда қилмаганлар Бобур мирзо бобонгиз-чи! Эгачилари Хонзода бегимни йилнинг қайси фасли булиши-ю, ёғин-сочиндан қатъи пазар, хафтада бир бор зиёрат килишини тарк қилмаганлар...

Асрлар давомида шахслараро иззат-хурмат миллатлараро дикқат-эътиборга айлана борди. Ўзбек ҳалқимиз кон-кардоши — қозок, қирғиз, тоҷик, туркман, қорақалпок, озарбайжон ҳалқларига нисбатан чукур кўшничилик хурмат-иззатни саклаб келишиди. Бир-бирлари таълимтарбия фани, маданиятини бойитишиди.

Инсоннинг инсон булиб етишуви унинг юрагини кандай туйгулар банд этганига қараб белгиланади. Хурмат, шафқат қис-туйгулари, айникса, муборак саналиб, ҳаёгда кишига жуда кўп яхшиликларни баҳшида этади. Бизнинг яшашдан муродимиз, ҳаётдан мақсадимиз ҳам шу-да!

## ХАЛҚНИНГ БАҒРИДЕК ИССИҚ

Қадимги ибтидой жамоа, кулдорлик ва уидан кейинги ижтимоий хаёт тузумининг дастлабки даврларида бизнинг аждодларимиз бўлган ота-боболар тўрт уисурни илоҳий, мукаддас билиб борлик мавжудотлар хайётининг бош омили санашган. Булар: Ўт (куёш), сув, ҳаво, тупроқdir. Бу тўрт уисурга вакти билан сифиниб, тавоф килишган. Ўтга топиниш, сувга интилиш, ҳавога (кўк, осмон) муножот, тупрокка (ер, замин) таъзим шундан қолган.

«Ўт-олов», «аланга», «гулхан», «чўг» каби атамалар билан бағрингизга иссик юргутирадиган уисур айни найтда даҳшат, бало, офат, кулфат рамзи сифатида ҳам талкин килинган. Хусусан, ҳалқда, ўт балоси, сув балоси, ноҳақ тухматингдан ўзинг асрарин, деган кўкка, тангри-таолога муножот, фотиха якуни ҳамон ўзбек удумларининг минг йиллик ҳамрохи сифатида яшаб келмокда.

Ўт-олов билан боялиқ одатлар ниҳоятда кўп. Мен улардан энг асосий, айни пайтда унутилиб кетган турини эслатиб утишни истардим. Аждодлар қабила-қабила бўлиб яшаш давларида бир қабила бошқарилиши, турмуш кечирилишининг оғирлашиши, жон сонининг кўпайиб кетиши сабабларига кўра иккига, уч-туртга бўлинешга мажбур бўлган. Бу бўлинеш ажralиш, яккаланиш эмас, аксинча, авлоднинг кўпайиши, қабила уругининг сони ва салмоғи ошиши сифатида энг улуғ ижтимоий бойлик хисобланган.

Мана шундай пайтда аждодлар ажralиб, мустакиллашиб чиқаётган янги авлодга бугунгидек мебел-у телевизор, музлатгичу, палос-гиламлар эмас, илоннинг тилидеккина олов ҳадя этишган, холос. Бу совға янги хаёт, янги қабила ва катта оила рамзи бўлиб

қолган. Ўз ўт-оловига эга бўлган янги авлод энди мустақил қабила сифатида ўз кунини ўзи кўрган. Она-ота қабиласи бош ҳадяси — ут бир умр учмаган.

Ана шу куилардан буён бизнинг халқимизда янги оила дунёга келганда, «коzon-учогини ажратиб бердик» деган ёқимли жумла юради. Ўйлашимча, туркий-тилдаги оловга нисбатан берилган ўт атамасининг бош маъноларидан бири ҳаракат номи «ўт», «ўтиш» мазмунини ташиб, ўтнинг чўғдек тафтини инсоният бешиги — оиласа кучириб, бизга мангу мерос қолдирган. Бу уринда ўт, олов, утин тушунчалари шундан келиб чикиб, мустақилликка ўтиш ифодасини ташиган.

Ўрта Осиёнинг кўп халқларида бўлгани сингари биз ўзбекларда ҳам ўт-олов билан боғлик урф-одат, удум, майший турмуш анъаналари жуда кўп. Инсоният оловни кашф қилиб, янги тараккиёт поғонасига қадам кўйди. У шу туфайли ҳайвонот оламидан ажралиб чиқди. Исломдан олдинги даврларда вужудга келган Заратуштра, Авесто, Ахура Мазда даврида олов улуғ куч, илоҳий манба сифатида илоҳийлаштирилганлиги бежиз эмас.

Ўчоқ, тандир, кора уй, танча, сандал — олов хоналари манбай бўлган. Одамлар касал булишса, ўт ёқиб, тасасига кириб олган инс-жинсни кувишган. Бола туғилса, оловдан ўtkазиб олинган, уйланса келинни отдан тушириб, куёв кутариб, олов-гулхан атрофидан уч марта айлантирган.

Миллий қаҳрамонимиз Муқанна ҳам ўз салафлари билан босқинчи ёвларнинг кўли баланд келиб, таслим бўлишдан ўзга чора қолмаганидан кейин ҳафталаб маҳсус ўт ёқиб, қиздириб кўйилган катта тандирларга ўзларини отиб, оловда куйиб ҳалок булишни, оллоҳи

таоло ҳузурига, арши аълого оловдан ўтиб бориши афзал кўришган...

Ўт-олов билан боғлик қадимий одатлардан бирин танчашандал куриш ва ундан фойдаланиш одатидир. Тирамоҳкора кузда ёзлоклардан қишлоқларга кўчган аждодларимиз ҳовлида катор ўрин олган: кора уй, айвон, емакхона, сандалхона, меҳмонхона каби бўлмаларда қиши кунларида ўт-оловдан баҳраманд бўлганлар. Бола-бакра кора уйларда, махсус курилган танчаларда олов-чӯғ тайёрлашган. Танчанинг жойи тўртбурчак ҳолда ўйилган. Ўйилган жойининг ўртасидан чўғ солиши учун айланча шаклида яна кавлашган, сўнгра тупроқ кўчавериб безор қилмаслиги учун сомонли лой билан сувалган. Танча ўринининг нак тенасида шифтда худди шу шакл ва қенглика моҳ туйнук очилган. Ёкилган олов тутуни шу туйнукдан ташқарига чиқиб кетган. Қора уйда оловни роса ёқиб олгунча, агар ўтин ҳўл бўлса, тутаб анча-мунча овора килган. Шунинг учун ҳам бу иш махсус кора уйда бажарилган, шундай бўлса-да бу борада эви йўқ киши ё болаларга атаб «исинмадим оловингга, кўр бўлдим тутунингга» деган макол ишлатилган.

Ташқаридаги кор-ёмғир ёғиб турганда, каттиқ шамол эсаётганда, тоза олов — чўғ тайёрлаб берадиган махсус хонага «кора уй» дейилган. Ўт ёкилаверганидан уй деворлари қоп-кора бўлган. Қора уй хонадон ва қўни қушни бола-чакаларининг севимли жойи ҳисобланган. Айни пайтда, кора уйда кумғон қайнатиб, майиз-ёнғок, олма-ўрик қоқи тановул килиб, болалар ўз ижодлари билан ҳам банд бўлганлар. Кўшиклар, шеърлар, эртаклар айтилган. Болалар фольклорининг бир қисми мана шундай кора уйлардаги гулхан атрофида яратилган.

Сандал уйда одатда кексалар, bemорлар, ёш болали оналар ўрин олишган. Қора уйда тайёрланган бозиллаб

турган чүглар хокандозда сандал уйга келтирилиб, танчага солинган. Таңча юқорида айтганимиз тұрт бурчак шаклда үйилған ер бұлса, сандал танчада устига құйилған чорсі, тұрт томони тенг, хатто буйи ва эни ҳам деярли тенг бұлған курсидан иборат булиб, унинг оёкларидан тұрт әнлик юқорида маҳсус «туёклар»ни бирлаштирувчи ёғоч поялар үрнатылған. Бу поялар ҳам сандални мустахкам, бут саклашга қаратылған, ҳам асосий вазифаси танчага узатылған оёқни құядылған маҳсус жой саналтан. Сандал усти сандал курпа билан ёшилған. Күрпали сандал (сандалы ҳам дейилади) гұдак бола учун, айникса, құл келған. Бешикдан бұшатыб, интон-күйлакчалари кийдирилған гұдак хох киз; хох үгіл бүлсін, сандалга келтирилиб, тик тутиб турилған. Сандал болага «оёққа киргизиш» вазифасини ҳам үтаган. Бола киқирлаб кулиб талпинаркан, бенхтиёр сандалыннан у томонидан бу томонига атак-чечак қилиб юрган. Шу тариқа йиқилса-сурииса бешикаст, беозор, юмшок сандал ёнида бола илк бор оёкка кирған.

Одатда сандал уйнинг кираверішінде үнг бурчагында үрнатылған. Бунда ҳам олов олцб кириш масофаси якинлиги, ҳам әнгін хавфсизлиги, ҳам деворларга ёстиклар воситасыда суюниб утириш мақсадлари күзда тутилған. Сандал устидаги курпа тұрт томон-ерга тұшалған күрнечалар устига тушиб турған. Ҳар ким сандал атрофида уз үрнини билиб утирган. Кексалар турда, урта ёшлилар иккі ёнда, болалар қүйи, остана якинидан жой олишған. Эшик олдида хизматта шай туришған. Сандал устида дастурхон ёзилған. Сандал ханғомалари билан бөглиқ турфа хил мутойиба, хикояту ривоятлар борки, уларнинг үзи бир китоб бұлғулик.

Сандал уйда күпинчә чүкқа ташлаб, исириқ тута-

тилган. Бу турли юкумли касал-беморликлардан асрашнинг яхши воситаси бўлган. «Исириқдан жин қочар, юдуруқ<sup>1</sup>дан жинни» деган мақол ҳам бор.

Сандал нафакат исиниш, совукдан сакланиш, балки тарбия ўчоги ҳам ҳисобланган. Қексалар қадимий хикояту ривоятлар айтганилар, яхши инсоний муносабатлар ибрат килиб кўрсатилган.

Ёш дўстлар, Сизларнинг кўпларингиз сандални кўрмаган бўлишингиз ҳам мумкин. Чунки худди бешик сингари сандалини ҳам хурофот ўчоги ҳисоблаб, кечаги боболарингиз унга карши ўт очишган, бир муддат бу bemininat хизматкорни ҳаётдан сиқиб чиқаришга ҳам эришишган эди. Бешик ўрнига коляска, сандал ўрнига пеъчи килиш талотўп сифатида ўтказилганди. Бунинг акс-садоси адабиётда, айрим шеър, ҳикоя, эртакларда ҳам муҳрланиб колган. Сандалнинг бод, оёқ ва бел бўргити касалликларига яхши даво бўлганлигини ҳам кексалар тан бериб айтиб юришади.

Бадний асарларни эсга олдик. Атокли олим-адиблар, Садриддин Айний ва Ойбек домла бир умр сандалдан ажрамаганлар. Ёзда ҳам чуғсиз сандал устида ишлаганлар. Машхур «Куллар» ва «Навоий» романлари. Қодирий бобонгизнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» китоблари ҳам сандалга тўнкарилган мис баркаш устида ёзилган...

Айтишларича, Садриддин Айнийга олифта ижодкорлардан бири сандалини эскилик сарқити сифатида ёмонлай бошлайди.

— Мен «Дохунда»ни, «Судхўрнинг ўлими»ни, «Куллар»ни сандалда ўтириб ёзганман,— дейди Айний домла

<sup>1</sup>Ю дурук — мушт.

жаҳли қузиб.— Хўш айтинг-чи, стол-стулга ўтириб, Сиз  
каиси асарни қойиллатиб қўйдингиз?

Садриддин Айний ҳақ гапни айтган эди.

Сандал атрофида айникса узун қиши кечалари кечади-  
ган сухбатлар мароқли бўлишини ажиб эптикиш  
билан ким ҳам эсламайди?

Очарчилик ва уруш йилларининг оғир кунларида  
халқимизнинг жонига оро кириб, ёруғ кунлардан умид-  
вор этган ҳам сандалдир. Унинг устига майиз,  
туршак тўкишиб, жун титишми, пахта чигитлашми,  
куракчувиши ишқилиб, қандайдир юмуш-ла машгул  
бўлишган.

Тарихий тараққиётимиз давомида ҳётимизда нимаики  
муҳим роль ўйнаган бўлса, уни эслаб, қайд қила  
бориш бурчимиздир. Тоғли туманларда танча ҳозирги  
вактда ҳам қаҳратон қиши фаслида одамларимиз  
жонига оро кирмоқда. Кишининг иродаси, қиёфаси  
бевосита у ўсган шароит билан белгиланиши сир  
эмас. Халқимиз юрагининг тафтли, бағрининг кенглиги  
бир томондан сахий күёшимиздан бўлса, иккинчи  
томондан ўз атрофига куп одамларни жамлай оладиган  
танчаларимиздан бўлса ажабмас!

### ...ОДАМГА ЛИБОС

Маданиятлиликининг асосий белгиларидан бири бу ки-  
йиниш одатидир. Кимнинг қандай кийинганилигига караб,  
унинг дид-фаросати, моддий ва маънавий даражасини  
ҳагто касбини аниқлаб олиш мумкин.

Инсоният онгида бошқалардан истиҳола қилиш,  
уялиш, андиша тушунчалари пайдо бўлгандан бошлаб  
улар кийиниши оdat қилишган.

Кийиниши илк бор заиф жинс — аёллар бошлаган-

лар. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар табиатида кийинниш, безаниш, тақиниши тушунчалари турмушнинг асосий кўринишлари каторида туради. Шу сабаб ҳалқимизда, онангни отангга бепардоз кўрсатма, деган гап бор. Кийинниш маданияти жинс, ёш, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараккиётнинг муайян босқичи, даражаси билан боғлиkdir. Болалар, қизлар, ёшлар, урта ёшлилар, кекса одамларнинг кийинниш маданияти мазмуни ва шакли шамойили жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради.

Кийим одамини иссиқ-совукдан сақлади. Киши танааси, руҳига ижобий таъсир қиласди. Саломатликни барқарор-лаштириб туради. Бизнииг узбек ҳалқимиз кийинниш маданияти нуктаи назаридан ҳам дунёдаги ҳалқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эгнига иктак-лозим, оёқка ковуш-маҳси, этик, бошга шабнуш, дўнни, телпак, устга чопон, тўн кийиб, белга белбог, қаре бойлашган. Шунинг учун ҳам ҳалқимишда эркак қишиликни рамзий ифодалаш хусусида «белингда белбогинг борми?» деган ибора қолган. Чўон-чуликлар, чавандоз ва паҳлавонлар фаслга караб чакмон ҳам кийишган.

Момо—ойиларимиз ҳам кимматбаҳо, нафис узун кўйлак-лозим, ковуш-маҳси, камзул, тўн кийишган. Жун, инпак, товар, чит-сатни румоллар ўрашган. Соҷопонук, кулота, пўнак, тиллакоц, зебигардои, турли-туман узук-ҳалқа, танга-тиллолардан иборат тақинчоклар ҳам кийимлар дастасига янада кўрк ва жило берган.

Кийинниш ҳар бир ҳалқнинг қадим замонлардан бўён яшаб келаётган миңтақаси, шарт-шаронти, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, серкуёш ўлкаларда яшовчи ҳалқларда қадим замонлардан бери оқ матодан

кйим кийинишин одат килишган. Чунки ок мато қүёш нурларини бир қадар қайтариб, кишиларни иссик таъсиридан саклаган.

Аксинча, иқлими совук ўлка ва юртлар халклари эса одатда кора матодан кийим кийишга одатланишган. Чунки бу кийим сал бўлса-да чирой курсатган қүёш нурларини узинга сингдириб, кийим эгасининг танини яйратган.

Дунёдаги барча халклар бир-бирига худудий, маданий-майиший, иқтисодий жиҳатдан канчалик яқинлашганларига караб, уларнинг кийиниши маданиятидаги жиҳатлар ҳам бир-бирига кўчган. Бу бир мамлакатнинг иккичи давлат томонидан босиб олинниши, катта халқ-қа кичик халкларнинг ихтиёрий равишда кўшилиши каби омиллар билан боғланиб кетади. Ўрта Осиёдаги кўпгина халклар сингари узбек халқининг кийиниши маданиятида ҳам асосий, узбек одат ва расмларидан ташкари, Эрон, грек-македон, араб, мўғул халклари кийиниши аломатлари учрайди. Чунки тарихдан Сиз бу халклар лашкарлари Ўрта Осиё ерларига бостириб кириб, бир неча муддат бу ерларда яшаб колишганини яхши биласиз.

Аксинча, Яқин Шарқ, Сибирь, Кавказорти, Ҳиндистон, Афғонистон ва Оврупонинг бир кисм халкларида Ўрта Осиё, хусусан, бизнинг қадимиҳ халқимиз кийиниши маданияти белгиларини учратишинингиз мумкин. Бу Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо, Шайбонийхон каби аждодларимизнинг бу мамлакатларга лашкар тортиб юришларидан колган мерослардир.

Хозирги даврда умуман катта кишилар ҳам ранги-туси, катта-кичиклиги демаса, одатда, бир хил кийим-бош: кўйлак, костюм-шим, туфли-ботинка, плащ-пальто, шляпа ёки шапка кийиншади. Бу кийимлар дастаси умуман Оврупо маданиятига доир, хусусан қадимиҳ инглиз.

халқи миллий кийим-бош ҳосиласидир. Таракқиётнинг сўнгги асрига келиб, дунёда энг фаол ишлатиладиган тил—бу инглиз тили бўлганидек, кийиниш борасидаги энг қулай ва кўпчиликбоп кийиниш удуми ҳам инглиз кийими: костюм-шим, плашч-палто ва ҳоказо кийимлар бўлиб қолди.

Умуман, бугунги кунда роман-герман халқлари кийиниши маданияти деярли бутун жаҳон халқлари танаси ва руҳига эгалик килмокда. Бироқ ҳар бир халқ, жумладан кўп миллатли халқларимиз таркибиға киравчи ҳар бир миллат ўз кийиниш анъаналари, маданияти, инсоннинг ташки кўринниши билан боғлиқ урф-одатларини у ёки бу даражада сақлаб қолди ва бундан бўён ҳам асрраб-авайлаб сақлаши табиий. Чунки биз севган байналмилалликнинг ўзи шуни тақозо қиласиди.

Образли килиб айтганда, умумий гулзорда гул кўп, чаман кўп, лекин ҳар бир гулнинг ўз ранги, ҳиди, ҳаёт тарзи ва ифори бор. Миллатлар ва кийимлар ҳам худди шундай. Улар ранг-баранглиги билан камалакдек товланиб, кўнгилларни қувонтириши лозим.

Сиз кавказликин папах ва камзулсиз, украинни гулдор кўйлаксиз, тоҷикни гилам дўппи ва белбоғда осилган пичоксиз тасаввур қилолмаганингиздек, ўзбекни ола дўппи ва чопонсиз кўз ўнгингизга келтира олмайсиз. Булар халқларимизнинг ташки куриниш—кийиниш борасидаги ўзига ҳос миллий хусусиятларидир.

Кийим кишининг нафакат ташки қиёфасини, балки ички маънавий дунёси, қайси миллатнинг фарзанди, қайси замоннинг қандай савияли одами эканлигини ҳам кўрсатиб туради.

## ТАҚИНЧОҚ — ЗИЙНАТ

Ўзбек халқида бирор бир тўй-тантана йўкки, унда турли мавсум ва маросимга мос, кундалик тақинчоқлар такилмайдиган бўлсин. Келин-куёвларга, суннат килинган тўй болага, ҳатто бешикдаги болакай учун ҳам муайян тақинчоқ тақадилар.

Киз-жувонлар, момою бувилар албатта ўз ёшларига муносиб тақинчоқлар тақадилар. Тақинчоқлар тақиши ҳам ҳар бир миллат маданияти таркибиға кирадиган умри узун удумлардан биридир. Кийиниш одати сингари тақинчоқ тақиши одати ҳам инсоният пайдо бўлиб тақомил, топиб, бизнинг кунларимизгача етиб келганига қадар унга бир умрлик ҳамроҳ сифатида ривож топиб, ранг-баранглашиб келмоқда.

Тақинчоқнинг тури, вазифаси, хизмати кўп, Уларни шартли равишда уч турга булиш мумкин. 1. Безак тақинчоқлар. 2. Ирим-эътиқод тақинчоқлари. 3. Шифобахш тақинчоқлар. Бу уч асосий турдан ташқари майшлий хизмат учун тақиладиган, муайян вазифани бажаришга қаратилган тақинчоқлар ҳам борки улар турли тугма, тўғнағич, қадағич, тутқич, боғлагич, занжир ва бошқалар бўлиб, кийим-кечакка ёрдамчи буюмлар сифатида ишлатилади.

Тақинчоқлар тумор, туғдана, кўзмунчоқ, марварид, тасбех, пупак, шокила, тиллақош, кулота, ҳалқа, бурундуқ, зулфунчоқ, қалампирмунчоқ, узуклар ва ҳоказолардан иборатdir. Тақинчоқларга ёндош хино, тишкал, сурма ва бошқалар ҳам борки, уларни ҳам учинчи тур тақинчоқлар ёнига кўйиш мумкин.

Безак тақинчоқларга бўйинга тақиладиган турли марварид, олтин-кумуш, забарждад, маржонлар туркуми киради. Ирим-эътиқод тақинчоқларига туғдана, кўзмунчоқларига тақиладиган турли марварид, олтин-кумуш, забарждад, маржонлар туркуми киради.

чоқ, тасбех, турли туморлар киради. Учинчиси — шифобахш тақинчоклар үз амалига күра икки ҳисса күпроқ вазифани бажаради. Улар ҳам тақинчок, безак, ҳам даволовчилик хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради. Буларга қалампирмунчок, туғдана, тишқол, сурма, шифобахш садағ ва марваридлар киради.

Безак тақинчокларга құллардаги узуклар, бүйинлардаги маржон, кулоклардаги ҳалқа, бурун балдоклари, оёқ шиллик ва тирноқ тақинчоклари киради.

Ирим билан боғлиқ одатлар уй ҳайвонларига нисбатан ҳам құлланилади. Масалан, сигир, от, ҳұқиз сингары уй ҳайвонлари шох ва ёлларига инс-жинс, ёмои күздан асраш учун күзмунчок, тумор тақиши одати мавжуд.

Қўй, от, мол калла чаноғи, исириқ, чакирикан, тақа, мунчок осиши күринишлари ҳам худди шу одатларга яқин туради. Тумор тақиши тақинчок тақиши одатида жуда кенг тарқалған. Туморлар мулла-әшон, азайимхонлар томонидан маҳсус тайёрланиб сочға, чопон ё дүппига, бешик ва беланчакка, ётоқ-уй, хона-донларга осиб күйилған. Туморлар буви-бобо томонидан шунчаки ичига, ташига қалампирмунчок ёки күзмунчок солиб ҳам тикилиб, тақилған. Бундай учбурчак туморларни майший турмушдаги турли жойларда учратишиңгиз мүмкін.

Тасбек доналари ҳам ҳар хил жинслардан терилған қимматбаҳо тошлар, гавқару садафлар, забаржаду феруза тошлардан иборат бүлиши мүмкін. Турли уруг доналари тешилиб, ибодат учун намозхон-ниёзхонларга тасбек ясалған. Хурмо, жийда доналари, туғданадан ясалған тасбексифат тақинчокларни ҳам болалар бешиклари, уйларнинг кириш эшиклари яқинида осилған холда учратишиңгиз мүмкін.

Тақинчоқлар билан бөглиқ одатлар бизнинг кунларимизда ҳам қайтадан расм бўлмоқда. Ёш болаларнинг кўлни ҳалоллашда салла ўраб, нишон тақиб, жигатамга қадаш, куёвларга бош-оёқ сарпосига тақинчоқ илиш. Келинларда тиллақош, зебигардон, турли маржон-марваридлар осиш, кўйлак енглари, тугма ўрнидаги тақинчоқлар, бўйинбог ва ҳоказолар ҳозирги даврнинг ҳам асосий тақинчоқларидан бўлиб қолди.

Турли сафарлар, мукофотлар, хизматдаги ютуклар учун берилган кўкракка тақиладиган турли-туман нишонлар ҳам худди шу одатнинг ҳукумат томонидан расмийлаширилган кўринишидир.

Хуллас, тақинчоқ тақиши одати кийинин, безаниш, турли маросим ва тўй-томушалар билан чамбарчас бөглиқ бўлиб, ўзбек ҳалқи манший турмушида ҳам маданият дунёсига дахлдорликнинг моддий кўриниши сифатида яшаб келмоқда, истиқболда ҳам шундай бўлиб колиши керак.

Бизнинг даврга келиб тақинчоқ тақиши кўпроқ ўзини башкалардан устун, бой-бадавлат курсатиш тусига кирганилиги ҳам сир эмас. Баъзи бир аёллар, киз-жувонлар керак бўлса-бўлмаса ҳар хил алмойи-алжойи нарсаларни тақишиб, ўзларини кўз-кўз килиб юришадики, тақиладиган нарсанинг моҳиятини билмай, бўйинга илиб кетавериш маданият белгиси эмас.

## НАВРҮЗ

Наврұз Шарқ ҳалклари орасида бир неча минг йиллардан бүён яшаб келмокда. Құп асрлар давомида македониялик Александр, араблар, муғуллар каби бир қанча босқинчі құшинлар Шарқ ҳалкларининг умумий байрами Наврұзни йўқ қилиб, ҳалок қилиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо Наврұз барҳаётлигича қолаверди, қайта тирилаверди. Наврұз бирон бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ходиса ҳисобланмайды. У табиатнинг ўзидаң келиб чиқкан, куну тун тенглашгандан сұнг, энді кунларнинг узайиши, узлуксиз меңнат араfasидаги байрамдир. Узок қишдан сұнг күкда қуёшнинг юз күрсатиши, кирда майса-гиёхларнинг нишур иби чиқиши ҳалқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. Нега деганда, үтган йилги йиғилған ғалла ҳам, озиқовқатлар ҳам соб бұлай деган, иликузди пайтларда яна Она Табиатнинг ўзи меҳр-муруват күрсатиб, ёруғ кунлардан дарап берган. Шу кунларгача эсон-омон етиб келишган қарияларнинг ҳам томирларида қайтадан ғайрат жүш урган. Нав — янги, рўз — кун; яъни янги кун деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Наврұз байрамини барча форс, араб, туркий тилларда сұзлашуви ҳалклар ҳар йили баҳорда нишонлаб келишган. Бу қадимий, анъанавий Янги йил байрамимиз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райхон Беруний «Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар» асарида, Маҳмуд Қошғарий эса «Девону луготит түрк» асарида

жуда кизиқарли маълумотлар ёзиб колдирганлар.  
Умар Ҳайём олим, шоир, файласуф сифатида бу байрам  
ҳақида «Наврӯзнома» номли маҳсус китоб ёзғанлар.  
Навоийнинг устози — туркигүй шоирларниң маликул



каломи — Лутфий домла «Гул ва Наврӯз» ўлмас достони-  
ни яратганларки, бу асар ҳамон сахналаримизни безаб,  
бизга Наврӯз ҳақида адабий-бадиий тушунча, маълумот  
беришда давом этиб келаётир.

Наврӯз байрамига бизнинг кунларимизда ҳам бир муддат ҳужум уюштирилди. Аммо қадимий одатимиз бу галги катағондан ҳам эсон-омон ўтиб олди. Мана, бугун яна биз ўзбеклар ҳам барча Шарқ халқлари сингари ўз миллий урф-одатимиз Наврӯз — Янги йил байрамимизни бор малоҳати, бўй-басти билан кўз-кўз килиб ўтказяпмиз. Наврӯз байрами кеча билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслининг 21-22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта, ун кун давомида ўтказилган. Бу байрам, аввало, табиатнинг жонланиши, янгиланиши, янги йил билан юртимизга гўзал Баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган.

Ота-боболаримиз, буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишган. Қадимда аждодларимиз Наврӯз кунлари киши манзиллари -- қишлоқлардан ёзги меҳнат ва хордик масканлари — ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Дехқонлар ерга күш солишган. Жамоа-жамоа булиб, ҳашар-ошарлар уюштирилган. Ўтган аждодлар руҳи ёд қилинган. Уларнинг мозорлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган. Оммавий равишда мевали, манзарали дараҳтлар ўтказилган. Далаларда, ёзлоқларда Наврӯз — янги йил, янги ҳаёт қайнаган.

Наврӯз байрамига атаб аждодларимиз маҳсус кийимлар тайёрлашган ва уларни кийиб байрам қилишган. Наврӯз таомлари ўзига хос бўлган. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш анъянавий одат тусига кирган. Бу байрамда Сиз тенги болаларнинг иштироклари, айниқса, жуда фаол бўлган. Улар Наврӯз байрами ҳафталигида турли оммавий байрам ўйинлари ўйнаганлар. От ўйин, чиллак, қўғирчоқ ўйин, тош, лапар, ип ўйинлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, буй кизлар, айниқса, сумалак пишириш маросимида фаол иштирок этиш учун унга анча илгарироқ тайёргарлик куришган.

Бұғдой донини маҳсус идишларда қулай икlim шароити яратиб, сабза қилиб ундириб олишган. Сұнг уни кечә-кундузи билан катта дошқозонда қайнатиб, сумалак тайёрлашган. Аёнки, туну кун тинмай дошқозон қайнайверса, анча-мунча үтін чидамайды. Шунинг учун ҳар бир хонадон бир бөг, ярим боғдан, ишқилиб, үтинга ҳам үз улушларини күшадилар. Бу арзимасдек күринган ҳаракат остида жуда улкан маъно ётиби: халқнинг биргалашыб ҳаракат қилишга нону тузини, топган-тутганини бирга баҳам куришга итилиш ётиби.

Бу жараёнларда турли-туман халқ ўйинлари, баҳор күшиқлари ижро этилган. Китобхонниклар, турли жисмоний тарбия-совринли ўйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Қўпкари-улок, кураш, турли ҳайвои ва паррандалар «жанг»лари, хуроз, ит, кучкор уриштириш, масхарабозлик, асқиябозлик, дор ўйинлари, халқ томошалари уtkазилган.

Күшни Тожикистоннинг Фончи туманида ҳар йили Наврӯз маҳали келинчаклар сайли утказиш қадим-қадимдан одат тусига кирган. Бу сайилга оқ харир пардалар тутган, күёвга тушганига бир йилдаи ошмаган келинчаклар қатнашишади. Улар пастликда, худди оқ гуллар тўлқинидек кетаверишади. Қулларида узлари меҳр кўйиб тиккан матолари, сўзаналари, белбоғлари бўлади. Икки томонда қияликларда турган томошабинлар ўтаётган келинчакларнинг бирортасини ҳам куздан қочиришмайди. Келинчакларнинг орзу-армонлари, ўй-хаёллари битилган матоларнинг қайси бири купрок олқишилса, ўша ғолиб, мактовга сазовор бўлади.

Бу бенихоя чиройли, гүзал сайилдир. Бу хил сайиларни ўрганиб, оммалаштириш зарур.

Наврұз байрамининг энг ақамиятли жиҳатларидан бири — кексаларга ҳурмат, уларнинг ҳолларидан хабар олиш, кумак беришdir.

Наврұз тириклик байрами сифатида машхұр бұлып, унинг тағын бир мұхым хосияти: бу кунлар мархұмлар ёдига жуда катта ақамият берилған. Мачиту мадраса, хонадону маҳалла, мозору зиёратгоҳларда күръон ўқитилиб, жонлиқлар сүйилған. Етим-есир, болабакралар учун катта дошқозонлар осилиб, курбонлик таомлари пиширилған. Ҳар бир оила ўз хилхоналарини, ортишса, бошқаларникини ҳам тозалаб, ораста қилишган. Қабрларнинг шикаст-рехтларини таъмир қилишган. Мевали дарахту ғул-чечаклар үтқазишиганды.

Бухоро амирлиги маърифатпарварларидан бири Салимбек Нурота музофотига бек тайинланғач, Наврұз кунлари улуғ зиёратгоҳ Нури Ота макбарапарини таъмирлаш жараённанда қабрнинг үйилиб қолған жойларига күзи тушиб, хилхонаны очиб, қайта ёпиш фатвосини олған. Күръон туширтириб қабрни очаркан, худди тирик инсондай мангу үйқуда ётған авлиә жасадларига нигоҳи тушған. Нури Ота худди минг йил аввалгидек, оппок соқоллари күксиларига тушиб, юзлари тұла нур билан ётған эканлар. Шу заҳоти жасаднинг уннициб, қорая бошлаганини сезган Салимбек меймор-усталарга таъмири шошилинч тугатиб, қабрни ёпиш топшириғини берған. Ағсуски, 1941 йилда Гүри Амир хилхонасини очған ҳукумат комиссияси аъзолари халқларимизнинг анъанавий муқаддас туйғуларини назар-писанд қилмаганлар. Удумларимизни оёқости қилғанлар...

Байрам кунлари ораларидан гап қочған қабила, гурух ёки якка шахслар: дүст-օғайнилар, қариндош-уруғлар

ярашиб, бир-бирларини Наврӯз билан табриклаб, эсонлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилашган.

Қозоқ оғайниларимиз наврӯз күжаси, тојик қадрдонларимиз наврӯз күмочи, биз үзбеклар эса сумалак, ҳалим, күш оши каби наврӯз таомлари билан ён қүшни — жон қўшнилар бир-бирларимизни сийлаб, байрамни биргаликда ўтказганмиз. Ўзбек, тојик, қозоқ, қирғиз, туркман ва озор халқлари Наврӯз баҳонасйда бир-бирларининг миллий узига хос урф-одатларини, маданиятларини тўлдириб, бойитиб борганлар. Бундан халқлар ўртасидаги дўстлик — байналмилаллик қарор топган, янада мустаҳкамланган.

Қадимдан буён Сизнинг тенгдошларингиз Наврӯз байрамини кутиб олиш ва унинг кизиқарли, жонли, таъсирили ўтишида фаол иштирок қилишган. Айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлашда ёш-яланглар туни билан мижжа қоқмай, турли эртак, ривоятлар, ҳикоятлар айтишиб, ўткир зеҳнларини намойиш қилишган. Кундузлари кўпкари-улок, қафас-қафас курашларда, сайил ўйинларининг барчасида болалар ва ўсмирлар, албатта иштирок этишган. Шунинг учун ҳам қадимий урф-одатларимиз авлодлардан-авлодларга ўтиб, давом этиб, яшаб келган.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Наврӯз табиатнинг узидан, табиий равишда келиб чиққан байрамdir.

### ҲАЙИТЛАР


Ҳайитлар қадимий диний байрам булиб, уларнинг таркибиға кирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган. Ислом уларни омухталаб, ўз қонунларини қўшиб, ҳайит-байрамларинг умрини узайтирган.

Ҳайитларнинг икки хили мавжуд булиб, ҳалқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси — Қурбон ҳайити, Катта ҳайит деб аталади. Унинг олдиндан 2 кун қолганда, арафа кунлари нишонланади. Ёлғон арафа, 1 кун қолганда чин арафа, учинчи куни эса Ҳайит байрам қилинади. Ёлғон ва чин арафа кунлари ҳар бир хонадонда ис чикарилиб, чалпак, бўғирсок, талкон, палов қилинади. Қўши nilar бир-бирларини Ҳайит билан муборакбод этиб, хонадонларга пишириклар чикарадилар. Болалар ва ўсмиirlар чопқиллаб яқин-узок хонадон, қариндош-уругларни йўқлашга бориб-келадилар.

Кичик ҳайит бу Рўзаи май рамазон деб аталиб, одатда рўза ойи якунида ўтказилади. Ҳайитлар Ийдлар ҳам деб аталади. «Ҳайитингиз муборак бўлсин», «ийдингиз куллук бўлсин» табрикларининг маъноси бир хилдир. Катта ҳайит бутун дунё умумхалқ маросими — ҳаж, яъни Каъбага зиёратга бориб, ҳаж номози ўкиш давридан бошланиб, айрим жойларда 7 кунгача байрам қилинади. Бизнинг Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё ҳалқлари орасида Қурбон ҳайити ҳозирги кунларгача нишонланиб келинади. Факат бу маросим ислом маркази араб мамлакатларидагидек етти кун эмас, балки уч кун байрам қилинади. Қурбон ҳайити — ийд-ал-адҳо, рамазон ҳайити — ал-фитр, меъроj-ражаб ойи байрами, шунингдек, имом Хусайнни хотирлаш куни-ашуро, тақдир кечаси — лайлатул-қадр, Мухаммад пайғамбарнинг туғилган кунлари — Мавлуд ислом динида асосий ҳайит-байрамлар санлади. Қурбон ҳайити зулхижжа ойининг 10-13 кунларида (10-13 декабрь) тантана қилинади. Баъзи мамлакатларда шу ойининг (зулхижжанинг) 7 куни, яъни ҳаж бошланган кундан 7 кун давом этади.

Рўза ҳайити эса рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойининг 1-3 кунларида байрам қилинади.

Хайтнинг биринчи куни саҳарда каттаю кичик жоме масжидлариға бориб, бомдод намози үқийдилар. Гадо-ю, бева-бечораларга садақа берилади. Курбонлик қилиб, ис чиқарилади. Кейинги кунлари мозорларга борилиб, утганларнинг руҳига дую фотиҳа қилинади. Азадорлар эса тұн кийиб, белбоғ боғлаб, дүппи кийиб, мархумнинг уч кун давомида йўқловини ўрнига кўядилар.



Хайт кунлари оиласа ширинликлар, янги кийим-бошлар, кийимликлар сотиб олиниб, болаларга, ота-она, бобою бувиларга ҳадя қилинади. Оиласабоши рўзгорнинг

кattадан-кичиғига сармоя учун ўзига яраша пул, чақа улашади. Бу Ҳайит харжи деб номланади. Маҳаллаларда, қишлоқларда, шаҳар жойларда янги тушган келинлар бориб кўрилади. «Келин кўрди» маросимлари ўтказилади.

Кичик ҳайит рўза намози билан боғлиқ маросим бўлиб, бир ой тутилган рўза — парҳездан кейин шаввол ойининг 1-3 кунлари байрам қилинади. Бу байрам ҳам гарчи номи кичик ҳайит деб аталса-да, ҳалқ орасида жуда катта маросим сифатида нишонланади. Рўза намозидан кейин бозор, маҳалла, кўчаларда тухум, хўroz, ит, қўчкор уриштираётган ёш-яланларни, масхарабозлик саҳналарини, дорбозлик ўйинларини, савдо расталари тўла байрам қандолату ҳодваларини учратишингиз мумкин. Рўза ичи ҳар куни оқшомлари муайян муддатда ифторлик «оғиз очиш» маросимлари ўтказилади. Бу ҳам ўзига хос меҳмондорчилик бўлиб, рўзадорлар ният қилиб ифторлик берадиган кишининг уйида ўз рўзаларини очиб, ифторлик лукмаларини тановул қилишади. Ифторчи рўзанинг савобига шерик бўлади. Рўзадорлар саҳар туриб, тамадди қилиб, «оғиз боғлашади». Яъни, кун давомида сув ичилмайди, овқат ейилмайди. Умуман, ҳеч нима истеъмол қилинмайди. Бу кишилик аъзоларини, бадани ўзига хос парҳез қилиш, бир оз тозалашга, даволашга қаратилган тадбирдир. Рўза киши иродасини тоблайди, қаноатга ўргатади. Эътиқодини мустаҳкамлайди.

Бир ойлик рўзадан кейин ғарип, мискин кишилар, камбағал, талабалар, гадоларга фитр рўзалар, яъни, руз ҳаки, ҳадяси берилади. Бу ҳадяни ҳар ким ҳар хил: имконига яраша, пул-чақа билан, ун-нон берип, кийимлик ёки сарпо билан узиши мумкин. Кунгилдан чиқариб, худо йўлига чин ихлос билан эҳсон килинган нарса савоб учун қабул қилинади.

Уч кунлик рӯзаи май рамазон байрамлари олдидан ҳам оқшомлари гавжум бўлади. Яъни, баъзан катталар, кўпинча болалар тўп бўлишиб, қишлоқларда рамазон айтишади. Рамазон ҳам халқимизнинг қадимий диний маросимларидан бири бўлиб, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Рамазонда машъала ёкиб олган болалар тўп бўлишиб, хуфтонда ҳар бир хонадон дарвозасига бориб, рамазон айтадилар. Рамазон ҳайт қўшиклари жамланмасининг ўшлар томонидан жўр бўлиб, ижро этилишидир. Рамазонда хонадонма-хонадон йўқлаб, маросим қўшиклари айтилади. Уй эгалари рамазончиларни сийлаб, уларга нон, канд-курс, кийимлар, пул-чақа беришлари мумкин. Баъзи одам иси ёкмас, одамови хонадон соҳиблари рамазончилар устидан дарвозахона томидан туриб чеълакда сув сепиб юборадилар. Айрим ҳамбўйлар ҳазил-мутойиба тарзида ҳам бу ишни амалга оширадилар...

Рамазон қўшикларининг турли-туман матнлари фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган. Улар орасида оммалашганлари ҳам анчагина. Рамазон қўшиклари хонадонга яхшилик, ризқ-рӯз, ўғил-қиз фарзандлар, барака-иқбол тилаш, бу ойнинг муқаддас, хоснитли, баҳт келтирувчи ой эканлигини мадҳ этишга бағишлианди. Иисонийлик, ўзаро меҳр-окибат, оллоҳ таоло олдидағи қарз, дунёнинг бебақолиги эсга солинади. Яхшилик килиш, савоб орттириш улуғланади.

Рамазон айтиб келдик  
эшигизга,  
Худойим ўғил берсин  
бешигизга!  
Рамазон айтган билан  
тўёмиэми?  
Қадимги расмимишни  
қўёмиэми?!

Ҳар бир банд айтилган пайтда гурухнинг барча аъзолари: «Ё, рамазон» деган нақоратни тақрорлаб турадилар. Рамазончи ижодкор болалар ҳар бир уй-хона-доннинг ўзига мос жиҳатларини яхши билиб, қўшиқ айтганлар. Хусусан, бир оиланинг серфарзандлиги, аксинча, иккинчисининг бефарзандлиги, бой-бадавлат ёинки камбағаллигини албатта ҳисобга олишган. Шу томонларига қараб, рамазон мисралари тузиленган:

Шу ўйнинг тенасида  
ої кўринар  
Бу ўйнинг эгалари  
бой кўринар...  
Ё, рамазон!..

Уй эгалари рамазон табриги-шеърий мисралардан хурсанд, эшикларини очиб, болаларга (умуман, рамазончиларга) атаганларини ҳадя қилганлар. Рамазончилар тушган ҳадя-эҳсон «молларини» ҳалфана қилиб, турли таомлар пишириб еганлар.

Ҳайитларнинг ҳар иккаласи ҳам одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустахкамлаган. Кекса-бемор, марҳумларни йўқлаш, зиёрат қилишининг амалий ибрат-намунаси булиб, ёшларга бекиёс катта мактаб вазифасини ўтаган.

Ҳайитлар ҳам Наврӯз каби ҳалқнинг қадими, удумий байрамларидир. Улар эътиборга, меҳрга илҳак...

### СОВЧИЛИК

Ватан остоңадан, ҳовли бўсағадан, оила совчиликдан бошланади. Совчи икки хонадонга қариндошлиқ илларини боғлашга даъват этилган кишидир. Совчи камида икки, йўқса уч-тўрт кишидан иборат булиб, икки жинсдаги эркак ва аёл совчилар ҳам бор. Ҳар икки тўп алоҳида, мустакил ҳаракат қиласи.

Одатда совчилар кайвони, эл орасида обрў-эътиборли, тагли-тугли, оқилу фозил кишилардан танланади. Чунки уларнинг вазифаси оғир, масъулиятли. Совчининг гапсузи мантиқли, ишонарли, тош босадиган, залворли бўлмоғи лозим.

Совчилар йигитнинг оиласи номидан қизникига, бўлажак келинникига элчилик қилиб, унинг қўлини сўраб боришади. Умр савдосининг пишиш-пишмаслиги, аввало, кўёв бўлмишнинг ўзи, ота-онаси, қариндош-уруги, қолаверса, совчиларнинг маҳоратию тажрибасига, қуда бўлмишлар кўнгил қулфига калит сола олишига куп жиҳатдан боғлик. Айни пайтда ўз вазифаларининг бутун масъулиятини бўйнига олган бундай кишилар, ҳар икки оилани, уларнинг фарзандларини яхши билганлар. Билишмаса, сўраб-суриштиришган. Муайян тасаввур ҳосил килгач, ундан сунг вазифаларига киришишганлар. Бўлмаса, бирорнинг гулдек фарзанди умрига зомин бўлиб, бир томонни ўтдай куйдириб, бир умр ўзгалар домон-гирлигига яшашни катта гуноҳ деб билишган.

Совчилар «қизи борнинг нози бор» деган наклга амал қилиб, вакт ўтказиб, келин бўлмишникига уч-турт марта борадилар. Одатда совчиликдан қайтган мутасадиларни «бўрими ё тулки» деб қарши олнади. Агар улар ишни уринлатиб, хушхабар билан қайтишган бўлса, совчилар «бўри» деб жавоб қилишади. Бу гал иш пишмаган бўлса, «тулки» дейишади.

Аёл совчилар ҳам қизнинг «остонасини чўктирадилар». Йигит билан қизникига бўзчининг мокисидек қатнайвериб, ковушларини тузитадилар. Аёл ва эркак совчиларнинг мақсадлари рўёбга чиккач, уша захотиёқ нон синдирилади. Яъни, «ион синдириш» фотиҳа билан совчилик таомили ўз вазифасини утаб бўлади.

*..Ҳалимахон, дейдилар,  
Холвасини ейдилар,  
Бухородан совчи келса,  
Кимматбаҳо дейдилар...*

Ҳолва — кўпинча, гўдакликдан қиз болага нисбат берилади. Вақт ўтиб, унга совчи келиши, фотиха ўқилиши, ҳолваю патир ушатилиши кузда тутилиб, шундай дейлади.

Илгари замонларда совчилар қизникига тўппадан-тўғри, дабдурустдан кириб боришни одат қилмаганлар. Аёл совчилардан бири то тонг саҳардаёқ, ҳали ҳамма уйқуда эканлигига бориб, унинг остонаси остини супуриб қайтганлар. Эрталаб туриб бунга кўзи тушган ота-оналар нима воқеа эканлигини англашган, ўзларини билмаганликка солиб, зимдан тайёргарлик кўра бошлашган. Сўраб келиши эҳтимоли бўлган хонадонларнинг аҳвол-руҳияси билан ҳам киши билмас танишиб олганлар. Шундан сўнг совчиларнинг келишини кута бошлашган. Совчиларнинг биринчи элчиликларидаёқ ҳеч ким розиллик бериб қўявермаган, гарчанд, кўнгилларида мойиллик бўлса-да, қизларининг, қолаверса, ўзларининг кадр-қимматларини, шаънларини юкори кўтаришга уринганлар.

Хозирги даврда совчиларнинг иши анча енгиллашган. Аввало ёшларнинг ўзлари танишиб, ота-оналарини кундириб, ишни пишитиб қўядилар. Иккинчидан, совчиларнинг танишув, синов, ўрганув вазифаларини ўзниклилар, ота-оналар, амма-хола, опа-янгалар ўз зиммаларига олганлар. Улар келининг, келин яқинлари эса күёвнинг аслини, авлоду зурёдини, таг-тугини суриштириб ўрганиб чиқадилар. Бунинг учун маҳалла, қўни-қўшни аҳлининг фикри-маслаҳати ё ўқиш, ё иш жойидаги бу ёшга берилган баҳо катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари, ёшлар учун маҳсус уюштирилган «учрашувлар» ҳам катта ўрин тутади. Қиз-йигит бундай

учрашувларда танишишаркан, бир-бирларининг феъл-атвори, кизикишлари, савияларидан юзаки бўлса-да хабардор бўладилар. Шунга қараб, турмушга чикиш ёки уйланишга розилик берадилар, ё бермайдилар. Ҳозирги қунда ўшлар бир-бирларининг ички дунёсидан ташқари ташки қиёфаларига ҳам катта эътибор берадиган бўлганлар. Айниқса йигитнинг бўйи жуда муҳим роль ўйнайди. Қизлар учрашувдан қайтган дугоналаридан дарҳол: «Бўйи қанақа экан?» деган савол билан мурожаат килишади.

Совчилик одати тўғрисида яна кўп гаплар айтиш мумкин. Айниқса, қадимги совчилар худди давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани бажарган элчидай маҳсус совчилик мактабидан ўтиб, шунга мос иборалар, мақол ва маталлар, сўз ўйинлари, ҳозиржавоблик, сир ва сукут саклаш, ширинзабонлик, шоирона руху, олимона мантиқ эгаси бўлиб, оила маданиятининг етук арбоблари дара-жасига кўтарилганлар.

Дарвоке, ўз фарзандининг тақдирига бепарво бўлмаган ота-оналар ҳам кўпинча совчиларнинг ўзини тутиши, дунёқараши, гап-сўзларига қараб, йигитнинг қандай одамлигини ҳам маълум даражада тасаввур этишган. Учраган одамни совчиликка юбориш яхшимас: бу йигитнинг ўз қадрини билмаслигигина эмас, қиз қадрини ерга уриши ҳамдир. Оила қуришда энг аввало йигит-қиз масъул бўлса, кейин совчилардир. Шунинг учун баъзи бир совчилар қиз томон рози бўлай-рози бўлай деб турган маҳалда, бирдан фикрлари ўзгариб, ўзларини элчиликка юборган йигитга, йигит томонга «бу қизнинг уларга тўғри келмаслигини» тушунтириб, фикрларидан қайтармоқчи бўладилар. Чунки, улар бир-икки боришкаёқ иккала томоннинг характерларини бир-бирига чоғишириб буладилар. Уларнинг фикри инобатга олинмаса, масъулиятни бўйинларидан соқит қилиб, иш пиширадилар.

Ўйлашимча, бизнинг Шарқ мамлакатларида халқлар яшаб, оила куриб, фарзандлар тарбиялаб янги авлодларни қовуштириб, никоҳ тўйлари ўтказишаркан, қадимий совчилик одати ҳам сақланиб қолиши керак. Чунки янги оила совчиликдан бошланади.

### ҚУНОК

Қунок сўзи туркий халқларда меҳмон маъносини бериб, қуноқ тушиш — меҳмон қабул қилиш одатига риоя қилинади. Қунок одати турли вилоятларда «қўниқ», «қўнук», «қўшхона» тарзида ҳам айтилиб келинади.

Бу удум кўпроқ тўй ва меҳмондорчилик одатлари билан ҳамкорликда, биргаликда ўтказилади. Одатда шаҳар-қишлоқларда тўй бўлганда, узоқ-яқиндан меҳмонизлом келади. Улар кўпчилик бўлганлиги туфайли «тўй кўпчилик билан» ақидасига риоя қилган халқимиз барча ташриф буюрган кишиларни кутиб-кузатишиди. Бу ўринда қишлоқларда тўй эгасидан ташкари яна ўнлаб хонадонлар меҳмонларга кучоқ очади. Тўйга келган меҳмонлар ёлғиз ўзлари эмас, бола-чака, ошна-офайни, оту улов билан келишлари табиий. Улар тўйнинг базмини ўтказиб, оқшом тунаб, эртаси ошга, сунг тўй муносабати билан ўтказиладиган кўпкари ва кураш маросимларida иштирок этишиди. Ана шундан кейингина ўз уй — ўлан тўшакларига, қадрдон қишлоқ-шаҳарларига қайтишиди.

Ўзбекнинг тўйида буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган булади. Туйбоши — кайвони ўтказилиши кўзда тутилган тўйнинг тадбирини режалаштирас экан, маслаҳат оши куниёқ қайси қишлоқлардан келган қанча меҳмон кимнинг хонадонига тушишини, қўниб-қунок булишини белгилаб, уй эгаларини бунга ҳозирлаб кўяди.

Шу тахлит тўй ўтказиладиган қишлоқнинг 10-15

хонадонига қунок тушади. Бу хонадон соҳиблари тўй эгаси билан баб-баравар турган тўйчининг ака-укаси, кариндош-уруги бўлади. Қунок эгаси шунчаки тўй эгасига кишлекдош бўлиши ҳам мумкин. Қунок одатида оқшом тўйнинг базмини ўтказиб келган ёки әртанги кўпкари ва кураш совринларига тайёрланган меҳмонлар шу ерда ҳордик чиқариб, зиёфатни еб ётиши ҳам мумкин.

Қунок тушган уйда тўйхонадан келтирилган масалликдан қовурдок, шўрва, палов қилинади. Бунинг учун умумий қозондан гушт, ёғ, сабзи-пиёз ажратилади. Ичкилик ва газаклар ҳам тўйхонанинг баковулидан олинади. Хуллас, ош-овқатнинг хоми тўйхона божхонасидан олиниб, қўноқхонада ҳозирланади.

Қўноқхона соҳиби бу овқат-озиқни тайёрлаш, пишиб-куйдириб бериш, нон-чой, дастурхон, ўрин-кўрпа ва малолсиз тунаш учун жавобгардир. Бунинг учун хонадон соҳибининг ўзи, хотини, бола-чақалари қамишдан бел боғлаб меҳмонлар хизматини қилиб, кўнглини олишади. Чунки бирор хонадондан бирор қунок вакили тўйдан ранжиб, порози бўлиб кетадиган бўлса, қўноқхона ва тўй эгаси учунгина эмас, балки бутун кишлек аҳли учун катта иснод ҳисобланади.

Шундай қилиб, тўйнинг тўйчиғи — кичик меҳмондорчилик саналган қунок кутиш одатида ҳам тўю томоша, ҳам меҳмондорчилик зиёфатининг муштарак жиҳатлари омухта бўлган. Қунок ҳар бир хонадоннинг қадимдан мавжуд бўлиб келган маҳсус меҳмонхоналарида қабул қилиниб, бир кечаю кундуз давомида иззати жойига қўйилиб, сунг кузатилган.

Сиз кенгрок тасаввур ҳосил қилишингиз учун мен буни битта тўй мисолида тушунтириб берай.

Айтайлик, Эшмат чавандоз неча йиллар йиғиб-териб, дилидаги ниятини амалга ошироқчи, ўғлининг қулини

ҳалоллаб, элга ош бермокчи, икки кун устма-уст кўпкари бермокчи. Элга ош беришда қўноқхона масаласи оғир эмас, аммо кўпкарининг дарагини бир ҳафта-икки ҳафта аввал чор тарафга ёяди. Узок-узоклардан тўп-тўплашиб йиғилиб келишаверади. Аввал ҳаммалари тўйхонада йиғилишиб, тўёналарини беришади, обу овқатларини ейишади. Мана, эртасига кўпкари бошланди. Энди чавандозлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетади. Тўй хизматчилари ҳар бир гурухнинг, тўпнинг олдига бориб, уларнинг бошлиқларининг номини билиб олишади. Бир-бирига таниш, биргалашиб келган меҳмонларнинг бир жойга тушишига алоҳида эътибор берилади, чунки улар бошқа жойларга тушиб қолсалар, гап-гапга қовушмай, зерикишади, сиқишишади. Тўйбоши кўпкарини бошқариб бораётган ҳакамга келиб хисоб беришади. Ҳакам кўнок тушираётганларни ҳам чакириб, қайси гурухнинг кимнинг хонадонига тушишини аввалдан белгилаб олишади. Шундан сўнггина тайёргарлик ишлари юритилади.

Чавандозлар, полвонлар одатда бундай кўнок булишни жуда-жуда қадрлайдилар. Чунки, шу баҳонада кўнгилларида ётган дардларини ўртага ташлайдилар, гурунглашадилар. То эрталабгача давом этадиган бундай гурунгларга мен ҳам қатнашиб, ҳеч қайси китобда ўқимаган гапларимни эшишганман, дунё кезишда, юрт кўришда улкан ҳикмат мавжудлигига амин бўлганман.

Кўнок фақатгина еб-ичиб, меҳмон бўлиб ётишгина эмас, дунё ва одамлар ҳақида фикри бир жойдан чиқадиган кишиларнинг кўнгил ёришлари учун қулай бир имкондир.

## ТЎЙ

Сиз карнай-сурнайлар овози, ноғоранинг така-тумини узоқдан этишган заҳотингизоқ тўй буляпти, дея югурасиз.

Ха, тўйнинг белгиси, хабарчиси — карнай-сурнай, ноғоралар ва Сиз. Тўй ўз номи билан — яқин дўст-ёр, кариндош-уруғ дийдорига, ширин таомларга, яхши куй ва қўшикка, курашу кўпкари томошасига, байрам шодиёналарига, кулги ва қувончга тўйишдар.

Бизнинг ўзбек халқи Ўрта Осиё мінтақасидаги бошқа кардош халқлар сингари жуда қадим замонлардан буён тўй қилиб, элга ош бериб келган. Тўйлар, одатда, кичик байрамлардек утказилган. Тўйнинг ҳам турлари анчамунча. Бешик тўйи, хатна-суннат тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар тўйи (оши), ховли тўйи, ёш саналари билан боғлик тўйлар ва ҳоказолар.

Тўйлар кўпинча қадимда қиши фаслида утказилган. Чунки бу фаслда деҳқон ва косибнинг қули кўпроқ бўш бўлган. Тўй — бу кўпчилик тўпланиб нишонладиган оммавий маросим. Қадимда тўйларда ота-боболаримиз биратўласи кураш, кўпкари, асқия, масхарабозлик, дор ўйинлари, бошқа турли томошалар кўрикларини утказишган. Халқ орасидан паҳлавонлар, санъат ишқибозлари, довюрак, эпчил чавандозлар табиий танланиб, яжратиб олинган.

**БЕШИК ТЎЙ** (бешик солди) да янги бўшанган, бешикда боласини эмизиб турган онага нон тишлиатиб, бу нон болаларга олиб қочдирилган. Бешик нарисига, айвонга ширинликлар, турли мева қоқилари сочилиб, болаларга талашиб-тортишиб тановул қилдирилган. Бу билан янги туғилган боланинг умри ширин, мўл бўлиб, узоқ йиллар хаётда сочилган ризқ-рўзини йигиб-териб еб юрсин, деган маъно англашилган. Бешик тўйида болани чилласи чиқиб, уни бешикка белаш маросимида икки турмуш кўрган, қажралган хотинлар ирим қилиб қўйилмаган. Бешикка муқаддас ҳисобланган дараҳт туғдона шохи кесиб олиб, осиб қўйилган. Боланинг бешик

ёстиғи остига пичок, нон парчаси қўйилган. Исирик тутатилиб, тумор осилган.

Бешик тўйи болалар учун жуда-жуда кувончли байрамдир. Чунки, улар ўз сафларига номаълум бир боланинг келиб қўшилаётганидан шодланадилар. Умуман олганда, болалик олами жуда ҳам гўзалдир. У ҳар бир кичик нарсадан хурсанд бўлади. Буюк оқин Абай бехуда мана бундай демаган:

*Гудак учун бешиги — каттакон олам,  
Онасининг ақ қўкси — жонажон олам;  
Кенг саҳро ҳам тор келар улгайганида,  
Ўтовидай кўринар бепоён олам.*

**НИКОҲ ТЎЙИДА** эса бўй етган киз-йигитнинг турмуш куриши билан боғлик бўлган қадимий, анъянавий одат-маросимлар амалга оширилган. Куёв булмиш йигитга қўйиладиган турли шартларни Сиз севиб ўқиган эртакларингиз, баҳши боболарингиз тўкиган достонлардан яхши биласиз. Оддий халқда куёв болага ўтии ёрдириб, ер чоптириб, чавандозлигини, кураш тушишини, камондозлигини, косиб-усталигини синааб, имтиҳон қилиб кўришган.

Қадим аждодларимизда ўзаро келишилган ҳолда бўлажак келинни олиб кочиш расм бўлган. «Ўгирлаб» келинган кизни йигит никоҳлаб олиши учун муайян қонун-қоидалар асосида тўй тадоригини кўришган. Шу муносабат билан никоҳдан олдинги ва кейинги маросимлар амалга оширилган. Туркий халкларда ҳамма маънода кизнинг баҳоси баланд бўлган. Шунинг учун куёв томон келин томонга албатта қалин тўлаган. Бу тўлов пул, олтин-кумуш, қўй-мол, гилам ва кигиз шаклларида бўлган.

Келинни тушириб олиш маросими, айниқса, қизиқарлидир. Қадимий аждодларимиз ўт-оловга сифинишга-

ни туфайли, отда, тоға етакловида келган көлинни (ҳозир енгил машинада) күёв бола отдан тушириб, дарвоза олдида ёқиб қўйилган катта гулхан атрофидан уч бора айлантириб, сўнг чимилдикқача кутариб олиб кирган. Бу билан аждодларимиз янги оилани олов тафтида ҳар хил инс-жинслардан, ёмон кўздан тозалаган. Иккинчидан, эр киши ўз жуфти ҳалоли, турмуш ҳамроҳи бўлған аёлни ҳамиша иззат-хурматда, қўлда кутариб юришини рамзий равишда ифода қилган.

Хоразмда қадимдан хонадонга келин бўлиб тушган янги оила аъзоси бир йил давомида ўз қайноаси билан оғиз очиб гаплашмайди. Ўғил ўстирганнинг хизматини қиласди, топширикларини бажаради, буйруқларини қулок коқмай адо этади, аммо чурқ этиб, оғиз очмайди. Бу аразлагани, иддаосидан эмас, одоб-андишасидан, истиҳола қилганидан шундай муомалада бўлади. Келин биринчи фарзандини туғиб, уни бешикка белаганидан кейин қайнона-ойиси билан гаплашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қайнота-келин муносабатлари яна-да мураккаброқ. Келин неча йил давомида туғилишидан қатъи назар, тўрт фарзанд кўргунига қадар ўз қайнотаси билан гаплашмайди. Қайнота отанинг топширикларини бажаради, юмушию хизматини қовоқ-тумшук қилмай ўрнига кўяди. Факат бу ижрони гунгу соқовдек, ҳатто овози ва шоврини ҳам чиқармасдан бажаради. Бу ҳам одоб, андиша, истиҳола тушунчаларининг энг олий намуналариридир.

Албатта, келин-куёв тўй кунлари маҳсус кийим-бошлар кийишган. Бу кийимлар юртимизнинг қайси воҳасига караб, бир-биридан фанк қилган. Масалан, Самарқанд, Бухороники бир тоифа бўлса, Сурхон ва Қашқа воҳасиники иккинчи тоифа, Фарғонаники ўзи бўлак бўлса, хо-

размлик келин-куёвнинг кийим-боши тамоман узгача бўлган. Бу ташқи белгилар ҳам халқимиз маданиятининг жуда бой ва қадимийлигидан далолат беради.

Никоҳ тўйигача қуда томонлар ўртасида маслаҳат оши берилиб, сўнг унаштириш маросими ўтказилган. Халқ орасида бу одат «нон синдириш» деб ҳам аталади. Фотиҳа тўйидан кейин келин тушган хонадонга ҳайит, байрам кунлари ҳайитликлар жўнатилган. Келин тушишининг ўзи катта бир маросим бўлиб, қуда томонлар азалдан амал қилиб келинаётган таомилга риоя қилишган. Тўй кунидаги тўй жўнатиш, тортишмачок — келин оёғи остига ташланган пояндоз талашиш маросимларининг ўзи бир тўйдир.

Чимилдик (гўшанг) га кириш билан боғлиқ одатларнинг ўзи бир жаҳон. Келин-куёвнинг устидан сочки сочиш, келин бола ва янгалар билан куёв тўра ва унинг журулари ўртасидаги айтишув, «белбоғ ечди», «келин кутарди», «оёқ босди» одатлари шулар жумласидандир.

Никоҳ тўйидан кейин бўладиган маросимлар ҳам халқимиз жўмард табиати, қули очиқлик одати, тўкин-сочин, эркин ҳаёти мазмунидан келиб чиқкан. Булар келиннинг юзини очиш, келин саломи, куёв томон ва маҳалла хотин-қизларининг (яқин эркакларнинг ҳам) келин курдиси ва сўнгиси — ёйилган сепни йифишидир. Бу маросимни халқ орасида «жой ийғди» ҳам дейишиди. «Жой ийғди»да кутилган натижани бермаган айrim келинлар эртаси қуттир эшакка тескари ўтқазилиб, йўл-йўлакай масхаралаб кулиб, сазойи қилиниб, ҳазар билан ота-онасиенинига элтиб ташланган. Бу иснод қолган барча оиласаларга қизлари, бўлажак келинлари учун катта сабоқ ролини ўтаган.

**ХОВЛИ ТЎЙИ**да кишлекдошларнинг, қариндош-урӯфларнинг катта ҳашари йули билан курилган янги имо-

ратга күчіб кирилгач, худойидан кейин маҳсус түй қилингандык. Бу түй ҳам күпроқ күз ё қишда үтказилған. Ҳовли түй муносабати билан янада шинам, күркем, ораста, ҳоңакилашған. Ҳовли түйидан кейінгіна янги иморат үзлаштирилған, унда яшашға үрганилған, киришилған. Бу түй ҳам никох түйидек оила учун энг баҳтиёр, тантанавор маросимдир. Бошпана, иморат ҳовлилік ёш оила әнди оёққа туриб олған. Барқарор, қабила, қишлоқ, әлатнинг кори хайрига ярайдиган мустаҳкам құрғон санаған.

Түйларнинг ҳар кишлоқда катта-кичикни яхши танийдиган кайвониси, құли енгил сартарош-устаси, құли ширин ошпази, әпчил дастанхончесі бұлғанидек, алоҳида айтимчи-жарчиси ҳам албатта бұлған. Бу айтимчи-жарчилар замонига, жойига, қишлоқлар худудининг катта-кичиклигига қараб, пиёда, отда, әшакда, велосипед, мотоцикл ё машинада үктин-үктин тұхтаб, жар солғанлар. Масалан:

*Ота-ә, бобо-ә,  
Ақа-ә, ука-ә,  
Бола-ә, бақра-ә,  
Әртага аzonда  
Бешқалтаклик Ҳалимбайникуига,  
Үглининг хатна түйига,  
Жамоа жаппа, ошга-ә-ә!!!*

Еїнки:

*Ота-ә, бобо-ә,  
Ақа-ә, ука-ә,  
Әрта оқшом  
Офтобрұядаги Рұзивойникуига  
Қизининг никоҳ түйига-ә-ә!!*

Айрим мүйсафидлар, ногиронлар, қулоғи оғир кексалар, диний арбоб, хурматлый кишилар кишлоқ оқсоқоли томонидан маҳсус киши юбориб, түйга чорланғанлар.

Шўро замони даврида, тўй маросимининг мазмуни ҳам шакли-шамойили ҳам анча ўзгарди. Тўгри, илгариги замонларда ҳам ўзбекнинг тўйида қозокнинг полвони, кирғизнинг ұланчиси, тоҷикнинг устаси, туркманинг чавандози, албатта, иззатли меҳмон сифатида фаол иштирок этган. Табиийки, ўзбек тўйида бу ҳалқлар лафзи-шеваси ҳам жаранглаб турган. Бироқ янги тузумга келиб, бу кирралар янада кучайди. Тўйлар ҳам байналмилалликнинг энг ёрқин мисоли-намунасига айланди. Бу маросим осиёча-оврупocha омухталашди. Ҳалқларимизнинг одат ва маросимлари бир-бирларига қушилиб, чатишиб, омухталашиб кетди. Бундан янги шакл ва мазмун ҳосил бўлди. Демак, тўй маросимлари янги қиёфага кирди.

Ховли тўйи, ёш ва таваллуднинг маълум поғоналари билан боғлиқ булган нишонлаш оммавий маросимлари пайдо бўлди. Булар кумуш тўй — турмушнинг биргаликда кечган 25 йили, олтин тўй — 50 йили, бриллиант тўй — 75 йили каби турларидир. Ота-она, бобо-бувиларингизнинг турли юбилей кунлари 50, 60, 70, ҳатто 100 йиллик тўйларини кўпчилик билан нишонлаш одат тусиға кириб қолди.

Тўйнинг ҳокисор, бежирим ўтказилиши ҳам тўй эгасининг маънавий қиёфаси юксаклигини кўрсатади. Порахур-ҳаромхўр кимсалар тўй баҳонасида ўзларининг кимликларини, кучу-куватларини кўрсатиб кўймокчи бўладиларки, бу маънавий тубанликдир. Кўпчиликнинг ҳолатига қараб, ўшалардан кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас — ўртамиёна тўйлар ўтказиш зарур.

### ТҮЁНА

Тўй маросими ҳакида гапирдик. Ўзбек ҳалқи қадимдан тўйга тўёна билан борган. Тўёна — тўйга, тўй эгасига

совға-салом билан бориш дегани. Баъзи вилоятларимизда бу одатни түёна эмас, құшанч (құшиш) деб ҳам юритилади. Түй бұлаётган хонадонга қариндош-уруглар, дұст-биродарлар якка-якка, баъзан гурух-гурух, жамоа булиб, ишхона, хизматдошлар вакиллари бир булиб, турли совға-салом қилишлари мумкин.

Түёна қилиш қадим замонларда түя, хұқиз, сиғир, күй келтириш мисолида бұлған. Унинг микдори ҳам түй әгасининг ва түёначининг моддий имкеніннелари, иқтисодий-ижтимоий мавкеи, даражасига ва албатта, замонига қараб бұлған. Түёна нафақат, ўзбекларга, балқи барча туркий халқларга, ёндош-жондош төжик, қозоқ, қирғиз халқлари рухиятига ҳам хос бұлған қадимий одатлардан биридей. Биз атрофимиизда яшаб келаётган қрим татарлари, турклар, корейслар ҳам бу одатни ўз анъаналари килиб олғанликларини яхши биламиз.

Нега түёна бериш одат булиб қолған? Сабаби түй килған одам, хоҳ у фарзандининг құlinи ҳалолласин, хоҳ киз ё үглиға никоҳ үқиттисин, катта түй қилиб, унинг харажатлари туфайли моддий-иктисодий томондан анча «абгорлашиб» қолади. Яъни, у әлга ош бериб, дастурхон ёзіб, бир неча минг сүм пул, маблағ сарф килади. Қилмасин, биз унинг харажати кафилини олиб-мизми, дейнши мумкин айримлар. Бирок ўзбек миллатига мансуб, умуман мусулмон одам бундай демайды, деёлмайды. Айникса, яқын кишиларнинг бунга жони ачимайдими?! Шундан халқимизда, «ўғлининг құlinи ҳалоллаганга етти йил тегма», деган накл қолған. «Киз чиқарғанга кирк йил тегма», дейишади. Бу билан, бу оиласалар бор-бұд ийқан-терганини сарфлаб, катта қарздор булиб қолди, энди уларга харажат тұғрисида умуман гап құлма, деган маъно берилади. Худди шу кун ўзбекчиликда эртага ўзингизнинг бошингизга ҳам тушади.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни енгиллаштириш учун, яна бир жиҳати шу яхши кунлар, ширин ташвишларни ният қилиб ҳам кишилар бир-бирларига тӯёна қилишади. Бу ҳам ўзбек халқининг бағри кенг, саховатли, келажак истиқболига ишонч билан яшовчи, кенг феълли халқ әканлигидан далолат беради.

Бу одат ҳам айни пайтда ўзига хос ҳашар бўлиб, тўй эгасининг елкасидаги оғир юкни анча енгиллаштиради. Тўёна одами ва жойига қараб уй жиҳозлари, рўзгор анжом-ашёлари ҳам бўлиши мумкин. Рўзгор — фор дейишади. Унга нималар керак бўлмайди, дейсиз?! Шифонер, диван, стол-стул, радио-телефизор, соат, музлатгич, гилам, палосдан тортиб вилка-қошиққача ҳамма-ҳаммаси керак. Шунинг учун ҳам янги оила эҳтиёжларини яхши билган яқин кишилар ўзаро келишиб, рўзгор учун энг зарур ашёларни тўёна ўрнида совфа-салом қилишади. Турли ёш саналари билан боғлик тўйларда ўзбеклар сарупо: дўппи-чопон, белбоғ, тўйчи расми түширилган турли-туман катталикдаги чинни қузалар совфа қилишади.

Оиланинг энг яқинлари: ака-ука, опа-сингил, кудандар тўйнинг бир томонини кутаришлари ҳам мумкин. Чунончи, бирор гуруч, бирор нон, яна бирор ёғ, бошқаси қанд-курс ва ҳоказоларни ўз зиммасига олади. Аёллар одатда, дастурхон усти пишириклари, гўшт ва сабзавот газаклари, қазиу карта, сомсаю манти, торту пирожнийлар тайёрлаб, тўйга тўёна қилишни хуш кўришади.

Тўёна-қўшанчнинг ҳамма замонлар учун энг мақбул шакли курб етган даражада пул, маблағ билан ёрдам қилиш усулидир. Ўзбеклар «қийналсанг, қийналмайсан» ақидасига амал қилиб, ҳозир андак оила харажатларидан тийсалар-да, кейинчалик тўй ташвиши бошга тушганда, қийналмасликларини ҳисобга олиб, имкони борича

юқориrok миқдорда пул түёна қилишга интиладилар.

Қадим замонларда амир, хон, беклар ўз мавқелари-даги түй эгаларига олтину забаржад, қимматбаҳо буюмлар, «ұлмайдиган моллар» совға-салом қилғанлар. Ҳозирги кунда дүст, таниш, хизматдош кишилар бир-бирларининг түйларига имкон даражасида пул түёна қиладилар.

Түёна дегани бу садақа әмас. У еб кетарга, худо йулиға берилмайды. Түёна бу үзига хос карз бериш булиб, халқона «жамғарма хазина»си деган гап. «Қарз бериш — садақа қилғаннинг савобини беради», дейилади ҳадисларда. Бу ҳам үзига хос мушкул ахволдаги кишининг ҳожатини чиқариш, унга холисанилло күмаклашиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам түйларда түй эгасининг үзи ёки унинг әнг яқин кишиси (у ҳаммани яхши таниши лозим) кўлида қалам-дафтар билан кимнинг түйига нима, қанча қўшанч қўшганлигини албатта ёзиб, «хужжатлаштириб» боради. Чунки олмоқнинг бермоғи ҳам бор. Яқин вакт орасида «ұлмаган қул» түёна берганларнинг түйларига «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилиши, албатта унга қуруқ қўл билан бормай, үзига яраша ҳиммат кўрсатиши лозим бўлади. Ана шу йўсин түйга түёна билан борилади. Ўзбекларда «ҳисобли дўст ажралмас», деб шунга айтилади.

Биз түёнани юқорида «қарз» деб айтдик. Бироқ фақатгина шу «қарз»лиги эътиборга олинса, балки у умри узун удумларимиз сифатида унчалик ҳам эътиборга лойик бўлмаган бўларди. Түёнанинг яхши ният, кишининг үзига тилайдиган тилаги сифатида ҳам маъноси улуғdir.

Ўзи дурустгина ишда ишлайдиган, бироқ фарзанд кўрмаган бир киши қайси түйга борса, албатта, бирон нима түёна килар, сунгра қарияларга юзланиб:

—Қани, бир duo қилинглар-чи, бизни ҳам шундай кунларга етказсин, — дерди.

**Чоллар дуога құл очишарди.**

Шу тариқа қариганда фарзанд күриб, нияти ижобат бұлғанлар ҳам жуда күпдир. Ҳархолда, түёнани дилдан чикәриб берган киши савоб олади, дейишади.

Елғонларга күмілған жамиятда оддий ишчининг болашақасини боқиши учун ишлагани ҳам гоҳ инқилоб байрамига, гоҳ май байрамига, гоҳ баликчилар кунига, гоҳ чорвадорлар кунига түёна деб айюқаннос солинди. Аслида, бу жудаям оддий, турмуш тарзимизнинг ажралмас бұлғаги, одатий ҳол эди, холос.

### **ГАП-ГАШТАҚ**

Ажойиб халқпарвар шоир Махтумқулининг мана бу мисралари ҳаммангизга ҳам ёд бўлиб кетганлиги рост:

*Ҳар-айгитнинг аслин билай, дессангиз,  
Маъракада ўтириб-туришин кўринг...*

Одам болаенинг насл-насаби, ҳамияти, орияти ҳақидағи бу мисралар кишини чукур ўйларга толдиради. Халқнинг удумларини, интилишларини ҳис этган шеърхонгина бундан қаттיק мутаассирланади.

Гап-гаштакда тенгдош, махалладош, синфдош, курсдош, хизматдош, маслакдош дүстлар бир жамоа ташкил этиб, бу жамоа белгиланған муддатларда (ойда, бир ярим ойда, икки ойда) түпланишиб, ўtkазилади. Гап-гаштаклар номи эскидан «издиҳом», «давра», «гап», «гаштак», «гап ўйнаш», «ош» сингари маънодош сўз ва иборалар билан аталиб келган. Гап-ўйинлар аслида қора тирамоҳ, қиши кунларига мўлжалланған бўлиб, узун қиши кечаларини обод, мазмунли килиш, кўнгил ёзиш учун ташкил этилган. Қишлоқ жойларда кўпроқ бу одат расм бўлган. Қишлоқ ахлининг асрлар оша шаҳарилашиши муносабати билан шаҳарларга ҳам бу одат кўча борган.

Гап-гаштак ўз номи билан гап, давра, сухбат, масла-хат, ўйин-кулги, ош, жамоа булиб кўпгина оиласвий, жамоат мухим ишларини ҳал қилишга ҳам катта ёрдами теккан тадбирдир. Гап навбати берилган хонадон унга яхши, пухта тайёргарлик кўрган. Қўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишига асралган яхши қовун-тарвузлар, узум-анорлар омборлардан олиб чиқилган. Белгиланган соатларда меҳмонлар иззат-хурмат билан кутиб олиниб, даврабоши марҳаматига кўра ёш ва мавқеига қараб жойлаштирилган.

Бундай гап-гаштакларда бироннинг қизини турмушга бериш, ўғлини уйлантириш, ҳовлисини ҳашар қилиб куриб бериш, оммавий маросимларни ўtkазиш кабилар режалаштирилган. Биринчи ёққан ёки катта тушган қор муносабати билан қорхатлар ҳам шудай давраларда ижод қилиниб, ёзилган. Жангнома китоблар ўқилган, яссавийхонлик, машрабхонлик, навоийхонлик бўлган. «Юсуф Зулайҳо», «Зайнул Араб»лар мана шундай издиҳомларда укиб туширилган.

Албатта, қадимдан «тeng-тengи билан», деган ақидага амал қилган аждодларимиз ҳар ким ўз teng-tushi билан гап уйнашига амал қилишган. Кекса намозхон отахонлар бир бўлак, ёш-яланг йигитлар бир бўлак. Оила, болачақали ўрта ёшлилар узи алоҳида гап-гаштакларга бирлашганлар.

Қадимда кундалик матбуот, радио-телевидение бўлмаганлиги туфайли бундай жойлар ахборот олиш манбаи, ҳаётдан, сиёсатдан, маърифатдан янгиликлар эшитиш жойи ҳам ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бундай гаштакларнинг бир қисми чойхоналарда, жамоат жойларида ўтказилган. У ерларда сайёхлар, узга юртлик мусофири кишилар, олиму фозиллар, шоиру адаб сухбатлари тингланган.

Гап-гаштак аъзолари тенгдош дўстлар, фақат йигитлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда бундай издиҳомларда оиласи гап-гаштаклар ҳам расм бўлиб кетган. Оиласи даврада эр-хотин жуфт-жуфт дастурхон атрофидан урин оладилар. Айрим ута яқин, ораларида бегонаси бўлмаган синамол давраларда бола-бақра ҳам иштирок этади. Бу ҳолда уч уй: эркаклар, аёллар, болалар «гап ейди»лар.

Бизнинг замонамизга келиб, энди гап-гаштаклар на вакт, на ҳудуд билади. Қишлоқда бўлсин, шаҳарда бўлсин, бирдай ўтказилаверади. Мавсуми ҳам танлаб ўтирилмайди. Баҳор, ёз, куз, қиш — йил ўн икки ой барибир, навбати билан давра қурилаверади. Гап-гаштакларда, албатта, машшоқ, ҳофиз, шоир-бахшилар таклиф килиниб, иштирок этиб келишган. Ҳозир ҳам бу анъана давом этиб келаётир. Е давра иштирокчилари ичидагап аъзоси сифатида мавжуд бўлган, ёки маҳсус таклиф қилинган санъаткорлар гаштакчилар кайфиятини янада кутарадилар.

Бугунги кунда гапларнинг мазмуни, мавсумидан ташқари тўрлари ва моҳияти ҳам әнча ўзгариб кетди. Шунинг учун ҳам унинг анъанавий ва баъзи ижобий янгилик томонларига олқиш айтган ҳолда, айни пайтда маънавий фойда-зарари ҳақида ўйлаб фикр айтиш лозим. Бундай издиҳомларнинг фойдаси нима? Аввало, инсоний қадриятлар унутилиб, ҳар ким ўз кавагига биқиниб, телевизорга тикилиб қолган замонамизда ахборотларнинг етишмаслиги сабабидан эмас, аксинча ахборот тоғлари остида қолган одамлар ўзаро инсоний меҳрга, оқибатга интилиб, бу борада маслақдошлар шундай давралар курадилар. Бу давралар бир қишлоқ, бир туман, бир вилоят кишиларини, касбдошларни, маҳалладошларни бирлаштириши мумкин.

Хозир гаплар «ош» деб аталиб, күчма тарзда ҳам ўтказилаверади. Мавсумга қараб, баҳорда тоғ-қир ёнбағырлари, ёзда дарё бўйларига, қишида чойхона ва хона-донларга кўчирилиши мумкин. Хозир гапнинг мазмун-моҳиятидан ташқари вазифаси ҳам бирмунча узгарган. Яъни, гапларда «гап ўйнаган» аъзолар нафақат машшоқ мақомларига йўргалайдилар. Балки унинг моддий-молиявий жиҳати ҳам мавжуд булиб, давранинг таркиби ва давомийлиги мана шу томонга ҳам боғликдир. Дейлик, ўн жуфт меҳмон кутган оила (хоҳ уй, чойхона, дала) 3-4 хил таом тайёрлаб, дастурхон безаб, (уларнинг ҳаммаси меҳмонбоп, сархил бўлади, албатта) камида 10-20 минг пул сарф қиласди. Бунча харажатни у қаердан олади? Шу ўринда гапдошларнинг «йигма хазина»си ёрдамга келади. Оила бошига 1000 сўмдан «йигма» солинган бўлса, 10 минг чиқди, деган сўз. Шу йўсин ҳар бир оила ўз ҳиммати билан ҳар бир навбат олган дўстининг «ҳожатини чиқаради». Бундан сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Давра давом этаверади.

Илгариги гап-гаштакларда ҳам, ҳозирги гапларда ҳам мақтовга сазовор, ибрат олса арзийдиган фазилатлардан ташқари, танқидга лойик қирралар бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Булар қадимда айрим давраларда бойваччалик, манманлик, баччавозлик, тарёқчилик, чилимхўрлик бўлган бўлса, бизнинг замонамиизда ичкилик-бозлик, баъзан тарёқчилик иллати ҳамдир. Меъёрини билмаган, ҳаддидан ошган эр-аёллар яхши тарбия воситаси ҳисобланиб келган гап-гаштакни тарбиясизлик, фосиклик манбаига айлантирмокдалар, Моддий тўқчиликдан «кузини ёғ босган» айрим эр ва хотинлар манманлик билан ўтириш, давра ҳофиз-ўйинчиларига катта пуллар ёпицтирадилар. Ичкиликка ружу кўядилар. Баъзилари

ҳатто ахлоқий бузукчиликкача бориб етадилар.

Бу ҳақда таникли адаб Худойберди Тұхтабоевнинг «Гап үйнаган хотинлар» туркум фельветон-эссееси замона-  
вий «гап»ларнинг салбий жиҳатларини яхши очиб берган.

Нима бұлғанда ҳам яхши ният билан, хуш ахлоқу бир-  
дамлық, меҳр-оқибатта йүргилиб, бизнинг замонла-  
римизгача етиб келган, янги-янги шаклларда үз ҳәёти-  
ни давом эттираётган қадимий одатимиз гап-гаштакни  
ҳам сақлаб қолиб, кейинги авлодларга етказиш биз-  
нинг бурчимиздир. Ош ичидаги тош ва курмаклар  
сингари гап-гаштакдаги ғайриинсоний жиҳатларни териб  
олиб ташлаш бу бошқа масала...


## У Б О Б . У М Р Г У З А Р О Н Л И К

### УРУФ, ШАЖАРА, СУЛОЛА

Баъзида Сиздан кекса чоллар: «Ўғлим, кимнинг фарзандисиз, кимлардансиз?» деб сұраб қолади. Асло: «Фамилияңыз нима?» дейишмайды. Сиз отангизнинг, нари борса, бобонгизнинг исмларини айтасиз. Савол берган чол: «Ха, новвойлардан экансиз-да», дейди. Сиз бундан ҳайрон буласиз. Чунки оиласынгизда ҳеч ким новвойлик билан шуғулланмайды. Ўйдагилардан бориб сұраганингизда гапнинг мағзини чақиб оласиз. Ҳакиқатан ҳам, бобонгиз ё бобонгизнинг оталари новвойлик билан шуғулланған булиб чиқадилар. Сиз ҳам шу новвойлар сулоласининг давомчиси, авлоди саналаркансиз.

Қадимгилар ўз шажара, уруғ, сулола, аждод-авлодларини яхши билишган. Туркий халқлар уч катта бұлакка: қорлук-чигил, қипчок ва үғуз сингари катта уруғларга булинади. Дунёдаги барча туркий халқлар мана шу уч бош уруғлардан тарқаб, сұнг турли кичик уруғ ва шажараларга булиниб кетадилар. Бизнинг нисбий жиҳатдан ўзбек халқи деб аталиб қолған халқимизнинг үзи юзлаб уруғ, әлат, халқлардан таркиб топған булиб, минг йиллар давомида бир-бирига аралашиб, күпчиликнинг қони күшилиб, бугунги авлодлар, Сиз ва бизнинг авлодларимиз пайдо булиб, шаклланған.

Шундай булса-да, ҳали ҳам туркий халқларда уруғ суриш одати сақланиб қолған. Қозоқларда масалан, уч жуз (юз) — катта жуз, ўрта жуз, кичик жуз булиб, айни



пайтда улар ҳам кичик уруғларга бўлиниб кетади.  
Ҳатто қозок дўстларимиз ҳар бир жузнинг касб-кори,  
сулоласини ҳам азалдан белгилаб қўйишган:

*Катта жузнинг қўлига таёқ бериб, молга қўй.  
Ўрта жузнинг қўлига қалам бериб довга қўй.  
Кичик жузнинг қўлич бериб жовга қўй.*

Ўзбекларда хўжа, саййид уруғларидан бўлган эшонлар  
бошқа юз, уруғ, шажара ёки қорачаларга қиз берма-

ганлар. Ҳозир ҳам бу одат баъзан кўзга ташланиб қолади.

Дейлик, Сизнинг уругингиз энг катта ва ҳалқимиз орасида кенг тарқалган уруғлардан қўнғирот бўлсин. Шу бир қўнғирот урудининг ўзи ўзбек, қозоқ, кирғиз ҳалқларининг ҳам катта қисмини ташкил этади. Шунинг учун билингки, қўнғирот бўлсангиз, қозоқ ҳам, кирғиз ҳам сизга бегона эмас. Уруғдош, авлод, тоға-жиян, оғанинидир.

Қипчок ҳам худди шундай. Унинг уруғларини қозоқлар, кирғизлар, Сибирь ўзбеклари, хоразмликлар, қорақалпоклар орасидан ҳам куплаб топишингиз мумкин. Ўғуз уруғлари эса Хоразм, Туркманистон, Озарбайжон, Эрон, Туркия ҳалқларини қамраб олиб, бир-бирларига қон-қариндош қилиб боғлади. Эт билан тирноқни ажратиш мумкин бўлмаганидай, бу уруғларни ҳам миллий ва худудий чегараларга кура ажратиб ташлашнинг ҳеч қандай имкони йўқ.

Қўнғирот уруғи яна ўттиз кичик урукқа бўлиниб кетади. Қозоқ дустларимизнинг ривоят қилишларича, бу ўттиз уруғ — оға-инининг йигирма саккизтаси тарих тақозосию замонанинг зайди билан ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида қолган, фақат иккитагинаси ҳозирги Қозогистон ҳудудида бўлиб, мана шу икки уруғдан қозоқнинг жуда катта аймоғи тарқаб кетган экан. Аслини суриштирангиз Ўрта Осиё, Қозогистон қадимги пайтларда бундай бўлиниб ташланмаган пайтида умуман Турон замин деб аталиб, Шаркий Туркистон (Хитойдан Тошкентгача) Мовароуннаҳр (Сирдарёдан Амударёгача), Хурросон (Амударёдан Эронгача) минтақаларига бўлинган бўлиб, улар орасида миллат ажратиш бўлмаган. Шаркий туркистонлик, мовароуннаҳрлик, хурросонлик деб аталишган. Уруғ жиҳатидан

суриштирилганлиги рост. Бу томондан эса уч мамлакатдагилар ҳам бир-бирлариға қариндош бўлиб чиқканлар. Чунки улар қиз бериб, қиз олиб, бир-бирлариға кон-қариндош бўлиб кетишган.

Ота-боболар ўз насл-насаб, уруғ, сулола, шажараларини авлодлар оша саклаб қолиб, мустаҳкамлашга, обрўйи, мавқенин кучайтиришга бутун умр харакат қилганлар. Масалан, қўнғирот уруғлари кенг-мўл дала-ларда, яйловларда ўтов тикиб, ўлан айтиб, чорва ва йилки, тuya туёғини кўпайтириш билан шуғулланишган. Кенагас уруғлари карвон қўнғирокларини жиринглатиб, Чинмочину Хинд, Эрону Турон замиини бўйлаб савдо-сотикни ривожлантирганлар. Барлослардан лашкарбошилар кўп чиқкан. Қурол-яроғни моҳирлик билан ишлатиш ҳам барлосларга тан бўлган. Жалойирлар навкарлар расмини яхши билганлар. Уларнинг катта қисми бу ишни ўзларига қасб қилиб олганлар.

Мана шу йўсин қадимгилар ота-боболари, уруғ-аж-додлариға қараб, шажара сурғанлар, сулола бўлганлар. Шажара маълум бир оиланинг, авлоднинг қайси уруғдан келиб чиқканлиги, қайси авлодларни ўз таркибига киритишига қараб белгиланган. Масалан, ўзбек халқининг тарихда машхур шажараларидан бири Темурийлар шажарасидир. Бу авлод барлос уруғлариға мансуб бўлиб, қўйидагича бўлинади:  
Баҳодир Тарагайнинг ўғли Амир Темур, Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ мирзо, унинг ўғли Мирзо Улуғбек, Улуғбекнинг пуштикамари Абдуллатиф мирзо...сингари.

Бобур Мирзо шажараси:

Амир Баҳодир Тарагайнинг ўғли Амир Темур, Темур Жаҳонгирнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг ўғли Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли Султон Абусаид, Абусаид Мирzonинг ўғли Умаршайх.

Умаршайх Мирзонинг фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумоюн Мирзо, Ҳумоюннинг ўғли Ақбаршоҳ ва ҳоказо.

Албатта, шажарада шоҳ ва бутоқлар ҳам кўп бўлади. Яъни, авлоднинг она томонидан тарқалиши, ака-ука, тоға-амаки ва холаваччалари уруғларини билиш ҳам шажара аниклигини янада мустаҳкамлайди.

Эски пайтларда шажара ўз навбатида сулолани ҳам белгилаган. Мисол учун подшозодалар азалдан юрт бошқаришган. Фарзандлар ҳам шунга ўргатилган. Лашкарбошиларнинг кейинги авлодлари ҳам худди шундай лашкарбошилик билан шуғулланганлар. Темирчию куролсозларнинг ўғилу набиралари ҳам шу касбни давом эттирганлар. Сандиқчидан сандикчи, бешик устасидан бешикчи, соз усталаридан дутор, танбур ясовчи авлодлар тарқаган. Аттор авлоди билан савдо ишини, табиб шифои-шафқатни, маддоҳ дину тариқат, оллою пайғамбарлар мадҳини авлодлар оша давом эттирувчи сулолаларга бирлашганлар. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги иқтисодий сиёсатимиз талаб қилганидай, ҳар ким ўз иши билан шуғулланган. Бу касбни такомиллаштириб, хунар маҳсулоти сон ва сифатини оширганлар.

Ҳозирги пайтда кўп шажаралар ўз сулолалари касбкорларини тарқ этиб, унутиб, бошқа касбларнинг этагини тутиб кетишган. Ҳалқимизда «ота касбини қилган барака топади» деган нақл бор. Бу наклда ҳикмат кўп. Чунки киши ўз ота-бобоси қилган иш билан машғул бўлса, аввало, бунга барча асос ва кўр бўлади. Дўконни янгидан курмайсиз. Борини мустаҳкамлаб, такомиллаштириб, замонангизга мослаб давом эттираверасиз. Ёшлик пайтингиздан бу ишни куриб, қўзингиз пишиб, қулингиз эпақага келиб катта бўлгансиз.

Янги касбни ўрганиб, уни тирикчилик манбаига айлантириб олишингиз учун эса бир неча йил вакт, бир кадар

маблағ, асаб сарфлашингиз лозим бўлади. Ундан кейин ҳам то бу қасб усталари даражасига етиб, шухрат топгунча, она сутингиз оғзингиздан келади. Бу йулда синиб, узингизни ўнгаролмай қолишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун ҳам ҳамма замонларда ўз шажара ва сулоласи қасби-корини тарк этмаганлар асло хор бўлишмаган. Новвой, қассоб, шираворпаз, косиб, темирчи, соҳибкор, чорвадор, заргар, дурадгор, аттор, табиб, кулол, иморатсоз ва ҳоказо қасблар сулолалари авлодлари ҳам турмуш муаммолари олдида ер чизиб, армонда қолмаганлар. Ўз қасб-корлари билан оила бешигини тебратиб, бола-чака ризқ-рузини топиб берганлар. Айни пайтда мамлакат бойлигини яратиб, Ватан бозорларини обод қилганлар. «Оч қолсанг ҳам отанг одатини қўйма», деган нақлнинг мағзини чақсангиз, бу гапнинг маъносига етасиз.

Азиз ёш дўстлар. Ҳозир ҳаммамиз ҳам ўз уруғ, шажара, сулоламизни яхши билавермаймиз. Бу жиҳатдан ҳам яна қозоқ дўстларимиздан ибрат олсак арзиди. Улар ўз етти пуштларини яхши билишади. Етти авлодини билган одам уларнинг шажарасию қасб-корларини ҳам чукур билиши табиий.

Сизларга озми-кўпми одатлар ҳақида маълумот беришга интилаётган менинг ўзим ҳам бу жиҳатдан мақтанолмайман. Замон нуқси, бешафқат тамғаси менга ҳам хос. Аниқлашимча, уруғим кенагас, боболарим карвон бошлаб хорижий юртларда савдогарлик билан шуғулланганлар. Бувимнинг айтишларича, Бухоро амирлари Китобга келганларида бизниги кўнишар экан... Савдогарларнинг фарзандларидан ўқимишли, фозил одамлар кўп чикқанлиги тариҳдан сизга маълум.

Китобга инқилобчилар киргач, бир мулла тоғам янги

хукумат раҳбарларидан бирига айланган. Ўз элатдошларини замона зайли билан жазолаган. Ўзгаларга кўшиб, ҳатто ўз отаси, бобом Faффор Атторни ҳам кулок қилиб юборган... Менинг отам ҳам алғов-далғов замонда сулолаю шажара, касб-коридан вактинча воз кечиб, қишлоқда оддийгина соҳибкорлик-боғбонлик билан шуғулланган. Яқинда менга бир ҳосилот (агроном) жўрамнинг маълум қилишича, отам соҳибкорликда ҳам кўл қовуштириб ўтирган экан. Кора чарос узумнинг икки турини (кора ва сочал қора) чатишириб, кўп йил тажриба қилган, янги навнинг афзаллигини билгач, уни боғимизда навлаштириб, кўпайтирган эканлар. Бу нав 60-йиллардаёқ Шредер номидаги боғдорчилик институтининг Самарқанд бўлимида селекционерлик ихтироси сифатида тан олинниб, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида навлаштирилиб, оммалаштирилган, жамоа хўжалик боғларига экиб юборилган экан. Менинг отам яратган янги нав Саттор қора деб аталиб, кўп боғларнинг энг яхши, ҳосилдор узум навларидан саналаркан...

Шажара, сулоланинг ишини давом эттириш, анъанавийлик ҳамма замонларда олқишиланиб, қўялаб-куватланган. Бу тадбир, ҳалқ бойлиги, давлат бойлиги саналган. Шунинг учун ҳам давомчилар давлат, ҳокимият раҳбарлари томонидан рағбатлантирилган. Минг афсуски, тарихда бўлмаган ишлар бўлиб, бизнинг замонимида, яқин ўтмишда, бу мумтоз анъацага шак келтирган раҳбарлар чиқди. Муаллимнинг боласидан муаллим, табиб-шифокорнинг авлодлари шифокор, савдогар фарзандидан тижорат кишиси, олимнинг ўғлидан олим этишиб чиқиши қатъян тақиқланди. Оммавий ахборот воситаларида қадимги анъанани сақлаб қолған бирда-ярим фидойи шундай онлалар қаттиқ танқид остига олинди. Тақиқни бузганлар «ўз амалини сунистеъмол қилиш»да айбланди.

Мен Сизга икки замондан иккита мисол келтираман. Улуғ Ватан уруши йиллари фронтни ва халқни бокиңүчүн раҳбар мутахассислар танлаганда Усмон Юсупов үз муносиб вазифасида ишлаб турган Дўйсенбой Сарикуловни ҳузурига чақириб унга:

— Дўйсенбой, еен қозоқсан, ота-бобонг касб-кори, чорвани яхши биласан. Бугундан эътиборан гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрлаш комиссарлиги раҳбарлигини кўлга олсанг,—деган экан.

Кексаларнинг эслашларича, Дўйсенбой Сарикулов бу соҳага раҳбарлик қилган ўн икки йил ва ундан анча кейин ҳам ўзбекнинг ҳовлисидан мол-ҳол, декча-ю халтасидан сут-қатик, қозонидан гўшт-ёғ аримаган экан.

Бизнинг хозирги кунларимизда худди шундай янги бир мисолни биламан. Мен туғилган Паландарада Каюм Мўминов деган жамоа хўжалиги раиси бўлар эди. Отамнинг дўсти бўлганлиги учун яхши эслайман. У киши Паландарада, умуман Китобда боғ-роғларни купайтиришда кўп йиллар жонбоэлик кўрсатган. Замоннинг шарофати билан яқинда у кишининг ўғли жумхурият ўрмон хўжалиги институтининг бош раҳбари қилиб тайинланди. Менимча, халқимиз мана шундай сулола давомчилари бўлган мутахассислардан барака топиши мумкин.

Шундай, ёш дўстлар. Имкон қадар Сиз ҳам үз уругингизни билинг. Шажарангизни тұла аниклаб, изчили үрганинг. Сулолангиз анъаналарини сақлаб, уни давом эттиринг. Чунки ўтмишини билиб, үз ота-бобосига мансуб иш билан машғул бўлган инсоннинг келаҗаги хосиятли бўлади...

## ЯНГИ ҲОВЛИ

Оила-хонадон бошпана билан тирик. Бошпаналик булиш эса ҳамма замонларда ҳам осон бўлмаган Ўзбек хонадонлари азалдан серфарзанд, катта рўзгор бўлиб келишган. Бўй етган кизлар узатилган. Вояга етган ўспиринлар уйлантирилган. Янги оила, янги рўзгор ташкил бўлган. Ўзбеклар одатда «қиз бироннинг ҳасми» дея, «чиккан киз чириқидан ташкари» ақидаси билан кизларни келин бўлиб тушадиган жойларга гойибона меҳр-мухаббат, иллинж туйгуларида тарбиялаганлар. Отана кизнинг сепини гўдаклигидан йиккани рост. Халқда «Қизни бешикка сол, сепини сандикқа» деган мақол бор. Борган жойида ўзидан кўпайиб, тиниб-тинчиб, туп қўйиб, палак ёйсин дея яхши ният қилишган.

Ўғил боланинг йўли бошқа. Ўғил туғилиши оила нинг баҳти, шон-шавкати саналган. Зурёл давомчиси, ватан эгаси, ҳимоячиси, оила қурғонининг даргаси. Ўғил туғилиши билан тадбиркор оталар, боболарнинг маслаҳати билан томорқа ҳовлига 100-200 та терак экишган. Бу тераклар то бола улгайиб уйланадиган бўлгунча янги иморатга хомашё сифатида вояга етган. Уйланиш олдидан албатта янги уй курилган. Ҳашар, кариндош-урӯғ, дўст-ёронлар ёрдами билан куриб битказалган янги уйнинг ҳам ўз расм-русуми бўлган. Уйнинг усти, том ёпилиши олдидан сар девор устида албатта жонлик сўйилиб (хуроз, товук, курка) худо йўлига кон чиқарилган. Бу одатнинг тепада сар девор, устида амалга оширилиши (хўрот, курка пахса сар девори устида сўйилган. Кони уша ерда колган) арши аълога, оллои таолога, биру борга муножот тарзида қабул қилинган.

Яхши ният билан остона остига (ичига кум-шагал

тұлдирилса-да) хұм, күза күмилган. Бу останаси (ости) олтиндан бұлсин, хонадондан қут-барака, бойлик аримасин, деган маңынни берган. Аслида эса қадимда нарәғида борлар бундай хұмларга бор бисот-бойликлари, олтину забаржад, дуру гавқарларини күмиб саклаганлар. Вакти-соати келиб, янги авлод, янги иморат қуришида ота мерос бу бойник (олтин остана) жуда аскоттан.

Халқымиз оғзаки ижодидаги тушиб келган келинга нисбатан

Йиглама, қиз йиглама,  
түй сеники, ёр-ёр.  
Останаси тиллодан  
үй сеники ёр-ёр.

иборасининг маңыншы мана шунда.

Остана билан боғлик удумларнинг ўзи ҳам ибратлиидир. Бүй етган қыздар, келинчаклар азонда туриб, дастлаб остана остини ёғ тушса ялагудек тозалаб супуришган. Останада қуришиш, құл олишиш ўзбекларда бехосият саналади. Мехмон албатта, остана ҳатлаб ичкарига киргач, ёки аксинча, мезбон меҳмон истиқболига, ташқарига чиққа, улар бир-бирлари билан қуришишган.

Янги уйга күчиб киришда бир катор урф-одатлар, ҳатто иримларга ўзбек халқи ҳамон амал қилиб келади. Булардан биринчиси, уйнинг күзга қуринарли жойларига чақириканак-исириқ осиб қўйилади. Бу билан халқымиз «ёмон кўздан худо асрасин» деган ақидага риоя қилишган. Ҳамма замонларда ҳам одамлар орасида «кўз»лик кишилар, баҳил, узгалар камолини кўролмайдиган ичи қора кимсаларнинг кўзи ўтмасин, касофати тегмасин деган мазмунда шундай қилинган. Ҳақиқатан ҳам, ёмон ниятли шахснинг нигоҳи фавқулодда чақириканак-исириққа тушгач, «назари синган», кўзига

чакириканак «қадалган». Буни илгарилари хурофот деганлар ҳам бўлди. Нима бўлишидан қатъи назар, биз ўз маданиятимиз намунаси бўлган одатларнинг ҳар бир мисқолини сақлаб қолишимиз, келгуси авлодларга етказишимиз зарур. Булардан ташқари янги уйга кўчиб киришда ховли остонаси, дарвозасига отнинг такаси қоқилади. Бу билан хонадон турмушки от такасидай мустаҳкам ва хотиржам, мол-холга бой-бадавлат бўлиши ният қилинади.

Хонадон ичкарисига кийик шохи, калласи илиб кўйиладики, бу билан авлоднинг Она Буғудан тарқалганилигига ишора қилинади. Бури тирноқлар илиб кўйилган хоналар ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳам авлоднинг бўридан тарқалганилигига ишора, рамз, айни пайтда бўридай ўлжали, топиб яшаш назарда тутилади. Чакириканак-исирик, тумор осиш одати нафакат шахсий янги уй, балки ўзбекларда давлат уйлари, умумий овқатланиш, маиший хизмат, магазин каби жамоат жойларига, давлат ва шахсий машиналарга ҳам осиладиган бўлган. Бу ҳар кимнинг эътиқоди билан боғлиқ масаладир.

Янги уйга кўчиб киришдан олдин албатта остона устида жонлик сўйилиб, қон чиқарилган, кўй, эчки, товук, хуроз ҳар ким ўз имкониятига яраша бу одатни албатта амалга оширган. Бу ҳам ўзига хос худойи бўлиб, оллойи таолодан ушбу хонадонга баҳт-саодат, ёруглик ато этиш, ёмон кўз, кулфат, фалокатлардан асраш илтижо этилгани ифодаси бўлиб, кўнгил хотиржам тортган. Бу жонлиқдан шўрва, ош қилиниб, якин қўни-қўшни, кекса-ёш, камбағалларга тарқатилган.

Янги уйга кўчиб киришда уч нарсага алоҳида амал қилинган. Биринчи, остонадан туз олиб кирилган, бу билан хонадон туз-намакли, туз-насибали бўлиши

ният қилинган. Иккинчиси, остоңадан нон-ун ичкари олиб кирилган. Бу билан янги хонағон аҳли ризқ-насибали сертолеъ, түкин-сочин булиши ният қилинган. Нон шунинг учун ҳам тириклиқ, ризқ-рӯз рамзи сифатида азиз тутилган.

Учинчиси, янги уй остоңасидан ичкарига күзгү-ойна олиб кирилган. Бу билан ушбу рӯзгор ахлининг ҳаёти, турмушки ойнадай равшан, беғубор, нурли, нурағшон булиши худодан тиланган, яхши ният қилинган.

Бу рамз-воситалар ўрин алмашиб, биратұласи барчаси янги уйга баравар киритилиши ҳам мумкин. Янги уйга күчиб кириш маросими ҳовли түйи, уй түйи, худойи маросими билан яқунланади.


### ҚОРХАТ

Киш — қадимда дам олиш фасли ҳисобланған. «Кишиғамини ёзда е» деган одамлар баҳор, ёз бүйи меңнат қилиб, тирамоҳ-кузда етиштирилған ҳосилни — мева-чева, қовун-тарвуз, чорвадорлар гүшт, қази-карта, чарвимой, юнг-тери, дәхқонлар пилла, галла, пахта каби хомашёларни қайта түплаб, ишлаб, майиз, шинни, қоқи қилиб, кигиз, гилам, ипак ва пахта газмоллари түқиб, халқ хунармандчилиги билан шуғулланғанлар.

Үтмишда ерлар ҳосилдор бүлған. Дарёлар мусаффо сувларга тұлиб-тошиб оққан. Одамлар ҳам маңнавий, ҳам моддий жиҳатдан түк, фаровон яшаганлар. Кишиларнинг меңнатига яраша Она замин дастурхонни түлдириб, мул-күл ноз-неъматлар ҳадя этган. Ерлар серхосил булғанидан арzonчилик, одамлар уртасида саховат, меҳр-оқибат, бағри кенглик ҳукм сурған.

Одамлар ёзлоқлардан кишилоқларга күчиб келишиб,

турли-туман түйлар үтказишган. Түйларда кадимий урф-одатларимиздан чавандозлар баҳси, күпкари, кураш, дорбозлик, масхарабозлик үйинлари Сиз тенги болалар



учун ҳақиқиit байрам тусини олган. Ана шундай қиш байрамларидан бири қорхат үйинидир. Қорхат үйин-одати халкимиз орасида жуда қадим замонлардан буен яшаб келмокда.

Қорхат одати аждодларимиз ёзув маданиятига эрта күчгәнларидан далолат беради. Қорхат үйини воситасида

улар ўзларининг серхиммат, қўли ва кўнгли очик саҳий, бадавлат халқ эканликларини намойиш қилишган. Айни пайтда, корхат ёрдамида орасидан гап кочган айрим қабилалар, уруғлар, оиласлар, куда-андалар яна қайта ярашиб, дўстлашиб олишган.

Корхат ўйинининг қоидаси ва шартлари нималардан иборат бўлган? Корхатни қорга бирор ёзув ёзиш деб ўйламанг... Аввало корхат биринчи кор ёккан куни ёзилган. Хат албатта жамоа булиб битилиб, тонгда ўз эгасига — мактуб йўлланган одам ё жамоага етказилиши шарт бўлган. Қор гупиллаб ёғиб турган кечаси корхат ёзувчи тараф вакиллари бир хонадонда тўпланишиб, танча теварагида тизилишиб, хат-мактубнинг мазмунини ёзганлар. Корхат албатта шеърий шаклда ёзилган. Бу ҳам ўзбек халқи орасида шеърий салоҳиятга эга бўлган шахслар кўплигидан, халқимизнинг шоиртабъ халқлигидан далолат беради. Шунинг учун бу йифинда шоирлар, баҳшилар, турли ҳозиржавоб, зукко ва фозил кишилар иштирок этишган. Ҳаваскор болалар ҳам бу анжуманларда шогирдлик хизматини килиб, албатта ҳозир бўлишган.

Корхат ёзиш баҳонасида бу кеча шеърхонлик жангномалар ўқиш, баҳшилик, китобхонлик, донишмандлар суҳбати, асқиябозлик анжуманига айланиб кетган. Корхатда унинг шартларидан бири олдин қоидаси айтилиб, унда корхат олиб борган киши ёки бола хатни топширгач, қайси масофагача уни тутиш, корхат шартларини мактуб келтирувчининг ўзининг бўйнига қўйиш, албатта, кўрсатилган. Корхат ёзган томоннинг вакили хатни эгасига етказиб бераркан, бошқа бир гапни баҳона килиб, суҳбат орасида ушбу мактубни унга бериб қўйишни тайинлаганликларини билдириб, корхатни топширган. Сўнг юргурганча орқага — белгиланган мэррагача қочган.

Корхат ичида мактуб берган кишининг қаерга, қайси масофагача ётган жойида қорхат олган киши етиб олиб, тутса, корхатда келтирилган шартларни мактуб юборган тараф бажариши айтилган. Бу ўйинда гоҳ мактуб олган, гоҳ хат жунатган томон ғолиб чиқкан. Ўша куни қишлоқларнинг куплаб хонадонларида корхат байрами ўтказишган. Шунинг учун ҳам қорхат ёзган одам нафақат бироннинг зиёфатини еб, маза қилиш, балки шу зиёфатни уларга ўзи қилиб беришга ҳам жиддий тайёргарлик куриб қўйган.

Шоиru олим бобонгиз Faфур Fулом уз дустлари Собир Абдулла билан бирга аптекачи шоир биродарларига ёзилган қорхат бу шеърий асарнинг ажойиб намунасиdir. Бу корхатдан ўзбек дастурхонининг тўкинлиги, ҳалқ бағрининг кенглиги, зукко ва серсаҳоват удумларимизнинг тафти ҳамон сезилиб туради.

Корхат шартларида ноз-неъматларни дастурхонга тукиб, катта зиёфат бериш айтилган. Унда зиёфат иштирокчиларининг сонига қараб тuya, ҳуқиз ёки бир-иккита қўй-кузи сўйиш, тандир кабоб қилиш, шиннилар, ҳамилу майизлар, яхши сақланган ширин-шакар қовунтарвузлар, хурмою узум кўригини ўтказиш, бу билан ўй хужаси ва бекасининг канчалик рўзгорни бут сақлаб келаётганликларини намойиш қилиш талаб килинган.

Зиёфат маросимининг ўзи эса катталар учун ҳам, болалар учун ҳам байрам тусини олган. Уй эгалари — мезбонлар, бекалар худди кичикроқ бир тўй сингари қорхат ёзган томон вакиллари — қимматли меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олишган.

Корхат шартларида бизнинг замонамида ичкиликлардан арок ва конъяк талаб этилиб, сўнг мўл-кўл истеъмол қилиниши удуммиз шаънига доғ туширган

үринлар ҳам бўлди. Афсуски, бу нуқсондан ҳали-  
ҳануз кутулганимизча йўқ. Бойваччалик, оғзикатталик,  
такаббурлик, манманлик каби салбий хислатлар бу  
олижаноб, саховат рамзи бўлган удумимиз бағрига кириб  
олишига йўл қўймайлик.

Сиз ҳам қорхат қоидаларини яхши билиб олинг.  
Уни давом эттиинг. Ўз миллий урф-одатларингиздан  
бири сифатида шоир ҳалқимиз анъаналарини авлодлардан  
авлодларга олиб ўтиш ишида ўз ҳиссангизни қўшинг.

### ТОМОША

Ҳар бир соҳанинг ўз ишқибозлари бўлганидек,  
уй ҳайвонлари ва паррандалар уриштиришни жон-  
дилидан севадиган кишилар ҳам кексаю ёшлар орасида  
жуда кўпчиликни ташкил этган. Масалан, Наврӯз,  
Ҳайит, ҳосил байрамлари ва катта тўйларда кўпкари,  
кураш, дор ўйинлари билан бир каторда бир ёқда  
ириллаган итлар, бир томонда сакраб тепадиган  
даканг хўролар, яна бир майдонда боқиб маст қилинган  
«хўроз» беданалар жангга солинган.

Бу томошалар ҳалққа, томошибинларга катта завк-  
шавқ берган. Уларнинг байрам кайфиятларини кўтар-  
ган. Бу одатлар икки шахс ёки икки гурух уртасидаги  
мусобақа тарзида ўтказилган бўлиб, ишқибозлар бу  
ҳайвон ва паррандаларнинг нарларини танлаб, жуда  
ёшлигидан уришқоқ қилиб тарбиялаш йўлларини  
қидиргандар. Бунинг учун мусобақага тушадиган ҳайвон,  
парранданинг зоти, тана тузилиши, вазни ҳисобга олинган.  
Уларни кучли, жаҳлдор, олғир қилиш учун қуввати  
баланд емишлар бериб бокқанлар.

Қадимги суворийлар чавандоз тулпорларини кўк қиши-  
миш бериб бокқанларини яхши биламиз. Шу сингари



құчкорға тоза беда-ем, итға янги сүйилған гүшт, хұroz-  
га баҳори бүгдой, беданага тариф-у, күкнори уруғи  
бериб, астойдил парвариши қилиб бокқанлар.

Бирор ҳайвон ё паррандани мусобақада иштирок  
этіб, совриндор қилиб тарбиялашгача йиллар үтган.  
Демак, инсон жон-жониворга меҳрибончилик қилиб,

уни парваришилаб, катта муруват күрсатган. Бундан Сиз каби болаларда ҳам ҳайвону паррандаларга нисбатан меҳр-шафқат шаклланиб борган.

Бундай ишқибозлар яккаю-ягона бўлмаган, боқиладиган ҳайвону парранда ҳам битта-иккитагинамас, тўптуп килиб, кўп кишилар томонидан боқиб, тарбияланган. Улар яхши ният, эзгу умид билан Навruz, Ҳайит, катта тўйларга тайёрланиб борилган. Демак, бу билан қишлоғу маҳаллаларда қўчкор, ит, хўroz, куш ишқибозлари гурух-тўдалари пайдо бўлган. Бу тўда иштирокчилари бир-бирлари тажрибаси, маҳорат йўларидан ибрат олиб, фойдаланишган.

Ҳар бир ўйин, одат ортида унинг маънавий рағбат ва лаззатидан ташқари моддий-иқтисодий фойдаси ҳам турган. Айниқса, беданавозлар бедана уриштиришда баъзан қимор шартларига риоя қилиб, жангда ғолиб чиқкан бедана эвазига катта бойлик — пул ё қиммат баҳо буюм соҳиби бўлиб олишган. Аксинча, мағлуб бўлган тараф бор бисотидан жудо бўлиб, баъзан қарзга ботиб ҳам қолган.

Ўз беданасини кўкнори уруғи бериб, маст қилган беданавоз уни уришқоқ қилиш учун ойнага солиб, ўзи билан уриштирган. Қўзгуда ўз аксини кўрган бедана уни бегона фаҳмлаб, жангга киришиб, олдинда турган хаёт-мамот жангларига тайёрланган.

Қўчкор, ит, хўroz, бедана уриштириш одатида, албатта бу жониворларнинг нарлари танланган. Қаклик ва беданаларнинг модаларидан сайроқи күшлар етишибилган. Ўйинчи кабутарлар ҳам улар модаларидан чиқкан. Қаклик, бедана, капитар боқиши, уларни сайроқи, ўйинчи, хунарманд (баъзи капгарлар мактуб ташишга ўргатилган) қилиш гўзаллик ошуфтаси бўлган ён қалбларни ром қилган. Бу ўйинларнинг барчаси фақат

эркакларгагина рухсат этилган. Хотин-қизлар мутлақо иштирок этмаганлар.

Күп йиллар давомида бу одатларга факат бир томоннама муносабатда бўлиниб келинди. Бу уйин-одатлар киморбозлик, фиригарлик ва чайқовчилик иллатлари сифатида салбий баҳоланди. Уларга қарши шиддатли, мунтазам, изчил кураш олиб борилди. Натижада халқимиз орасида бу одатлар ниҳоятда камайиб кетди. Сақланиб қолганлари ҳам яширин, кўзлардан нарида олиб борилди.

Қўчқор, хуроз, ит уриштирувчи болалар тарбиясиз, каптарвоз ўсмирлар бузук болалар сафига кўшилди. Кўйингки, кейинги авлодлар бу одатларга нисбатан нафрат руҳида тарбияланди.

Турли-туман жониворларни уриштириб, қайсиларининг зурлигини аниқлаш орқали жониворлар сараланган. Бу уйинларнинг моҳияти ҳам шундан иборат. Қолаверса, томошибинларда завқ-шавқ уйғотиб, уларнинг дам олишлари учун кўмак берган. Ҳар бир нарсанинг ўз меъёрида ўтказилиши дуруст. Шу боис, биз юқорида тилга олган одатни эътироф этиб қўйишни ўзимизга лозим топдик.

### «ЁМФИРЛАРНИ ЕФДИРГИН...»

Қўчада ўйнаб юрганингизда кутилмаганда ёмғир ёға бошлади. Аксига олиб, ёмғирпӯшингиз ҳам, соябонингиз ҳам йўқ. Қадамингизни тезлатдингиз, ёмғир эса кучайди. Роса ивийдиган бўлдим-ку, дея югурдингиз, ёмғир эса чеълаклаб қуя бошлади. Уйга шалаббо булиб, соchlарингиздан томчилар оқиб, кириб келдингиз. Сизни шу аҳволда кўрган бувингиз:— Иби-иби, роса суст хотин бўлибсан-ку,— дея сочиғу курук мато тутқазиб,

ечиниб, артиниб олишингизни маслаҳат берадилар. Сиз бу гапнинг маъносига етмайсиз. Остонада ечган кийимингизни қокиб, пояфзалингизни ерга тап-тап уриб, соchlарингизни сикиб, бувингиздан сўрайсиз:

— Суст хотин дегани нима, буви?

— Невлай, болам, бу ҳам ота-бобомиздан қолган бир одат-да. Ёмғирда қолгани «суст хотин» дейишади,— дея атрофингизда парвона бўлади бувингиз...

Қадим замонларда қурғоқчилик бўлиб, баҳор ё кузда, кутилган вактида ёмғир ёғавермаса, аждодларимиз махсус ёмғир чакириш одати, маросимини бажо келтирганлар. Бу маросимни ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятидаги Бойсун туманида ташкил этилган ҳалқ оғзаки ижоди ижроchnилари дастаси меҳр билан ўзлаштириб, бизга маҳорат билан (намойиш) ижро этиб, етказиб бермоқдалар. Бу концертни телевизор экранларидан кўриб, радио түлқинларида тинглаган бўлишингиз керак.

Олимлардан бир қанча фольклорчилар ушбу одат тарихини ўрганишга киришганилар. Улар орасида филология фанлари доктори Баҳодир Саримсоқов пешқадам. Бу олим ушбу одатни чукур илмий ўрганиб чикканлар. Илмий манбаларда, хусусан бобокалонингиз Махмуд Кошгариי XI асрда ёзиб қолдирган «Девону луготит турк» асарларида Яда тоши ва бу тошнинг ёмғир чакириш маросимида кўлланилиши ҳакида ҳам маълумот бериб ўтадилар. «...Ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар Яда тоши билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир.

У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол килинган эди, худонинг амри билан ёзда кор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндириди» (М. Кошга-

рий. «Девону луғотит турк». III жилд, Т., 1963, 8-бет.).

Демак, ҳосил етиштириш, ризқ-рўз учун зарур бўлган ёмғир, қор, умуман ёғингарчилик илм қуввати билан ҳам амалга оширилган. Бундан Сизнинг аждодларингиз ҳам бенасиб қолмаганлар. Яна иккинчи бир бошқа йўл—қишлоқ аҳли эркак-аёл, бола-бақра далага чикиб, осмондан сув ҳадя этадиган худо — суст хотинга ялиниб-ёлвориб, ундан ёмғир ёғдиришини илтижо қилганлар:

*Суст хотин, султон хотин,  
Қўланкаси майдон хотин.  
Суст хотинга не керак?  
Шаррос, шаррос ёмғир керак...*

Чунки «суст хотин» одати ҳам исломдан олдиноқ Авосто, Заратуштра даврларидан бўён мавжуд бўлган маросимлардан бўлиб, диний эътиқод, сифиниши мевасидир. «Суст хотин» термаларини бир кайвони шахс айтиб, унинг нақорат қисмини ҳамма баравар тақрорлаб, ижро қилишган. Бу маросим ҳалқ орасида «суст хотин», «суст хотин», «сув хотин» деб ҳам юритилади. Маросимни ўтказиш вақтида ўт-ўлан, майда шох-шаббадан улкан аёл қиёфасидаги «суст хотин» гавдаси ясалади. Уни тиклаб қўйиб, атрофидан айланган ҳолда «Суст хотин» термалари айтилиб, маросим ижро этилган. Хар ким челякда, кўза-ю, косада, ҳатто қўлда ариқдан сув олиб, «суст хотин»га сепган. Бу одат Ўрта Осиё ҳалқларидан ўзбек билан тоҷикдан ташқари, афғон, покистон, ҳинд ҳалқлари орасида ҳам тарқалган.

Албатта бу одат ҳафтанинг ҳосиятли кунлари саналган якшанба, пайшанба, жума кунлари ўтказилган. Ҳосиятсиз деб билинган кунларда маросимни ўтказиш ижобатсиз саналган.

*Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,  
Бугдойларни бўлдиргин, суст хотин*

*Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,  
Эли юртни түйдүргин, суст хотин...*

Бу маросимга албатта халкнинг уша пайтдаги моддий-маданий ахволи ҳам ўз таъсирини курсатиб, акс этган, Анъанавий меҳр-شاфқат, етим-есирнинг ризкини киймаслик, одамлар синф ва тоифаларига муносабат ҳам ўз аксини топган:

*Ҳаво ёғсин, себалаб, суст хотин,  
Бўри қочсин, жебалаб, суст хотин,  
Буғдои бўлсин, зарчалаб, суст хотин  
Нонни есин, парчалаб, суст хотин.*

Курғоқчилик каҳатчиликни келтириб чиқаришини яхши билган аждодлар турли қурбонликлар қилиб, қон чиқариб ҳам худодан мадад сураганлар. Бу ишларнинг бўлишида одамларнинг гуноҳлари кўпайиб кетгани, ношукурлик, оллони унутиш сабаб деб билишган. Ёмонларни қарғашган:

*Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,  
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин,  
Ёмгиirlарни ёғдиргин, суст хотин,  
Ёмоннинг уйи кўйсин, суст хотин...*

Ёмғир чақириш одати баҳор, ёз ойларида ўтказилар экан, албатта кўпинча ё уша куни, ё эртаси ёмғир ёгиши кутилган. Бу ҳолда ният амалга ошган пайтлар ҳам кўп бўлган. Одамлар ўз орзуларининг оллои-таоло томонидан ижобат бўлганига суюнишган. Шукроналар келтиришган.

Ёмғир чақириш одати ҳозир сунъий суғориш услублари билан алмашган. Баъзи мамлакатларда лозим бўлган жойда булат ҳосил қилиш, уни керакли ҳудудга ҳайдаш ва сўнг ёмғир ёғдириш жараёнини амалга ошириш мумкин. Аммо бу хўжалик учун қимматга

тушадиган усулдир. Шунинг учун ҳам Шўро даврида сунъий суғоришнинг сув манбаларидан чўлга бўлсин, саҳрода бўлсин, канал қазиб, босим орқали паст-баландга сув чиқариш «илгор» усуллари ўйлаб топилди. Сув худосига сифиниш ўёқда турсин, уни мажбур қилиб, ундириб олишди. Натижада Хазар (Каспий) денгизи каби ер юзининг бир бўлаги яшил кўзгусидек жилоланиб ётган Орол денгизи ўз насибасидан маҳрум бўлиб, ҳалокат ёқасида сунгги нафасларини олмокда.

Ушбу одат-маросим ҳалқимиз деҳқончилик турмуш маданияти ҳам бой, қадими, серхиммат, эътиқод ва имонли бўлганлигидан далолат беради...

### КУЛОТА

Хозирги ёшлар кулотани кўрмаган бўлишингиз ҳам мумкин. Ҳақиқатан ҳам кўпдан буён кулота кийилмай қолди. Кулота дегани ўзи қандай матоҳ, дерсиз. Кулота — бош кийими, тўғрироги аёлларнинг бош кийими. Шакли чўмичга уҳшайди. «Доира» қисми бошга кийилади. «Даста» қисмидан иккита қилиб, соч ўтказилади. Кулотани ҳозир ҳам Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида айрим қишлоқ момолари кийишади. Кийим номи жойларда ҳар хил аталади. Кулота, култа, култапеш, култапишик кўринишларида.

Кулота кийиш ҳам бир одат. Қадимда кизлар келин бўлишганда сунг биринчи фарзанд курганда, бешик тўйи муносабати билан энди соchlарини кирқ кокил қилиб, унга пўпак таққанлар. Ёш қиз жувонларни жамалак, пўпак безаб турган. Пўпак кора ипдан тўқилган бўлиб, худди кирқ кокил шаклини берган. Унинг устки ва пастки қисми кўндаланг иплардан ҳам иборат бўлиб, пўпакни тўрт бурчак шаклида саклаб

турган. Пұпак елқадан белгача тушган. Пұпакнинг учларига олтин, кумуш, мис ва жездан тангалар илинганды. Майда, кумуш күнгироқчалар осилған. Илгарилари пұпакчилик ҳам ўзи бир санъат бұлған. Келинлар, ёш оналар, жувонлар — ҳаммалари пұпак тақишиганды. Мен унинг фойда-зарарини айтмайманы, бирок «социалистик турмуш тарзи», «хотин-қизлар озодлығи учун хужум» талотұпі паранжи-чачвонга құшиб пұпак, кулотани ҳам маҳв этди. Улардан фойдаланишини истеъмолдан, одатдан чиқарып юборди.

Кулота кийиш одати қачон амалға оширилған? Оналар уғиял үйлантириб, қызы чиқарып, илк бор нағирилиқ булишганды, энді үзларини катта ёшли хотин санашиғанды. Шунинг учун ҳам пұпак тақиб юриш, үзини ёш тутиш, «бозорга солиши» уят санаған. Шу сабабға күра невара бешикка беланиши маросимидә ёш она илк бор жамалак соchlарига пұпак таққан. Катта она (бувын) күп йиллик ҳамроҳи пұпак билан хайрлашиб, сочини иккита қылған. Бириңчи бор кулота тақиб, бувыликтини «бүйнігі олған».

Биратұласи уч маросим-одат: болани бешикка белаш, (бешик түйи), ёш онага пұпак тақиши, катта онанинг сочини иккита қилиш одати амалға оширилған. Бұл ҳам ўзига хос түй тарзидә үтген. Аёлларнинг ёш билан боғлиқ катта тадбир-удуми санаған.

Кулота кийған оналар үша кишлоқнинг кайвоннелиаридан хисобланиб колған. Улар энді ҳодиммек, дастурхончилик, кинначи, күшночлик, фолчилик билан шугулланиш ҳуқукига эга бұлғанлар. Булар учун энді уларда муайян тажриба, ҳаёт, турмуш күрганлықтан олинған. Кулота кийиши («сочини иккита қилиш одати» ҳам дейилади) одати жамиятни онабошилар башкарган замонлардан қолған маросим бұлса, ажаб

эмас. Чунки бутун комплекс тадбирларнинг ҳар уччаласи ҳам аёллар турмуши, жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ.

Кулота кийиш одати қарийб йўқолиб кетиш арафасида. Аввало биз бу одатга бошқа маросимлар билан бир каторда эътибор беришимиз, бундай ҳодисаларни ёзиб олишимиз лозим. Иккинчидан, оиласири-маиший ҳаётда катталарнинг ёнида туриб, айниқса, бўлашак ёпи оналар, келажакнинг сарчашмалари, оила-рӯзгор бекалари сифатида ўтмишнинг бу ибратли одатларини яна ҳаётга жорий этиб, ундан фойдалансалар ёмон бўлмайди...

### САЛЛА

Салла ўраш мусулмончиликда фарз саналган. Салла кичик ёшдан то улуг ёшгача бўлган эркак жинсидагиларнинг бош кийимиdir. Салла куча кийими булиб, хонадон остонасидан қадам қўйиб ташкари чиккан ҳар бир одам албатта салла ўраб чиқкан. Махалла, кучакуда, жамоат орасида, мактабда, фавқулодда бир ҳодиса бўлмаса, салласиз юрилмаган. Салла шабпуш, дўппи, такя, телпак, кулоҳларга нисбатан улуғворрок саналган. Саллали киши маърифатга, дину тариқатга яқин, даҳлдор хисобланган.

Салла албатта бошга дўппи, қалпок, шабнуш, такя, кулоҳ устидан ўралган. Салла ўраш бизнииг турмуш тарзимизда ислом дини билан келиб қўшилган одатдир. Бу одатда эни тахминан ярим, бўйи 1,5-3 метрлар атрофида узунликдаги, унча қалин бўлмаган, сидирға, одми мато танланган. Унинг ранги ок, кўк, пушти,mallараңг, қизғиш, турли хил бўлган. Салланинг ранги кишининг ёши, мавқеи, билим дара-жасига қараб ажратилган.

Салла ўрашнинг ҳам ўз конун-коидаси бор. У такя, дўппи устидан ўнгга томон, чап қулоқ устидан бошлаб уралади. Ўрашда ўрта йўлдан икки-уч катор юкори ва паст йўлдан 1-2 катор айлантирилади. Шунинг учун ҳам салланинг ўрта ўрами қалинроқ чиқиб, бошга мустахкамроқ ўрнашади. Салланинг ўнг кулоқ тепасидан, у титилиб,чуваланиб кетмаслиги учун дастор, қўндаланг ўрам қилинади. Айни пайтда ўрам бошланган чап қулоқ устидан печ, яъни салланинг бир учи туширилади.

Салла тоза-озода сакланади. Унга амалдорлар, мударрис-талабалар ёзув намуналари, фармонлар, мактублар қистиришда фойдаланишлари ҳам мумкин. Салла ўраш одатининг амалий аҳамиятини турлича шарҳлайдилар. Шундай сабаблардан бири — мусулмон фарзанди борки, етти ўшдан умрининг охиригача салла ўраш одатига риоя қиларкан, бунинг хаётий аҳамияти кўзда тутилиб, шундай қилинган. Бу аввало, мусулмончилик эътиқод белгиси, Мухаммад пайғамбарга умматлик рамзи Иккинчидан, қадим даврларда мамлакатда тез-тез кўзғалиб турган қирғинбарот, жанг-жадал, урушларда жиҳод, гайридинга қарши курашга чиккан ҳар бир мусулмон, ёш бўлсин, кари бўлсин, шаҳид кетиши мумкин. Ўшанда жангда вафот топган мусулмоннинг салла сўнгги охират кийими — кафан вазифасини ўтаган. Ҳар бир жангдаги шаҳид мўмин-мусулмон ўз салласига ўраб дағн қилинган.

Салла ўраш одати, хайриятки, тўла йўколиб кетмаган. Уни хозир ҳам кекса қишиларнинг айримлари урайдилар. Салла ўраш шакли ва рангига кўра минтакаларда турличадир. Ўзбек, тоҷик, афғон, қозок бир хил салла ўраса, эрони, озарбайжон, покистонлик, хиндистонлик бошқача шакл ва рангда салла ўрайди.

Бизнинг ҳозирги замонамизга келиб, эътиқод эркинлиги берилиб, шаҳе ҳуқуки ҳимоя остига олингач, бу одатга қайтиш юз бермоқда. Аввало тўй маросими — никоҳда албатта, салла ўраб, чопонда никоҳ маросимини ўтказмоқдалар. Жумхуриятимизнинг анча-мунча вилоятларида ҳали ҳам қадимдан қолган салла ўраш одати яшаб келмоқда. Аммо улар факат кекса, намозхон, тоат-ибодатга берилган қишилардир. Диний арбоблар қишлоқда бўлсин, шаҳарда бўлсин, ўз эътиқодий либосларидан, жумладан салладан айру тушмайдилар. Қишлоқларда дежкон, косиб, ҳунармайдларнинг катта кисми кичик салла белбоғ ёки қарсни бошга ўраб, фарзни бажо келтиришган. Чунки уларнинг иш шароити меҳнатига катта салла ҳалақит берган, тўзиб кетиши мумкин бўлган.

Хозирги кунда эътиқод эркинлиги муҳофаза қилинishi муносабати билан диндорлардан ташқари турли ўшдаги эркаклар, жумладан, ёшлар, болалар ҳам салла ўраш одатини яна ўргана бошладилар. Уларнинг қўлини ҳалоллаш, суннат тўйларидан тортиб салла уратила бошланмоқда. Бу одат ҳам эскидан қолган удум сифатида маданиятимиз тарихида ўзига хос ўрин тутади.

#### БОЗОР-ЎЧАР

«Бозорга кеч бор, эрта қайт»,— дейди ҳалқимиз. Бунинг маъноси шуки, кечга бориб, бозор арzonлашади, эрта қайтсанг, бехавотир бўласан. Тирикчиликда рўзгорни «гор» дейишади. Шунинг учун ҳам бу «фор»ни тулдириш лозимлигидан бозорсиз кун ўтмайди. Ундан кунора ул-бул ҳарид қилиб турасиз. Камбағал бўлмайин деган одам тежамкор бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса пишиқ-пухталик, ҳисоб-китоблилик, кайси мавсумда нима сотиб олишни яхши билмоқ талаб қилинади.

Эл эрасида «бозори яқин — бойимас» деган накл бор. Бозорим яқин деб унга кунда тушиб, майда харж қилаверсанғиз, бирингиз иккі бўлиши қийин. Шу сабабдан ота-боболаримиз қадимдан рўзгор учун зарур ашё ва масалликларни улгуржи, бир неча мавсумга етгулик қилиб сотиб олишган. Гуруч, ун, қанд-курс чой, картошка, пиёз, туз, қовок, қовун-тарвуз, ўтиң-қўмир сингари кундалик эҳтиёж моллари копи-қанори, араваси билан ўз мавсумида арzonгаров харид қилиниб, куз, киш, баҳор сақлаб истеъмол этилган.

Бозорнинг ҳам ўз азалий қонун-қоидалари бор. Бирор эҳтиёжидан ортиқча молини бозорга олиб тушади. Бошқа киши зарурат юзасидан бирор буюмини сотишга мажбур. Дехкон, хунарманд, косиб стиштирган, ясаган неъмату ашёсини чиқариб сотади. Чорвадор кўранинг бир қисмини мол бозорига солади.

Хариднинг ҳам катта-кичиғи бўлади. Катта харидлар кўп йилларда бир бор қилинади. Масалан, ҳовли-жой сотиб олиш, от, сигир, гилам, беш-унта қўй-эчки дегандай. Сўнг ғулар Сизнинг, рўзгорингизнинг ҳамишалик ҳамроҳи бўлиб колади. Уни эплаб-сеплаб ўтириш, ўзидан купайтириш меҳнату ғайратингизга, ақлу фаросатин-гизга боғлик.

Бозор — халқнинг турмуш даражасини белгилайди. Қадимда бир мамлакатдан иккинчисига сафар қилган сайёҳлар албатта ўша ерининг бозорига тушишган. Бозорда халқнинг моддий ва маънавий бойлиги, миллий руҳияти, анъанавий удумларию маданияти ўз инъикосини топади. Бозорда мол кўп, ранг-баранг, арzon бўлса, бу мамлакат халқи фаровон, обод яшашидан далолат беради. Бозор қимматчилик, нарх-наво осмондаю заҳардай бўлса, у халқнинг аҳволи ночор, тушкунлигидан хабар бериб туради.

Бозор билан боғлик одатлар ҳам талай. У магазин

эмас. Бозорда савдо килишда талашиб-тортишилади. Харидор билан мол эгаси уртасида баъзан воситачи-даллол ҳам аралashiши мумкин. Ҳар икки томонни конктирувчи бир битимга келингач, «бор, барака» қилинади. Яхши харид учун мол таниш, унинг сифати-ни яхши билиш зарур. Бунинг учун эса муайян тажриба малака талаб қилинади. Шу сабабдан ҳам бозорчи омадини ҳам, касодини ҳам бозордан топади.

Савдо-тижорат ишлари қадимдан серхосият, савобли ҳунар саналган. Катта савдо ахлинигина эмас, ўз отаңизнинг бозордан қайтганига қувонч билан чиқиб хуржудан нималар чиқишига илҳақ, умидворлик билан кўз тикиб турган дамларингизни болалик фаслингиз-нинг энг яхши онлари сифатида бир умр унутмай-сиз. Ипак йули бўйлаб карvon қўнғироқларини жиринг-латиб Ҳинду Чин-Мочин кетган, Эрону Араб мамлакат-ларига сафар тадоригини кўрган ота-боболар ўша эллар бозорларидан бизнинг ҳалкларимиз учун харидоргир бўлган зарур товарларни харид қилишиб, юрга қайтгач, кетган сафар ҳаражатларини қопладиган даражада нарх қўйиб сотишган.

Савдогарлик, карvon сафари, меҳнати узок саёҳат-лар, хавотирли йўл ва карвонсаройлар ташвишлари билан боғлиқ бўлганлиги учун савдо ахли ёлғиз худога, унинг марҳаматига, раҳматига кўз тиккан, сидқидилдан имон келтирганлар Шунинг учун ҳам савдо ишида харидор ҳақига хиёнат қилиш, молга ошикча нарх қўйишда худодан кўркишган.

Бизнинг мусулмон Шарқ ҳалкларида бозор нафакат харид-савдо, балки кўпчиликнинг тирикчилиги манбай бўлиб ҳам хизмат қилган. Деҳқон, косиб, ҳунарманд, кассоб, шираворпаз, новвой, ошпаз, борингки, барча

касбу кор эгалари ўз меҳнатлари маҳсулини бозорга олиб чиқиб, кутарганига сотишган. Маҳсулотга нисбатан қўйиладиган нарх-наво шундай баҳоланиши керакки, ундан сотарман ҳам, оларман ҳам жабр кўрмасин. Шунинг учун ҳам бозор тарозини — тенгликни хуш куради. Бир-икки марта қаллоблик билан катта фойда курган сотарман маҳсулоти ўз баҳосига арзимайдиган бўлса, узоққа бормай синиши тайин.

«Йигит кўрки — соқол, бозор кўрки — бокқол» деган гап ҳам бор. Бокқол фақат олиб-сотаргина эмас, балки у бозорни тўкис тутишда асосий вазифани ўтайдиган шахс. Бозор тартибини саклаш, мувозанатни баравар тутиш ҳам шу одам ихтиёридадир. Бокқол бозорда бир маҳсулотнинг камайиб, иккincinnининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетишига, деҳқоннинг хонавайрон бўлишига йўл қўймаслиги керак. Бозор эгаси, ходими, хизматкори сифатида бокқол ўзидан ташқари харидорнинг, мол сотовчининг манфаатларини ҳам албатта ҳисобга олиши лозим.

Бозорнинг арzon-қимматчилиги албатта мамлакат, сиёsat, давр, мавсумга ҳам боғлиқдир. Бизнинг замонамизда янгидан бозор иқтисодиётiga ўтилиши муносабати билан саноат, ҳунармандчилик маҳсулотлари бир қадар қимматлашиб кетди. Ҳар қандай маҳсулотни етиштириб, бозорга олиб тушиш сарф-харажатлари баланд бўлганилиги туфайли бу юқори нарх-наво муайян муддат сақланиб туради. Бироқ ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлиши табиий. Ота-боболар: «Ёмғирда от танлама, ҳайитда қиз», деганларидаи, катта харидлар қимматчилик замонида килинмай турилгани маъқул. Бизнинг ўзбек ҳалқимиз табиатан меҳнатга, заҳматга мойил, қули гул, деҳқон ҳалқ. У мол-ҳол, қўй-қўзини ҳам қойилмақом парваришлайди. Ўзбек қишлоқда бўлсин, шаҳарда бўлсин.

бир парча ери бўлса, ундан олтин ундиради. Биз нафақат пахта, арпаю буғдой, ковуну тарвуз, сабзавотнинг истаган хилини ҳар қандай моҳир халқдан яхшироқ, кўп ва сифатлироқ етиштира оламиз. Ўзбек ўзи тўйса-тўймаса, ўзгаларни кийинтириш, бокиши, тўйдириш пайдан бўлади. Шунинг учун ҳам фавқулодда меҳнаткаш, жафокаш, тежамкор ҳалқимиз хақида эскидан «Ўлган ўзбекнинг қўйнида nonи бўлар» деган мақол қолган.

Ҳа, ўзбек ўлганда ҳам битта-иккита тирикни бока, тўйдира олади! Ўзбекнинг пои тахти Тошкент non шахри сифатида бир асрдан буён ўзгаларнинг қорнини тўйдирб, эгнини бутлаб, чунтагини қўпайтириб келмоқда...

Ерига кўш солиб, экин эккан дехқон, дала-майдон тегиб, мол туёғини қўпайтириш имконига эга булган чорвадор, пахтадан оладиган даромади кучайган уни етиштирувчи-ю, саноатчи охир-оқибат ўз маҳсулотини қўпайтириб, харидорбоп нарх-наволарга тушириши тайин гап. Бунинг учун меҳнат, вакт, осойиштадик талаб қилинади. Бозор ҳар бир катта-кичик мамлакат, давлатнинг рўзғор-хонадон, оиласи кабидир. Рўзғор эса фор бўлиб, у оқилона бошқарув ҳамда баркарорликни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда «отанг — бозор, онанг — бозор» деган гап бор. Ота-онанг топиб-тутиб беролмаган, пешонангга битказолмаган давлатни бошинг омон бўлса, сармоя топсанг, бозордан оласан, деган гап бу. Бу ўринда энди «ота-она» — бозор бешафқат бўлиб, фақат ҳисобини билган фарзанднингни ҳамёнига дахл килмаслиги мумкин...

## VI БОБ. ЭЪТИҚОД

### ҚАСАМ. ОНТ

Одатлар орасида шунақаси ҳам учраб туради. Ҳаётда баъзан ўз сўзининг рост, чин, тўғри, ишончлилигини исботлаш, асослаш учун одамлар онт (қасам) ичадилар. Бу удум Сизларга ҳам яхши таниш. Болалар бир-бирларининг гапларига ишоимасалар ёнки катъиян бир-бирлари билан бир умрлик дўст тутинмоқчи булишса, қасам ичиб, буни «хужжатлаштириб», қонунлаштириб қўядилар.

Катталар орасида қасам ичиш одати жуда жиддий удумлардан бири сифатида қадимдан мавжуд. Ёшликтан дуст буладиган кишилар бирор авлиё мозорига бориб, бир-бирларига бутун ҳаётлари давомида хиёнат қилмасликка карор қилиб, онт ичиб, сунг келиб бу қарорни элга ош-сув бериб маълум қилганлар. Бир-бирларига тўн кийдиришиб, қиёматлик дуст — ака-ука булишган.

Қасам (онт) ичишнинг маъноси «айтилган суз — отилган ўқ» деганларидай, эътиқод кўйилган ғояга мангудик қолиш ифодаси булиб, шу эътиқодни асослаш, исботлаш, ишонтириш учун қасамёд қилинади. Қасамлар аввало худо номини ўртага солиб, муқаддас китоб «Куръон»ни ўпиб, она, хотин, бола-чақа ҳаётини ўртага қўйиб ичилган. «Худо урсин», «агар онтимни бузсан — «Куръон» урсин» каби ва ҳоказо.

Халқ орасида жуда кенг тарқалған онт ичиш одатининг нонни ўртага қўйиб ичиладигани оммалашгандир. Оддий фуқаролар деққон, косиб, уй юмуши

кишилари ўз сұхбатдошлари бирор фикр ё ваъдаларига шубха, гумон билан қарашға майл қилишса, албатта нонни уртага қүйиб қасам ичишган. «Нон урсин», «Туз урсин», «нон күр қылсин», «нонкүр бұлай», «күрнамак бұлай» дея ўз фикрлари мантиқини кучайтириб, мустаҳкамлаганлар. Албатта қасамни бузмаслик, ваъдаларини тула бажариш учун қулларидан келган барча вазифаларни бажарғанлар.

Күпинча жиддий қасамлар Қул Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий, Пахлавон Махмуд, Амир Темур мақбаралари, мозорлари устида ичилиб, «қонунлаштирилған». Эски пайтларда одамларда инсоф, имон, диёнат, эътиқод ҳозиргидан күчлирок бұлғанлиги учун сидқидилдан қасам ичилған ва унга бошқалар ҳам шубҳасиз ишонишган. Айниқса, худою «Куръон» номи билан ичилған қасам бир умр бузилмаган.

Халқимиз орасида қасамни муқадdas билиш, худа-бехудага қасамхұрлық қымасликка чақирилади, уни суистеъмол қилиш эса кишини «қасам уришиға» сабабчи бұлади, деган ақидада бұлған қадимгилар серқасам, қасамхұр одамлардан нафратланишган. Айни пайтда ҳозиржавоб, асқиябоз, хушчакчак табиатли бизнинг халқимиз қасам ва қасамхұрларға ишора қилиб, тескари қасамлар ҳам үйлаб топишган. Шундай мутойibalардан: «Босған изим орқамда қолсın», «игна бўйи жардан учай», «еганим ичимга түшсін» сингари иборалар айтилиб келинади.

Оврупо мамлакатларида суд гувоҳлари муқадdas китобга құл теккизиб тұғри гувоҳлик беришға онт ичирилған. Сизнинг катта боболарингиздан Амир Темур Амир Ҳусайн билан Танғачакчак горида муқадdas «Куръонни» үниб, бир-бирларига хиёнат қымасликка қасам ичишган. Бирок Ҳусайн бу онтга хиёнат қилганини

сезган Амир Темур ҳам қасамни бузишга мажбур бўлган.

Қасам ичиш одати фавқулодда оғир, масъулиятли мажбуриятлардан келиб чиқиб, ижро этилган. Уни сунистеъмол қилиш кишини субутсизликка олиб келади. Сиз ҳам ўз тенгдошларингиз орасида ҳар нарсага қасам, онт ичаверадиган болаларга кўп ҳам ишонавермайсиз. Чунки кўп қасамёд қилган уни кўп бузиши табиний.

### ВАСИЯТ. ВАСИЯТНОМА

Васият, васиятнома калималари ҳалқ орасида тез-тез қулоғиниғизга чалиниб туради. Бу қаломнинг маъноси нима? Бу ҳам инсоний удумларнинг бири. Васият ёши бир жойга борган эркак-аёлнинг, бобо-бувининг, ота-онанинг ўзидан кейин қоладиган авлодлар, зурриётлар, оила давомчиларига колдирадиган ҳал қилувчи сунгги сўзидир. Бадиий асарнинг муқаддима ва хотима қисми бўлганидек, инсон умрининг хотима қисми ҳам васият билан яқунланади.

Одатда васият подшолар, хон, амирлар орасида, тарихда кенг учраган. Улар ўз васиятларида ўз уринларига валиаҳд. Яъни, таҳт ворисини тайин этганлар, масалан, Муҳаммад Хоразмшоҳ тұнғич ўғли Жалолиддин Мангубердини, Амир Темур набирави Муҳаммад Султонни, Бобур Мирзо бош фарзанди Ҳумоюнни, шоҳ Ҳусайн Бойқаро баравар иккала ўғли Бадиуззамон ва Музаффар мірзоларни ўз уринларига таҳт бошқаришини, мамлакатни идора қилишларини васият қилиб қолдирган. Тарихдан биламизки, бу васиятларнинг кўпчилиги амалта ошган. Бирок Амир Темур васияти бажарилмай, темурийзодалар таҳт талашувлари воситасида ерда қолган. Ўқтам шахзода, эрка набира Ҳалил Султон биринчи булиб бобо-қалони пойтахти Самарқандни эгаллаб, ҳокимиятни тортиб олган...

Васият чогида у хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсни, кейинги хукмдорлик, мол-мулк, мерос адолат билан тақсимланган Масалан, онага тегишли уй-жой, мол-хол, пул-маблағ, уй жихоз ва ашёлари фарзанд, набираларга булиб берилган. Бу масаланинг моддий томонига берилган эътибор. Масаланинг иккничи, ҳал қилювчи томони маънавий жиҳатидир. Ота ёруғ дунёдан кўз юмгач, онла ташвишлари, уни бошқариш онанинг бошқарувида бўлса ҳам аслида тўнгич фарзанд, бош ўғил ихтиёрида колади. Отанинг рўзгор учун чала колдирилган барча ишларини энди катта ўғил уз зиммасига олиши талаб этилади. Ҳовлининг битмаган ишлари, ҳали уйланмаган фарзандлар, турмушга чикмаган кизлар, бажарилмай колган вазифалар, барча-бағчаси тўнгич ўғил зиммасига юклана ди. Шунинг учун ҳам ўзбекларда марҳум жасади лаҳадга саришта қилингач, кайвони йиғилғанларга мурожаат килиб (кандай одам эди, яхши одам эди) ўша зумдаёқ кимда-кимининг марҳум билан боғлиқ қарз-қавола, олди-бердиси бўлса, тўнгич ўғил билан ҳисоб-китоб қилиши лозимлиги эслатилади.

Қадимда ҳам, ҳозирги кунда ҳам мол-дунё, пул, моддий бойликлар билан боғлиқ васиятлар васиятнома шаклида ёзма ҳолда колдирилади. Бу ҳужжатлар фуқаролик мутасаддилари хукукий нотарнуслар томонидан тасдиклаб кўйилади. Васиятнома қонуний ҳужжат сифатида колган ака-ука, қариндош-уруғлар орасида келиб чикиши мумкин бўлган низоларга чек қўяди.

Васиятлар мазмуни турли-туман булиши мумкин. Улар марҳумдан колган сўнгги истак-ирода булиб, мусулмон-чиликда ота-она васияти улуғ тутилади. Унга шак келтириш гуноҳ саналади. Масалан, ўғлига фалончининг қизини одиб бериш, қизини писмадончининг ўғлига узатиш, машинани кимга хатлаш, чорбокқа кимнинг эгалик

қилиши каби ва ҳоказолар. Баъзи васиятларда бир умр сир сақланган воқеа-ҳодисалар, ҳакиқат очилиши, билдирилиб, баён қилиб кетилиши мумкин. Кимга кимнинг фарзандлиги, ким асранди зурриётлиги, ким кимдан пайдо бўлган-у, ким кимнинг қотили бўлган каби.

Васият фуқаролик ҳужжати сифатида биз ўзбеклар орасида муқаддас тутилувчи удумлардан бирни бўлиб, авлодлар васиятга амал қилишга, унга шак келтирмаслик, бузмасликка интиладилар. Уни бузганиларни эса гувохлар ота(она) васиятини бузган нонкўр, оқпадар, васият урган, хиёнаткор шахс сифатида қоралайдилар. Васият нафакат ўлим олди, сўнгги нафасда, балки анча олдин, саломатлик пайтида ҳам айтилиши, ёзилиши, колдирилиши мумкин.

Энг табаррук қадимий туркий васиятнома намунала-ридан бўлмиш Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асарида бу мактубий жанрнинг асл нусхаси келтирилган. Донишманд, бош маслаҳатчи, бош-вазир Ойтўлди умри сўнгига ўғли Ўгдулмишга ўгитларини бериб бўлганидан кейин ўз хўжаси Элигга ёзма васиятнома ёзиб колдиради. Бу васиятноманинг ҳажми анча катта. Биз ундан айрим ибратли парчалар келтиришга уриндик.

Ойтўлдининг Элигга васиятномасидан:

...Меҳрибон кишининг панд-насиҳатларини олгин, улар сени саодатга етаклайди.

Қўзинг соғ пайтида эзгулик кил, мол-дунёнг борида улаш, едир.

Бу дунё бир работdir, кўнок еридир, бу работда бир оз кўниб тин олғач, албатта кўзгаласан.

Адолат кил, қатъий бўл, зулмга зўр берма. Тангри-нинг итоатини кил.

Ман-ман деб олтии камар боғлаб юрганларнинг камарлари ҳам ўлим келиб тутгандада узилади.

Емонлар одатини килма, ёмон одат икки жаҳон овораси қилиб йиглатади.

Дунё ўткинчидир, уни ўтиб кетади, деб ўйла, қаршидан ўлим келишини кут.

Одам ўлса, ундан васиятлар қолади. Менинг сенга васиятларим мана шулар.

Киши учун фойдали васият бу — сўздир. Васият сўзларига амал қилинса, унинг фойдаси кўп бўлади.

Эзгуликлар қилишга тангри сенга мадад берсин, бу эзгуликлар ҳар жиҳатдан сенинг баҳтингни очсин.

Эй баҳтли элиг, мана мен ўлиб кетаётирман, дилемнинг сурури ўғлим мендан жудо булиб колаётир.

Илтижолар қилиб уни худога топширдим, хоҳласа уни ёнаётган ўт ичида ҳам асрайди.

Сендан илтимосим шуки, ундан хабар олиб тур, ташлаб қўйма, нобакорлар каторига кирмасин.

Ўгил-қизнинг феъли-хулки яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабабчиси ота ва онадир.

Мана, мен, унинг отаси, энди ўлаётирман. Онасиз етим ўғлим мендан ҳам ёш колаётир.

Менинг хизматларимнинг ҳаки учун, сен сабаб булиб, ўғлимни яхши йўлга сол.

Уни қаровсиз қўйма, санъат-ҳунар ва билим ўргат, билим ва санъат-ҳунарлари туфайли эл хизматига ярасин.

Феъл-хулклари камол топсин, йул-йўрниклари соз бўлсин, хизматга лойик бўлсин, мукофотларга сазовор бўлсин.

Бехуда ва бўш қўйма, тийиб-тергаб тур, тийиб-тергаб турилса, фарзандлар баҳт топадилар.

Ўғил-қиз ёшлигида нимани ўрганса, қариб ўлмагунча уни унутмайди...

Фарзандга кичикилигида билим ўргатиш керак, бола кичикилигида билим ўрганса, баркамол бўлади.

Үғил-қизни аяма, вакти-вакти билан жазолаб ҳам тур,  
жазо үғил-қизга таълим ўргатади.

...Номасини тугатди, маҳкамлаб ўради ва ўғлига  
тутқазди...

Ойтўлдининг ўз ўғли Ўгдулмишга айтган васияти:

Нобакор бўлма, бехудага уринма, тугри ва покиза  
бўл, феъл-авторинг матлуб бўлсин.

Кечаси ётадиган бўлсанг кеч ёт ва эрта барвакт  
тур, кеч ётиб эрта турганларнинг баҳтига баҳт кўши-  
лади.

Йўригингни тугри тут, ўзингни унутма, кўнгил ва  
тилингни кичик тут, баландпарвоз сўзлама.

Бу дунё учун ўзингни ўтга-чўкка урма, зуравонлик  
билан одамларнинг нарсаларини олма.

Мендан қолган мол-дунёни ушлаб кола олсанг, кў-  
лингдан чиқарма, икки оламда ҳам юзингни ёруғ қи-  
лади.

Тугри бўл, йўрик-қилингни муқаммал тут, хурсанд-  
чилик — тўғрилик билан боғлик бўлади.

Халқ устидан буюк буламан десанг, ўзинг учун  
тўғрилик йўлини танлаб ол.

Фақат яхшилик кил, ёмон ишдан узок юр, сенга  
ҳам фақат эзгулик эваз бўлиб келади.

Одамларга ҳasad қилма, кўнгли кора бўлма, бу икки  
феълга эга бўлган одам доим мунгда бўлади.

Хулқингни хуш тут. Нарса учун қайгурмагил, хул-  
кинг яхши бўлса, нарса ўзи келаверади.

Андишасиз одамдан зинҳор йирок тур ва қоч, уят-  
андишиликларга мендан минг-минг олкишлар бўлсин.

Жамики ишда шошилма, сабрли бўл, ўзингни босиб  
ол. сабрли одамлар орзу-истакларига етадилар.

Қаерда бўлмасин, йўриқка амал кил, йўриқка амал  
килсанг, кут сенга ўзи келади.

Тилингни эхтиёт тут, күзингни аспа, нафсингни тий,  
жалол ва оз-оз егин...

Үзгаларга зиён соғинма, ўзинг ҳам зиён курма, факт  
кат яхшилик кил, орзу-хавасни босгин.

Қандай ерга кирсанг, энг аввал чиқишингни кура  
бил, чиқиш ерини билмаса, киши шикаст топиб қолиши  
хеч гап эмас.

Қачон ғазабинг күзғалса, ўзингни күлга ол, сабрли  
бул, сабрли кишиларнинг севинчлари олдиларида бўлади.

Сабр қилган киши бузилган ишларини ҳам тузатади,  
тилагига етади, оккуш тутади.

Сабр килгин, сабр — мардларнинг одати, сабр қилган  
киши ҳатто кукка парвоз килишга ҳам йўл топади.

Тилингдан ёлғон сўз чиқарма, бу ёлғон қадрингни  
туширади.

Кариндошларга, яқинларга яқинлик боғла, катта ва  
кичикка очик чехра билан кулиб бок.

Нон-тузнингни кенг тут, одамларга едир, одамларнинг  
айбини кўрсанг, уни фош қилма, яшири.

Давлатинг зиёда бўлса, унга мағрурланмагин, кўлинг-  
дан келганича яхшилик кил, ёмонлик қилмагин.

Мол-дунёга маҳлиё бўлма, у кўпаяди ва яна озаяди,  
давлатга ишонма, унинг умри қисқа, тез қариди.

Ичимлик ичма, жанжалга аралашма, ундан узок юр,  
зино қилма ва фосик, тубан деган ном олма.

Ичимликдан юрак минг-минг гуноҳлар килишга кўзга-  
лади, зинодан кут кочади, юзинг кора бўлади...

## ИРИМЛАР

Иримлар барча халклар орасида узок даврлардан буён  
яшаб келади. Баъзилар унга ишонишмайди, кўпчилик  
амал қилиб ҳам келади. Айримлар иримларни хурофот,

бидъат деб билиб, кўл силтаб, ундан юз ўгирадилар мутлақо парво килмайдилар. Бир туркум одамлар эса, иримларга амал қилишларини бошқаларга билдирамай, ўз ичларида сир сакладилар. Аслида, мусулмончиликда аҳоли ўртасида иримларга риоя қиладиганлар килмайдиганларга нисбатан кўпроқ учрайди. Бу ҳақда шоирими Абдулла Ориповнинг шундай ҳазил шеъри бор:

Ким нимани айласа армон,  
Қўмсаб келган ўшани азал.  
Атаганлар қизни Үгилхон,  
Бу — ўғилга ишора, мисол.

Ҳозир меҳр булоги тинди,  
Бу ҳолни ҳам иримга йўйинг.  
Қизларингиз туғилса энди,  
Номларини Мәҳрихон қўйинг.

Иримларнинг ўзи нима? Халқ орасида .бу атама «ирим-сири», «ирим-чири» деб аталади. Одатда конун-коидаларда бир иш-харакатни қилиш, бажариш кўзда тутилса, иримларда аксинча, муайян иш-харакатларни қилмаслик, бажармаслик талаб қилинади.

Иримлар кишилар ўзларини, яқинлари, оиласларини эҳтиёт қилиш, ёмон кўздан асраш учун қилинади. Ўзга кишиларга, уларнинг феъл-автор ва муносабатларига караб яхшилик исташ, аксинча зарар етказиш мақсадида ирим қилинади. Уй, бешик, машинага тумор такиш, туғдан осиш, исирик тутатиш, чакиртикан осиш, така қокиши, хум кўмиш, кийик шохи, бўри тирноғи, кўй калласи илишлар ирим одатларидир.

Иримлар инсоннинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, муайян синовлардан ўтиб бизгача етиб келган. Айтайлик, худойида, агар у юзга яқинлашіган кекса чонники бўлса, тўй-ку, табаррук, савоб деб ошни паккос туширишади. Мабодо ёш ўлим бўлса, азбаройи мархумга

ачиниш ва ирим билан кам тотинилади. Эрталаб ишга отландингиз, даструмолингиз ёдингиздан чиқиб қолганини билиб колдингиз. Ирим қилиб орқангизга қайтмайсиз. | Уйда қайчининг «жаги» очилиб колибди, ирим қилиб дарҳол ёпиб құясиз, «жанжал чиқмасин», дейсиз.

· Ўзбеклар бирор ерга сафарга чиқадиган бұлса, олдин ҳовли супурилиб, тозаланғандан сұнг чиқишиади. Киши ортидан уй супуримайды. Косиблар, усталар, чеварлар үз маҳсулотларининг бирор арзимас ерини чала колдидилар, бу билан касб-корларининг бундан кейин ҳам давом этишини тилаб, баракасини берсін, дейишиади.

Декчадаги қатикдан бир кошик, дондан бир ҳовуч, узумдан бир шингіл олиб колиб, құхнарги, давомини худо берсін, деб ирим қилинади. Мол, құй, от, сигирини бозорға олиб чиқиб соттан одам харидорга жонивор болғаб келинганды.

Кадимғилар бир кунда күл-оёкнинги тирнғанни баравар олишмаган. Бир кунда ҳам түй, ҳам үлимга йўликмайин, деб шундай қилишган. Олдингиздан қора мушук чикса, пашим юришмайди дея йўлингизни ўзгартирасиз. Одатда, бола бешикка беланаётганда иккى уй кўрган, оиласидан ажралган хотинлар киритилмаган, келин тушириб, «жой йигди» қилганда ҳам шундай. «Қўзли» одам ёинки ёмон ниятли шахс ҳовлингизга кириб, молингизни куриб, фарзандларингизининг одобига қойил булиб, ҳавас, ҳасад қилиб чиқиб кетди. Ўша вактдаёқ унга билдирамай, кийимининг бирор парчасини (ковушининг патаги бұлса ҳам) олиб колиб, тутантирик қиласиз. Бу билан ёмоннинг «қўзини утмайдиган» қиласиз.

Чоршанба, шанба кунлари йўлга, сафарға чиқилмайди. Ашур ойн ҳам худди шундай. Нон тескари қўйилмайди, кечаси соч, тирноқ олдирилмайди.

Тўйда туғилган бола Тўйчи, йўлда туғилгани Йўлчи, сафардагиси Сафар исми билан аталади. Рамазон кунла-

ри дунёга келган бола Рамазон деб, бирор аъзосида камчилиги бўлган болалар туғилса, Кудрат (худонинг курдати билан шундай бўлган) аксинча ортиғи бўлганларга Ортик исмлари кўйилиши фарз саналади. Бу коидаларнинг ўзгартирнилиши, шак келтирилишига ирим кишинади. Кетма-кет киз туғилаверса, кейингиси ўғил бўлишини тираб, сўнгги қизнинг исми Ўғилой кўйилади. Бу боладан кейин ҳам унга эргашган укалари туғилсан деб Эргаш исми қўйилади. Наврӯз байрами тантаналари кунлари туғилганларнинг исмлари Наврӯз бўлади. Бошқача кўйишдан чўчийсиз, худонинг газабини келтирмай, деб ирим қиласиз...

Чап кўзингиз учса, хавотирланасиз, ўнг кўзингиз учса суюнаман деб ўйлайсиз. Аёлларнинг тушн каби қошковок училари ҳам тескари йўйилади. Кўзим учди, суюнаман, куйинаман деган иборалар ҳалқ орасида шундан колган. Аслида куз учмайди, тери, эт, асаб толалари харакатланади, холос. Аммо бу кишининг рухий ҳолати, маънавий дунёси билан бевосита алокадорлиги ҳаётда кўп бора исботланган, синовдан ўтган ҳодисалардир

Бу сингари одат-иримларнинг ҳисоби йўқ. Такиқлар, харакат, огохлантиришларнинг ўз асосли мантиқ, мазманини ва воеа-ҳодисалари борки, кўп бора тақрорланган бу ҳодисаларда хосият бўлмаганлиги учун ҳалқ билиб, уни такиқлаб, хеч бўлмаса, кейинги авлодларни огохлантириб кетган

Иримлар ҳам бир ҳалқдан иккинчисига, учинчисига кўчиб юради. Масалан, хозирги ёшлар 13 ракамини баҳтсизлик келтиради, деб билишади, имтиҳонларга эски пой-афзал кийиб боришади.. Бу одатлар Оврупо ҳалқларидан, биринчи навбатда, рус ҳалқидан бизнинг турмушимизга ўтиб келган иримлар булиб, ўзбек урф-одати, рухияти, табииати, маросимларига мос келмаса-да, ёш авлодларнинг

кўпчилик қисми замон фарзандлари сифатида уига амал киладилар.

«Иримчи ирим этар, ирими қирин кетар» деган макол бор халқимизда. Бу маколни икки маънога йўйиш мумкин. Биринчиси, иримчилар ирим қиласверадио, бундан ҳеч вако ўзгармайди, хавотирланмаса ҳам бўлади, дейилмокчи, иккинчиси, иримчи иримини ҳадеганда ташлай колмайди, у бунга ўрганиб қолган, то үлгунча унинг ҳамрохи булиб қолади, деган маъно англашилади «Сувнинг ирни ёмон, қарининг ирими ёмон» деган макол ҳам ўзбек халқининг бу одатга муносабатини белгилайди.

Кўряпсизки, ортиқча иримчилик, ҳар ишдан хавотирланавериш ота-боболаримиз томонидан салбий баҳоланиб, қораланган. Бироқ ирим-сиirim ҳам ҳалқ турмушига минг-минг йиллардан бўён ҳамроҳлик қилиб, сингиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини унутмаслигимиз лозим. Шуннинг учун ҳам ирим-сиirim одагини ҳар бир ҳалқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиш, унинг моҳиятини англаш, ҳаётий жиҳатдан далилланганларига амал қилиш, инсоният тажрибасидан тўғри фойдаланиш имконини беради. Шундай экан, ирим-сиirim, иримчилик ҳодисалари ва одат-удумларига дуч келсангиз, масхаралаб, камситиб, устидан кулишга шошилманг, балки унинг моҳияти билан яхшилаб кизикиб кўринг. Ахир у ҳам бошқаларники эмас, факт Сизнинг аждодларингизга хос ўзингизнинг урф-одатингиздир.

## ҚАРҒИШЛАР

Атоқли шоир Расул Ҳамзатов «Менинг Доғистоним» китобида Она тили, Ватани ва унинг одамларини миллатдошлари — аварларни кукларга кутариб мактаркан, «менинг қулимда бўлса аёлларимизнинг жон узиб кар-

гашларини, эркакларнинг болохонадор сўкишларини бир китоб қилган бўлардим», дея аварча қарғишу сўкишларни ҳам юксак инсоний маданият намунаси сифатида талқин қилган.

Ҳали биз савияю ватанпарварлик рухи жиҳатидан Расул бобо даражасига етмаган бўлсак-да, ўзбекча қарғишу сўкишларга ҳам бир холис назар солсак ёмон бўлмасди.

Бир замонлар даشتдан келиб, олимтик қилмоқчи бўлган ҳаваскор «Ўзбек тилида ит номларининг келиб чиқиши» мавзууда илмий иш ёзган. Таникли адаб уни масҳаралаб, матбуотда фельстон қилган. Менинг назаримда, ўша ёш олимнинг ит номлари мазмун-моҳияти билан шуғулланмоқчи бўлиши учалик кулгили ҳодиса бўлмай, аксинча, маърифий, маданий, ҳатто илмий аҳамиятга эга бўлган. Афсуски, жонқобил йигит пешонаси силапиши ўрнига илк қадамидаёқ кўкрагидан тепки еган...

Қарғишининг нималигини билмаган одам, айниқса, мусулмон бўлмаса керак. Қарғишу сўкиш борасида ҳам бизнинг ўзбек ҳалки қадимдан ҳеч қайси ҳалқдан қолишмай келяпти. Кейинги аср, бунинг устига, шундай замон бўлдики, сўкинмаган эркак, қарғанмаган аёлни бу дунёда тошиб бўлмай қолди. Бу ҳам ўзига хос замонамиз таърифтавсифи, ижтимоий таҳлили бўлса, ажаб эмас...

Қарғиш муаллифлари асосан аёллардир. Улар қарғамай туролмайдилар. Болаларини, эрларини, бегоналарни, дўстни ю душманни, эрмак учун бўлса ҳам қарғайдилар. Қарғишининг қарғишдан фарқи бор, албатта. Адолатсизлик, номардлик олдида ожиз қолиб, ёлғиз оллон таолога зорланиб, ер муштлаб қарғаниш билан уйда шунчаки боланинг бирор айтилган ишни ўз вақтида бажармагани учун қарғашни бир-бирига тенг қўйиб бўлмайди.

Қарғиш ҳам қадимиий одат бўлиб, ҳар бир ҳалқнинг

миллий турмуш тарзи, урф-одати, маданий даражаси, этник боскичларни аниклаб, белгилаб беради. Ўзбекча қаргишларни ҳам алифбо ёки мазмуний, мавзу таснифига солиб ургансангиз, бир неча китобни ташкил этар. Изоҳли лугати билан таҳлил қиласангиз, бир неча жилдан иборат бўлар...

Каргиш бирордан ноҳақ жабр кўрган одамнинг унга ёмонлик соғиниши, улимини тилашидир. Қаргиш ҳам жойинга, воқеа-ходисага, иштирокчиларнинг ёшига қараб адолатли, адолатсиз булиши мумкин. Қарғаган одам ҳамиша ҳак дейиш ҳам адолатдан эмас. Ўрни билан у ноҳақ ҳам бўлиши мумкин. Қарғишининг икки учи бўлади, деган ҳалқимиз ҳак.

«Жувонмарг булсин», «оғзидан қони келсин», «уйи қуйсин», «скalta қайтсин», «сочи тахтага таралсин», «изи қуйсин», «оти ўчсин», «кӯзига тупроқ тўлсин», «юзини тескари қилсин», «жазосини худо берсин», «бири икки бўлмасин», «косаси оқармасин», «есин-ичсин — буюрмасин», «худодан топсин», «үғил-қизининг хузурини кўрмасин», «гўр тортсин», «тухуми қурисин» ҳоказо ва ҳоказо зо.

Қарғишлиарнинг сони, тури, мавзуи, шахси жуда кўп.

Баъзан айрим ёлчимаган одамлар тўғрисида «буни қарғиш урган», «ота-онаси оқ қилган» деган ибораларни эшитиб қоласиз. Ўзбекчиликда бундай ҳодиса камдан-кам учрайди. «Оқ қилиш» якинга, фарзандга нисбатан қарғашнинг энг олий шаклидир. Бу — фарзанддан воз кечиш, унинг шу оиласга мансублигидан ор-номус қилишdir.

Ҳалқимизда «онанинг қарғиши ўтмайди» деган накл бор. Яъни она ўз болаларини тарбиялаш жараёнида минг бора қарғайди. Аммо бу ўз фарзандига ёмонликни, улим-

нираво күрганидан эмас, шунчаки аёллигидан, қаргишга ўрганиб колганлигидан, уни танбех, дашном ўрида ишлатганидан.

Бувио ойисидан, аммаю холасидан, кўни-кўшни хотинлардан кунда бироннинг шаънига қарғиши эшитиб юрган ўзбек қизлари ҳам ёшлигидан қарғиши ўрганиб борадилар. Энди отанинг қарғиши булак. Одатда оталар қарғашмайди. Қадимдан улар мажбур бўлгандагина сўқади, иложи бўлмаса, уради. Қарғаши камдан кам содир бўладиган ҳодиса. Шунинг учун ҳам халқимизда «отанинг қарғиши ёмон» деган накл юради. Ўзбек оталари ўғил-қизлари улар юзларини ерга қаратгана, оила номусини буқканда, ёмон йулга кирганда, қарғашга мажбур бўлади. Халқ айтганидай, «ёмон қарғайди». Қарғишлар ҳақида бизнинг адабиётимиз, илмимизда, маданиятшуносликда умуман жуда кам гапирилган. Профессор Малик Муродов халқ оғзаки ижоди тадқиқига багишинган китобларидан бирида бу ҳақда яхши эслаб ўтган.

Мен Сизларга, кадрли ёш дўстлар, қадимий бир ривоятини ҳикоя килиб берай. Накл килишларича, бу бўлиб ўтган воқеа экан...

Қадим замонда кухна Шош яқинида машхур пир Занги ота хонадонида гўзал Биби Ойша камолга етган. У кун сайин оқи окка, қизили қизилга ажralиб, тўлин ойдай тулиб борган. Шош мадрасаларидан бирида сабоқ олаётган Қораҳон исмли ўқтам йигит фавқулодда Биби Ойшани кўриб, уни жон-дилидан севиб қолган. Улар пинҳона учрашиб турғанлар. Қиз ҳам хон авлоди, пахлавон ва зукко талабага кўнгил кўйган. Қораҳон мадрасани битириш арафасида Занги ота хонадонига совчи юбориб, қизларини суратган. Бирок пир кўзларининг оқу кораси бўлган ёлғиз қизларини узоққа юборишга изи беролмаганлар.

Валиаҳд Қорахон эса ўзга шаҳарда ичкуёв булиб қололмаган. Ўз она шаҳри кадим Ўтрорга қайтиб, хоқимлик қилган. Севишганилар мактуб олишиб туришган. Кейинги йилнинг олди ёз фаслида муштипар она во-ситачилигида Биби Ойша падари бузрукворидан Ўтрорга, бўлажак завжаси Қорахон хузурига боришга рухсат сўраган. Табиийки, ота тагин изн бермаганлар. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, бузруквор ўз пушти камаридан бўлган суюкли кизларига рухсат бериб, фотиҳага кўл очаркан, «манзилингга етгину муродингга етмагил», дея юзларига фотиҳа тортганлар...

Биби Ойша энагаси Бойжон хотун ва ўн навкар паноҳида суворилардек кийиниб, маҳсус аргумокларда севгилиси мамлакатига равона бўлган. Йўл юришган, мўл юришган. Гўзал ёзнинг майин эпкинида боғлару кирлар, тоғлару дарёлардан ўтганлар. Ўша замоннинг русуми бўйича карокчиларча хужум килган йўлдаги йўлтўарлар навкарлари билан қилич чопишиб, гўзал Ойша ўзи маҳв этган душманлари каллаларини найзаларга илиб Қорахонга совғага тайёрлаган.

Нихоят орзиқиб кутилган висол онларига ҳам яқин қолган. Ўтрор ерларига етиб келган Биби Ойша чопар юбортириб, севгилисини қарши олишга чорлаган. Қорахон хушхабардан юраги ҳаприқиб, Талас кирғокларига аъёнлари билан тенгсиз меҳмон, эртанги мезбонни қарши олган...

Биби Ойша висол олдидан чавандозлик — йўл кийимларини ечиб, кўпик сочиб, тошларга урилиб оқаётган Таласнинг кўзгудек тиник, шаффоф сувларига чўмилиб олишни ният қилган. Бойжон хотун паноҳида қулоч ёзиб сузган, чўмилган. Сулув маликалардек маҳсус келинлик кийимлари, ҳарир либосларини кирғок майсалари устида кияётгандан... шувоқлар орасидан икки қора илон чикиб келиб, нозик вужуднинг икки еридан баравар чакқан...

Ойшабибининг бехос чинкириғидан Корахон ўз навкарлари билан бериги қирғокқа қандай ўтганини билмай қолган. Ошик ўз маъшукасини күтариб оғушига олган. Дарҳол муолажага киришиб, заҳарни сўриб ташлашга уринишган.

— Етиб келдим... Мен Сизникиман, — охиста нафас қилган Ойшабиби.

— Узок кутдим, мен ҳам ёлғиз Сизникиман, — нафас қилган Корахон ҳаяжондан энтикиб.

Вазиятнинг қалтислигини англаб етган Корахон шу заҳотиёқ ёнидаги устозига никоҳ үкиттириб, Ойшабибини ўз никоҳига олган. Қелин ўз куёви қўлида илинж билан жон таслим қилган...

Биби Ойша маликаларга хос катта ҳурмат билан дафи этилган. Бойжон хотун унинг ис-чироғини килиб, қабрига парвона бўлган. Ошик йигит Корахон қирқ йил шоҳлик килиб, Ойшабиби билан никоҳини бузмаган. Олдин Биби Ойша қабри тепаснга, кейин унинг энагаси Бойжон хотун мозори устига иккى юксак гўзаллик намунаси бўлган мақбара тиклатган.

Бу гапларга, мана, қариб минг йил булди. Биби Ойша киссаси ҳамон ошиқларининг юрагини ўртайди. Дарвоке, унинг ўзиdek гўзал ва нафис мақбараси ҳамон Козогистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳрида севги ва садоқат тимсоли сифатида қад кутариб турибди. Бойжон хотун тутинган қизини унинг ёнида ҳамон ёмон кўзлардан қўриклишда давом этмоқда. Хон Корахон эса бир умр ковушилмаган никоҳ билан ўтган покиза инсон сифатида Авлиё ота номи билан ўз мақбарасида Биби Ойшадан бир сари қадам нарида мангу уйқуда ётиди...

Отанинг қарғиши ёмон, дейишади эскилар. Занги ота қарғанимаган, қизига бу тақдирни раво кўрмаган, фактат андак оғринган эди, холос...

## ЯХШИ НИЯТ

Яхши ният — ярим давлат, дейди халқимиз. Тилак билдириш, яхши ният, дуою олқишлиар — бу ҳам ўзбек халқининг энг кадимий удумларидан биридир. Инсон хаётнинг барча фаслларида, турли ёшларда, турли муносабатлар билан, турмушнинг барча чорраҳаларида бирбирига тилак билдиради, яхши ният килади.

Бола туғилганда фарзанд, зурёд муборак бўлсин қилиниб, умрию ризки, ота-онаси, бобою бувиси билан берган бўлсин, дейилади. Бу ихчам тилакнинг мазмунидагатта ҳикмат бор. Болаки туғилибдими, аввало унинг умри узун бўлсин, ризки насибаси мўл бўлсин, ота-онаси тарбия бериб, ок ювиб, ок тараб, тишлаб-тироғлаб вояга етказар экан, бу фарзанднинг хузур-ҳаловатини, иқболини кўришсин, халқнинг оғирини енгил қиласиган шахс бўлиб етишсин каби кўпга ва узокка мўлжалланган тилаклар биргина шу ибора-ҳикматда ўз жамулжамиини топган.

Ўғил уйлантирилаётган, қиз турмушга чиқарилаётганда ҳам янги оила қутлуг бўлсин, муборакбод қилиниб, «илоҳо икки ёшнинг бахти иқболини бёрсин, қўшгани билан қўша карисин, ували-жували булишсин, тупроқ олишса, олтин бўлсин» каби яхши ниятлар билдирилади. Бу билан ҳамроҳини топган бахти саодатини ҳам топсин, ўла-ўлгунча бир-бирларига содик ёстиқдош булишсин, фарзандлари кўпу тарбияли бўлсин, топганлари ўзларига насиб килсин, авлоднинг муносаб давомчилари бўлсинлар сингари ҳайтий, самимий тилаклар кўзда тутилган.

Сафарга, саёҳатга, хизматга отланаётган кишиларга, «сафарингиз бехатар бўлсин, эсон-омон яна дийдор кўришайлик, худо ёр, пирлар мададкор бўлсин», деган тилаклар билдирилади. Мўйсафидлар, ота-оналар фар-

ий бурч саналади. «Яхшилик қил» дарёга ташла, балиқ билади, балиқ билмаса — Холик билади», ақидасига риоя қиларкан, узбек ҳар бир узга одамга, унинг ёши, жинси миллати, қавмидан қатъи назар, яхшилик соғиниб яшайди.

Яхши ният, тилақ билан боғлиқ ўзбек халқ маколлари ҳам бир талай. Улардан:

Яхши сўз-жон озиги, ёмон сўз-бош қозиги;  
Яхши ошини ейди, ёмон-бошини.  
Яхшидан-вафо, ёмондан-жафо;  
Яхшилик тўрга элтар, ёмонлик гўрга;  
Яхшиликка яхшилик-ҳар кишининг иши, ёмонликка яхшилик-эр кишининг иши;  
Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади;  
Яхши ғап билан илон инидан чиқади. Ёмон ғап билан пичоқ қинидан чиқади;  
Яхшини бил ғиздан, ёмонни бил қўзидан;  
Яхшини кўриб, ишукур қил, ёмонни кўриб фикр қил;  
Яхшилик қалсанг-яшир, яхшилик кўрсанг-ошир;  
Одамдан яхши от қолсан;  
Яхши чечакти боларъ қўнади,  
каби ахлоқийи-дидақтик мақол-накллар шулар жумласидандир.

Яхши ният, тилаклар одоб-ахлок, насиҳат, маслаҳат, яхшилик-соғиниш майлларида бўлганидан оддий мӯомала-муносабат, кундалик турмуш лаҳзалари, умргузаронлик йўлларида, умр сабоқларни сифатида ҳар қадамда учрайди.

Хуш келибсиз;  
Хуш кўрдик;  
Яхши боринг;  
Яхши қолинг;  
Яхши ётиб-туринг;  
Ширин тушилар кўринг;  
Ёқимли шитаҳа, шита ҷангиз карнай бўлсин;

*Хайрли тун. Хайрли тонъ,  
Яхшиликка буюрсин,  
Яхши кунларингиизга ярасин.  
Яхши кунларда куришайлик,  
Кўз тегмасин,  
Барака топинг,  
Уйингизга бугдою тўлсин,  
Бола-чақсангизнинг ҳузур-ҳаловатини кўринг,  
Яхши ниятларингииз ӯзингизга ёр бўлсин  
Тупроқ олсангиз, олтин бўлсин,  
Кучкордай ўғил берсин;  
Топганингиз тўйга буюрсин;  
Файз-баракангизни берсин:  
Умрингиз цзоқ бўлсин:  
Ўйлаган ниятларингиизга етиб юринг;  
Хўжай Ҳизр ҳамроҳингиз бўлсин*

Инсоннинг бошига ҳар хил савдолар тушиши мумкин. Миннатсиз ош, ғавғосиз бош бўлмас дейди узбек. Жабрдийда, аламдийда кишиндан кунгил сўраганда; уни юпатилганда, олатда, «кўнглинигизни чуктирманг, ойнинг уи беши қоронгу бўлса, ўн беши ёруг». «Албатта ёруғ кунлар ҳам келади». «Бошингиз омон, жонингиз соғ бўлсин» «Бошингиз тошдан бўлсин». «Бу кунлар унут бўлиб кетади». «Йигит кишининг боши омон бўлса, мол-дунё топилади». «Давлат, пул қўлиниг кири». «Мол топилади, жон топилмайди», қабилидаги жумла, ибора, сўзлар, мақолу нақллар қулланилади.

Адолатсизлик олдида ожиз қолиб, ёр муштлаб, йиглаб-зорланиб турган одамга, «куйинманг, кенг бўлинг, у худо бехабарга ҳам тикилган-боккани бордир». «Қарз қиёматда қолмас», дейдилар. «Қирқ кун ўтмай худойи таолонинг ўзи курсатади». «Худонинг ғазабига учрайди». «Ўшандада мени айтди дейсиз», деган гапни килишади. Совет ҳокимнинти йилларида бир пиёла чой устидаги дилкаш сухбатлар майхўрлик, кадах кўтариб ваъз айтиш

одатига айланди. Шунда ҳам үзбек эски, қадимий анъ-аналарини саклаб колди. Ихчам фалсафий қадаҳ сўзлар яратилди:

Энг ёмон кунимиз шундай бўлсин;  
Дўстларнинг жони соғ бўлсин;  
Дўстлик, яхшилик бор бўлсин,  
Ҳаммани ҳам яхши кунларга етказсин.  
Туи бўлсину ғам бўлмасин,  
Дўстлар орасига галамис ораламасин;  
Қасд қилган паст бўлсин, ва ҳоказо.

Кишининг кўнглига караш, нозиктаъблик дардкашлик ҳамдардлик үзбекнинг кўнгил хамрохи. Биз узганинг дард-ғамига, ташвишига локайд, бефарқ каролмаймиз. Шодлигидан теримиизга сифмай кувонамиз. Дард-ташвишига шерик бўламиз.

Мушкулингиз осон бўлсин;  
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтоҷ қилмасин;  
Кўнглингизга олманг;  
Оғир бўлинг;  
Борига барака;  
Баракасини берсин;  
Қаторда ҳато бўлмасин;  
Кўпга берсин, кўпнинг қаторида бизга ҳам берсин;  
Бир-бirimиздан кам қилмасин;  
Ишингиз бароридан (ўнгидан) келсин;  
Кўп берсин, кўл берсин, кенг феъл, кетмас давлат берсин;  
Ёмоннинг юзини тескари қилсин;  
Яхшиларга ёндоштиргин, ёмонлардан узоқлаштиргин;  
Айтганинг келсин;  
Фаришталар омин десин.

Ўзаро муомала-муносабат, учрашув, юз кўришувларда шундай қисқа мулокотлар бўлиб ўтади:

— Ҳорманг  
— Бор бўлинг. (Саломат бўлинг)

— Чошга барака. (Хирмонга барака)  
— Умрингизга барака.

— Яхшимисиз, тан-жонингиз согми?  
— Худога шукур, үзингиз тинчмисиз, бола-чақалар омонми?  
— Бу яхшилигинеизни ула-улдунча унутмайман. Мендин қайтмаса, худодан қайтсан.

— Бандисидан яхшилик қолади. Бу менинг инсоний бурчим.  
— Миннатдорман, худо умри жонингизни зиёда қилсан, дунё тур-  
унча түринг. Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини күринг.

— Раҳмат. Яхши ниятларинеиз үзингизга ҳам ер бўлсан, ва ҳоказо.  
Сигиниш, имон-эътиқод билан боғлик яхши ниятлар  
ҳам ҳётда жуда кўп кўлланилади. Улар руҳланиш,  
мадад, ишонч ва эътиқодни кучайтиришга ёрдам беради.

«Ё Али», «Ё пирам», «Ё Алишерн худо», «Ё раббим»  
каби ҳитоблар шулар жумласидандир. Бир ишга жазм  
килиш, фаолиятни бошлаш, киришиш, полвонлик, кураш  
ҳамда қўпкари-улокда ва бошка ҳарбу зарбларда куч-  
куват талаб килинган лаҳзаларда бу ҳитоблар бот-бот  
кўлланилади.

Дастурхон, таом, бир пиёла чой устидаги сухбатларда,  
дафъатан, ош саб турганингизда янги меҳмон келиб қолса,  
«Э, келинг, келинг, кайнанангиз суръ экан», дейилади.  
Меҳмон ҳам албатта, «раҳмат, кайнанам сўймаса, кизини  
берармиди», дейди. Овқатни охиригача едиришга ундаш-  
ди, «олинг, колдирманг, дунёнинг охирига етиб юринг,  
ҳамма савоби шу өхирги лукмада-да», деган жумла иш-  
латилади. Чой куяётганда, сунгги пиёла чой узатилган  
кишига, пиёлада чой жуда кам бўлса-да, «марҳамат,  
дунёнинг охирига етиб юринг», дейилади. Бу билан,  
аввало чой қуювчи үзини, меҳмонни чойнинг камлиги  
учун хижолатпазликдан кутқазади. Иккинчидан, дунё-  
нинг охирига етиб юринг, деганда, Сизнинг умрингиз

тугаганда, дунё ҳам тугаб, қиёмат-қойим бўлсин,  
деган ният эмас, худо берган умрингизни яшанг-у, обру-  
эътиборингиз, яхши номингиз билан дунё тургунча туринг.  
**умрингиз бокий бўлсин, деган эзгу тилак билдиришади.**

Узбекнинг ҳар ганида ишлатиладиган яхши ният, ти-  
лаклари бу ҳаджнинг одоб-ахлоқи юксак бўлган қадимий  
маданият эгаси эканлигидан далолат беради. «Ёмонлик  
ҳамманинг, ёш боланинг ҳам қўлидан келади», дейди  
халк.

Қавмимизнинг тили ширин, гани қизик, қалби саховат,  
мехр-мухаббатга тұла, ниятлари нок, яхшилик ва эзгу-  
ликка йўғрилган. Сиз билан биз ҳам бу хислатлардан  
бенасиб колмаслигимиз лозим.

ХУДОЙИ

Худойи одати илдизлари узок замонларга бориб та-  
калади. Бу одат оллоҳ йўлига қилинган хайр-эҳсон булиб,  
худо йули, ҳатми куръон, дуюю фотиха, кон чикариш,  
курбошлиқ деб ҳам аталади. Қадим боболаримиз табиат  
саҳовати, серхосналиги, сернеъматлилигини худонинг  
инояти билиб, бунга шукронга айтиб, йигиб-терилажак  
ёки йигиштирилган ҳосилнинг бир қисмини аввало оллон  
таолога, колаверса, пайғамбару чор-ёрлар, ўтган марҳум-  
ларниг руҳига багишлишган. Бунинг учун маҳсус жон-  
ликлар сўйилиб, дошкозонлар қурилган. Элга оби ху-  
дойи, ош, шўрва, нон, нишполда тортилган. Бу неъматлар  
даврга, мавсумга, миқёсга караб тарқатилган.

Хозирги замонда ҳам худойи турли куринишларда ут-  
казилиб келинади. Биринчи галда бу одат вафот этган қи-  
шининг ёди-хотири учун етти, йигирма, қирк, йилни ни-  
шонлаш билан бөглик булиб, бунда худойига таклиф  
этилган домла, диний назорат вакили «Куръони карим»  
дан лозим сураларни ўқиб, марҳум руҳига, барча ўтган-  
лар ёдига баҳшида қиласди. Бу дуюю фотиха мачитда,  
домланинг уйида, гойибона ижро этилиши ҳам мумкин.

Ундан сўнг жамоага ош берилган. Маҳалла, қарин-  
дош-уруғ, хизматдошлар айтилган пайтда: сахар ёки  
пешинда келиб худойи ошини савоб йўлига еб кетиша-  
ди. Ҳар тўп, гуруҳ ошга кул уриши ёки фотиха олдидан  
маҳсус домлага ёки гуруҳ орасидаги «Куръон» сурала-  
ридан ёд билувчи кишилар маърака сабабчиси ёдига

ва уни ташкил қилган ўғил-қиз, ака-ука савоби шаънига дуюю фотиха ўқитилиб, худойи қондаларига амал қилинади.

Одатда, ўзбек, тоҷик, қозоқ ва бошқа Ўрта Осиё халқларида худойига асосан палов ош дамланади. Баъзи жойларда, айрим вилоят, туманларда шўрва, ёулун шарбат, ковурдок тортиш ҳолларини ҳам кузатишимиш мумкин.

Бугунги кунда диний маросимларга кенг йўл берилши, эътиқод эркинлиги муносабати билан худойи тантаналарига катта имкониятлар яратилди. Худойининг турлари ҳам кўпайди. Ҳозир замондошлирамиз оғир ҳасталикдан тузалиб кетганда, янги ҳовлига кўчиб кирганда, бирор фалокатдан эсон-омон кутулиб колганда, ўғил армия хизматидан қайтиб келганда, сингил машина олганда, ўғил-қиз олни ўкув юртига ўқишга кирганда, таваллуд ёшларидан пайғамбар ёши — олтмиш учга тўлганда худойи қилиб элнинг олдидан ўтишади.

Худойини тўйсифат килиб ўтказиш, катта ош тортиш, дастурхонни турли ноз-неъматларга тўлдириш билан худойидан ижобат, савоб кутиш, тамагирлик, эскичасига ҳам, янгичасига ҳам кораланади, гуноҳ саналади. Шунинг учун ҳам такводор кишилар ўлганнинг ёшига, дину имон, тарикат борасидаги мавкеига, мусулмонлик дараҷасига караб, бундай худойиларга ўз муносабатларини билдирадилар. Худойининг худойичалари, яъни пайшабалик ва якшанбаликлар ҳам катта маъраканинг кичрайтирилганларидир. Уларда ҳам ақидага кўра холвайтар, талқон, хўл ва куруқ мева тортилади Агар худойи ўтказувчи қиши бева-бечора, камбагал бўлса, бизнинг жумхуриятимизда бундай оиласалар ахолининг ярмини ташкил этади, бундай хонадон учун беш-олтита мўйса-фидни чакириб, кичик ис-чирок килиб, дуюю фотиха ўқитиб юбориш билан кифояланилади

Кўп вилоятларда, масалан Қашқадарё, Сурхондарё Самарканд, Бухоро, Фарғона водийсида марҳум норасида, ёш ва ўрта ёшда бемахал оламдан кўз юмган бўлса, (унинг маъракасида), азбаройи марҳумга куйинганларидан маросим тановулини қилмайдилар. Баъзан ирим қилиб ҳам бундай худойиларда тотинмайдилар. Тошкентда эса нима сабабдандир бунга эътибор берилмайди.

Дуою фотиха, ҳатми-қуръон, худойи одатида бойвачалик, маниманлик, эл қўаррга катта ош-сув бериш, исрофгарчилик қилиш олкишланмайди.

Арабларда якинда улик чиккан хонадон остонасига кичик бўйра-шолча ташлаб қўйилади. Ўтган-қайтган мусулмонлар ўзлари пайкаб, шу шолчага чукка тушиб, марҳумнинг хотирига дуойи фотиха ўқиб, тагин туриб кетаверишади. Ҳеч ким, ҳатто улик эгаси ҳам бундан хабар топмай колади. Асл худойи, худо йўлига ўқилган ибодат шундай бўлмоги лозим.

Хар бир урф-одатга замон ўз тамғасини, талаб-эхтиёжлари, ўзгартиришларини киритади. Шу жихатдан худойи одати турли вилоят ва туманларда турли замон ва мавсумларда турлича бўлган бўлиши мумкин.

### ЗИЁРАТ

Зиёрат — арабча бирор жойга бориши, деган маънои бериб, у ислом билан кўшилгач, диний тусга кирди Зиёрат, аввало Каъба, Маккаю Мадина, Туркистонда Кул Ҳожа Аҳмад Яссавий, Бухорода Ҳазрат Баҳовуддин Накшбандий, Хивада Пахлавон Махмуд сингари авлиёларни бориб тавооф қилиш, улар руҳи покларига дуою фотиха қилиб келишдан иборат булган. Баъзилар зиёратга боргач, муайян авлиёга атаб, қурбонлик ҳам қилиб бирор жонлик сўйинб қайтганлар Маккаю-Мукар-

рамани зиёрат қилиш, яъни ҳажга бориш ҳар бир мусулмон учун фарз саналади.

Ровийлар ривоят қилишларича, бир киши араб саҳро-сида ҳажни ихтиёр қилиб кетаётган экан. Бир маҳал караса, узокда бир аёл кўринибди. У юргурганча думпайиб турган кора нарса томон чопиб келмоқда экан. Ҳалиги киши аёлдан аввалроқ кора нарсага етиб бо-риб қараса, у ўлиб ётгай қандайдир қуш экан. Киши ҳайрон қолибди, аёл етиб келибди.

— Намунча шошиб келяпсан? — сұрабди у аёлдан.  
— Мана шу күшини олиб кетмоқчидим.  
— Исланиб қолибди-ку, нима қиласан буни?  
— Болаларим оч ўтиришибди, пишириб бераман.

Кишининг раҳми келиб халтасидаги бор-будини, талкунларини аёлга берибди. Ўзи озиқсиз қолибди. Маккагача хали йўл узок экан. У шу ерда қолибди.

Эртасига Маккадан бир гурух ҳожилар қайтишибди ва унга зиёратлари шу киши туфайли қабул бўлганини айтишибди.

Демак, оч қолганларга ёрдам берган ҳалиги киши йулдаёк ўз зиёратини қабул қилдиришга лойик харакат қилган. Агар у аёлга ёрдам бермаганида Маккага юз марта борганида ҳам зиёрати қабул бўлмасди.

Маккадаги Каъбатуллохни зиёрат қилиш — ҳаж шартларини адо этиш ҳар бир мумин-мусулмоннинг орзу ниятидир. Бу макомга муюссар бўлганларни халк ора-сида ҳожи дейилади. Ҳожи — ҳаж сафарини адо этган кишинидир. Халқда «ҳам зиёрат ҳам тижорат» деган гап бор. Ислом тижоратни рад этмайди.

Зиёрат айни пайтда ўз асл маъносида ҳам қулланилиб, бирор мамлакат, шаҳар, овул, кишлокқа сафар. меҳмон бўлиб ё бирор сабаб билан бориб-келишга ҳам айтилади. Ҳозирда бизда Термиз, Самарқанд, Бухоро,

Шахрисабз, Хива, Туркистан, Авлиё ота (Жамбул), Кўқон сингари тарихий шаҳарларга саёҳатчилик йўли билан зиёрат қилиш уюштирилиб турилади. Оврупо, чет эл сафарлари хам зиёратнинг бир тури хисобланади.

Одатда зиёрат (сафар)дан қайтган кишиларни биз ўзбеклар: «Зиёратлар кабул бўлсин», деб қарши оламиз. Ўз навбатида зиёратчилар хам: «Муродингиз ҳосил бўлсин», дея жавоб қилишади. Бу зиёрат одатининг таомилини. Зиёратдан қайтганлар ўша жойлардан эсадлик совғалар келтирганлар.

Зиёрат қилиш одати нафакат муқаддас жойларга нисбатан, балки барча марҳумлар мамлакати — тури мозорлар, кариндош-уругларнинг, ота-онанинг хилхоналарига бориб, дую фотиҳа ўкишда хам ижро этилган. Ҳатто оқил-фозил кишиларнинг ҳолидан хабар олиш хам зиёрат қилиш саналади. Чин кўнгил ва ихлос ила килинган зиёратлар кабул бўлади.

Мен бир кампирни билардим. Юз ёшлиарни қоралаған, соchlари оппок, чехралари нурдай бу кампирни кишилоқнинг каттаю кичиги астойдил хурмат қилар, бирор узок сафаргами, оғир юмушгами йўл олишдан аввал, албатта, кампирнинг зиёратида бўлишар, у йўловчига оқ йўл тилаб, дую фотиҳа берарди. «Фалончи кампирнинг дуосини олган кам бўлмайди», дейишарди.

Дарвоқе, шундай.

Ҳаётда шундай кишилар буладики, уларни ҳар сафар зиёрат килганингизда қалбингиз нурга тўлиб, миннатдор бўласиз.

Ўтмишда ҳар буюк шахснинг ўз нири, зиёратгоҳи бўлган. Масалан, Амир Темур хам ўз пирларини бот-бот зиёрат килиб туришдан эринмаган.

Ўз зиёратгоҳи бўлмаганлар гариб, шўрлик кимсалардир. «Менинг ўз сиғинар мозорларим бор», дейди шоир.

Зиёратгоҳ жойнинг ҳашаматли, маҳобатли булиши шарт эмас.

Тарихий жараёнда баъзан ўз ғояларини зурлаб утказишига интилганлар сунъий зиёратгоҳлар ташкил этишган.

Масалан, Тошкентдаги ва бошқа жойлардаги турлиятуман ҳайкаллар пойига гулчамбарлар қўйиш ҳам ҳеч вакт ихтиёрий равишда бўлганмас.

Токи кишилар юрак-юракдан интилиб, талпинмас эканлар, само кадар юксалган тилла кошоналар ҳам зиёратгоҳ булолмайди.

«Дунёдаги энг улуғ зиёратгоҳ инсонлар қалби», деган гап бор. Ҳакиқатан ҳам, инсон қалбидек дурри жавохирга тула тубсиз уммон, хазинаю дафина ёруғ оламда йўқ. Булардан баҳраманд бўлмоқ учун том маънодаги инсон сўзига лойик бўлишга интилиш даркор.

Хозирги вактда «зиёрат» сўзининг маъноси жуда-жуда кенгайиб кетган. Одамлар уртасидаги самимий муносабатлар, инсоний туйгулар, барчаси шу тушунча остида мужассамлашади. Уни яккаш хурофотга элтиб тақайдигилар катта хато қилишади.

### МУШҚУЛҚУШОД, БИБИ СЕШАНБА, МАВЛУД

Биби Сешанба, Биби Мушкулкушод қаби одатлар ҳам узбек ҳалқи ҳаётидаги узок даврлардан буён яшаб келади. Биби Фотима пайғамбаримиз Муҳаммад аллайҳиссалом-нинг кизлари бўлганлар. Биби Мушкулкушод ва Биби сешанбалар эса мусулмон хотин-кизлари тасаввуриди кишиларнинг мушкулини осон қиласиган, авлиё хотинлар саналган.

Қадимдан отинойилар, «кўзи очиқ» аёллар мушкулкушод маросими ўтказганлар. Бошига мушкул тушган аёл (оилада бирор фалокат, bemorlik бўлса) маҳал-

ланинг отинойисига иккита иссиқ нон, икки ҳовуч қора майиз, иккита пилта (пахта) чирок, бир танга (20 тийин) келтириб, шу оила химоясига Биби Мушкулкушоддан мадад сураб, тиловат ўқиттирилган. Бу маросим ҳар чоршанба куни ўтказилган. Чунки афсонага кўра Ҳазрат Баҳовуддин Накшбандийнинг холалари ўроғини йўқотган утинчига ёрдам бериб, ҳар чоршанба кунлари бу илоҳий аёлни эслаб, ис-чирок қилиши лозимлигини тайинлаган. Шундан бўён Биби Мушкулкушод руҳига бағишланган маросим факат чоршанба кунлари ўтказилиб келинган.

Биби Сешанба эса оила баҳтилининг химоячиси саналган. Биби Сешанба маросими ҳам аёлларнинг диний урф-одати булиб, сешанба кунлари ўтказилган. Қуръоннинг маълум суралари ёдланиб, амру маъруф, диний конун-коидалар, ҳадислар ўқилган, эслатилган. Биби Сешанба одатида Мушкулкушодга нисбатан иштирокчи хотинлар кўпчиликни ташкил этган. Биби Сешанбаларда пайғамбар алайхиссаломнинг кизлари Биби Фотима хаётидан турли ривояту ҳикоятлар, ибратли воқеа-ходисалар ҳикоя қилиб берилган.

Шундай ривоятларнинг бирида айтилишича, Биби Фотима шунчалик меҳрибон, саховатли ва кўнгилчан бўлгай эканларки, ҳатто супра ёйиб, нон қилишга ўтирганларида то ҳамир кориб, нон ёпгунларича супрани турли кушлар, кабутарлар ўраб олиб, унни чўкишиб, истеъмол қилишаркан. Биби Фотима уларнинг бу ёқимли машғулотига халақит бермас эканлар. Бир гал тағин шу машғулот билан овора бўлғанларида оталари Мухаммад алайхиссалом шошилтириб, умматлари учун тезрок нон ёпишларини талаб қилиб қолибдилар. Биби Фотима кушу кабутарларни супра устидан нечоғлик ҳайдамасинлар, улар нари силжишмасмиш. Шунда Биби Фотима

кўлларидағи ҳамир чакичи билан бир қушнинг кўкрагига секин туртибдилар.

Бу Биби Фотиманинг яхши кўрган паррандалари-беозор мусича бўлиб, шундан бу қушнинг кўкрагида чакиҷурни, бир тўп хол бўлиб қолган экан... Шу сабабдан бўлса керак, баъзи бир жойларда мусичани Биби Фотима деб ҳам аташади.

Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба одатлари аёллар диний маросими сифатида хайр-садака, худойи одатларига яқин бўлиб, ислом дини ақидаларидан бири сифатида яшаб келаётир. Шундай одатлардан яна бири Мавлуд ҳамдир. Мавлуд — туғилиш дегани бўлиб, Мухаммад Пайғамбарнинг туғилган кунлари сифатида иншонланган Мавлуд маросимлари диний издиҳом — худойи шаклида бўлиб, унда кўпчилик катнашади. Маросимда Мухаммат атайхиссаломининг таржимаи холлари ҳакидаги Мавлуд китоби ўқилади. Кейинги йилларда бу одат хотин-қизларнинг Мушкулкушод, Биби Сешанба одатлари каби аёлларнинг хонадон маросимига айланиб, отиндиндор бекаларнинг диний зиёфат, амру маъруф, Қуръон оятларидан ёд ўкини каби маъракасига айланиб кетган. Мавлуд ҳозир ҳам хотин-қизлар диний йигинлари тарзида ўтказилиб келинмоқда. Мавлуд уз мавқеи ва оммавийлиги жиҳатидан Мушкулкушод ва Биби Сешанба маросимларидан катта, эътиборлироқдир.

### ХАЙР-САДАКА

Садака дегани нима узи? Хайр-садака деганда мусулмоннинг Худо йўлига бирор нимани аташи, бағишлиши, эҳсон, тухфа, ҳадя, садака қилиши тушунилади. Садака одамларнинг маҳсус кишилар: қаландар, маддоҳ, гадо, отинойи, мулла, майиб-мажрух, кунидан қолган бева-

бечораларга күнгилдан чиқариб берган моддий ёрдами — пул-чақа, мол-нон, майиз-ёнгоқ, кийим-бош ва ҳоказолардир.

Садақа чиқариш, хайр-эҳсон қилиш бизнинг үзбек халқимиз урф-одатларида жуда қадимдан мавжуд бўлиб, бу меҳр-шафқат, хайрия ва беминнат ёрдам миллатимиз рухига бир умр ҳамроҳ бўлиб келганлигидан далолат беради. «Садакаи радди бало» — «садака балоқазони қайтаради» деган ақидага амал қилган ота-боболаримиз ҳар йили экин-тикин экиш ва ҳосилни йигиттеришдан аввал катта хайр-садақалар — қурбонликлар қилишган. Бу маросимлар, айникса, девидарвишона одатларида, ҳайитларда, рӯзан майрамазонларда фитр рӯза шаклларида, мозорларга зиёратлар, азиз-авлиёларни тавоғ қилишларда чин күнгилдан имон келтириб, ижро этилган.

Оллои таоло, табиат яхши, серҳосил неъматлар ҳадя қилиши учун тужа, ҳўкиз, қўй-қўзилар сўйилиб, дарвишоналар қилинган. Дошқозонларда шўрва, паловлар пиширилган. Тандир-тандир нонлар ёпилган. Албатта, бу таомлар биринчи навбатда муҳтоҷ, заиф, камбағал, бева-бечораларга тортиқ қилинган.

Хайриялар мусофирихоналар, шифохоналар, етимхоналар, масжид ва мактабларга сидқидилдан, беминнат, бетама берилган. Хайр-садақанинг тагин бир тури — аёлдир-эркакдир, ёмон туш кўрса, руҳияти бузилса, албатта чорёлларга бирор жонлиқ атаб, зиёратгоҳ жойларга, мозоротларга олиб бориб, бу жонлиқни (қўй-эчки, ҳўроз, товук) сўйиб, кўча оши (момо оши) қилинган. Албатта, суюқ ош. Бу ошни кучадан утган одамлар, асосан кекса кишилар савоб учун назр қилган одамга парвардигордан шифо тилаб, еб -ичиб олишған. Болачақалар ҳам бу таомлардан бенасиб қолмаган. Садақачи-

нинг рухи кўтарилиб, аксарият шундан шифо топиб кетган.

Мушкулкүшод, Бибисешанба, Мавлуд, кинна оши маросимлари ҳам отинойи, табиблар бошчилигида ўтказилиб, бу хайрия-садакаҳўрликнинг ўзига хос кўринишларидир. Бундай ҳолларда мушкулкүшодчи, яъни, мушкули ечилиши, осон бўлиши худодан тилангани киши — эркак-аёл, атаганини тўртта иссик нои, шунга мос майиз, нишолда, пул келтириб, чорёлар арвоҳларига чирок ёкиб, дуон фотиха ўқишини илтимос қилишган. Отни ойи уларнинг иштирокида ёки ёлгиз ўзи бу маросимни инсоф билан бажо келтирган.

«Садака» сўзи «садқа» деб ҳам айтилади. «Садкан сар» — «бош-кўздан садака» деган ибора бунга мисол. Хайрия зўрлаб, ихтиёргиздан ташкари олиса, (масалан, ўғирлаб, талончиллик қилиб, зўравонлик билан, кутимаганда йўкотиб қўйин) одамлар «садкан сар» деб, уша пул ё молин бошларидан уч марта айлантириб, назрии мажбур килган зўравонга топширганлар. «Юргурганикимас, буюрганикимас», дея ўзларини юпатиб, «келган бало-казо шунга урсин», «бола-чакамдаи садака» дейишган.

«Садака», «садқа», «айланиш», «ургулиш», «назр», «ниёз» сўзлари маъно жиҳатдан бир-бири мазмунини тўлдириб, бойитиб келади. «Садака» сўзи ҳалқ орасида «садага» шаклида ҳам ишлатилади. «Жоним садака», «жоним тасаддуқ», «садагаси кетай», «тасаддуғинг кетай», «айланай», «ургулай», «дардингни олай», «жоним курбон» ибора атамалари шундан қолган. Бу маросим — қадимий одат ҳакида бобокалонларингиздан бири Бобур мирзо ҳаётларидан бўлиб ўтган бир воқеани келтираман:

Хиндни забт этиб, у ерда давру даврон суро бошла-

ган шоҳининг бошига мушкул иш тушади. Сандал шаҳрига ҳоким қилиб тайинланган тўнгич фарзанд Ҳумоюн мирзо оғир бетоб бўлиб қолади. Ҳинду араб, форсуз рум табиблари шаҳзодаи валичаҳд дардига малҳам тополмайдилар. Киндик қони томган Афғонистон ери Ғазна вилоятидан ва ҳатто, Мовароунахрнинг бобурйилар она юрти — Андижон музофотидан табиблар чакиртирилади. Таасуфки, сўнгги умид ҳам пучга чиқади. Шунда Бобур мирзо содик ўнг кўл вазиридан:

— Бундай пайтда не тадбир кўриладур, жаноби бек?  
— деб сўрайдилар.

— Бундай ҳолатда яхши кўрган бирор нимарсангиз садака қилинадур, — жавоб беради бек хўжасига салтанатнинг буюк бойлиги — ёнғокдан йирикроқ гавхар — Кўхинурни назарда тутиб.

— Яхши кўрган нимарса?! — дея ўйга ботади Бобур мирзо. — Менинг энг яхши кўрган нимарсам үзимнинг жонимдур! — дейди шоҳ оғир сулиш олиб. — Пуштикамаримизга ўз жонимизни садқа қилдук...

— Нималар деяётисиз? Сўзингизни қайтиб олинг, гуноҳ бўладур, — дейди шошиб қолган вазир ёлвориб.

Аммо подшонинг амри вожиб, Бобур мирзо Ҳумоюн ётган хонага кириб, бемор атрофидан худо ёди билан уч марта айланаркан:

— Пуштикамаримизга жонимиз садақа. Парвардигор, фарзандимнинг дарду bemorliгини мен кабул килдим. Менинг жоним унга садқа бўлсун! — дея имон келтирадилар.

Бу ҳақда бобокалоннингизнинг ўзлари: «Ажабки, кўкдан мурувват булиб, шу аснода Ҳумоюннинг юзига кизил югуриб, кузлари очилди. Мен эсам лоҳас тортиб, танимдан мадор кетиб йиқилдим...» — дея ёзадилар «Бобурнома» китобларида.

Хайр-садака, назр-ниёз халқ орасида курбон ҳайнти, рузай майрамазон, намоз кунлари айникса, оммавий тарзда амалга оширилган. Илмдор, донишманд кексалар, муштипар, кимсасиз аёллар, отинбиби ва муллаларга фитр рўза, закот, садака, назр берилган. Садакахўрлар, яъни, қадимдан халқ орасида маҳсус маддоҳлар авлодлари бўлиб, улар шаҳар-қишлоқлар, бозорлар, мозоротлар, кўча-кўйларда кезиб, оллои таоло, пайғамбар мадхини қилганлар. Амалдор, дехкон, косиб, хунармандларни инсоф, адолат, меҳр-шафқатга чакирганлар. Бу йўлда Юсуф Бойосоғуний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий, Сўфи Оллоёр, Паҳлавон Маҳмуд, Шоҳ Машраб, Маҳтумкули панд-насиҳат, ҳикмат ва ғазалларидан фойдаланишган. Шу йўсун ёд айтиш, корилик ижодкорлиги билан уз ризқларини ҳалоллаб ейишган.

Инқиlob йиллари садақанинг мазмуни ўша-ўша бўласада, унинг шакли ўзгариб, оч-юпун ҳаяқка, етимхоналарга, ярадорларга ёрдам учун Сиз тенги қашшофлар ионалар — хайр-садакалар тўплаганлар.

— Беморларга, етимларга, заифларга хайр-садака қилинг, иона беринг, — дея танга-чака, озиқ-овкат, кийим ё мато йиққанлар. Мамлакат тақдири оғир кечган дамларда В.И.Ленин 1921 йили Орол денгизи балиқчилари ва ишчиларига маҳсус мактуб йўллаб, Совет Россиясида очлиқдан ўлим чоҳи ёқасида турган 70 минг етим-есир болаларнинг ҳаётларини сақлаб колиш учун иона — садака сўрашдан уялмаган эди. Ўшанда «доҳий чақириғи»деб оғзидағи сўнгги лукмасигача Россия болаларига юборган она Оролимиз ва унинг фидойи ҳалки бутунги кунга келиб, жаҳон афкор оммасидан ўзи жон таслим килиш олдидан сўнгги мадад, садака кутмокда...

Хайр-садака қилиш — инсонийлик, меҳр-шафқат

мевасидир Садака бериш билан узга мушкул ахволда-  
ги инсонга ёрдам қули чўзилади. Садакаҳур бундан ўз  
ахволини ўнғариб олади. Садака берувчи эса имон-эъти-  
коди, меҳр-шафқат ҳисси мустаҳкамланиб, худо, табиат,  
инсон олдида ўз бурчини бажарган ҳисобланади. Ҳозир-  
ги кунда ҳам айрим туман ва қишлоқларда баъзи асл  
маддоҳлар авлодларига мансуб садакаҳурлар, кам бўлса-  
да мавжуд. Бошқа касб эгалари сингари бу соҳада  
ҳам ота-боболар касб-корлари, сулоласи нима билан шу-  
гулланганликларини яхши билмаслик оқибатида, бизнинг  
замонамида хайр-садакани тайини йўқ гадолар, дайди-  
лар, лўлилар тиланиб, йиғиб-териб олмоқдалар. Аслида  
қадимги маддоҳлар насл сурган асл садакаҳурлар булиб,  
ўз хайр-эҳсонларини оклаганлар. Ок ридо, кулда асо,  
маҳсус чарм турва тутган маддоҳларнинг кишини ал-  
лаловчи, оҳангдор мадҳи, дуюю жоннингизни килишлари  
киши кайфиятини кўтарган. Уни янада художуй, инсон-  
парвар килган:

*Ришива олиб егонлар,  
Киши молин олғонлар,  
Какку қушдай бўлубон  
Ул ҳаромга ботмишлар.*

*Тотлиғ-тотлиғ егонлар.  
Турлук-турлук кийгонлар,  
Олтин таҳт ўлтурғонлар  
Туфроқ аро ётмишлар... -*

Бир хисобда, бизнинг замонамизга келиб, хайр-эҳсон,  
садака қилиш яна қайтадан тикланиб келмоқда. Шу  
кунларда мамлакатимиз — Ўзбекистонда ҳам турли  
расмий ва норасмий хайрия ташкилот, жамият, идора-  
лари тузилган ва тузилмоқда. Улар «қизил яримой»,  
«қон топширувчилар», «табиатни қўриқловчилар»,  
«ёдгорликларни ҳимоя қилувчилар» ва бошқа ҳоказо

ташкилотлар булиб, ота оналарингиз, ҳатто Сизнинг ўзярингиз ҳам йил сайин уларга ҳадя — садака берниб келаётисиз.

Эндиғи кунда етим болалар, кимсасиз кексалар, Афғонистон қурбон ва ногиронлари, Орол, Чернобиль, Арманистон ва Тожикистон зилзиласи жафокашлари учун ва шунга ўхшаш турли-туман бошқа жамиятлар жамғармалари ташкил қилиндики, (уларнинг рўйхати кун сайин узайиб бормоқда) мана шуларга хайрия ишлари, садака қилиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, моддий ёрдам суралмоқда.

Бугун, мустақиллигининг иккинчи йилида Мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларининг барчасида бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг оғир синовларини бошдан кечирмоқдамиз. Янги жамият қуриш ҳамма замонларда ҳам осон кечмаган. Бу йулда дини, тили, урф-одатлар бир бўлган қавм-қариндош давлатлар Ўзбекистон ҳалкига моддий, маънавий жиҳатдан кўмак беришга интилмоқдалар.

Хайр-эҳсон қилишнинг, садака беришнинг асосий қонуни шундан иборат: бор йўкка, бой камбагалга, ўзиға тўқ бечораҳолга ёрдам қўлини чўзсин!

Ҳалқимизда «Яхши тушга ҳам садака, ёмон тушга ҳам садака» деган киноявий бир макол бор. Хайр-садаканинг асл моҳиятига етмай туриб, «берсам бўлди-да», қабилида иш тутиш яхши эмас.

Хозир собиқ СССР худудида 4—5 миллион дайдилар, ўғрилар, бузукилар, безорилар бетиним уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа катнашиб, бир илож қилиб кун кўриш харакатида бўлмоқдалар. Бу норасо жамиятнинг маҳсули, ноодил жамиятнинг чиқити. Уларнинг аҳволини ҳеч қачон хайр-садакалар билан тұғрилаб бўлмайди. Шунинг учун буюк жаҳонгир Амир Темур бундайлардан жамиятни мажбурий равишда бўлса ҳам тозалашни амр этганди.

Бу ҳакда Сиз «Темур тузуклари»да үқишиңгиз мүмкін  
Шу боис, тасодифий кимсаларга хайр-садака қылсанғиз,  
у Сизнинг ўзингизни талаши мүмкін.

Дарвишлар, каландарлар үтмиш замонларда маълум  
маънода халқ орасыда маърифат тарқатувчилар булиш-  
ган. Ҳақиқий бу йўлга кирган кишилар айтар сўзларини  
айтишиб, кўпинча хайр-садакага қайрилиб ҳам қарама-  
гаплар.

Уйимизга бир куни бир гадо келди. Худо номидан  
нималарнидир айтиб тиланди. Мен иккита ион`олиб чи-  
киб унга тутқаздим.

— Нои керакмас, — деди гадо ковогини уюб.

— Нима берай? — иондан юз ўгирадиган гадони энди  
куришим эди.

— Пул, — деди у.

Мен уни ҳайдаб юбордим.

#### МУАББИРЛИК

Ғайритабиий ҳодисалар, сехгарлик, жоду, хаёлий во-  
қеа-ҳодисалар бир қарасангиз қўрқинчли, бир қарасангиз  
жуда-жуда кизиқарли туюлади. Ажинаю алвости,  
учар гиламу қайнар хумчалар, ур тўқмоғу сехрли таёқча,  
қалпокча, очилдастурхонлар, учар ликобчалар, ўзга сай-  
ёрайлик одамлар ҳакидаги турфа гаплар кимларни ҳай-  
ратга солмаган дейсиз?

Оға-боболаримиз қадим замонлардан муаббирликни,  
яъни каромату башорат қилиш, фол очиш, таъбир кў-  
ришини одат қилиб, шунга ишониб келганлар. Ўз ҳаёт  
тарзларини шунга мос равишда юритганлар. Муаббирлик  
донишманд кишиларнинг мароқли машғулоти бўлиб, улар  
подшолар, хонлар саройида, халқ орасыда алоҳида эъти-  
борга эга булганлар. Кимки бирор тумани туш курса,

шу тушнинг таъбирини таъбирчи донишмандга келиб ёчдирган. Таъбирчи тушда курилган парса, ҳодиса, жонжонивор, күёш, ой, булут, ёмғир, сув ҳаракатларни шарҳлаб, изохлаб, кўрилган тушнинг кайси ой, кайси йилинг қандай кунида рўй берганига, кишининг жинс, ёш, мучали ва мижозига қараб, бу туш таъбирини айтиб берганлар.

Муаббирлик табнат қонуниятларини яхши билган одам руҳиятини чуқур таҳдил қилиш асосида яхшилик ёки ёмонликка йўйилган. Кишилар орасидаги алоҳида қобилият, истеъдод эгалари одамлар тақдири-аъмолидаги ўзгаришларни олдиндан айтиб берганлар. Тушни йўйиш санъатини қатта ҳаётий тажриба ердамида мукаммал эгаллаганлар. Ўзбек шоир Абдулла Орипов бу ҳақда шундай ёзади:

Дунёда фолбинлар кўп  
Ветайин қасби кори.  
Битта сариқ чақа деб  
Ла...ми пойлар мудом.  
Дунеда фолбинлар кўп,  
Гарчи зардан ўжқ зори.  
Ва лекин бошқаларнинг  
Қисматидан очар ром.  
Қачондир қай бир палид  
Дунё бехабар кимса  
Инсон шаклида юрган  
Бесавод, сўқир, жонзод.  
Фол очиб одамзөдни  
Огоҳ этиб, демиш, ҳа,  
Тўрт минг йил муддат ўтса,  
Ўзбек қиқарар савод...

Бизнинг ўзбек халки тарихида Шарқ таъбирномасига суюнган ҳолда маҳсус таъбирнома китоблари ёзилган. Уларда кўпчилик учун умумий бўлган тушларнинг таъбири тасниф қилиниб, бу санъат услубчилиги ёритиб

берилган. Туш таъбирчилигига қүёш, ой, оқ от, сут, күклам, парвоз кабилар ижобий баҳоланиб, яхшилик, баҳт, саодат, омад рамзи сифатида йўйилган. Булат, ғушт, тиш, нарвон, зулмат, жарлик-чукурлик кабилар таъбирчиликда салбий баҳоланиб, хосиятсиз белгилар саналган. Тушга булар билан боғлик ҳодисалар кирадиган бўлса, баҳтсизлик, йўқотиш, омадсизлик келтириши каромат қилинган. Ёмон туш курган киши босинқираф уйгонаркан, бу тушининг юки босишидан ирим қилиб ҳеч кимга айтмаган. Тонг отгандан кейин сув ёқасига бориб, биринчи бор сувга айтган. Бу билан тушдаги ёмон ҳодиса-вокеалар сув билан оқиб кетиши кўзда тутилган. Шундан халқимиз орасида «тушингни сувга айт» деган ибора колган.

XI асрда яратилган туркий халклар Ирқ битигига туш куриш ва унинг таъбирини йўйиб бериш кўрсатилади. Асарда туркий халклар ҳаётининг барча томонлари — маданий-маший турмуши, одамларнинг ӯзаро ахлоқий муносабатлари ўз аксини топган. Ирқ битиги бу туш таъбирномасидир. Ушбу улкан маданий-маърифий ёзма ёдгорликдан айрим мисоллар келтираман:

«Мен Осмон ўғли  
Кундуз ва кечқурун  
Олтин тахтда үлтириб,  
Шодланяпман», дейишди.  
Билиб қўйине:— Бу яхши.

«Айиқ билан тўнгиз  
Довон устида тўқнашибди,  
Айиқнинг қорни ёрилибди,  
Тўнгизнинг озиқ тиши  
Синибди», дейишди  
Билиб қўйинг:— Бу ёмон.

Мен эснаётган Йұлбарсман,  
Бошим қамиш оралигида,  
Мен шұндаій ботирман,  
Шижоатлиман», дейишди.  
Билиб құйинг: — Бу яхши.

«Катта уй ёнди,  
Унинг тубигача ҳеч нарса қолмади,  
Деворларигача қолмади», дейишди.  
Билиб құйинг: — Бу ёмон.

«Иигит овға борди,  
Тогда ииқилди.  
«Эрк — худода», дейдилар.  
Билиб құйинг: Бу — даҳшат!

«Тонг ота бошлади,  
Сұнг унинг изидан ер ёришиди,  
Сұнг қүёш чиқди,  
Хамма ер ёруг бұлды», дейишди.  
Билиб құйинг: Бу — яхши.

«Отни нотұғри түшовлашди,  
Юришга мажоли әйк», дейишди,  
Билиб құйинг: Бу — ёмон.

«Камбагал кишининг ұгли  
Даромад иигишга борди.  
Йули очилиб,  
Хұрсанәд ва шодон қайтмоқда», дейишди,  
Билиб құйинг: Бу — яхши.

«Күлранг бұлут құзгалди,  
Халқ узра ёмғир құйди,  
Қора бұлут құзгалди,  
Ер узра ёмғир құйди,  
Тарик пишиди.  
Яшил майсалар күкарди.  
Хайвонларга, одамларга  
Жуда яхши бұлди», дейишди,  
Билиб құйинг: Бу — яхши!

Тушларнинг таъбири йўйилишида туш эгасининг саломатлиги, туш кўрган вақти ва ҳолати хисобга олинган. Ёш, жинс, фасл ҳам муаббирликда муайян роль ўйнаган.

Қадимда фолчиларнинг ноёб истеъоди ҳам кишилар турмуш йўлларида аскотган. Шунинг учун фолчилар алоҳида қобилият эгалари сифатида ҳалқ ўртасида машхур бўлганлар. Хотин-кизлар орасида фолчилар эркаклар давраларида бўлганидан кўпроқни ташкил этган. Улар ромчилар ҳам деб аталиб, сувга, тузга, кулга, кўз ва юзга, даф-доирага, кафт чизикларига қараб фол очганлар, ром қилганлар.

Бедарак йўқолган одам, бола-бакра, мол-холнинг қаердалиги, тирик-ўликлigi, қандай вазиятда эканлиги хаёлот кўзгусида акс эттирилиб, тахминан ёки аниктаник айтиб берилган. Фолчилар ҳам уруғ суриб, сулола бўлиб, ота-боболари касби корларини ўзлаштириб қолиб, авлодлар оша давом эттирсанлар. Фолчилик кушночлик, кинначилик, кўчириқ қилиш одатлари билан биргаликда амалга оширилган.

Одатда фолбин хотинлар кинна солиш, кушночлик қилиш, кўчириқ ўтказиш, беморни чиллахонага солиш одатларини ҳам яхши ижро этишган. Шунинг учун ҳам муайян бир кишлоқдаги фолчи-ромчи бу хунарларидан ташкари турили иримларни амалга ошириш: иситиш, со-вутиш, ром қилиш, дам солиш, эзиб ички, тумор қилиш кудратига ҳам эга бўлганлар. Эркаклар орасидаги айрим азайимхонлар кувваи ҳофизаси ва нафасининг ўткирлиги билан одамни ҳайратда колдирадиган афсонавий ишларни амалга оширганлар. Дам солиб, кур кўзни очишган, кар қулоқни ишга солган, ёмғир-кор ёғдириб, ўтни ўчиришган. Бундай кишилар ҳакидаги ҳикояларни Сиз ҳам ўқиган-эшигтансиз.

Бизнинг замонамизга келиб, фолчилик эскилик сарқи-

ти, бидъат, кўзбўямачилик каби ёрлик ва тамғалардан халос қилиниб, давр хизматига жалб этилди. Ҳозирда чет элларда бўлгани каби фавқулодда қобилият эгаси бўлган бундай кишилар (экстрасенслар) ички ишлар хизмати ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Кўпгина жиноят ва ғаразли тўдаларнинг фош қилинишида фолчиларнинг ёрдами тегмокда.

Кароматчилар жамият, табиат, шахслар ҳаётида буладиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан билиб, илоҳий кудрат билан одамларни огохлантирувчи кишилардир. Кароматчи Вангонинг шуҳрати шу кунларда бутун жаҳонни тутди. Бу тугма кузи ожиз кампир нафакат тирик одамларнинг келажак такдирларини кўра олади, балки аллақачонлар улиб кетган одамлар, уларнинг авлод-аждодлари билан сухбатлаша, дардлаша олади. Марҳумлар орзу-ниятларини, тилакларини, кимдан рози-норозиликларини уларнинг вакили бўлиб, тириклар дунёсига етказа олади. Ванго одамларнинг арвоҳлари биланги-намас, сигир-бузок, қўйу кузи, кучугу мушукларнинг тириги билан ҳам, улигининг арвоҳи билан ҳам тиллаша, мулоқот қила олади. Бундай ноёб истеъодди хотинлардан бири илоҳий қобилият эгаси бўлган Жуна ҳам бутун дунё бўйлаб шуҳрат қозонди.

Ҳозирги кунда таъбирчи, кароматчилар қадимдан мавжуд ақидаларга кўра кишининг туғилган йили, мучали ойи ва санасига қараб, унинг феъл-атворида, такдир аъмолида ҳар бир йил, ой, кунда содир булиши, руй бериши мумкин бўлган ҳодисаларни каромат қилишяпти. Замонавий кароматчилар қайси мучалдаги одам қайси ой ва кунларда қандай фавқулодда ҳолатларни бошидан кечириши мумкинлигини олдиндан айтиб, башорат килиб бериш кудратига эгадирлар. Бу билан инсоният турли фалокат ва касофатлардан оғоҳ қилинади. Бунга

карии чора-тадбирлар кўрнилишига эришилди. Ҳозирги кунда кароматчилар мучалингизу тугилган ойингизга қараб сиз сигинишингиз лозим бўлган ҳамрохингиз, сизни бало-қазолардан асровчи муайян тош, унинг ранг-рўйи белгиларини айтиб беришади. Сизнинг руҳингиз а эш бўлган бу тош Сизга бир умр содик ҳамроҳлик вазифасини бажаради. Бундай йўл-йўрүк шу кунларда ҳар бир йил ва ой бошида оммавий ахборот воситасирида ҳам ёритиб борилмоқда. Одамларга фойдали маслаҳат сифатида халққа етказилмоқда.

Илгари Шўро ҳокимиётининг 70 йилдан ортиқ даври давомида таъбир, фолчилик, каромат, башоратчилик бидъат, хурофот, диний, ғайриилемий, ҳокимиятга қарши ташвиқот саналиб, каттиқ тазийик остига олинган, бундай кобилиятга эга бўлган кишилар халқ оммасидан яширилиб, сир тутиб келинган бўлса, Сизнинг даврингизга келиб, мустакиллик, демократия сиёсати шарофати билан бу ноёб хусусиятли шахслар рагбатлантирилмоқда. Юкорида айтганимиздек, улар учун зарур шарт-шаронитлар яратилиб, ҳукумат доираларида, фан соҳасида улардан амалда фойдаланилмоқда. Экстрасенслар ҳам ўз навбатида тибиёт, руҳият, ижтимоёт ва табиат ҳодисалари соҳасида халқ ва давлатимизга ёрдамлари тегмоқда.

Сизларнинг орангизда ҳам бундай истеъдод эгалари борлиги шубҳасиз. Ота-боболаримиз, «одамнинг истеъдодсизи бўлмайди», дейишади. Еруғ дунёга келган ҳар бир инсоннинг бир соҳага жуда ўткир кобилияти, катта истеъоди, албатта мавжуд булар экан. Кўпинча биз ўз кувван ҳофизамиз, руҳий кудратимиз, иродиа кучимиз даражасини билмай юрамиз. Баъзи одамлар бутун умр давомида худо берган ўз истеъдод йуналишларига түғри келмайдиган касблар билан шуғулланиб, ўзларини ўзлари танимай, ўз қобилиятларини рӯёбга чиқаролмай,

дунёдан ўтиб кетадилар. Ўз қалбингизга қулок солиб кўринг-чи, зора Сизда ҳам яшириниб ётган таъбирчи, фолчи, кароматчи-башоратчи, экстрасенслик қобилиятлари иш кўрсатиб колса. Ноумид шайтон дейдилар...

## ИБОДАТ

Инсон дунёга келиб, ақлини таниб, хаёт кечиравр экан, албатта, бирор гояга ишониб, сигиниб яшайди. Ишонч, эътиқод, имон ва улугвор орзуларсиз одам зотининг хаёт кечириши маъносиз, қийин. Ҳар бир ҳалқ, миллат ва элатининг у буюк ё ушок булишидан қатъи назар, ўз лини, сигиниб ибодат қилувчи, топи-нувчи азиз-авлиёлари, улуг қадамжолари бор.

Бизу Сизнинг ота-боболаримиз қадим замонлар тириклик манбани Қўёш, Осмон, Ер, Сувга тоинищган, Оловни тавоғ қилишган.

Бир замонлар одамлар бутга ҳам сигинишиб, уига ибодат қилишган. Эсингизда бўлса, оташюрак шоир М.Ю. Лермонтовнинг бу ҳакда ҳазин туйгуларга тўла бир шеъри бор:

Ажралишидик, лекин аксингни бирдай  
Сақлаб келмоқдаман сийнамда ҳамон.  
Гўё яхши кунлар хотирасидаӣ  
Дилга багишлайди шадлик армугон.

Унуга олмадим аксингни мангу.  
Ўзга эҳтиросга бўлса ҳам ошно..  
Ташландик бўлса ҳам — бутхонадир у,  
Инкор этилган бут — барибир худо.

Ислом дини жорий этилганидан кейин аввало Оллоҳ таолога сигиниб, сажда қилишган. Мухаммад пайгамбар, чорёллар, Ином Ҳасан, Ином Ҳусанлар ҳакларига атаб дуою фотиҳа ўкишган.

Мусулмонларда мачитлар оммавий ибодатхона — худога сажда қилиш масканлари хисобланган. Қуръони карим маънавийтнинг энг буюк даҳо асари сифатида кўзларга суртилган. Буюк зотлар зиёратгоҳлари ҳам эътиқод ва ихлос қадамжоси, улуғ даргоҳлари саналади.

Шўро ҳокимияти йилларида Ленин, Сталин, Коммунистик партия умумлашган образ ва сиймолари сигиниш манбаига айланиб кетди. Ота-боболар бу даҳолар ғоялари йўлида улар учун ўз ширин жонларигача қурбон қилишдан-да тийилмаганлар.

Христиан, яхудий, католик динларида черков, собор, кастеллар маҳсус диний ибодатхоналар саналса, мусулмон ҳалкларида бу вазифани асосан мачитлар ўтаб келмоқда. Ундан ташқари, ҳар бир художўй оиласда ўтмишда маҳсус меҳробли ўй бўлиб, унинг тўрида Қуръони карим осиб қўйилган. Ўй эгалари, меҳмонлар намозни одатда мана шу хонада ўқишиган.

Мусулмончиликда рўза тутиш, хайр-садака беришдан ташқари ибодатнинг асосий шакли намоз ўкиш мисолида ижро этилган. Ислом динида беш вақт намоз жорий килинган бўлиб, бу эрталабки бомдод намози, тушда пешин намози, кун қайтгач аср, сунг шом, хуфтон намоз ибодатларидан иборатдир. Намозлар ҳар куни белгиланган соатларда ўкилиб, ижро килинган.

Намознинг йигирматадан ортиқ тури мавжуд бўлиб, масалан ҳайитларда ўқиладиган намоз билан жанозада ўқиладиган намознинг мазмуни, эътибори, ўрни ва шакли ўзгачадир. Намозда Қуръони каримнинг маҳсус оятлари белгиланган вақтда маълум дуоларни ўкиш, бу жараёнда намоз одати талаб қилган ибодат ҳаракатлари: тик туриш, рукуъ, сажда қилиш, тиз чўкиб, пешонани ерга теккизиш, ўнг ва чап томонга караб салом бериш,

утириш сингары хатти-харакатлари билан ижро этилади.

Намоз одатда, саранжом-саришта, ортиқча безак ва жиҳозлардан холи, тоза-озода, покиза, фариштали, меҳробли жойда, маҳсус жойнамозда ўқилади. Бироқ инсон ўз ҳаётида турли фасл ва даврларда ҳар ерда, турли ҳолатларда бўлиши мумкин. Дейлик, сафарда, хизматда, йўлда, бироннинг уйида, дала, чўл-саҳрова бўлишга тӯғри келади. Шундай пайтларда ҳам намоз албатта таҳорат олиниб, сунг ўқилади. Мабодо таҳоратга сув топилмай қоладиган бўлса, «сув ўриида таяммум» ақидасига риоя килиниб, кум ёки соғ тупрок билан таҳорат килинади. Тушашга жойнамоз топилмаса, қаребелбое, тўн, чопон, желак, чакмон устида намоз ўқилиши мумкин.

Намоз албатта қиблага қараб, яъни кун ботиш томонга ибодат билан ўқилади. Мусулмончиликда жума ва ҳайит кунларида албатта намозни жамоат билан бирга мачитда ўкиш фарз санаалган. Оғир касал-беморлар, хаста мўйсафид кексалар бундан мустасно. Аёллар намозни факат уйда ўқинади. Улар мачитга бормайдилар.

Намоз ўкиш одати йил ўн иккى ой барча тантанали маросимларда бирдай амалга оширилган. Беш вақт намоз фарз бўлиб, уни ижро этиш ҳар бир тирик жоннинг муқаддас бурчи, ҳисобланган.

Намоз, ибодат одатининг маънавий, руҳий, эътико-дий аҳамияти кўпчиликка маълум. Бу ихлос, худо йўлидаги беминнат хизмат бўлиб, ҳар бир инсонни тартибилилик, одамий ахлоқ, имон ва эътиқод — инсоғу адолатга чорлаб келган. Одамларни жамоа қилиб, бошини қўшган. Фоя сифатида ҳалқни бирлаштирган.

Намоз одатининг жисмоний жиҳатдан саломатликка фойдаси ҳам катта бўлган. Куннинг муайян соатларида маълум жисмоний ҳаракат билан шуғулланиш жараё-

нида киши жисму жони тарбия олган, чиникқан, камол топган.

Ибодат дегани бу жойнамоз устида шунчаки ётибтуришнинг ўзигина эмас. Буидай чогда киши маънан, руҳан юксалиб, унинг ўзи илоҳиётга яқинлашади. Муддао-мақсад ҳам шундан иборат. Насимийнинг, Машрабнинг «Анал Ҳак», яъни «Мен Худо» дейишлари бежиз эмас. Улар бунга тинимсиз ибодат оркали эришганлар. Илоҳиётдаги мавжуд сифатларни ўзларида кўришган.

*Нарса ўққи, хорижи одам эрур,  
Хар не истарсан, ўзингда жам эрур, —*

дейди Жалолиддин Румий.

Бирок табиат гултоғи бўлмиш инсон ўзида жамланган олам зарраларини тасодифий равишида кашф эта-вериши мумкин эмас. У ибодат чогида уз қалбининг энг теран қатламларига бока олиш имкониятига эга бўлади.

Ибодат инсон вужудини у яратилиши баробарида маскан эттан касратлар: худбинлик, тубанлик, разолатдан тозалай боради. Бора-бора у барча йўлларни босиб ўтиб, ҳакиқатга мушарраф бўлади.

Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Машраб... ва бошқа юзлаб буюк зотлар аслида ибодат түфайли ҳокдек пок, ҳакиқатга эришган табарук кишилардир.

### ҚАЗОИ МУАЛЛАҚ

Ўтди умр, водариг, деган экан тўқсондан ошиб юзга яқинлашган мўйсафид надомат билан. Ҳаёт ширин, ҳар қандай ёнда ҳам уни тарқ этгинг келмайди, аммо худо бир, ўлим барҳак.

Ўлим жуда катта, тантанавор, оммавий маросимдир. Марҳумларга ҳурмат-эҳтиром ўзбек халқининг қадимий одати-ақидасидир. Буни Сиз аждодларимизга мангу ҳайкалдай сақланиб қолган мовий гумбазларда куришингиз мумкин.

Туркистанда Қул Ҳожа Аҳмад Яссавий, Бухорода Исломил Сомоний, Чор-Бакр ва ҳазрат Баҳовуддин Накшбандий, Самаркандда Шоҳи Зинда ва Гури Амир, Хивада Паҳлавон Маҳмуд, Шаҳрисабзда Улуғбек Мирзо авлодлариға атаб курнилган мақбаралар бу маросимнинг асрий гувоҳлариdir.

Хаёт ширини, тириклик улуг бир неъмат. Инсон қайси ёшда бўлмасин, янги-янги орзу-ниятлар билан яшайди. Ўғил-қизимни уйлаб-жойласам дейди. Неварамнинг тўйини кўрсам деб ният қилади. Чевараси тугилгандага шугинанинг ҳам тўйинни кўриб ўлсан армоним йўқ эди, деб нидо қилади. Охир-оқибат қачондир бир кун, эскилар айтгандай, Азройил ёқаңгдан тутади. Қазои муаллак ҳак эканлигига имон келтирасан. Одам бу ёруғ дунёга устун бўлмайди.

Инсон муайян ёшда ёруғ дунё билан хайрлашиши табиний ҳодисадир. Ота-боболаримизнинг, «ота-она үлмок — мерос», деган фикри ҳак гап бўлиб, бу қадимий маросим билан боғлик бўлган жуда кўп урф-одатлар борки, уларнинг энг асосийларидан Сиз кейинги авлодлар ҳам яхши хабардор бўлишларингиз лозим.

Дейлик, кекса буви ёки бобо вакти-соати, қазоси етиб, вафот топди. Бундай пайтда барча динга мансуб халқларда булгани сингари биз мусулмон дунёси одамлари, ислом умматлари учун ҳам аввалдан асрлар оша амал қилиб келинган таомилга риоя қилинади. Марҳумнинг кўзи юмилади, обеклари жуфтланади, бошмалдоқлар боғланади. Махсус ювғич, мурдашуй ҳодим (аёлга аёл,

эркакка эркак) сүнгги йўл олдидан ўликии ювиб, абадий кийми — кафанга ўрайди.

Таомилга кура кафан (марҳум кийими) оқ пишиқ сурпдан булиб, бошдан-оёқ мурда шу сурига уралади. Эътибор берган бўлсангиз, Маккан Мукаррамага ҳажга борган ҳар бир мусулмон фарзанди ҳам у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо бир хил кийим кияди. Яъни чап елкадан ўнг биқинга торғилган «қўйлак», ҳамда лунги ўриидаги «иштон». Булар икки чорсу чойшабдан иборат мато. Худонинг кудрати билан ҳаж жараёнида жони жасадини тарк этса, жаннати, беҳишти бўлиб, ўз кафани ўзи билан кетади...

Ховлида хотин-халаж овоз чиқариб, аза очади. Вақтида хабар етган гўрков марҳум учун мангубий — қабр тайёрлайди. Мусулмон халкларининг ҳаммасида бўлганидек, узбекларнинг қабрлари ҳам икки «қават»дан иборат булиб, яъни гўр ва ёриб ўйилган ички лаҳаддан иборатдир. Ўлим маросимининг ҳам тириклар учун маҳсус кийиниш талаблари бор. Ўғиллар, ака-укалар, якин қарнидошлар тўн кийиб, бел bogлашади. Албатта бошга дўшпи кийилади. Ҳўл (тол, терак) новдадан ҳасса тутилади. Халқ орасида «ҳассакашлар» деган атама шундан пайдо бўлган. Бу ҳассалар марҳум қабрга қўйилиб, кўмилгач, унинг атрофларига суқилиб, экилади. Аслида, бу ҳаётда оқни қорадан фарқлаб яшаган инсонлар хеч қаҷон охиратни ёддан чиқармайдилар. «Мен далада ишлаб туриб жон беринши истардим», — дейди файласуф Монтењ. Гузал ва дилбар шоиримиз Миртемир эса қабри тепасига қора тол экишларини васият қилган экан. Дунёдаги ёлгиз ҳақиқат — тўғишин ва ўлимдир. Колган барча катта-кичик ҳақиқатлар шунинг атрофида кечади. Буюк козок оқнии «Насиҳатлар»нинг бирида улим ҳақида гапириб, сўзини бениҳоя таъсирчан тугатади. Келинг, шундан озгина қисмини Сизга уқиб берай:

«Жамики иисоп фарзанди бир-бирига дүстдир. Чунки, дунёда хаёт экансац, кавм-қариндошлигинг, усиб-унишинг, тук ва фаровоилигинг, оч-ялангочлигинг, қайғу-хасратинг, истикомат қилишинг, борди-келдинг, дунёга келишинг, тана бичиминг, ўлишинг, кора ерга киришинг, чиришинг, махшар куни сурок беришинг — ҳамма-ҳаммаси бирдай; икки дунёда ҳам бирдай уйнаб-куласан, бирдай қайғу-хасрат чекасан, рохати, азоби, уқубати, хавф-хатарини бирга тортасан. Бас, шундай экан, беш кунлик умринг борми-йўқми — бир-бирингга ганиматсан, куноксан ва бу дунёга омонат меҳмонсан! Нега энди шундок була туриб, бир-биринг билан арзимаган нарсалар Учун гижиллашасан? Бироннинг бод-рогига, мол-дунёсига кўз олайтирасан? Насибангни худодан тиламай, банданинг улушкидан олиб бер деганинг, ўзинг меҳнат қилмай, бироннинг насибасидан умид тутиб утирганинг лойиқми ўзингга? Ҳудо бирор учун бирорга жабр қиладими? Иккі оғиз ёзни эплаштириб ганира олмайдиган нодон, аклсиз, илмсиз була туриб, ҳаргиз: «Ҳудо урсин, агар, менини тугри!»— деб талашаверишдан нима фойда? Шу ҳам одамгарчиликми энди?»

Бу парчадан улим нисбий ҳодиса эканлигини, унинг ортида ҳаёт яширганлигини англаш қийин эмас.

Хотин-қизлар ёшларига яраша, ўлим маросимининг даврига караб кора, кўк, оқ кийнишади. Аёллар мозорга боришмайди. Марҳумни у эркак булсин, аёл бўлсин, сўнгги йўлга фақат эркаклар кузатиб, кўмиб келишади. Тобуткашлик одатига кўра ҳамма одам, ҳатто бегона йоловчилар ҳам марҳум тобутига бир елка теккизиб, икки томонидан камида етти қадамдан кўтариб бориши талаб қилинади. Ҳалқимизнинг катта кисми бу таомилни савоб деб билишади.

Марҳумни ерга қўйишдан олдин ё маҳалла, ё мозор

мачитида маҳсус домла-имом унга жаноза ўқийди. Жанозада «Куръон»дан ўлим билан бөглиқ суралар ўқилиб, сўнг ҳалққа амру маъруф, ахлоқ-одоб, диёнату инсофдан сўзланади. Жанозанинг ҳам ўз ўрин бор, албатта. Қадим замонларда душман билан жангда, Ватан озодлиги, мустакиллиги йўлида бевакт вафот этган, яъни шахид бўлганлар жиҳод одатига кура жанозаланмай, сўнгги йўлга кузатилган. Улар шундок ҳам жанинати, фидойи сифатида оллонинг даргоҳига ёргу юз билан боргаилар. Яна бир туркум ўлимларга ҳам жаноза ўқилмаганки, энди бу марҳумга имтиёз эмас, балки уни гуноҳкор саналганидан шундай қилинган. Ўзи ўз жонига қасд қилган: осган, ўт кўйган, томдан ташлаган, сувга чўккан ва бошқа усулда ўзини ўзи ўлдириган кишилар шундай, жаизасиз кумилган.

Марҳум қабрга қўйилиб, мозор билан бөглиқ барча маросимлар бажарилиб бўлингач, кайвони бир киши, маҳаллабоини, диний арбоб ва ҳоказо марҳумнинг исмини айтиб, «фалончи қандай одам эди?» деб жамоадан сўрайди. Албатта ҳалойик: «Яхши, жанинати одам эди», дея жавоб қилишади. Бу билан марҳумнинг абадийлик дунёсига кетгани, йўқлик ишораси билдирилади. Бу ҳам ўзига хос таомил. Ҳалқимизда шундан «Ўлган одам ҳақида ёмоц гапирилмайди» деган накл қолган.

Мозорда яна шундай одат ҳам бор: бир киши марҳум қабридан ўйилган тупрокдан этагига солиб, ҳаммага бир ҳовучдан тарқатади, сунг лаҳад чим билан ёпилиб, устига тупроқ тортишдан олдин бу тупроқ қабрга ташланади. Бу ишни айнан шу тупроқ тарқатган одамнинг ўзи уни тагин йиғиб олиб, келтириб ташлаши ҳам мумкин. Бу ҳамма баравар савоб иш — марҳумни кумишга (кетмон-белда тупроқ ташлаш) ёшига, саломат-

лигининг аҳволига ва бошқа сабабларга кўра бу ишга хисса қўшолмай қолмаслиги учун шундай қилинади.

Ўлим ҳамиша оғир айрилик, кариндош-уруглар, ёру дўстлар учун туганмас қайғудир.

Халқимизда «Уйингдан ковушдек бўлса ҳам ўлим чиқмасин» деган мақол бор. Бир киши шу мақолнинг маънисини тушунтираётib, шундай деганди: «Уч кунлик болам ўлди, денг. Дўхтироҳонадан йиглаб кўтариб кетдим. Қабристонга бориб узим кабр қаздим. Ишонасизми-йўқми, майитни лаҳадга қўяётганимда у сиғмади. Қайтадан кенгрок килиб қазишга мажбур бўлдим».

«Ҳамманинг бошида ўлим бор» дегай бошқа гап ҳам бор. Шу сабабли, доимо уни эсадан чикармай яшаган инсонларгини эзгуликлар қилишга кодирдирлар.

Йиртиш тарқатиш одати ҳам мозорда амалга оширилади. Марҳум табаррук ёшга кирган, ёшини яшаб, ошини ошаган кекса киши бўлса, у одам ният қилиб саклаб қўйган матосини савоб учун йиртишга тарқатилади. Мато сурп, сатин, шохи бўлиши мумкин. Ҳозир бунинг үрнига дастрўмол тарқатиш одат бўлган. Қадимда узига етар чол-кампирлар, савоб бўлсин учун худо уз даргоҳига чин дунёга қабул қилганида, тобуткашлик қилиб борган невараларнига атаб ўша йиртишига бир сўлкавойдан олтин, кумуш пул ҳам саклаб қўйган. Ҳақикатан ҳам, бу одам дунёдан ўтгач, васиятига кура ўлимликлари орасида маҳсус сакланган ўша пуллар ҳар бир кишига берилган йиртиш-матога туғиб, ҳадя қилинган. Ҳозирда баъзи вилоятларимизда бизнинг кунларимизда бу одат сунистъемол қилиниб, йиртишга рўмолча, унга 10 сумдан 100 сўмгача пул туғиб тарқатиш одат тусини олиб кетди. Гуё баъзи бойвачча фарзандлар бу билан ота-онала-рига ҳурмат билдирамокчи бўлишяпти. Шу тақлид мозорларда минг сўмдан беш-ўн минг сўмгача пул тарқа-

тилиб, бу имон-инсоф, олний инсоний хулққа асесланган үлим маросимлари сохта обру, мартаба, ким ошди савдосига айлантириб юборилмокда. Бу албатта энг мукаддас түйгуларимизга хақоратдан иборат бўлган гуноҳ ишдир

Мархум билан боялик олди-бердилар, қарздорлик бўлса, унинг тұловини биш фарзанд (үғил) үз зыммасынга олади. Ё қариндош-уруглардан энг якни шундай қиласы. Уч кунгача үлк чиккан уйдан одам аримайди. Үғиллар бояги кийим-боңда фотихага, мархум хурмати учун келганиларин кутый, кузатиб туришади. Шу кунлари худди түйда бўлганидек, мархумининг кийим-бошлари айвоинга илениб, сепи ёйилиб туради. Бу одат ҳам мархумини аник эслатиш, рухини ёд килишининг курсатмали усулидир. Бу кунлар давомида үлк чиккан уйда овқат пиширилмайди, ис чикарилмайди. Қуни-қушнилар, якни қариндош-уруглар бу Вазифани үз зыммаларига оладилар. Маросим иштирокчилари үлк эгаларини иссанк томок билан таъминилаб турадилар.

Биз ўзбекларда мархумин ёд килишининг бир неча оммавий маросимлари мавжуд. Улар мархум вафотинин уч, етти, йигирма, қирқ, йили билан боялик тадбирлардир. Одатда, йигирма ва йилда элга ош берилиб, мархум ёди эсга олинади. Айрим вилоятларда қирқ куни ош бериш одати бор. Мусулмон одатига кура ўзбеклар пайшанба ва якшанба (бозор) кунлари шундок ҳам ис чикариб, куръон тушириб, ош-сув килишгани туфайли ҳам үлк чиккан уйда бу кунлари арвоҳ ёди уғун пайшанбалик ва якшанбалик ўтказилади. Дастурхонга суюқ-куюқ овқатлар тортилиб, талқон ва халвойтарлар кўйилади. Қариндош-уруг, дуст-биродар, угил-қизлар жамулжам булишади.

Бундай маросимлар то бир йилгача гули, токи, ҳайнити ва ҳоказолар тарзида мархум ёди хотирига ҳар бир

янги чиккан мева-чева, сабзавот номи билан худди тириклик пайтидаги ризк-рўзи сифатида нишонланиб борилади. Йил маросими ўтказилгач, у ҳам ҳар хил муддатда, бола-чақасининг микдорига караб, 7, 9, 11 ойда ўтказилади, факат мархумнинг туғилган ҳамда улган кунлари энг якин оила аъзолари: ёстиқдоши, бола-чакалари томонидан ўтказилиб, ёд қилиниб турилади.

Хозир одат бўлган таомилга кура ўғил-қизлар, қаришдоши-уруглар, бобо ё буни, ота-она вафот этган кунини ҳар йили биргаликда йигилишиб нишонлашади. Бу куни мозорга борилади. Қабр атрофлари тозаланади. Даражат ва гуллар буталиб, сугорилади. Бу одат хозир амалга кирган Хотира кунидан ҳам, айниқса, яхши ижро этилмоқда.

Якинда Попнинг Мунҷоктепасидаи топилган қадимги аждодларимизнинг бундан 1500 йил илгариги кабрлари очилди. Мархумлар маҳсус тўкилган сават-кажавасифат кути-тобутларға солиб кўмилган экайлар. Бу кутылар орадан шунча асрлар ўтса ҳамки хозиргача оҳори билан сақланиб қолибди. Демак, ўзбек ҳалки жуда қадим замонлардан бўён мархумлар ёдига ҳурмат-иззатда булиб келганилигига бу ҳам бир ашёвий далилдир.

Ҳалқимиизда «Охир бахайр бўлсин» деган жуда оқилона гап бор. Ўлим маросимида мархумнинг хаёти мобайнинда қылган яхши ишлари эсланади, ёмон ишлари одатда айтилмаса-да, ҳархолда кўнгилдан ўтказилади.

Туркий ҳалклардаги мархумни жуда катта обру-эътибор билан кўмиш расм-русумларининг улуғлиги ҳақида давримизнинг улкан ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғуллик кун» романида жуда ибратли эпизодлар бор.

Ҳаёт инсонга эзгуликлар қилиш учун берилган бир имкониятдир. Ўлим вужудни олиб кетса-да, рух яшай-

веради, яхши ишлар қолади. Ҳаёти давомида ҳеч нарса қилмай, ўзи билан ўзи үралашиб юрганлар ҳақида улур-қозоқ оқини Абайниң шундай шеъри бор:

Ешилик ўтди, билдингми?  
Иигитликка келдингми?  
Иигитлик ўтди, күрдингми?  
Кексаликка құндингми?

Ким билади, шумтака,  
Не гуноұлар қылғансан!  
Не қылмишлар билғансан,  
Қай құчага кирғансан,  
Не аўлардан юргансан?

Ким билади, шумтака,  
Гүгал бадбаҳт бўларсан.  
Оғилда ғлган тұядай,  
Сен ҳам ҳаром ұларсан.

Ўткинчи умр, охират, қазои муаллақ, қабр ва ўлим маросими тўғрисида атоқли туркман шоирни Махтумкули Дурди шоир билан «Савол-жавоб»ида эса шундай ёзади:

Махтумқули:

— У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?  
У нимадир, қаноти бор, қони йўқ?  
У нимадир, одам ютар, жони йўқ?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У кафандир, ёқаси бор, ёни йўқ.  
Қапалакдир, қаноти бор, қони йўқ.  
Қаро ердир, одам ютар, жони йўқ.  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу.

Махтумқули:

— У нимадир, дарвозасиз қалъадир?  
У нимадир, деразасиз бинодир?  
У нимадир, бир-биридан аълодир?  
Шоир бўлсанг шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У кўнгилдир, дарвозасиз қалъадир.

У қабрдир, деразасиз бинодир.  
У ой-кундир, бир-биридан ағлодир.  
Биздан салом бұлсан, жавобимиз шу.

Махтумқұли:

— У нимадир, емадилар, түйдилар?  
У нимадир, улуғ кунга құйдилар?  
Ул ким зди, товонидан сүйдилар?  
Шоир бұлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У дийдордир, емадилар, түйдилар.  
У намоздир, қиёматга құйдилар.  
Насимиини товонидан сүйдилар,  
Биздан салом бұлсан, жавобимиз шу!..



## «ХОТИРА — ҚЎКСИМДА МАНГУ ЧЕКСИЗЛИҚ!..»

Китобнинг охирги варагини ўқиб булиб сескингина ёпдингиз. Бир лаҳза ўзингиз билан колдингиз. Ҳаёл сўмоклари сизни ўйлар домига бошлаб кетди.

Мехр билан тебратилаётган бешик. Неки бор сифатлардан тўкилаётган алла. Чехрасида ширингина кулги нурланаётган жажижина бола...

Болалигингизда, ўзингиз кўрган, билган ўйинларингиз, шоҳиди бўлган одатларингиз, иштирок этган расм-русларингиз яна бир карра ёдинигизга тушади. Эсингизга келади. Хотирангиз кўзгусида суратланади. Фикрингиз катламларини кўзғатади. Назаримда, Махмуд Сатторнинг «Ўзбек удумлари» китобининг биринчи ибрати шунда.

Кейин, бу удумларнинг инсон маънавиятига, унинг тасаввур оламига, борликни қабул қилиш, рад этиш, айглаш, тушуниш курбатини пайдо этиш йўсенинга курсатган таъсирини ўйлайсиз. Қалбингизда унутнилаётган ҳайратлар, фазилатлар, умидлар уйгона бошлайди. Кўнглингиз кўтарилади. Назаримда, бу — китобнинг яна бир ибрат томони.

Кейин, бу хислар жамликада руҳингиздан ташкарига чиқиб халқнинг қадри, уни белгиловчи берк томирлар, гуур киммати, орият туйгулари билан бирлашиди. Ўзлик даражасида кенгая боради. Бу — назаримда, китоб ахамиятининг учинчи томони.

Инсоннинг илк тасаввури, атрофга нисбатан караши, кузатувлари каторида расм-руслар хусусан болаликдаги ҳайратлари мисолида ҳам таркиб топади. Инсоннинг сўнгги тасаввури ҳам урфлар тарзида ниҳояланади. Инсон умри, аслида, ўйл ва хотирадан иборат.

«Ўзбек удумлари» китобида шарҳ этилган турфа хил урфларда, расм-русларда, одатларда, ўйинларда этнография, тарих, жуғрофия, тил, адабиёт, мусика, дин сингари инсон руҳияти манзараларига тегишли кирралар бир-бирини тўлдириб, ковушиб кетади. Ҳаммаси яхлит ҳолда халқ маданиятининг бастини кўрсатади. Ҳар бир авлод халқининг маданий, маънавий идрокини руҳига сингдира

олсатина, уни ўзидан кейин келаётган бүгингларга етказиши йўлида ичкни бир ройиш сезади. Ўзи билмаса, кейингиларга ҳам раво кўрмаслиги аниқ. Бунинг натижасида ҳар қандай яхши расм-руслар ҳам аста-секин, куннинг кўпи билан эътибор топмай, қадрланмай, назардан четлашиб, йўколиб кетади. Улар йўқолиши баробарида, ҳалқнинг рухиятида қадимдац, оға-боболаридан мерос сифатида ҳаракат қилиб келган фазлу фазилатлар ҳам, хосу хусусиятлар ҳам унутилади. Бу оғир кўргулик.

Удумлар ҳар бир ҳалқнинг ижтимоний, иктиносий, маданий, синёсий, маънавий онг даражасидан ҳам дарак беради, белгилайди. Упинг идрок манзарасини яратади. Эътиқодини билдиради. Ҳалқнинг диёнатини кўрсатади. Эътиқодга ройиш билдириш, унга имон келтириш оқибати ҳайр-садака, худойи сингари русумларни майдонга келтирган. Демакки, қалбга меҳр-муруват, химмат, марҳамат, қайшиш, бир-бирига иззат-хурмат, эҳтиром ҳисларини солиши ҳам удумларимиз махсуси. Шу ўринда китобнинг «Яхниликлар бошин» деган булимидан бир қайд келтиришини лозим кўрдим. Маҳмуд Сағтор шундай ёзади: «Хурмат-иззат, эъзозлаш, азиз тутиш туйгуси нафакат тирик одамларга, балки дунёдан ўтган марҳумларга нисбатан, ҳатто жонжонивлорлар, инсоннинг ризқу наисбаси бўлган онга, илм-маърифат, маданият рамзи оқ когозга, тириклик ва ҳаёт манбаси сувга нисбатан ҳам кенг кўлланилган». Шарҳга ҳожат йўқ. Бундай маънавий юксаклик, бугунги маънавий инкизотга қиёсан ибрат тарзида келтирилади. Қалбнинг сокин исёни таҳлитида чукур бир ҳурсиник, уксиниш, беозор алам билан қайд этилади. Аслида ана шу сокинлик катида не-не йўқотишларга, не-не бесписандликларга, не-не ҳайронликларга каратилган шафқатсиз ишора...

Бирор бир ҳалқнинг қайсиdir даврини таҳлил этиш муроди тутгилганда, унинг замирини удумлардан кидирилса маъкул бўларди. Ўшанда ҳалқнинг яшаш йусинни, турмуш тарзи, қизикиш доираси, тафаккур шамойили, салоҳият шакли, автор ранглари, рухият имконлари яхлит қиёфада гавдёланади. Чунки удумлар умид ва хотира бағрида вояга етади. Ҳамиша рухият ташки курниши, кийниши, ён-атрофга муносабатни ҳосни қилади.

«Кийниш ҳар бир ҳалқнинг қадим замонлардан бўён яшаб келаётган минтақаси, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан ҳам чамбарнас бөглиқ бўлган». Китобнинг «Одамга либос» булимида келтирилган бу эътироф ҳак.

Удумларининг ривожи, ўсиши, унниши, борингки, вакт-соати қелиб унтутилиши сиёсий тузумининг уларга нисбатан муносабатини курсатиб, унинг шаклу шамойилини белгилайди.

Тонганида хурсанд бўлишини биладиган халкнина, йўкотганда кайгуришни ҳам билади. Кулгиси каттиқ халкнинг, йигиси ҳам каттиқ. Тўй қила оладиган халкнина, юракларни музлатиб садр ҳам тепа олади.

Халкни сиёсий зўравонликлар эмас, киличлар зарби эмас, наизалар захри эмас, факат гурурига таянган юксак маданиятигина кутаради. Шунинг учун ҳам, ўз кадрини билган маърифатли халклар, энг аввало, маънавиятига пойдевор бўлган расм-русларнига, урф-одатларнига, удумларига эътибор беради. Уларни авайлаб авлодлан-авлодга етказади, асрайди. Уларни кўз-кўз килиб фаҳрланади. Келинг, озгина бўлса-да биз ҳам ўрганийлик шу жихатларни.

Чекиниш! Имом Ибсони Бухорийнинг «Адаб дурдоналари» китобларида келтирилган саксон олтинчи хадис шуидай: «Дарро иби Озибдан ривоят килинди, у киши: мен Расулулоҳнинг имом Ҳасанинг елкаларига миндириб: «Эй раббим! Мен буни севаман, сен ҳам уни севгии!» — деб келаётганларини кўрган эдим, дедилар». Ниҳоя!

Изтироб қатига ботар изтироб,  
Чексизлик қаърига сингар чексизлик.  
Согинч — юрагимда мангу изтироб,  
Хотира — кўксимда мангу чексизлик!

Мен, Махмуд Сатторнинг «Ўзбек удумлари» китобини шушдай мурод билан ўжиб чиқдим

Икром ОТАМУРОД

## МУНЖАРИЖА

<b>Сўзбоши.</b>		3
<b>I.</b>	<b>БОЛАЛИК — БЕГУБОРЛИК.</b>	6
	Таваллуд. Бешик. Алла.	6
	Исму шариф.	10
	Уч карзининг бири	17
	Кулоктишлар	20
	Ўйинлар.	23
	Бойчечагим бойланди.	28
<b>II.</b>	<b>ЎСМИРЛИК — БАРКАМОЛЛИК.</b>	36
	Чиллак.	36
	Лапар ва дандарак.	40
	Чавгон.	42
	Купкари.	45
	Кураш.	50
	Ҳашар.	55
<b>III.</b>	<b>ИНСОНИЙЛИК — ҚАМОЛОТ.</b>	60
	Салом ва алик.	60
	Дастурхон. Таом. Фотиха.	64
	Мехмондорчилик.	69
	Яхшиликлар боши.	78
	Халқининг бағридек иссиқ.	84
	Одамга либос.	89
	Тақинчоқ — зийнат.	93
<b>IV.</b>	<b>БАЙРАМ. ТҮЙ-ТОМОША.</b>	96
	Наврӯз.	96
	Ҳайитлар.	101
	Совчилик.	106
	Қўнок.	110
	Тўй.	112
	Түёна.	118
	Гап-гаштак.	122
<b>V.</b>	<b>УМРГУЗАРОНЛИК.</b>	127
	Ургу. Шажара. Сулола.	127

Яиги ховли.	135
Корхат.	138
Томоша.	142
«Емгирларин ёғдиргин...».	145
Кулота.	149
Салла.	151
Бозор-учар.	153
<b>VI. ЭЪТИҚОД.</b>	
Касам. Онт.	158
Васият. Васиятиома.	158
Иримлар.	160
Карғишилар.	165
Яхши ният.	169
<b>УП. ОХИРАТ</b>	
Худойи.	183
Зиёрат.	183
Мушкулкушод. Бибисешанба. Мавлуд.	185
Хайр-садака.	188
Муаббирлик.	190
Ибодат.	197
Казон муаллак.	204
«Хотира-кўксимда мангу чексизлик!..» И. Отамурод..	207
	217

Махмуд Саттар

**Узбекские обряды  
(Молодому поколению нации)**

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

**Мұхтаррір Ю. Парнисеа**  
Мусаввирлар Г. Исомудамедов, Б. А. Хайбуллин  
**Баданы мұхтаррір Р. Кривошев**  
Текнұхаррір Л. Гюрина  
Мусахих М. Сайдова

ИБ №6291

Тершігі берилді 11.02.93. Бөлшеме рұжат этилди 28.06.93. Конс. бичими 70×108<sup>1</sup>/32.  
«Газета» көзөн Адабий гарнитура. Офсет босма Шартлы босма 9.80. Хисеб-нариесі  
т 8.7 50000 шуежа 600ртма.35. Невинноград пархда.

Ўзбекистон Республикаси ФЛ «Фия» наприести: 700047 Тошкент. Гоголь күчаси, 70.

Ўзбекистон Давлат матбугат күміктасы ҳузуридагы Тошкент китоб-  
журнал иннаб чыкаш фабрикасыда босилди.  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов күчаси, I.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЕТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБНИ БОСМАДАН  
ЧИҚАРДИ.

МИРВАЛИЕВ С. ЎЗБЕК АДИБЛАРИ. 240 бет.

Ўзбек миллый адабиёти ҳамиша истеъдодларга бой адабиёт бўлиб келган. Ҳар бир истеъдод эса ўзининг ижодий усули ва услуби, ўз овози ва ўз сози билан, тақрорланмас ва ўзига хослиги билан турфа гулларни эслатади. Таникли адабиётшунос олим, профессор Собир Мирвалиевнинг ушбу «Ўзбек адиллари» китоби ана шу истеъдод деб аталмиш турфа гуллардан ташкил топган маънавият гулдастаси деса бўлади. Уидан маънавий-маърифий баҳра олиш сиз азиз китобхонларга ҳавола.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.